

Шарқ юлдузи

Адабий-бадний, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Сирожиддин Саййид
Муҳаммад Али
Кенгесбой Каримов
Иқбол Мирзо
Қаҳрамон Қуронбоев
Минҳожиддин Мирзо
Сайфиддин Рафиддинов
Фармон Тошев
Исажон Султон

Хайриддин Султонов
Маҳмуд Тоир
Гулистон Матёкубова
Шерзод Ирзоев
Нурбой Жабборов
Кавсар Турдиева
Шухрат Маткарим
Адҳамбек Алимбеков
Нилуфар Йўлдошева

Бош муҳаррир – Сирожиддин Рауф

Бош муҳаррир ўринбосари – Азиз Саид

Масъул котиб – Дилором Муротова

Назм бўлими мудири – Икром Отамурод

Наср бўлими мудири – Саид Анвар

Адабиётшунослик бўлими мудири – Дилфуза Қўзиева



УШБУ СОНДА:

НАЪМ

Йўлдош ЭШБЕК

*СЕНГА СИФИНАСЛИК
БҲЮК СИЛАМДИР*



Энг яқин жигардай мадад бўлар у,
Энг яқин дўст каби ҳамдард бўлар у,
Энг қийин пайтларда онадай мушфик,
Боланинг меҳридай шафқат бўлар у.

У товуш – даъватинг, қудрат бахш этган,
Мен етиб келурман қайда бўлсам ҳам.
Сен чорлар экансан, демак, керакман,
Эй, Ватан – жигарим, онам ва болам!

ДРАМАТУРГИЯ

Тўра МИРЗО

УСМОН ШОИР – ОСМОН ШОИР



Людмила. Мен фақат бир йигитни тушларимда эркалар эдим.

Усмон. Ул бахтиёр ким? (Ҳазиллашиб.) Дездемона, рўмолча қани?

Людмила. Тингла, Шарқ Отеллоси, мен Лермонтовни суяман!

Усмон. У 103 йил аввал отилган-ку?!

Людмила. Мен Шарқ Лермонтовини севаман.

Усмон. Дездемона, рўмолча қани? Шарқ Лермонтови ким? Балки у Дон Жуандир? Уни ўлдираман!

Людмила. Шарқ Лермонтови кўркем йигит. Мен уни тўртта мучам билан севаман. У Лермонтовнинг “Демон”ини шундай гўзал таржима қилганки, агар Лермонтов тирилса, энди ўзбекчадан рус тилига “Иблис”ни чевирарди.

НАЪМ

Мухайё РУСТАМ қизи

СЕЗЯТМАН, СЕВГИДАЙ

КЕЛМОҚДА БАҲОР



Мен ой каби юввошми?
Ё шамолдай бебошми?
Ё саратон сархуш – мен,
Ё ялдойи беҳуш – мен.
Ё куз менга ошиқдир,
Ё кўклам – хур қўшиқдир,
Ё мовий кўк – анбарим,
Ё чаман – гулчамбарим.
Ё шом соҳир маҳрамми?
Ё тонг маним чехрамми?

МАНЛААЙДАҒИ ЁЗИҚ

“Мен билан қолсанг нима бўлади?”

– Кетдим, Маҳкам ака. Индинга яна келаман. Ҳа, иккита қоронғи бўлиб иккита ёруғ бўлганда, икки марта ётиб тургандан кейин пешинда, қуёш тиккага келганда келаман, майлими?

“Кел, кел. Келмасанг, мана бу ерим оғрийди. Касал бўлиб қоламан. Ўлиб қоламан”.

– Одамлар кўриб қолмаса бўлди.

“Дўнгламанинг ёни билан юрсанг, кўришмайди”.

Юлдуз масрур ва мағрур эди. Тоза юрагини яна тозартган севги ҳароратидан, тотидан сархуш, кўзлари сузилиб-сузилиб, қадам сайин гўзаллашиб борарди гўё. Сои устидан ўтганда ўзининг аксига қараб, хира кўрса ҳам жилмайиб ўтарди, ҳар галгидек.



Ҳулкар ТУРДИЕВА

АДАБИЁТ ВА ШАХС

ФИДОИЙ ОЛИМ, БЕНАЗИР АДАБИЁТШУНОС

300 дан ортиқ публицистик, илмий, танқидий мақолалари, шеърят, назарий маълумотларга доир ишланмалари, таржималар, асарларга тақризлар, тарихий фактлар баёни, илмий монографиялар муаллифи бўлган Шерали Турдиевнинг ўтган асрнинг 20-йилларида буюк маърифатпарварларимиз саъй-ҳаракатлари, қўллаб-қувватлашлари билан зиё истаб Германияга кетган ватандошларимиз қисмати ҳақидаги “Улар Германияда ўқиган эдилар” китоби алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур китоб ўша йиллар ижтимоий-маданий ҳаётидаги улкан воқеа ҳақида бўлиб, унда Германия давлатига бориб, фан ва хўжаликнинг турли соҳаларида замонавий билимларга эга бўлиш ниятида илм олган ўзбек ёшларининг аянчли қисмати тарихий фактлар асосида талқин этилади.



Хурсанд АЛИ

НАСР

БҲРОН

Ўзи, қишлоқларда икки нарсга одамни машҳур қилиб юборади. Бири зўр улоқчи от бўлса, иккинчиси сиртлон ит. Қишлоқдагилар қиш пайти юмушлардан тинчиб, тўйларини бошлайди. Шунда овулнинг чеккасидаги улоқхона отга тўлиб кетар, узокдан қузатсанг, югурик қора қумурсқа далани босиб кетгандай. Қоп-қора тўда бир у томонга сурилиб борса, бир қарасанг бу томонга оқиб кетаётгандай, бетиним ҳайқириқлар, отларнинг қалта-қулга қишновлари араллашиб, гўё гувиллаб турарди. Ёзнинг чилласидан боғлаб боқилган отлар пойганинг завқидан типирчилаб, олдинги туёқлари билан ер депсиб, жойида туролмай гижингларди. Чавондознинг бакуват қўллари тортиб турган сувлиқни шақирлатиб чайнаб, ҳавога паға-паға буг кўтарилади. Оёқларини тик кўтариб силкитганча, хожасига қўйиб юбор деяётгандай самога қараб қишнайдди. Ҳамма ҳаяжонда. Лекин шунча отдан барибир биттасигина зўр чиқади-да. Ана шундай от эгасига шуҳрат кетидан шуҳрат олиб келади.





Исмоил ТЎЛАК

Интилган ошёним танҳо бағрингдир

* * *

Минбарларда туриб, демадим: “Халқим...”
Давраларда сармаст кермадим кўкрак.
Зотан, ғоз туришга бор эди ҳаққим,
Ўзимданда сени ўйлардим кўпроқ.

Мадҳ майдонида от сурмадим, йўқ.
Сўзни нишолдадай кўпиртирмадим.
Лекин бир нарсадан доим кўнглим тўқ,
Ташвиш чекканингда лоқайд турмадим.

Жимгина яшадим, жимгина севдим,
Жимгина бағрингга қўйгум бошимни.
Сендек буюк қалбни сал кечроқ сездим,
Қабул эт, онаюрт, ўтинч ёшимни.

* * *

Тунда қолиб кетдим олмазор боғда,
Тун бўйи олмалар билан сирлашдим.
Соғинч, табассумлар қотган дудоғда,
Ҳасратлар, ҳаваслар бирлашди.

Исмоил ТЎЛАК – (1947–2003). Филология фанлари доктори. Андижон давлат педагогика институтининг (ҳозирги АДУ) филология факультетини тамомлаган. Ижодкорнинг “Тўрғай”, “Кенгликлар”, “Яшил сабо”, “Муҳаббат шеваси”, “Соғинч доवони”, “Кўксимдаги ҳақиқат” номли китоблари нашр этилган.

Тунда қолиб кетдим олмазор боғда,
“Топ-топ” тўкилади нақш олма шохдан.
Оёғим остида ингранар доғда
Боғ эса тош қотган бу нола, “оҳ”дан.

Ой ҳам булут ичра ўзни олар жим,
Олма қисматига ачинмас сира.
Юлдуз кўзларидан ёш оқар сим-сим,
Қалблари увушар, дил тортар хира.

Тўкилгиси келар унинг ёнига,
Олгиси келади кучоқларига.
Нималар келдийкин ногоҳ ёдига,
Нолалар айланар дудоқларида.

Олмалар тўкилиб ётар ўтлоқда,
Кўзёшдек мусаффо,
Кўзёшдек шаффоф.
Ана, юлдуз ўзин кўкдан отмоқда,
Олма пойларини этгали тавоф.

Тунда қолиб кетдим олмазор боғда.

* * *

Йироқдан келар бир нидо,
Ҳислар ўзгартирар изини.
Шунда,
Ёзгинг келади аммо,
Сўзлар яширади ўзини.

Сўз ортидан, от қўясан жим,
Нозли қизга ўхшайди сўзлар.
Қанча юрагингни этмагин сим-сим,
Топилмайди у қочган излар.

Сўз васлига етганда охир,
Ўзгаради аввалги излар.
Энди қанча ёнма, ўртама бағир,
Олиб қочар ўзини ҳислар.

* * *

Эшик тикқиллайди, чопаман,
Кимса йўқ, бемажол ёпаман,
Бу не ҳол, алдовдан ёнаман,
Кимсан, бастинг кўрсат бемалол,
Ё сенми, шамол?

Ким жўнатди бемаҳал тунда,
Ишинг бўлса мендек маҳзунда,
Нега ташқарида турибсан унда,
Кир, чўкмайди дилимга малол,
Сен бўлсанг, шамол.

Алдамайман, кўнглинг бўлсин тўқ,
Ёлғонлардан сўзламасман, йўқ.
Ҳар каломим бугун мисли чўғ,
Сен уларни тингла, сур хаёл,
Дўст бўлсанг, шамол.

Қисмат юрагини элга очади,
Эли тингламаса ерга очади,
Ери тингламаса елга сочади,
Тақдиримга бағир бўлақол,
Эй, шамол, шамол.

* * *

Умр – дарё, оқади.
Ул дарёнинг бўйида,
Бир чол яшар ғарибваш,
Битта фарзанд ўйида.

Унинг дарди дарёнинг
Ўзанига сиғмайди.
Нега менинг кампирим
Битта ўғил туғмайди?

Умр – дарё, бу дарё
Оқизмайди сандиқни.
Бокқан сари мавжига
Оширади санчиқни.

Умр – дарё, оқади.
Ҳеч ортига боқмайди.
Гуноҳи не-не учун
Чол сандиғи оқмайди.

Тўлқинга кўз тикар чол,
Умидлари синмайди.
Менинг эса нечундир,
Кўнглимга қил сиғмайди.

* * *

Мендан нима керак,
Ол керагини,
Тешик ҳамёнингни сиққанча тўлдир.
Фақат қолдир
Хаста дил –
Юрагимни,
Қолгани сенгадир,
Истасанг сўлдир.

Шоирга не керак, ёруғ дунёда,
Эрк деб, оловларда қоврилган бир жон.
Тўсма кунни, маҳрум этма зиёдан.
Жимгина,
Жимгина бериб қўяр жон.

Оқиб келган эди дарёдай сокин,
Дарёдай шаркираб ўтади оқиб.
Сен ҳам ўтажаксан дунёдан, лекин
Дарё юрагига тошингни отиб.

* * *

Иссиққўлга отди қуёш ўзини
Ўт туташди кўм-кўк сувларга.
Тўлқинлар
Кўм-кўк сувларни эмас,
Ял-ял оловларни
Соҳилнинг кўксига отади гўё.
Балиқлар
Ва балиқларга айланмоқ орзусида
Сузган болалар:
Шодлана-шодлана,
Қийқира-қийқира
Алвон тўлқинларга урар кўксини.
Улар шодлигидан
Ҳайрон ва қарахт
Дарахтларнинг синган шохлари –

Бағрини қумларга тикканча,
Олиларга нигоҳ тикканча
Ётар ўксиниб.

* * *

Ўтиб юртнинг қанча бекатларидан,
Ис олиб қирларнинг кўкатларидан,
Завкланиб тонгларнинг эртақларидан,
Тутиб устозларнинг этақларидан.
Туркона лисонда сўзлаб чиққанман,
Қутлуғ манзилларни кўзлаб чиққанман.

Пана-паналарда турган эй ғаддор,
Фиску фасодингдан юрагим абгор,
Айтгил, ғайирликдан сенга не наф бор,
Карвонман. Ҳуришинг барибир бекор,
Ғаниммас, содиқ дўст излаб чиққанман,
Қутлуғ манзилларни кўзлаб чиққанман.

Қайтиш йўқ бу йўлда, фақат олға бос,
Бу гап боболардан ёлғиз бир мерос,
Тушмаскан қадамим қадамларга мос,
Менга бу йўллар берк,
Манзил беркдир,
Бас,
Супургимас,
Созни созлаб чиққанман,
Қутлуғ манзилларни кўзлаб чиққанман.

Дунёда тенгсиз куч,
Халқим,
Қаҳрингдир,
Топганим қаҳрингмас,
Меҳри баҳрингдир,
Қалбимнинг дармони:
Сўзинг-наҳрингдир,
Интилган ошёним,
Танҳо-бағрингдир,
Эзгу-ҳисларингни бўзлаб чиққанман,
Қутлуғ манзилларни кўзлаб чиққанман.

Паришон баҳор

Ҳикоя



Жўра ФОЗИЛ

Бу боғ ҳар йили баҳор келиши билан ердаги жаннат мақомини олар, кўпнинг ҳавасини келтириб, таърифига сўз топилмасди. Абдуваҳоб ота эса боғнинг яратилиш тарихи ҳақида мароқ билан ҳикоя қилар, бу бетакрор гўшани мақтагувчилар уни жон қулоқлари билан тинглашар, онда-сонда битта-яримта савол бериб қўйишарди.

Ота бу саволларга ҳеч эринмай жавоб қиларди.

Абдуваҳоб ота ўқитувчиликдан нафақага чиққач, шу боғни барпо этишга киришган ва яратганди.

Хуллас боғ ҳам ва унинг эндиликда саксонни қоралаган боғбони ҳам жуда ажойиб, кўклам келиб дарахтлар гул очганда эса, чолнинг невар-эвараси, қариндошуруғ, кўни-қўшни болалари билан тўлиб кетар, кичкинтойлар оппоқ гулга бурканган дов-дарахтларни завқланиб томоша қилишар, бу гуллар ифорида маст асалари-лар ғинғилашини эса, болақайларнинг завқли қий-чуви босиб кетарди. Боғбон бу тўполончиларга танбеҳ бермас, аксинча, уларга қўшилиб ўзи ҳам ҳузурланар, кичкинтойлар бақир-чакириғи, кулгисига тўла боғда кетмон уриб чарчамасди.

Ҳар баҳорда шундай бўларди.

Аммо... аммо икки йил бурунги кўкламда ундай бўлмади. Негадир боғ ҳам, баҳор ҳам куздек паришон, ҳар доим кўзни қувнатган ранглар туссиз, сўниқ эди. Кекса боғбон кўнглига кеч куз изғирини оралади. Бунинг боиси бутун дунёга яшин тезлигида тарқалган “Тождор офат” ҳақидаги шум хабар эди.

“Ё Худо, пахта ёнганда унинг момик юза қисми қанчалар тез аланга олса, бу бало ҳам оламга шунчалар тезлик билан тарқалаяпти. Дунё деганингиз гўдакдек бир гап, унинг ҳоли не кечади энди?” Чол шундай дерди-ю, ҳар доим боғни тўлдириб юрган болажонларни эслар, юрагига, наинки юраги, онг-шуури, бутун вужудига симиллаган оғриқ кириб борарди... Собиқ ўқитувчи вужудини қийноққа солаётган оғриқни босиш учун чукур-чукур нафас олар экан, ўз-ўзига қайта-қайта савол берарди: “Нахотки, бу офату қабоҳатнинг олдини олиш мумкин эмасди?”

Жўра ФОЗИЛ – 1949 йилда тугилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎЗМУ) журналистика факультетини тугатган. “Муҳаббатнинг байрамлари”, “Барқут мавсум”, “Бухоро элчиси”, “Бахт юлдузи”, “Менинг қизил гулим”, “Айрилиқ остонаси” каби китоблари нашр этилган. К.Паустовский ва В.Астафьев асарларини таржима қилган.

Абдуваҳоб ота пахта гулли пиёлага илиқ чойдан қуйиб, бир-икки хўплаб, андак ўзига келгандек бўлди. Ҳеч нарсадан хабарсиз чаппар уриб очилган, дов-дарахтларга паришон назар ташлади. Ҳар баҳор унинг кўзларини қувнатадиган бир-бирини сира такрорламайдиган оқ қирмизи нимпушти дарахт гуллари энди негадир бошқача кўринарди.

Ҳарир рўмол ўраган қиз-жувонларга монанд дов-дарахтлар кўклам шабадасида секин-аста чайқалиб, ибо билан сукут сақлашар, ўз эгаларига нима бўлганини тушунмаётгандек кўринишарди.

Ота сал ўзини ўнглаб олгандек кўринса-да, юрагида кўзгалган бўрон ҳамон боилай демасди. Шу тахлит ўз-ўзига берган саволига кўнглида жавоб қила бошлади. Инсонлар, айникса, дунё тақдирига дахлдор кишилар бир-бирларини тушунмишганида, аяшганда бу офат содир бўлмасмиди, дея ўйларди.

Абдуваҳоб ота адабиёт ўқитувчиси эмасми, жуда кўп китоб ўқиган, ҳозир ҳам боғ юмушларидан ортиб, бу сеvimли машғулоти учун ҳар куни вақт ажрата оларди. Ёшлигидан адабиёт оламида яшаган бўлса-да, ёши ўтган сари ҳаёт ва ҳаёт ўртасидаги фарқни англаб етди.

Ота хийла ҳаёл сургач, ўрнидан туриб, қийғос гуллаган олма дарахти тагига борди. Гул ҳидлари кўклам эпкинига аралаш “гуп” этиб димоғига урилди. Эрталаб осмонни қоплаган қора булутлар таркаган, қуёш боғнинг энг олис бурчакларини ҳам ёритган, кун чошгоҳ бўлай деб қолганди.

Секин-аста одимлаб боғ адоғига қараб бораркан, кўксини тўлдириб илиқ ҳаводан нафас олди: “Эҳтимол, бу тождор бало гуноҳларимизни ювиш учун

Аллоҳ томонидан юборилган бир синовдир?” хўрсинди у.

Ота боғ адоғига етиб келганида чошгоҳ қуёши янада баландлаган, ариқдан жилдираб оқаётган сув кишига хотиржамлик бахш этарди. Боғни тўрт томондан қуршаган арча ва сарв дарахтлари худди аҳил ака-укалардек мевали дарахтларни ташки дунёдан ажратиб турардилар. Ўй, аслида ташки дунёдан ажратиш эмас, пайҳон бўлишдан асраш дейилса тўғрироқ, шекилли. Чунки ота сархил меваларга бой бу боғини ҳеч қачон баъзиларга ўхшаб қўлига милтиқ олиб кўриқламаган, олма, анор, нок, нашивати, ёнғоғу бодомларини бозорда сотмаган. Абдуваҳоб отанинг шогирдлари, собиқ ўқувчилари, ёр-дўстлари бокка тез-тез меҳмон бўлиб келишар, қолаверса, болалар, неваралари, эваралари, қўни-қўшни билан баҳам кўрар, уларнинг ҳеч бири бу маскандан қуруқ қўл билан қайтмасди.

Хотини вафот этгандан буён ўзининг чоғроқ офтобрўя хонасида ёлғиз яшаб келади. Пахса деворли, энсизгина, салқин омборхонасида доимо кишига ғамлаб қўйилган анвойи мева-чевалар мўл бўлар, уларни эрта баҳоргача кўпчилик билан баҳам кўрарди.

...Абдуваҳоб ота кунчиқардаги лойсувоқ ҳужра томонга кетди. Бу ерда унинг асосий иш қуроли сакланарди. У ердан қўлига белкуракни олди-ю, ойнаванд айвон яқинидаги барг чиқара бошлаган атиргуллар тагини юмшата бошлади. Кеча бошланган юмуш чамаси, ярим соатча вақт ўтгач тугади. Боғбон белкуракни тозалаб яна аввалги жойига элтиб қўйди. Шундагина қуёш тикка келиб қолганини пайқайди. Неваралар овқат олиб келадиган вақт яқинлашаётганди. Худди шу аснода боғ адоғидаги ариқ томондан ўзига қараб келадиган кишига кўзи тушди. Тикилиб қараркан, кимсанинг тик қомати-ю шахдам одимларидан бир қишлоқда тепкилашиб улғайишган синфдош дўсти Раҳмат бобо эканини дарҳол таниди.

Раҳмат бобо ўрта мактабни тугатгандан сўнг отаси Аҳмад чўпон изидан бориб, мана қарийб олтмиш йилдирки Қизилкумнинг Хонтушар ва Муллаҳол яйловларида қўй боқар, чўлда ишлаш ва яшаш илми, яъни 60 даражага борадиган иссиғу, 40 даража совуқда ўзи ва шериклари, қўй-қўзиларни қандай омон сақлаш йўллари яхши биларди. Абдуваҳоб ота ҳазиллашиб уни “Саҳро академиги” деб атарди.

Ҳақиқатан ҳам у шунча йиллар мобайнида сурув кетидан юриб, Қизилкум сир-асрорларини пухта ўрганган, бу борадаги илми ҳар қандай академикниқидан қолишмасди. Дўстининг беозор ҳазилига жавобан, “Ўзинг ҳам боғбонликда академик Ризамат отадан қолишмайсан-ку!” деб қўярди.

Ота илдам ҳаракат билан яқинлашиб қолган дўстига пешвоз чикиб, кучоқ очди. Бағирлашиб салом-алик қилдилар. Ҳол-аҳвол сўрашдилар. “Академик чўпон” “Академик боғбон”га қўлидаги хийла оғир тугунни узатар экан, изоҳ берди:

– Шу икки баррачани (Бухорода янги туғилган қўзичоқни шундай атайдилар. Қоракўл тери учун сўйилган “баррачалар” гўштидан турли тансиқ таомлар пиширилади) сенга илиндим. Янги ҳосилдан.

– Раҳмат, жўражон, энди ўз ишларингдан гапир. Чўлда ўт-ўлан кўпми, қўй-қўзилар яхши семиряптими?

– Нима десам экан? Ҳозирча ўт-ўлан бор, лекин ҳаво қизиши билан қовжираб қолади. Қўшимча озуқа билан бир амаллаймиз. Эсингдами, болалигимизда отам билан бирга Хонтушар яйловига борганларимиз... Айниқса баҳорда ўт-ўланлар мўллиги, ранг-баранглиги кўзни қувонтирарди. Сену мен кўрган ўт-ғиёҳларнинг, адашмасам ўн фоизи ҳам қолмади, – деди хўрсиниб чўпон.

Эски дўстлар бошлашиб кўрпачалар тўшалган сўрига ўтирдилар.

Меҳмон фотиҳа учун қўл очди:

– Қадам етди, бало етмасин!

Абдуваҳоб ота дўстининг нуроний, серсоқол, донишмандона чехрасига синчков назар солар экан, энгагига тушириб қўйилган оқ дока никобга энди эътибор қилди.

– Хўш карантинга риоя қиялсанми?

– Э-э, чўлу биёбонда юрган чўпонга “қалантир” чикора? Шусиз ҳам ўғлим ва неварамдан бўлак одам юзини ойда-йилда бир кўраман ёки йўқ... Бу матоҳни уйга келганимда келинларим қўлимга тутқазишди, – энгагидаги никобга сал қўл теккизиб деди Раҳмат ота.

– Эшитдингми ё йўқми, энди мактаб, институтларда дарслар, учрашувлар ва бошқа тадбирлар масофадан туриб, яъни онлайн ўтказилар эмиш.

– Жуда яхши экан-ку!

Абдуваҳоб ота дўстининг шумлигини яхши биларди, шу боисдан савол берди:

– Нимаси яхши экан?

– Ҳаммаси яхши! Ижтимоий масофа, масофадан туриб ишлаш, мажлис қилиш жуда зўр. Айниқса, “Ижтимоий масофа сақлаш” дегани кўнглимдаги гап. Бўлмаса бу хотин-халаж, кап-катта эркаклар, ёш-яланг учрашиб қолгудек бўлишса, “чўлп-чўлп” ўпишаверишади. Оғизларининг сўлагини оқизиб... Ана ўшалар ижтимоий масофани бузиб, жарима тўлайверсалар, ҳуда-беҳуда ўпишавермайди! Ҳа, майли хотин-халажни қўйинг, аммо ёш-яланг йигитларга ялаб-юлқашиш сира ярашмайди-да.

Раҳмат ота ҳазиллашаман деб ўйлаган бўлса-да, жиддий гапираётган эди. Дўсти уни андак тузатган бўлди.

– Чўлда юриб ҳаётдан бироз орқада қолибсан. Йигитлар ҳозир ўпишмайдилар. Худди сенинг кўк-қора кўчқорларингга ўхшаб, бошларига бошларини уриб оладилар.

Раҳмат ота қизишиб кетганини сезиб, энди гапни ҳазилга бурмоқчи бўлди:

– Оғайни, онлайн яхши дедиму, бунинг ишқал томони ҳам борда. Бунақада тўйлар янада замонавийлашиб, келин-куёвлар учун чимилдиққа кириш ҳам онлайн бўлиб қолмаса яхши эди.

Ҳар иккала дўст кулиб юбордилар. Раҳмат ота тиззасига шапатилаб, кўзларидан ёш чиққунча хоҳолади. Абдуваҳоб ота ҳам кулгисини тўхта олмасди.

Офат тўғрисидаги гап-сўзлар, кулгига айлангач, юракларни камраган хавотир, ғамгинлик аригандек бўлди.

Раҳмат ота кўзларидаги ёшни арта-арта яна сўз қотди.

– Аммо-лекин, биласанми сен айтган усул шахсан менбоп экан. Ана энди чўлга борганимдан сўнг, кампиршони соғиниб қолсам, бемалол шакаргуфторлик қилавераман. Қишлоққа келиб-кетишнинг сира ҳожати йўқ.

Абдуваҳоб ота сассизгина кулиб қўйди-ю, бир неча йил олдин вафот этган хотинини эслаб, бироз ғамгин тортди.

Инсон табиати жуда қизик. Бу кўнгил баҳор осмонига ўхшайди. Бир қарасангиз, шишадек тип-тиниқ, куёш нур сочиб туради. Бир қарасангиз, қоп-қора булут галалари бостириб келаверади, келаверади...

Кекса муаллимнинг кўнгли ҳам бугунги зиддиятли, қарама-қарши, бир-бирини инкор этувчи ҳислар тўфонидан ларзада эди. Эрта тонгдан лаънати вирус, она табиат кўксидаги яралар, инсон номукамаллиги ҳақидаги ҳазин-махзун ўй-хаёллар кўнглини хира қилди. Онг-шуурига ўралашиб, қийноққа солди.

Эски қадрдони, машойихлар таъбирича, етти дунё кезган чўпон дўсти йўқлаб келгач, кўнгли ёришди. Кайфияти кўтарилди. Тождор бало юрагига солган ғулғуладан кутулди.

Тушликдан сўнг ўзининг азалий одатича, бироз мизғиб олди. Уйғонгач, эгатларга тараб қўйган сувдан хабар олиш учун боғнинг шимол томонига борган эди, олмазор анча кўллаб қолганининг кўриб, сувни шафтолизор томонга буриб юборди. Сўнг кулоқ бошида бир муддат туриб, пуштиранг шафтоли гулларига тикилди. Анчагача бу қирмизи алангадан кўз уза олмади. Кейин яна ўзининг хос хонаси – кутубхонасига кириб олиб, китоб варақлай бошлади. Навоий, Атторм, Машраб каби улуг ижодкорлар куллиётларини қайта-қайта мутолаа қилиб юрмайдими, кейинги бир неча кунда Алишер Навоийнинг “Истадим” ғазалини боғ кезаётиб бир неча марта ёддан ўқиди, яна ўқийверди. Ҳеч тўймади.

Бу ғазал ўрикнинг ок, шафтолининг қирмизи гулларига ўхшаб, боғбоннинг кўнглига ғулу соларди. Айниқса, “Ўзни бекаслик балосига гирифтор истадим” мисраси унинг вужудини оловдек чулғаб олган, кулоқларида қайта-қайта акс-садо берарди.

Тинчгина хаёл суришга йўл қўймасди. “Ё Қудратингдан! Бу не ҳол, улуг амир ўзини шунчалар бекас, ёлғиз ҳисобласа? Йўқ, бу оддий одамнинг шунчаки ёлғизлиги эмас, бу буюк шоирнинг дурдона асарлар яратишга қодир, ҳаётбахш ёлғизлигидир! Тўғри инсон сифатида ўзини бекас, ёлғиз санаган бўлиши мумкин, аммо буюк асарлар фақат танҳоликда яратилади.

Қўлидаги куллиётни авайлабгина жойига қўйиб, бошқа зарҳал муқовали китобни кўлга олди. Олдин белгилаб қўйилган жойини очиб, қироат билан ўқий бошлади.

“Азизам, инсонлар бир-бирларидан шунчалар йироқдирларки, бу йироқлик минг йилликлар билан ўлчанади. Ҳа, минг йиллар билан!..”

Бу – Ғарбда шуҳрат қозонган ижодкорнинг севгилисига ёзган мактубидан олинган сатрлар.

– Тўхта, – ўзига буйруқ берди кекса муаллим. – Бир-биридан йироқлик ҳаётбахш эмас, фазилат саналмайди, балки ҳалокатга олиб келувчи иллатдир!..

У анча вақтгача ўкиди, мулоҳаза юритди, яна ўкиди, яна ҳаёлга берилди. Шу таҳлит қуёш мағриб томонга йўл ола бошлаганида ҳар кунги энг севимли машғулотини тугаллаб, яна боққа чиқди. Чор-атроф кўклам оҳангларига тўла, аммо еру самода қандайдир хавотир бордек туюларди.

Аста-секин одимлаб, ариқ томонга бораётган эди, Сарв дарахтлари ортидан гуриллаган товуш ва машина эшигининг очилиб-ёпилгани эшитилди. Невараларимдан бири келган бўлса керак деган ҳаёлда йўлида давом этди. Кўп ўтмай барваста 27–28 ёшлар чамасидаги йигитга кўзи тушди. Энг кенжа невараси Элёр экан.

Элёр бобосини кучоклаб, саломлашаркан, ҳол-аҳвол сўрашга тушди:

– Бобожон, яхши юрибсизми, сизни бирам соғиндимки...

– Оббо, шайтон-ей, – ёлғондакам пўписа қилди бобо, – соғиндим дейсану анчадан бери қорангни кўрсатмайсан?..

– Кечиринг, бобожон. Айрим муаммолар чиқиб қолувди-да! – ўзини оқлаган бўлди Элёр синиқ жилмайганча. Унинг юзи, кўзларида аллақандай ғам излари бордек кўринди.

Неварасининг паришон чехраси, андак хаста овозига эътибор қилган бобо ҳушёр тортди.

– Қанақа муаммо болажоним, ишқилиб оиланг тинчми?..

Йигит бироз чайналди, кўзларини яширишга ҳаракат қилди.

– Тинчликка тинчлик-куя, келинингиз йигирма кундан буён касалхонада... Сиз хавотирланманг дея билдирмагандик...

– Болаларчи, болалар қаерда?

– Болалар уйда опам қараб турибдилар.

– Келиннинг аҳволи яхшими ишқилиб? – юраги увишганча сўради Абдуваҳоб ота.

– Худога шукур, ҳозир яхши. Бу ковид дегани ёмон дард экан, бир ҳафтача “ана кетди, мана кетди” бўлиб, ҳаммамизни роса қўрқитди.

Чолнинг дами ичига тушиб кетди. У ҳамма келин, неvara келинлар орасида шу кенжасини жуда ҳурмат қилар, яхши кўрарди. Боякишнинг ота-онаси оғир автоҳалокат қурбони бўлишган, келинбола ва унинг саккиз опа-ака, ука-сингиллари фирт етим бўлиб қолишганди.

Элёр оилада бешинчи фарзанд бўлган қизга уйлангач, Абдуваҳоб ота энг кичик неvara келинининг отаси, онаси йўқлигини билиб олди. Шу-шу уни жуда аярди. Қачон ўша келин ҳақида ўйласа, кўнглида, “Оҳ, бошгинанг тошдан бўлсин, етим-чам!” деб қўярди.

Ҳозир унинг касал бўлганини эшитгач, юраги янада ачишди. Неварасини ортиқча сўроққа тутмай, жимиб қолди. Элёр кекса бобосини бундай нохуш хабар билан қийнаб қўйганидан эзилар, шундоқ тилининг учида турган яна бир ёқимсиз гапни айтайми-йўқми, дея иккиланарди.

Бобо, неvara жимгина бориб сўрига ўтирдилар. Неvara бобосини бироз юпатиб, ўзини сал босиб олишига имкон яратиб, сўнгра ўша нохуш гапни айтмоқчи бўлди.

– Бобожон, ташвишланманг, келинингиз ҳозир анча яхши. Ўзига келди, овқат ея бошлади. Фақат... Нукул йиғлайди, ҳеч йиғидан тўхтатиб бўлмаяпти. Тинмай “оҳ” чекади.

– Тузалаётган бўлса нега йиғлайди? – сўради бобо паст товушда. Невара яна бироз жим тургач, жавоб қилди:

– Ҳа деб, “Мен ҳеч кимга керак эмас эканман-да...” деб йиғлагани-йиғлаган.

– Нега ҳеч кимга керак эмас экан? Гулдек болалари, сен, мен, катта оиламиз, ҳамма-ҳаммамизга керак у.

– Мен ҳам шуни айтаман-да, бобо!

Сўнг бироз товушини пасайтириб, тушунтирди:

– Бир ёмон, бўлмаган иш бўлди. Шу ҳалиги 20 кун мобайнида келинингизнинг ака, опа, ука-сингилларидан бирортаси ҳам уни кўргани келишмади. Касаллик юқишидан қўрққан бўлишса керак. Аммо келганларида ҳам ҳеч ким уларни ичкарига йўлатмасди. Ҳаммаёқ карантин-ку! Шундоқ, кўнгил учун, деразадан кўриниш беришса, номигагина ҳол-аҳвол сўрашса кифоя эди... Ҳа, айтгандек, бугун келинингиз сизни сўради, “Бобомни кўрмоқчиман”, деди.

Нохуш хабарлардан бироз гарангсиб қолган Абдуваҳоб ота бирдан жонланди.

– Тур, болам, кетдик! Касалхонада бировнинг йўлига кўз тикиб ётишдан ёмони йўқ. Мен ҳозир у-бу егулик, мева-чева олай...

Бобо невараси билан туман марказидаги касалхонага бориб, келинболанинг кўнглини кўтариб, қайтиб келгунича кеч тушиб, намозшом пайти бўлиб қолди. У андак чарчаган бўлса-да, кўнгли ёруғ эди.

Хонасига кириб чироқни ёқди, чой қуйди. Сўнгра хонтахта ёнидаги кўрпачага ўтириб, лўлабошлига ёнбошлади. Кўзларини юмиб, чуқур тин олди. Баҳорнинг хийла узун кунида нега эрталабдан кўнгли хавотирга тўла эканлигини англаб етгандай бўлди.

Келин ҳам тўлиб турган экан, бобо касалхона деразасига яқинлашгани ҳамон уни дарҳол таниб, секин ўрнидан турди. Кўлини кўксига қўйиб ибo билан салом берди. Салом берди-ю, ҳеч бир сўз айтолмай, йиғлаб юборди. Ўксиб-ўксиб, нозик елкалари силкиниб-силкиниб йиғлади.

Абдуваҳоб ота қўлидан келганча уни юпатиб, ширин сўзлар айтди. “Келин-жон, болам, ҳали ойдай бўлиб кетасиз. Болаларингизнинг орзу-ҳавасини кўрасиз, яқинларингиз ҳаммаси ёнингизда бўлади. Мана, мени айтди дерсиз...”

Абдуваҳоб ота эрта тонгда уйғонганида, онг-шууридаги кечаги ғалаёнлардан асар ҳам қолмаган, кўнгли энди қизара бошлаган шафаққа ўхшаб ёришиб борар эди.

У енгилгина нонуштадан сўнг боққа чикди. Дарахт шохларини тўлдирган қушлар сайроғи тобора авжига чиқар, қуёшнинг илк нурлари гуллар чиройини янада очиб юборган эди.

Дарахтлар оралаб чамаси ярим соатча сайр қилгандан сўнг, ортига қайтар экан, ўзи томон шошиб келаётган ўртанча ўғли Абдувоҳидга кўзи тушди. Юраги шув этди, юришдан тўхтади. Шундоқ, рўпарасига келиб қолган ўғил ҳам тўхтади. Отасига салом берди.

– Отажон! Суюнчи беринг, неваралик бўлдим, ўғил, эгизаклар!

Ота каловланиб қолди, юраги тез-тез ура бошлади. Ё Худо! Кароматингдан ўргилай, мана хушхабар эшитадиган кун ҳам бор экан-ку.

– Неваралар муборак, ўғлим! Илоҳо умри билан берган бўлсин! – дуо қилди тўлиб-тошиб.

Иккови офтобрўяда чой ичиб вақт ўтказадиган сўрига тўшалган кўрпачаларга ўтириб олганларидан сўнг катта бобо эгизакларни яна узундан-узоқ дуо қилди. Кейин ўғил отасига юзланиб шундай деди:

– Энди ота чақалоқларнинг номини қўйиб берсангиз... Келинингиз билан шундай ният қилган эдик.

Абдуваҳоб ота “хўп” дея бош қимирлатиб розилик берди-ю, ўйланиб қолди.

У хийла вақт жим қолиб, яхши исм излади, ҳа деганда бир тўхтамга келаолмади. Кейин бирдан баҳор осмонидаги чақмоқдек бўлиб, бир фикр ҳаёлида “ялт” этди.

– Агар сизларга маъқул бўлса, Умар ва Усмон бўла қолсин. Бу номлар Ислом оламида жуда машҳурлигини ўзинг яхши биласан.

Ўғил хурсанд бўлиб кетди.

– Раҳмат, отажон! Жуда зўр! Келинингизга ҳам маъқул бўлади. Полвонларимга, албатта, Умар ва Усмон деб ном қўямиз.

Тонгги хушхабар отанинг кўнглини жуда кўтариб юборди. У эвараларини бир-бир кўз олдидан ўтказиб, санай бошлаган эди, саноғидан адашиб кетди. Аллоҳга шукрона айтди.

Ўғли ҳамон хурсандчилигини яшира олмас, ўзини қўярга жой тополмасди. У “Эртага яна келаман деди-ю, кетди”,

Ота тобора тиниклашиб, нурга тўлиб бораётган осмонга тикилди. Кўзлари тиниб, боши айланди. Эндигина кўтарилиб келаётган қуёш кўнглида ҳам чарақлаб турар. Бу бекиёс дунёнинг энг олис-олис бурчаклари нурлана бошлаганди.

“Йўқ, – ўйлади у, – ҳар қанча вабо, офат, ўлим, йўқотиш ва уруш бўлмасин, инсон иродаси букилмайди! Одам боласини ўлдириш мумкин, аммо уни енгиб бўлмайди!

Меҳр-оқибат, севги, муҳаббат меваси фарзанд, туғилиш бор экан ҳаёт абадийдир. Бошқача бўлиши мумкин эмас!”

Орадан икки йил ўтди.

Кунлар чин муҳаббатнинг биринчи бўсасидек ҳарорат олиб, яна баҳор келди.

Бу баҳор олдинги икки кўкламга сира ўхшамас, кўркам, тароватли, гул, чечак, кўкатларга бурканган ҳақиқий навбаҳор эди.



Сенга сиғинмаслик буюк ситамдир

Йўлдош ЭШБЕК

Кечинма

Агар Фарҳод каби тоғмасман,
Йўкот мени.
Агар Тоҳир каби оқмасам,
Этмагин,
озод мени.
Ширин, Зухро бўлсанг, билмасам,
Сот мени –
сот мени!
Басир бўлсам,
кўрмасам,
От мени –
Уйғот мени!

Қочаётган бўрининг боласига айтгани

Ота бўри томоғидан,
Бола бўри оёғидан ўқ еди.
Ғазабидан кўзларига қон қуюлиб,
Ота бўри боласига шундай деди:
– Падарига лаънат уларнинг!
Оқсама!
Чопаяпман-ку
ичимга ютиб

Йўлдош ЭШБЕК – 1950 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) филология факультетини битирган. Ижодкорнинг “Согиниб яшайман”, “Мовий турналар”, “Ҳаёт чечаги”, “Дарахтлар эртаги”, “Мангу масофа”, “Йиғлаётган қиз” каби қатор шеърӣй тўпламлари нашр этилган.

бўғзим қон бўлса-да.
Тўғри юр!
Югур!
Менинг болам бўлсанг оқсама,
Оёғинг узилиб тушса ҳам!
Оқсаганинг кўриб қолсами,
Яна қувар ортингдан одам.

Иним Абдуллага

Ким бардош соҳиби нур, нуфуз келди,
Сабрсиз ситамга юзма-юз келди.

Ким аввал ғам бирла сўзлашди дўстдек,
Оқибат шодликлар изма-из келди.

Мен ёлғиз фарёдлар қилдим, бу баҳор –
Сарғайиб битмаган кўм-кўк куз келди.

Ғаним ким дея мен чорлаган эдим,
Мансаб, деб юртини сотган дўст келди.

Эл – бахтим дедигу тахтни ўйладик,
Шул сабаб иқболми жуда суст келди.–

Гўё ибтидодан то ҳануз ётган
Асрлар қаъридан бир маҳбус келди.–

Авлодлар қошида ёшини сириб,
Шошилиб жилмайди, оҳ номус келди.

Баридан бенасиб турсам, хаёлга
Бир нур вужуд, икки дунё кўз келди.

Қўлларим етмагай, умрим хатодир,
Десам, "ай-ҳай" деган таскин сўз келди.

Юр Йўлдош, кўксингни берма захларга,
Хув, тоғлар ортига хуш Наврўз келди.

Товуш

Мени чақиргандай бўлади гоҳо,
Йироқ-йироқлардан қандайдир товуш.
Насиб этарми деб абадий сафо,
Ўйлайман, қайтарми учиб кетган қуш?

Рух сўнди, хуш учди, гоҳида беҳуш,
Бўм-бўш кўнгил билан қолдим беишонч.
Лекин йироқлардан ўша хур товуш
Мени чорлаб турди – илоҳий қувонч!

Севгилим ишончсиз бокқан дамлар ҳам,
Дўстларим ўкситган ғуссали пайтлар,
Йироқ-йироқлардан у товуш бардам
Чорлаб турди – сўзсиз шоҳона байтлар!

Поезд чинқириғи... турна овози...
Гоҳ най мусикаси... ингичка узун.
У товуш келади қанотин ёзиб,
Чорлайди, қувончга кўтармоқ учун.

Энг яқин жигардай мадад бўлар у,
Энг яқин дўст каби ҳамдард бўлар у,
Энг қийин пайтларда онадай мушфик,
Боланинг меҳридай шафқат бўлар у.

У товуш – даъватинг, қудрат бахш этган,
Мен етиб келурман қайда бўлсам ҳам.
Сен чорлар экансан, демак, керакман,
Эй, Ватан – жигарим, онам ва болам!

Кўзлари кўзгулигим

Сочлари тўзгули қиз,
Кўзлари сузгули қиз,
Мен сени чақирмовдим,
Кўзлари кўзгули қиз.

Э, кўнгли тилсимгина!
Нафаси насимгина!
Сўрамасдан дилимга
Киравердинг жимгина.

Ўрганиб қолган эдим,
Хуш мулойим қулгингга.
Ёлғиз кўп толган эдим,
Қўлчалари гулгина!

Ёлғонинг ўқми эди,
Тиконинг кўпми эди,
Забонинг йўқми эди,
Тиллари тутқунгина!

Кетмоқдин маъни энди,
Хайр-хўш қани энди,
Топилмасим, олмосим,
Қайлардан топай сени?

Ғамгузоринг бормиди,
Вафодоринг бормиди,
Биз билан яшаш шунча
Номусмиди, ормиди?!

Бир бедоринг бўлайин,
Беозоринг бўлайин,
Қайдасан, ғунчагинам,
Бир бедоринг бўлайин,

Сочлари тўзғулигим,
Кўзлари сузғулигим,
Мен сени чақирмовдим,
Кўнглимни бузғулигим!

Сочлари олтинли қиз,
Ёноғи ёлқинли қиз,
Мен сени чақирмовдим,
Арзонга сотдингми, қиз?

Киприклари бошпанам,
Бироз меҳри тошқиним,
Э, кўнгли тилсимгина!
Нафаси насимгина!

Сен сабрим – жаҳоним

Сабрим, қалтирайман сенинг ёнингда,
Менга меҳмон бўлма. Мени соҳиб бил.
Сен тишларим орасинда, қонимда,
Мен сенга содиқман! Иқбол ваъда қил!

Одамни ўрайди гоҳ мутғаҳамлар –
Омадга “ҳакам”лар бахтга “ҳакам”лар,
Тишларим синади, мени фош қилма,
Оғзимдан тўкилма, тўкилма!

Оёғим тупрокқа аста чўкади,
Бўғзимга тоғларни улар тўкади.
Мен Фарҳодман десам, устимдан қулма,
Сен сабрим тиззаси, букилма!

Бахтга кетаётган одам ёлғиздир,
Гарчи дўстлари кўп, Бахт гўзал қиздир,
У ташлаб кетса ҳам, сен ташлаб кетма,
Мағлуб қайтар бўлсам, мени тарк этма!

Кўксимда тоғ бўлгин, кўзимда чироқ,
Юзимга нурингни сочиб тур ҳар чок,
Порлаб тур, одамлар қошида сотма,
Сен мени ҳеч қачон бахтсиз кўрсатма!

Гарчи қаноатда полвонга тенгман,
Сабр отли сендайин султонга тенгман,
Жаҳолат тоширса... тўфонга тенгман,
Сен менга кирғоқ бўл, уммонга тенгман.

Сен мени топтагин, йўлинг бўлайин,
Сенда эзилайин, сенда кулайин,
Мен сени енголсам, қулинг бўлайин
Алдасанг ўлайин, сенда ўлайин.

Обод қил, дилимнинг хазон гулшанин,
Озод қил, доғлардан менинг пок шаъним,
Ориятнинг дўсти, азиз душмани,
Сен сабрим, жаҳоним мангу мезбоним!

Дилдаги нурафшон бу учқурларга
Аланга керакдир, қадр ҳам керак.
Она Ўзбекистон, азиз қунларда
Бахтга чидаш учун сабр ҳам керак.

Аёл

У, аёл!
Оламнинг эгаси
хайратда
хайратлар,
юзингда сояси.
Доянинг олами,
Оламнинг дояси.
Зарраларга бўлинган қудрат,
Қудратларга бўлинган зарра.
Энг гўзал тўйғулар бахшида фақат,
Энг порлоқ хаёллар минг карра!
Битта бошим эгилса камдир!

Камнинг боши эгилса камдир!
Кўпнинг боши эгилса камдир!!!
Мен телба
жунунинг бандаси.

Севаман демоғим ожиз каломдир,
Мен сенинг қулингман,
Эй, Меҳр Маъбудаси!
Сенга сиғинмаслик буюк ситамдир.

Ҳаётнинг ҳаётбахш мангу муждаси.
Қақшаган аёзлар эмас, қаршингда
учаётган ғозлар,
оқкушлар,
раҳминг каби илиқ кунлар,
Илиқ кунлар оламга!
Сарғайган кузаклар қарашингда –
Мовий аланга!

Сочларингни тарашингдан
юлдузлар сочилар осмон томонга.
Гоҳи ярим,
Гоҳ тўлин,
Офтоб маҳбубаси,
Ўзи мангу меҳрга ташна,
Эй, Меҳр Маъбудаси!

Кўпнинг боши эгилса камдир!
Кўкнинг боши эгилса камдир!!

Сени юртим! – дедим.
Қарашингдан –
йиқилмасдан юрдим.

Керагида оёқсиз ҳам,
Кўзсиз ҳам!
Кўрсатмасин, тилсиз бўлсайдим агар,
Қўшиқлар айтардим сенга сўзсиз ҳам!



Муҳайё РУСТАМ қизи

Сезяпман, севгидай келмоқда баҳор

Ёмғирда

Ёмғир – шеърий фасл, сирли манзума,
Энг латиф оҳангдир, мискин бир наво.
Дилгир тахайюлга маҳзун муножот
Дилрабо кўшиқдай мусаффо садо.

Ёмғир ёғаверар, ёмғир тинмайди
Алла айтаётган она мисоли.
Менинг кўзларимга урилар факат,
Хаёлчан бир қизнинг маъсум нигоҳи.

Чалар соз, созидан таралар ёмғир,
Томчилар муаттар фитратидан роз.
Бу дилкушо куйга чўмилиб яшай,
Руҳимга оқмоқда мусаллам овоз.

Ёмғир ёғаверар, ёмғир тинмайди,
Сирли осмонлардан хобир мужтабо.
Тўлдингми, борингни тўка қол, кўнглим,
Ёмғирга мархабо, шеърга мархабо.

Муҳайё РУСТАМ қизи – 1973 йилда тугилган. Навоий давлат педагогика институтининг филология факультетини тугатган. Шеърлари республика матбуотида эълон қилинган.

Мен ой каби юввошми?
Ё шамолдай бебошми?
Ё саратон сархуш – мен,
Ё ялдойи беҳуш – мен.
Ё куз менга ошиқдир,
Ё кўклам – хур қўшиқдир,
Ё мовий кўк – анбарим,
Ё чаман – гулчамбарим.
Ё шом соҳир маҳрамми?
Ё тонг маним чехрамми?
Ё гул ҳиди созимдир,
Ё ёмғир овозимдир.
Ё кундуз сувайдоман,
Ё тун нури пайдоман.
Ё армон ўсган боғман,
Ё ғамдан бунёд тоғман.
Ё шафақ – ол меҳробим,
Ё қоришиқ туробим.
Ё муродга марг бўлдим,
Ё нусратга барг бўлдим.
Ё мен дунда бадарман,
Ё кофурий кадарман.
Ё шўр қисмат қўй менга,
Ё охири тўй менга.
Ё саботим манзурму,
Ё гуноҳим мағфурму,
Ё дегил, не озорим?
Ё шойиста мозорим.

Сирот

...Тагин адаштирди кемани тўфон,
Денгиз балосига йўлиқди сайёҳ.
Қутирган шамол-ла курашар нолон...

Қутирган шамол-ла курашар нолон,
Курашар бедаво тўлқинлар ила.
Жон қасдида ҳамла қилади уммон...

Жон қасдида ҳамла қилади уммон,
Судрар, силтаб отар шўрлик йўлчини.
Девдай босиб келар қоп-қора осмон...

Девдай босиб келар қоп-қора осмон,
Зулфиқор томчилар савалар тинмай.
О, денгиз, балои азим беомон...

О, денгиз, балои азим беомон
Не садаф танларни юбормиш ютиб,
Не мустафо жонлар қаърида қурбон...

Не мустафо жонлар қаърида қурбон,
Қаттол уммон ҳусни мафтун этар бот.
Эй, сен, бардам бўлгин, оғма, эй мардон...

Эй, сен, бардам бўлгин, оғма, эй мардон,
Даҳшатли сувқўприк – сирот ваҳшати.
Омон ўт, бу йўлдан, ҳазрати инсон...

Омон ўт, бу йўлдан, ҳазрати инсон,
Ҳаёт денгиз мисол солмоқда сурон.
Бот-бот адаштирар кемани тўфон...

* * *

Кўзим ғамга тўлди, кўнглим қайғуга,
Ҳорғин хотирамда сўнгсиз пушаймон.
Умр ўтиб борар, тўймай туйғуга
Ва билъакс бахт истар юрагим ҳамон.

Ҳамон парвоз этар руҳим қушлари,
Ҳамон тилагимнинг чегараси йўқ.
Ҳамон илҳом қилар орзум тушлари,
Ҳамон ҳаётимда бинафша қўқ-туғ.

Яшил дунёларни чертаман такрор,
Танграм, толеимнинг даричасин оч.
Сезяпман, севгидай келмоқда баҳор,
Ҳар битта бармоғи – гуллаган оғоч.

* * *

Дилим сиёҳига ботирдим тунни,
узо-оқ тикилганча
ҳавода муаллақ чайқалаётган
армон нукси урган суратга...

Оқ гулчамбар таққан зардоли,
Ўн еттига тўлган дуркун қиз,
Осмон тасвирига ҳамоҳанг Ёшлик...

Рангли-рангсиз
гуллар сочиб ташланган,
адоғи йўқ ёлғизоёқ йўл.
Жадал кетаётган
олтин аравага
қўл силтаб қолган
Оғир бир жимлик.

* * *

Кеч куз... Барглар тўкилди эссиз,
Борлиқ узра тахайюл ҳоким.
Япроқларни кузатиб унсиз
ёмғир бўлиб йиғлаяпман жим.

Ана мезон учар тентираб,
хаёлимдай кезади насим.
Ҳу-ув самода паркудай оппоқ
булутларга келар ҳавасим.

Сариқ денгиз – хазон чайқалар,
мискин наво – тебранади боғ.
Орзуларга қиличлар қадаб
хўшлашади сокин тийрамоҳ.

Дилгир ҳаво – мен каби мулзам,
куёш ишқи бағрини тилган .
Балки бахтли бўлардим мен ҳам
учи-иб кетсам турналар билан.

Кеч куз... Барглар тўкилди эссиз..



Ҳар неки бор — янчиб ўтар вақт

Гулноз МЎМИНОВА

Муножот

Эй севгили!
Бир ишораси-ла
Тоғларни тевадек чўқтирган,
Вулқонларни Ер белига
Оташ нутфаси каби жойлаган севгили!
Эй, айри оқимларни айрилигича
Ёнма-ён оқизиб қўйган,
Очни очлиги, тўқни тўқлиги,
Борни борлиги, йўқни йўқлиги ила
Синаган, сийлаган севгили!
Эй, нурнинг илк толасига
Субҳ қатрасидан кўзгу ясаган,
Ҳаётни томчига, ўлимни сукутга,
Рух қушини тан қафасига жойлаган,
Ҳар умр оғочиди бир қушни бўзлатган севгили,
Ҳар жуфт қорачиққа бир армон гизлатган севгили,
Ҳар тирик исёнга бир мазор излатган севгили!
Баданимнинг кўк ирмоқларида
Севгили исмларни кўпдан кездирган,
Хиёнат аччиғин обдон сездирган,
Жонни ҳаётдан бездирган севгили!
Биламан, қачонлардир

Гулноз МЎМИНОВА – 1978 йилда тугилган. Ўзбекистон Миллий университети таълимлаган. “Фасллар шивири”, “Дил синиқлари”, “Сайёҳ қушлар”, “Комета” каби шеърӣ китоблари чоп этилган.

Ер белида оташ нутфасин қайнатган
Қудрат бармоғила халос этгайсан
Қўк ирмоқларимни қуритган исмлардан,
Эй, севгилилар севгилиси!..

Макондо

Макондода ёмғир тинар
Рутубат анқир ҳаводан
Шишган ўпкалар тубига
Чўкаётган оғир рутубат

Ғамнок тоғлар елкасига
Қуёш қадар ёғду уруғин
Энди ҳеч ким инонмас бироқ
Униб чиқишига уруғларнинг

Ногаҳон ёғду овига
Қанотланган сўнгги гўваржиннинг
Жонсарак бағри
Дайди ўқдан пора бўлар

Намчил зерикишга чалинган
Сариқбош илонлар
Ўзини ўзи юта бошлар
Думидан бошлаб.

Қайдадир хунук чийиллар
Суррогатлар қурсоғидаги
Чўчка думли ҳомилалар
Портлаган снаряд товушига монанд

Эсдан оға бошлар Макондо
Телбалик ва алам ичра
Истиқболга тупургиси келар унинг
Қари мустабид сингари

Қачон? Нега?
Йўлимдан чиқдинг.
Ўнгимми ё сўлимдан чиқдинг?
Айт, маконинг эди қай олам,
Тириклик ё Ўлимдан чиқдинг?

Исмингдан рух ёришди аввал,
Кулгим ёшла қоришди аввал.
Ўйлар сурдим: “Аслан мукамал...”
Гоҳ оташ, гоҳ кулимдан чиқдинг.

Ҳар неки бор – янчиб ўтар Вақт,
Гулларингни топтаб кетар Вақт,
Сўнг қалбингга оёқ артар Вақт, –
Десам, жимсан – дилимдан чиқдинг.

Боксам ўзга – ўзим қолмаган,
Исёним кўп – тўзим қолмаган.
Рухда инжа сезим қолмаган,
Тушуниксиз феълимдан чиқдинг.

Хур туюлмас энди шамол ҳам,
Тушовдадир гўё хаёл ҳам,
Кета олар гарчанд аёл ҳам,
Абжир қушдай қўлимдан чиқдинг.

Қачон? Нега?
Йўлимдан чиқдинг...

* * *

Ярадор илонман – ёқилмоққа шай,
Аланга домига отилмоққа шай.
Ё сўнгги бор янчиб ўтилмоққа шай,
Инимдан чиқарган қўлларинг кулсин.

Сирғалиб умрингдан ўтдим – билмадинг,
Жону жаҳонимни тутдим – билмадинг.
Борликдан йўқликка кетдим – билмадинг,
Шоҳлардан узоқсан, қулларинг кулсин.

“Умрим менинг аслан ишққа қасида,
Уни тинглаганлар қолур расида”, –
Десам, тун долғасин ҳар жилвасида
Ҳилолни суздирган қўлларинг кулсин.

Соғларинг ичинда хаста жон ўлдим,
Инонч беролмадинг – бадгумон ўлдим.
Мудом барбод ўлган хонумон ўлдим,
Хонумон қабринда гулларинг кулсин.

Эмро ҳазратларига ожизона татаббуъ

Гоҳ мавжуд, гоҳи хулёман,
Гоҳ эгасиз мусалломан.
Оғоч ичра Зикриёман,
Билдирмагин мени, Аллоҳ.

Отма хорлик булоғига,
Майли, йўлла Қоф тоғига.
Оловқушлар тирноғига
Ўйдирмагин мени, Аллоҳ.

Фурсатим, ҳам тавбам оздир,
Бору йўғим эътироздир,
Тўрт томоним инкироздир,
Куйдирмагин мени, Аллоҳ.

Жунун тотини туймасдан,
Сабр даштида куймасдан,
Бошим йўлингга қўймасдан,
Ўлдирмагин мени, Аллоҳ.

Асоратим битмагунча,
Рухдан ғубор кетмагунча,
Жамолингга етмагунча
Кулдирмагин мени, Аллоҳ.

“Жоним кадига қамалган¹”,
Кўрсам, туйнуги ямалган,
“Оҳ”им бўғзимга қадалган,
Йитирмагин мени, Аллоҳ.

Этагим шамол дастида,
Рўмолим орим қасдида.
Ёрларим Ернинг остида,
Суйдирмагин мени, Аллоҳ.

Тилимнинг боғичи сенда,
Дилимнинг қиличи сенда.
Дунёнг – бир хор маъбад, унда
Сўйдирмагин мени, Аллоҳ.

¹ Шаҳрисабзча ифода (чорасизлик маъносида).

* * *

Юлқилайди
Шохлардан шамол
Рўёнинг сершакл кийқимларини

Умр чегараси
Бузилган
Йўл топар энг осий хаёл ҳам

Энди ҳечликка
Рўё кийқимларидан
Бемалол байроқ тикиш мумкин

Фақат Кўкнинг
Ғашига тегар
Нафрат ва ҳурликнинг мураттаблиги

* * *

Кеча шундай сокин
Эшитилар ҳатто
Уйқучан қанотлар шитири

Куртакларнинг
Ним уйқуси
Келажак кўкламни аллалар

Арғимчоқ солар
Тун парилари
Ойнинг кумуш ёғдуларига

Англами афсуслидир
На куртак, на пари эканликнинг
Кеча шундай сокин.

* * *

Ҳаво сийраклашган
Муҳитимда
Бирин-кетин ўлмоқда қушлар —
Осойиш қушлари,
Орзу қушлари,
Севги қушлари,
Тоат полапонлари...
...Ўлган қушлар
Пати билан
Тўлдира бошладим тун ёстигини.

* * *

Бир-бировни аямаймиз ҳеч,
Бундан зарра пушаймон ҳам йўқ.
Сўзлар – гўё қайралган қилич,
Кўзқарашлар – заҳарланган ўқ.

Юз ўгириб бир-биримиздан,
Туйғуларни қиламиз хафа.
Шикастланган иззати билан
Ҳайрон боқар биринчи даҳа.

О, дафъатан Қуёш нуридан
Асраганча хира қўзимни...
Нечун энди елканг ортида
Зирҳлангандек сезмам ўзимни?

Йўқ менда сен излаган ҳузур,
Мен ҳам сендан топмам ҳаловат.
Эскирган ишқ ўрнини мағрур
Ишғол этмиш янги адоват.

Сен ҳам қара, кўча эшикни
Иккиланмай беркитар сурур.
“Биз йўқ қилдик бир-биримизни,
Биз йўқ қилдик, Худога шукур²”.

* * *

Бугун хўп сахийман
Одамларга имкон бергум
Мендан кетишлари учун

Қўлидаги улкан боғламдан
Битта шарни
Қўкка йўллаган қизалокдай
Кулиб кузатгум уларни

Таслимот соатин “чиқ-чиқ”и
Ҳар галгидек
Юрагимдамас
Шуурида бошлагай янграб

Хуш боринг одамларим
Менинг
Камёб табассумим
Бўлсин айрилиқлар садқаси

² Усмон Азим сатри.

Қадарда маконим ёнди,
Қанотли имконим ёнди.
Ичимда осмоним ёнди,
Кўзимда денгизим куйди.

Довул олиб учди сўзим,
Булут беркитганда кўзим.
Оҳларингдан ўн саккизим,
Ўтингдан ўттизим куйди.

Эш бўлмадим ҳурларингга,
Гул бўлмадим йўлларингга.
Оққуш бўлдим кўлларингга –
Нолам куйди, бўзим куйди.

Қавмим унутдилар мени,
Четлашиб ўтдилар мени.
Чиллага тутдилар мени –
Мусаллонгда тизим куйди.

Инсу жиндан кетсам узоқ,
Хўрлик ҳам гоҳ қўйди тузоқ –
Қилқанотим ёйилган чоғ
Исмсиз бир сезим куйди.

Урчидилар қусурларим,
Аралашди фаслларим,
Боғларда ғўр яшилларим,
Қирларда қирмизим куйди.

Дахлсизлар маконида,
Ҳажрнинг ҳур осмонида,
Милярдлар қаҳқашонида
Куймаган юлдузим куйди.

“Мен”им куйди, “Ўз”им куйди...

Тонг отар

Тонг отар
Малина ифорли тонг
Бальзак ёшидаги бари аёллар
Кўча супуришга ошиқар

Бузар мезон сокинлигин
Супургининг
Енгил шовқини

Ёшликнинг
Кийик қадамлари
Навниҳоллар ўта бошлар
Келажак баҳорлар

Ўтаётган
Қунлар юки
Оғирлашиб борар хазон қопларидай
Бальзак ёшидаги аёллар елкасида

* * *

Томчи сувда
Ғарқ қилгандек чумолини
Қуз мени чўқтирар ўзимга

Сўзлашмай қўяман
Сирлашмай қўяман
Тош билан алмашар унсурум

Қувончларим
Кайфият пилласида
Узооқ уйкуга кетар

Борлиқ овозини тинглагум
Полтергейст³ тикирлар
Яқингинада

Қўникаман унга
Нафасимнинг тўсатдан
Сикиб қолишига қўниккандек

Қуз мени ўзимга чўқтирар
Овора бўлма
Инсон қўлларига инонмам ортиқ

Кечиккан хайрлашув

Хуш бор! Хуш бор!
Эй кўчманчи қуш,
Шамолларни ёндирсин отинг.
Уч! Қатламдан қатламларга кўч,
Дийдаларни қуйдирсин ёдинг.
Сен кезмаган майсазорларга,
Сен қўринмас рўёларга ҳайф.
Сен туймаган оҳу зорларга,
Сен оқмаган дарёларга ҳайф.

³ Шовқин солувчи руҳ.

Қурисин сен ичмаган чашма,
Сен тарк этган бағирларга ҳайф.
Кетар бўлсанг – бир бахтга ташна...
Сен туғмаган сағирларга ҳайф.
Ва ҳайф бўлсин қорачиғингни
Этганларга нурдан мосуво.
Қалбинг ҳаққи, етган манзилинг
Тиклаб берсин бир янги дунё.
Барибир ҳайф...
Ёшлиқ чиройинг,
Сезимларинг, орзуларинг ҳайф.
Тунларингнинг ёнар қуртлари,
Қундузингнинг ёғдулари ҳайф.
Ичмаганинг – чоғирларга ҳайф,
Тарк этганинг – бағирларга ҳайф,
Сен воз кечган қадрларга ҳайф,
Сен туймаган сабрларга ҳайф...

Сир имлоси

Мажнуннинг жавҳарли хокидан
Сир имлосин ажратиб олдим,
Қалбим ойнасига “қуҳ-қуҳ”лаб
Ёзиб қўйдим уни.
(Шаффоф ойналарни хушламайди сир)

Кейин қўлларимни силкидим,
Шамолдан самоъ дарсин олган
Муқим дарвишлар –
Оғочлар мисоли.

Ногоҳ сўз палахмонидан
Отилган бир тош
Қалбим ойнасига урилиб,
Дув тўкилди имло.
(Узоқ асролмасдим уни барибир)

Кейин палахмон эгаси
Еру Осмонаро
Ярқираб турган ҳарфларни
Ўқинч ила қилди талаффуз:
“Айн, шин, қоф...”

Манглайдаги ёзиқ

Қисса



Маъмура ЗОҲИДОВА

Кўча томондан машинанинг дуд-дуд овози келди.

Бир ишнинг дўнганидан дарак эди бу. Сал ўтиб баланд бўйли, келишган коматли йигит икки қўлида катта елим пакетларни кўтарганча ҳовлининг кириш йўлагига пайдо бўлди. У ёрдамлашиш учун яқинлашганларга парво қилмай, ҳар томонга аланглади. Сўрида ўтирган онасини топди-да, шу ёққа юрди.

Барибир бозорликлар йўл-йўлакай бошқа кўлларга ўтди. Йигитнинг қўлида енгилгина шилдирок пакет қолди.

– Ойи, яхши ўтирибсизми?

Аёл ўғлига жой бўшатиб сурилди.

– Келдингми? Ҳамма нарса топилдими?

– Ҳа, топдим. Нима гаплар ўзингизда?

– Ҳеч.

– Эрталаб сўрашолмадим сиз билан. Эртароқ чиқиб кетдик. Ўзи тинчингиз бўлмай сахарга яқин ухлаганингизга безовта қилмай дедим.

– Чарчамадингми?

Йигит бошини енгил сараклаб, кўрпачага чўкди. Ич-ичини бўшатиб, чуқур “ух” деди. Онаси ёнига ўзини ташлаб ёнбошлади. Рўмолчаси билан бўйнини артиб, елпинаркан, деди:

– Мана, камларимиз битди ҳисоб. Худо хоҳласа тўйниям қарс-бадабанг қилиб ўтказамиз.

Камларни битказиб тўлғазишга ёлланган умрининг ярим кунини совурган йигит яна қолган ярмида битказилмаса бўлмайдиган нималарнидир хаёл қилар, режасини тузарди.

Аёлнинг назарига совуқ ва ичкин бир ҳис ҳукмрон эди. Йигит ёнбошига ағдарилди, онасига синовчан қараб турди ва унинг қўлини кафтлари орасига олди.

– Ойи-ей, кўчадан келганда мундоқ очилиб турсангиз экан. Жуда бунақа эмасдингиз-ку? Шу кеча ёмон алаҳладингиз. Аллакимларнинг отини айтдингиз. Нимаиди-я. Қундуз дейсизми, Фарида дейсизми, бир нарса. Яна мазангиз қочиб қоладими деб кўрқдим. Бозордаям қандай юрганимни билмадим. Тинч ўтирганмиканлар дейман.

Маъмура ЗОҲИДОВА – 1973 йилда тугилган. Наманган давлат университети-нинг ўзбек тили ва адабиёти факультетини тамомлаган. Республика матбуотида кўплаб илмий-оммабоп мақолалари, “Айтилмай қолган гаплар”, “Ҳикоялар”, “Нажот куйи” каби шеърӣй ва насрий тўпламлари нашр этилган.

Аёл катталашиб бораётган қорачикларини қай бир тайинсиз нуқтадан узиб, кичикларини пирпиратди, ерга қаради. Қошлари баттар чимирилди. Ўғил ғалтакка¹ суялган зар ёстиқни биқинига тортди.

– Дадамнинг ишларидан қийналяпсизми десам... Қўйинг, ойи. Дунёнинг ярми шунақа ўзи. Ҳаммасини унутворинг, орқага ўтказворинг, жон ойи. Айтардингизку, “Болаларим соғ бўлса бўлди”, деб. Мана, биз ёнингиздамиз, ҳаммамиз соғ-саломат. Кучимиз кўп, уйимизда ҳамма нарса етарли. Бу ёқда бир этак неварара билан бўлсангиз. Тўйни хурсандчиликда, маза қилиб ўтказайлик. Ўзингиз эшитдингиз, қайси дўхтир кўрган бўлса, ҳаммаси бирдек асабийлашмасинлар, дам олсинлар, деди.

– Искандар! – ташқаридан биров чақирди.

Бир этак невараларнинг овози бирпас пасайиб турди.

Кўча эшик йўлагига гултоқча чангини артиб юрган Эъзозанинг овози келди:

– Искандар ака, ташқарига қараб юборинг.

– Қаранг, қанақа яхши кунда турибмиз. Бўлди-да. Нимадан эзилаётганингизни айтсангиз экан, одам мундоқ бир ўйлаб кўрса.

Мундоқ ўйлаб кўрилмаган ҳеч нарса қолмаганди.

– Бирортаси ёмонлик қилган бўлса ҳам унутинг, Худо йўлига, ойи. Ё айтмайсиз, ё очилиб юрмайсиз. Бизниям сал ўйланг.

Ўғил ялинчоқ овозда шундай дегани билан ўзи бирортаси ёмонлик қилса, шундоққина унутиб қўяқоладиган хилидан эмасди.

Она индамай ичкари уй деразаси томонга қиялади. Хўрсинди. Кўча эшикка тарадуд ичида қаради. Хушсурат ўғлининг кўзларидан кўзини олиб қочди.

– Хўп. Бор, ошнангни куттирма. Келинга айтиб ўтгин, катта газ қозонга қовурдоқ солсин. Совуткичдаги гўштнинг ҳаммасини ишлатсин. Йўқ, айтма, чақирвор ўзимга. Ҳадемай қўшнилар тарқалиб кетади.

– А-ҳа, бўпти. Эртага дадამни кутиб олишга чиқаман.

Бу гапнинг оҳанги сал бошқа бўлди-ю, ўғил онасига ер остидан бир қараб олди. Она эса эшитмаганга олди.

– Писта, ҳолва-полваям олгансан-а?

Искандар ўрнидан турди. Оёқлигини кияркан, деди:

– Олдим. Уҳ, Валишер бозорга нарса айтворувди. Хаёлим бўлинавериб, опкел-мабман. Нима дейман энди?

* * *

Деворнинг шундайгина орқасида – кўчада маҳалла болалари чулдираб ўйнашарди. Тўпнинг ерга урилиб сакрагани эшитилар, қизчаларнинг бижир-бижир

Ёнимиздаги одам

2018 йилда ушбу журналда Маъмуранинг “Садоқат” номли қиссаси босилган. Мен уни аввалроқ қўлёзма ҳолида ўқиган эдим. Ундан олган илк таассуротим – ёнимизда қимтинибгина юрган қувноқ-ҳазин шу аёлда шунча ақл-идрок ва тасвир қуввати борлиги мени ҳайратга солган эди.

Маъмура яхшигина шоира ҳам. Унинг шеърӣ тўпламини ўқиганда бунга амин бўлганман. Воқеликка шоирона нигоҳ, тирикликнинг азалий муаммоларига инсонлар тақдири орқали фалсафӣ назар солиш адибанинг насрига кўчиб ўтган. Аёллардан файласуф чиқмаган дейишади. Бўлса, бордир, лекин Маъмура ўз қиссаларида, бунда “Садоқат” ва “Манглайдаги ёзиқ”ни кўзда тутмоқдаман, шундай чигал инсоний тақдирларни фақат ўзига хос услубда қаламга оладики, улар фалсафӣ ва алалоқибат эзотерик миқёс касб этади.

¹Ғалтак – сўри, тапчан четларидаги ёғочдан ясалган ғалтаксимон тўсиқ, беама.

сўзлари кулоққа кирарди. Дунё захрини татимаган бегидир болалар ҳамма ёқни шодон овозга тўлдиришганди.

*Чучвара-чучвара қайнайди,
Ойим менга бермайди,
Бермаса бермас де-ейман.
Ҳали уйим узоқда,
Ичган сувим булоқда.*

Аёл юзига сув сачрагандек сесканди. Булоқ сувларининг шилдираши катта сойларнинг шовурига уланиб кетгандек бўлди.

*Ичиб-ичиб маст бўлдим,
Лола билан дўст бўлдим.
Лола кетди мажлисга,
Ўзим қолдим номусга.*

У бошини сарак-сарак қилиб, кулоқларини ёпди. Кўзларини чирт юмди. “На-рида айтмайдими шуну”.

Ичига қил сиғмасди.

Нажот сўраган каби осмонга тикилди.

Осмон ўз бағрида сочилиб кетгани бўйи силжиб бораётган ола булутлар ортидан ер тарафга юзланганча шу томондаги борлиқни жим кузатарди. У булутлар ичида кеча бўлиб ўтган қалдиروқларни ҳам индамай кутиб олган, қаттиқ овозларни қайтариқлари билан қўшиб кенг қаърига ютган эди.

Эй, бу қанақаси бўлди? Осмонни кузатадилар, ҳеч оламда осмон ҳам ерни кузатарканми?

Ҳа-да, осмон кузатсин-да. Осмоннинг елкасига босилган-ку ахир қисмат, тақдир деган тамғалар.

Одамлар қачондир осмоннинг кўзларини кўрганмишлар.

Осмон дунёдаги ҳамма-ҳамма мавжудликнинг амаллари руҳини бағрига сиғдириб олганди.

Амалларнинг ҳам жони бўларкан. Буни тўп-тўп бўлиб ўйнаб юрган болаларга-ям, тўй-тўйчиқда, ўлди-кўмдида катталарга-ям Бойбўл чол айтган. “Қилар ишинг кўкдан ўрмалаб келади”, деган. “Бошинг тепангда турганига бошингга тушсин, дейди. Агар оёғинг осмонда бўлиб юрганингда, оёғингга тушсин, дерди”, деб кўярди бирда-бир Бойбўл чол илжайиб. Яна: “Қасд қилсанг, етасан, яхшисига-ям, ёмонига-ям”, дерди.

“Одамларга бундоқ қарама, осмонга осилиб қара, чумолидан баттар”.

“Осмонга маза, ҳаммани томоша қилади. Кечаси бугдой билан кўмир ўғирлаганларниям.

“Манглайдаги ёзиқ”, нисбатан кичик ҳажмига қарамай, маъно ва ҳиссиёт жиҳатдан жуда сизимдор. Тасвир ва ифода жиҳатдан ўзига хос асар. Юзаки қараганда узук-юлуқ бўлиб туюладиган воқеалар секин-аста изчиллик ва маъно-мазмун қасб этиб, алоҳида ҳам, бир-бирига боғланганда ҳам аниқ эсда қоладиган одамлар тақдири ва характери китобхонни ҳаяжонга солади, қўшилиб дард чекишга ундайди. Қиссада ёрқин чизилган, тасвирнинг диққат марказида бўлган образлар талай. Лекин, назаримда, асарнинг бош қаҳрамони – ҳам жиноятчи, ҳам жабрдийда Гулшандир. У ўз аянчли тақдири билан азалий бир ҳақиқатни яна бир бор исбот қилади. Яъни жиноятнинг ўзиёқ жазодир. Қиссанинг бадиий қиммати ва тарбиявий аҳамияти шунда.

Сирдан қараганда, асарнинг композицияси тарқоқдек, ҳатто йўқдек туюлади. Аслида ушбу йўқликнинг ўзи композициядир.

Ҳаммамизга яхши асар муборак бўлсин.

Сувон МЕЛИ,
филология фанлари доктори,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими

Э, ўлсин, ичи жизиллаб ўғирлайди. Бола-чақаси оч қолиб, совук еб ўтирса, нима қилади”.

Яна бир, аллақачонда, кимлардир ўз қулоғи билан эшитишича, Маккисоқовга қараб, “Қўшганинг билан қўша қаригин дердим-у, бандаси билан кунинг қўшилмаган-да?” деганмиш.

Бандаси билан қўшилмаган куни курсин шу соқовнинг.

Лекин Маккиям бир одам. Осмондан қарасанг, ҳамма қатори. Ерда бўлсанг, гун-галак, соқовлигини билиб қатордан чиқарасан-қўясан.

Ха. Макки тентак-қу. У якка бўлмай ким якка бўлсин.

Маккига мос деб Ўғилби анқовнинг биттагина мосовсираган² қизини топгандилар ҳам. Ўғилби анқов шугина қизга куёв чиққан маҳалда ўша айниган мияси ишлаб кетиб, “Макки ўзининг кунини кўролмайд-ю, хотин боқолармиди?” деганмиш.

Одамлар “Ер” деб атагани билан катта қисми бўзлок қуруқлик эмас, сувлок бўлган Ер отли бу тинмас яратикдан кўтарилган бугларнинг ҳосиласи бўлмиш айикмонанд булутлар чексиз кўк бағрида уқаланиб кетмай бирдек айланишарди. Гоҳ ёйилиб, гоҳ йиғилишар, гоҳ у-бу ерда ожизгина сузишар, гоҳ бутун осмонни энлаб, ўзларининг хайбатлари ўткинчи эмаслигига ишонтиришарди. Мангу қисматлари шу эди уларнинг. Заминнинг парлари булутдан нарига ўтмай изига қайтарди. Тоғларга тушиб, сойларга айланарди.

Яна Бойбўл чол деганки, ҳар кишининг кучи осмон қувватига бўйлашармиш. Одамнинг боши – Оллонинг тоши дегани шундоққина гапмасмиш.

Болалар ичида шумлари, катталар ичида китмир-қувлари бўлади. Бойбўл чол ғалати гапиргани сари каттасию кичиги гапга тутиб, сўроқ-савол қилади. Бир доноси: “Осмон, осмон дейсиз, нима экан, осмон шу кўриб турганимиз-да”, деса, “Ў-ў, осмон ойтуғар, кунтуғар, юлдузтутар, елпуфлар бир кўкдумалоқ. Ваҳ-ваҳай хайбатингдан”, деб қўяди. Чол қорайиб кетган тўнининг ўнг этагини белбоғига қистириб олганча қўлидаги ҳассани ерга тарақ-туруқ уриб, хириллаб кўшиқ айтиб юради. Бир сўровингга вақтида жавоб қилмай аллақанақа айткиликларни мингирлаб чўзаверса, бошларинг қотиб манглайинг тиришади. Бошқа ишим йўқмиди? Ерни тепиб-тепкилаб кета бошлайсан. Шунда чол нимадир деб юборади. Сал қулоқ солса, бирам маънолари бор. “Ий, бу мияси суялган нима деди?” Ортидан чоғиб бориб, идоранинг қоровулхонасига суяниб қолган уйчасига кириб ҳам бўлсин, сўрагинг келади. У ерга кириб бўлармиди? Кўрган нима дейди?

Булутлар кун исир сари қорайиб келсалар, ерга бодрокдек дўл келиб тушади. Дўл ҳам ердаги мавжудотга аталган, ўрнида ўрнига тушгандиров. У тинган чоғда одамлар илма-тешиқ бўлган барглар, ер бағирлаб қолган ниҳоллар, ўзанидан чиққан ариқлар, бузилиб кетган жўякларга қараб ёғиннинг бевақт бўлганидан сўзлай кетишарди. Одамлар ўз сўзларини вақтида айтиб қолишни ўйлашарди. Ҳеч йўқ, суҳбатдош узоқлаб кетмасидан.

Йўл-йўлакайлик умрнинг кўп вақтлари доноларча сўйламоқ, гапириб қолмоққа сарф эди. Одамлар нимадир деб қўйишга истакли, хабарни энг аввал етказишда шошқин, бировлар ҳақида узоқ-узоқ суҳбат қилишга мойил эдилар.

– Маккисоқов ҳам одам билан гаплашаркан. Имолашиб дейман-да. Гаплашганда роса очилиб кетаркан-эй. Қулиб-қулиб қўяди.

– Қанақасига? Қўйсангиз-чи. Имолашгани тўғри-ку, очилиб кетармиш. Юзи йил-йил сув кўрмаса. Увада бўлиб юрса. Катта холасиникига очиладимми?

– Ана қаранг, Бойбўл чол уни роса гапга солди. Бир нималар деб ишора қилгани қилган.

– Ҳа, чолми? Боланинг тилини бола тушунади, жинниникини жинни-да.

– Шу, шу. Чол ҳам унинг анг-вангига мингирлаб жавоб қайтараркан. Алланарсалар деб йўлга солди.

– Сиз у чолнинг мингир ашуласига ишонманг. Балони билади.

– Сиз чолни айтасиз. Аммо Маккиям шу. Бир йили Чимди тоғанинг кенжасини от тишлаб олай деганда берига тортиб олган экан.

² Мосовсираган – анграйган, бўшаишган.

– Ҳа, шунақа дейишарди. Икков тул бир бўлиб олганини қаранг. Иккита жинни бир бўлди, деб кўшиқ айтардик, эсингиздами? Уялмасдан иккинчи қаториниям баланд овозда айтаверардик.

– Маккисоқов сувсиз туролмаса керак, дейман-да. Қачон қарасам, Каттасойнинг бўйича, бирда-бир Шўркансой тарафдаям юраркан. Хотинлар кўришибди. Жинниликни туридан олади. Ҳали осмонга сакрайди, ҳали ерга чўккалайди. Минғирлаб ашула айтадимей.

– Эй, турки қурсин. Қайнотам айтдилар, ана у куни тумандан катталар келган экан. Шундоқ идоранинг олдида Бойбўл чол билан иккаласи жулдурини осилтириб ўтиб қолганмиш-да. Битта каттаси қайнотамга: “Ҳа, Садриддинбой, бизни кутиб олишга гадоиларни чақириб қўйганмидингиз? Жуда кўрсатмасангиз ҳам, ёрдам керак бўлса, ажратаверардик”, деганмиш.

– Ўўв бошлабди-ку раисимизни. Ҳазил, тагин етказиб қўйманг! Эсиз. Шунча домлалар бор, дўхтирлар бор, кўрса кўргидек. Идоранинг катталарига қирғин келибдими?

– Ҳаммасини текширув боради, деб шийпонларга жўнатишган экан-да.

– Селсовет гўрга кирган эканми?

– Билмасам, вой, мен кетдим. Чойга чиқинглар, қўшнилар.

Сокин тупроқнинг серташвиш одамлари ора-сира замоннинг нотинч ва долғали эканидан дараклар қилиб қўйишарди. Замонда эса аслида вақтнинг ҳисоби йўқ эди.

Бойбўл чол кўп ёшга етган бўлса ҳам ёш боладек.

Ҳовлисида ёлғиз яшаб юрган вақтларда қўшниларига: “Ой ботар, кун туғар, қаро ерга кирсам, гўримга тез-тез элтинглар. Сассиғим чиқиииб, ҳовлимнинг фаришталарини қувиб кетииниб, кампирдан уялиб ўтирмайин”, дерди. У пайтлар гаплари анча тузук эди. Гапириб қўйиб орқасидан “Қихх” деб кулмасди.

Чолнинг бир оғиз сўз демас кампири ҳам бор эди. Хў, аввалроқ-да. Қушнинг ҳам уяси бузилмасин. Бу уй-жойлари пана-пастқам бўлган билан бирам фариштали эди. Иккисига-ку тиллага тортгисиз. Кампирнинг эси бор экан, “буз-буз” кўргиликларни кўрмай ўлиб кетди. Увва-ув қилиб чиқаришган, худди ўша иккита кичкина эшиги бор ҳовлидан. Энди пастак эшиклар ҳам, томсувоқ уйлар ҳам, кўзлари кичкина-кичкина, кесакилари калин дарчалар ҳам, кўча эшик ёнидаги қоратол ҳам, қоратол остидаги тўртбурчак супа ҳам қолмаган.

Коинот соатлари бир маромда чиқиллар, кун бирдек чиқар, ой бирдек туғар, дайжур³ кечанинг узуну бирдек, қорлар ўша-ўша ок, қаҳратон ўша-ўша қаҳрли, ўт-ўлан ўша-ўша кўк, саратон ўша-ўша қайноқ эди. Одамлар замонни ўзлари қилиб қўйган қилғиликлар билан ўлчар эдилар. “Уруш йиллари”, “Месхетилар кўчиб кетган йили”, “Чернобилда атом портлаган йили”, “Аҳолини қават уйларга кўчириб, қишлоқни бузишган йили”, “Палончининг ўглини сув оқизиб кетган йили”, дейилганидек.

Бурунлари қишлоқда “Сувтошқин йили” деган бир йилни кўп эслашарди. Ёмонгина талафот келган экан-да ўзиям. Энди у кунларни кўрганларнинг кўпи ердан кўкариб чиқди. Эшитганлар гапиради энди. Ён-теварақларида сувтошқинни кўрганлар қолмаганини билгач, худди ўзлари ўша кунларда яшаб қўйгандек гап очадилар. Ёнингдаги одам ҳозир ўзингдан эшитган бир гапни бошқа одамга телба-тескари қилиб айтиб жиғибийронингни чиқариб юрганда, бу эшитганларнинг гапиргани нима бўлса экан. Барибир эшитган кўрганни енгади-да.

“Эндиги одамлар бир бошқа. Пикриям чала, шукриям”, деб қўярди Бойбўл чол тайинсиз гаплари орасида.

Одамлар шикоят қилишния, шикоят қилиб юрганга оғизда меҳрибонлик қилишния жойига солишарди.

– Опоқдада, бултурги оқшоқ куртлаб кетибди. Элаб қўйдим. Қурт уруғи қолмади. Маккига элтиб бермайсизми? Чол билан еворишади.

– Ўзинглар ишлатмайсанларми?

– Кечаги кун мошкичирига солувдим. Ўргимчак уянинг иси келиб қолди. Обориб бера қолинг.

³ Дайжур – қишининг узун кечаси.

- Бўпти, тугиб қўй.
- Опоқдада, чол Маккига ҳеч ким бўлмайди-да, а?
- Ҳа, ҳеч кими эмас.
- Унда нега бир жойда яшашади?
- Соқовнинг уйи бузилганда Бойбўл чол уйига олиб кетган.
- Опоқдада, ўша кичкина уйда уларнинг овқат қиладиган жойи борми ўзи?
- Бор, бор. Ёзда уйининг орқасидаги ўчоғида пиширади. Ҳар куни қилишмайди.

Бир хотин овқат бериб туради уларга.

Эшитишга қулоқ бўлгани, гапиришга тилинг бўлгани ҳам ғазна экан-а? Мана, эндиги Бойбўл чол. Оғиз қимирлатади-ю, овози икки қулоқ ерга етмайди. Илгариги дўриллоқлари қани. Ингичка тортган. Қўшиқ айтса, худдики бир кампир хиргойи қилгандек. Болаларга мазах, катталарнинг кўписига кулги, кўписига кексайиб, ёлғизликда мияси айнаган, тўридан гўри яқин бир дахмаза.

“Олиб юрма, беролмасанг, ўтда қоласан”, дерди чол.

Ҳар икки кунда бир олдига келадиган ҳолдон⁴ соқов йигитча охири шу ёнбошлаган уйга кўчиб кирди. Унинг торқўчадан кирадиган кичкинагина кулбаси билан олти қадамга олти қадам ҳовлисини Соймат тоғанинг шаҳарда ишлайдиган бойваччаси сотиб олганмиш. Пулини қачон берган, кимга берган, биров билмади. Бирса бергандир... Уни суриштириб Сойматнинг ўғлига ёмон кўриниб кимга зарил? Нечтасининг ишини битириб юрадиган учар йигит бўлса. Ҳарқалай, иш битирмаса ҳам, қишлоқдан чиқиб, каттакон бўлиб кетганининг ўзи етади. Оғиз тўлдириб гапирса гапиргудек.

Одамлар авваллари соқовдан сўз кетса, “Балони билади, тирикчилигини қилиб юрибди, бировга зиёни йўқ”, дерди. Энди бўлса, “Уйининг бир ёқ девори ёмғирда кулаб тушгани баҳона, шундоқ марказга – Бойбўл чолниқига келиб олгани” кўпларнинг жигига тегади. “Тавба, ана у идорага ёпишган уйчаси бор-ку, худди қўйга ёпишган кананинг ўзи-я. Эгалари ундан баттар. Идорадан бирор нарса унади деб келиб олгандир-да?” “Идорадагилар шуларни Ғирвондаги жиннихонага ё қариялар уйига обориб ташласа бўларкан. Унақа десам, буларга ким гап уқтиради? Бировга қулоқ ҳам солмайди-ку”. “Қулоқ солмаса-солмас. Барибир иккаласиям яхши эшитмайди. Битта итқамар машинага солиб олиб бориб ташлаш керак, та-мом”.

Лекин Макки Бойбўл чолнинг гапларини жуда кўп тинглаган. Чол Макки ҳали Ялангқирда яшаб турган вақтларда ҳам уйига келиб қолса, ёмон севинарди. Мана энди қанча гапи бўлса, қачон бўлса айтаверади. Ҳа, гаплар кўп, айтмаса бўлмайди. Келар кунлар гапининг қизиги йўқ. Ахир келар кун келадими, йўқми, Ўзига маълум. Кечган куннинг гапи эса, эҳ-ҳе. Айтиб адо қилиб бўлмайди, айтиб-айтиб қолай деса адо бўлиб кетади одам. Ҳарқалай, олдинда одам бўлмаса гапириб ҳам бўлмайди. Биров кўриб қолса, ўзингга индамаса ҳам, нари кетганда кулади. Миясига қўлини бигиз қилиб бир айлантиради. Барибир айтиқ айтилса дуруст. Агар эшитадиган одамнинг қулоғи қар бўлса, жуда маъқул-да. Ҳа, шу, эшитадиган одам эшитмаса.

Бунга Маккидан яхшиси бор эканми? Бурунгидек ўзини тузаб, ойнага солиб юрадиган Макки йўқ энди. Пахтаси осилган тўнини яғир бостириб, юзини қопқора соқолга топшириб, сочлари лайлакуядек бўлиб, “хух-хух” овоз чиқариб юради. Унга товушинг баландми, пастми, нима экан. “Қайтарворинг-а, англамадим”, демайди. “Э, қаяқдаги эски-туски гапларни валдирашдан бошқа ишингиз йўқми, бобой? Ана, чойхонага чиқинг, тенгиларингиз ҳаммаси ўша ерда”, демайди. Йўл-йўлакай учрайдиган китмир, бемаза маҳмадоналарга ўхшаб, “Битта майиздеккина кампир топиб берайми сизга? Зерикиб ҳам кетдингиз-а?” деб мулзам қилмайди. Атай гап сўраб, жавоб берганингда орқа ўгириб бошини саракламайди. Тентаклигига ишора қилиб шеригига ишшайиб кулмайди.

Бойбўл чолнинг ўз отини ҳеч ким билмасди. Бойбўл деб кампири атаганига ҳамма ҳам шунақа дерди. Бойбўл деган отнинг эгаси бўлмасмиди, бор эди. Бойбўл – чол-кампирнинг якка ўғли эди. Рязан деган жойга – ўзи хизматда кўриб келган

⁴ Ҳолдон – ҳол-аҳвол сўраб турувчи, хабардор бўлувчи.

томонларга ишлайман деб кетганича дарак бўлмади. Авваллари, “Қаёққа кетиб қолди, хат-хабар борми?” деб сўроқлаганларга, “Русияда Руязон деган бир жой бор. Руязон қаёқда-ю, биласанми ўзи?” дерди чол кўзини жавдиратиб, худди ўзи билган, бориб кўргандек. Энди индамайди. Биров сўраса эшитмаганга олади.

Ўшанда чол ота-бобосидан қолган уйи бузилишини эшитгач, кўксини кўтаролмай эгилиб қолди. Ёлғизгина укасининг кенжа ўғли олиб кетар бўлди. “Бузадиганлар келса, шошиб қоламиз”, деди бир юртчиси⁵. Идоранинг югурдакларидан бирови: “Кўзларидан билмаяпсизми? Бузилганда шу ерда бўлганлари яхши. Билиб бўладими, ё ўзлари ё бурунчилари кўмган тилла-пилла чикса. Шунга илҳак бўлиб ётибдилар”, деди. Йигитнинг доно гапига биров қулоқ солмади. Юртчилар йиғилиб чолнинг олдига келди. Чол, “Майли, тар-тари келган куни бораман”, деб бир ҳовли одамга орқа ўгириб, кичкина эшикдан кириб кетди. Кейин чўмичли трахирни хайдаб келиб эшиги рўпарасига қўйиб, душанбадан иш бошлаймиз, дейилган куни ётиб қолди.

Бойбўл чол Гулшаннинг бобоси билан бир умрлик ҳамсоя эди. Эски кадрдон. Ҳамсоясининг ўғлига – Гулшаннинг отасига учта тугунда ўлимлигини кўрсатди. Уйимни бузса барибир ўламан-ку, деб ўйлаган экан. Лекин кўзини қанча юммасин, ўлмади. Идоранинг қоровулхонасига ёнбошлаб қолган уйчага эски-туски кўчлари билан кўчириб қўйишди. Кампирнинг энгил-пенгилини опасининг қизи тугиб кетди.

Чолнинг уйи ўрни текислангандан кейин буз-бузлар тўхтади. Гулшанларнинг уйи бузилмади, бошқа ҳеч кимнинг ҳам уйи бузилмади.

Ҳозир эски уйлар қолмаган. Ҳаммаси янгиланиб баланд-баланд, оппоқ-оппоқ бўлиб кетган.

* * *

“Ўшанда Бойбўл чолниқига ўхшаб бузилиб кета қолса бўлмасиди. Шу жойларда кўрган кунларим курсин. Минг янгилаб қўйган билан кўзингни юмсанг, эски холида эсингга келаверади”.

Гулшан ҳамон ўтирган жойида ўй сурарди. Ҳовли саҳнига қарайдими, уй деразасидами, гулли пардаларгами, ялтироқ ғалтакларгами, олис кунларни кўрарди. Хаёлида ташқари кўчадаги сой аввалгидек қирғоқлари эгри-бугри, бўлиб шовуллар, қатор ўриклар оқ танга сочар, сойга эгилиб тарвақайлаб ўсган ёнғоқнинг шохи сувда тинмай силкинар, худди чўлоқ кўзининг оёғидек тийганарди.

Осмон эса бўлиб ўтаётган ишларнинг ҳаммасини кузатар, на у, на бу тараф бўлар эди.

* * *

Иккита мошина, битта “чўмболтрахир⁶” пайдо бўлган ўша кунда, кимдир қолхоз идорасидан раисни олиб келган. Раис айланмапана бошлигини ечиб олиб ўзини елпиркан, чолни шундай “хосиятсиз” жар бўйида ёлғиз қолдирмаслигини айтганди. “Ҳукумат бор экан, мен бор эканман, сиз хор бўлмайсиз”, деганди.

Ҳа, хор бўлмади. Идорага ёнбошлаган қорасувоқ уйчада вақтинча яшаб турди. Бори шу. Ўзи дунёга вақтинчага келган-ку одам. Ҳа-я, бу қорасувоқ уйни бир пайтлар идорани иситишга қозонхона бўлади деб қуришган экан. Яхшиям, қозонхонани орқага ўтказворишгани. Йўкса чол нима қиларди. Мана, кейинроқ Макки келаркан. У бечораям нима қиларди.

Бойбўл чол уйининг бузилишини кўз олдида ҳам келтирмаганди. Ишонмаганди. Кейин... ростдан ҳам бузилди. Текислаб ташланганича неча маҳал ётди. Кун-соати келиб, текисланган ерлар футбол тепадиган битта майдон бўлди. Майдон ҳамма эр-

⁵ Юртчи – идора вакили, бошқарув ташиклоти ходими.

⁶ Чўмболтрахир – экскаватор.

каклару майда ўғилларгача маъкул келди. Тўп тегишни суйганлар тенг-тўши билан бакириб-чакириб ўйнайдиган бўлди. Тўпининг кетидан чопган бир ўн етти яшар йигит сувда оқиб ўлгандан кейин майдоннинг панжарадан бўлган эшиги қанча йил кулфланиб ётди.

Сой лаблари ўйдим-чуқур, қаровсиз эди. Суви унда ёйилиб, бунда тезлаб оқарди. Ташламадан тушган сув ўйиб юборган бўлса керак, дўнгтепадан пастга тушарда катта жар пайдо бўлган. Қирғоғида ҳар турли кингир-кийшиқ толлар ўсиб, кеч тушган маҳаллар ваҳимали бўлиб кетарди. Шундай эса-да, суви кам чоғларда кундузлари бировларнинг молию ўрдагига яйловлик қиларди. Болаларнинг чўмиладиган жойи ҳам эди бу жар.

Кейинроқ стадиони ҳам бузилган. Кутижар кўмилган. Сой четлари текисланган, цемент қилинган. Канал деб ном олган. Суви равон ва шитоб оқадиган бўлган.

Сой лабини учарлар эгаллаб дўконми, бир нималар куриб олди. Бири баланд, бири паст, бири кенг, бири тор, бири отли, бири отсиз – буни қошидаги ёзувдан билса бўлади.

Бойбўл чолнинг уйи ўрнида эса бир салаватлик тўйхона бўлди. “Бойбўл чолнинг уйи ўрни” деб ким ҳам эсларди. Одамлар “истадион ўрни” дейишарди.

Тўйхонамисан тўйхона. Устунлари ялтир-юлтир, чироқлари шалдир-шулдир, аскарсифат ғалтаклари саф-саф, осиглик пардалари қат-қат. Ҳа, янги чоғларнинг тўйлари ҳам шу тўйхоналардек ажаб.

Бойбўл чол йигит ёшида эканида деволзанлик қилиб лой тегиб турган жойидан, шу қирқ беш йиллик кампирини думалоққина қиз етилганда далада ишлаб турган еридан етаклаб келиб бир коса сув билан никоҳлаб қўйишган. Эртаси бир чилдир-макаш ялла қилган – тўй бўлган.

Эндиги тўйлар эҳ-ҳе.

Бу тўйхонага кирар бўлганда далаларда ишлайдиган не-не қизлар ҳам соч жингалаклатарларга бориб воҳ-воҳай бўлиб келишади. Еб-ичиш билан кўпам ишлари йўқ-ку, ўртада тўдалашиб ўйнагилари келади. Тўй ўтгандан кейин яна куй-куй бошқадан бўлиб ёриқтовон, қадоққўл бўлиб кетишади. Лекин бирор хешининг тўйини кутиииб-кутиб энтикиб-энтикиб ишлашади далаларда. Сухбатнинг қаймоғиям шу: “Вой тавба, ўша қизга уйланарканми?” “Ўшанга теганман дебди, эшакнинг танлагани шўра экан-да”, “Палончининг тўйи қачон экан, белгиланибди-ми?” “Тўйга нима қиясан? Бирор нарсга олдингми?” “Бозорга қачон борасан?”

Гулшан ҳам Бойбўл чол идора ёнбошига кўчган йили шундай, бўй етмаса ҳам ақли ҳар нарсга етиб қолган қизларнинг бири эди. Дугонаси Юлдуз ҳам.

* * *

Ҳашаматли уйнинг кенг ҳовлисида ҳамма тўй тараддудида шошиб уриниб юрарди. Болохонанинг зинаси четидаги ялтироқ ғалтаклари эрталабки куёшда узун-узун сояларини ўзига тортганча бир текис саф тортиб турарди. Ҳовлига кирган кишининг кўзига шу болохона-сўри лоп этиб уриларди. Болохонанинг ярмини энлаган сўрининг тўрт тарафига ловуллаган кўрпачалар солинган. Ойналар ярақлар, майин шабада пешайвон устунларига тортилган янги пардаларнинг заифгина оҳорини димокқа келтирарди. Ҳовлида бўёқ хиди ҳам анқирди.

Машина қўйиладиган ва сўл чети йўлак бўлган дарвозахона устидаги ҳавозадан бир неча қўшни хонадонларнинг ҳам ҳовлилари ярим-ёрти кўриниб турарди.

Юруми тезлашган тўйнинг ҳавоси анча келиб қолганди. Бирам-бирам асъаса намоён этиб турган мағрур нақшин деворлар соясида, қоронғи тушишини кутаётган осма чироқлар остида ҳар нима ташиниб ё чанг-чунг тозалаб юрганларнинг бари мамнун, чехраси очик. Бирок ҳовлида недир бир айтиб бўлмайдиган хавотир, қандайдир ҳадикнинг руҳи кезинарди.

Қўшнилари, қариндошлари тўй арафасида, кейин индинги кун бўладиган тўйда ҳам яхшигина хизмат қилиб, ўзларига кўп фойдаси теккан хонадон бекасининг кўнглини олишга бел боғлаганча чоғиб юришарди. Ора-сира ўзлари томонга бу ёқда бўлиб турган уринишларни кўрибми-кўрмай разм солиб, ғалтакка суяниб ўтирган барваста ва истарали, кибор ва сўлгин аёл томонга зимдан қараб қўйишарди. Икки

ён қўшниси ҳозиргина қаватлаб тах берганлари – ловуллаган ёстикларнинг ўнг-сўл ёғида туриб бир-бирларига нимадир кизиқ гап айтишар, енгил кулишарди.

Аёл йирик қора кўзлари билан яқин-узоқ нуқталарга тикилар, безовта нигоҳлари гоҳ-гоҳ бировни излаган каби саросар кезар эди. Оппоқ юзларида недир тажанглик ўринлашган, пешона чизиқлари ярим асрлик йўлларга ишорат қиларди. Чимирилган қоп-қора қошлари ўртасидаги тугунчакнинг бу ўринга анча олдин тугилгани сезиларди.

Қаердадир чирилдоқ тажанг овозда чириллайди. Ҳалигина кизилиштон тинмай тўқиллатиб кетган симёғочдан ғичир-ғичир овоз келади. Этакдаги олмазордан чумчуқларнинг чирқиллаши эшитилади.

Кеч кирди. Одамлар сепсилди⁷. Чарчаган болалари кечки овқатдан кейин қўни-қўшни, қариндош-уруғларни кузатгач, у билан хайрлашиб, яхши ётиб туришини тилаб, болачаларини бошлаганча, ўз уйларига кириб кетдилар. Куёв бўлай деб турган кенжа ўғли яна ул-булларини кўтариб, онаси ётадиган хонага йўналди.

Ҳозиргина кичик келини идишларни шақир-шуқур юваётганди. Ана, янги чой дамлаб қўйиб кетибди. Аёл чойни эрмак қилиб ўтирди. Хаёлини йиғиб пиёладан охирги хўпламни хўплади-да, пиёлани тақсимчага тўнкариб, кўзгалди. Ичкарилади. Ўғли хужжатлар солинадиган кичкина сарик сумкачани олдига қўйиб, қоғозларни ёйиб ўтирарди. Ўғлининг ётар ўрнини тузатган бўлди – ҳозир ухлайди у ҳам.

Кейин ўзининг юмшоқ жойига кирди.

Уй шифтида яшил ғажакли гул нақшлар солланар, гўё уйнинг тоmidан шира эмган узум гужумлари панжасимон япроқлар орасидан пастга осилиб тургандек кўринар эди. Аёл чарчоқли нигоҳ билан ғажаклар изидан шифтнинг теграсини уч қур айланиб чиқди.

Уйку унга яна қайта-қайта чап берар, худди осойиш шарпасининг ортидан чопган бедор шамол каби хаёл елкасида ҳамма кўчаларга кириб чиқарди.

Кўзи бирпас илинганда эса, ҳар галги каби, бир деганда оламча туш кўрди. Ҳаммаси алоқ-чалок. Босириқди. Уйғониб кетди, яна манглайда резареза тер. Ўғли унга қайрилмай ўз иши билан бўлди, хайрият.

Икки ҳафта бурунги бўлиб ўтган шўришларни эслаб, лабини тишлади, қунишиб олди. Уйку билан уйқусизлик ўртасида мудроқ хотиралар жонини ўртар, кўксини ўярди. Киприклари тун билан олишар, кўзлари ўзи кўриб тургани – борлиқнинг мангу қонуниятлари билан чиқишиш ўрнига, иложсиз, қоронғилик билан сўзлашар, сукунат билан тиллашмоқ, сирлашмоқ бўлар, унга дардини айтмоқ, унга ишонмоқ истар эди.

Ҳа, у қоронғи билан юзма-юз ўтирарди, жимжитлик билан сўзлашар эди, кимсасизликни қаршиларди.

Уйкудан ҳам шунчалик кўркадиган бўлиб қоладими одам? Тўйнинг етти ўлчови ўлчаб бўлинганида яна бир нарса бўлиб ҳаммани тинч жойидан бетинч қилмаса, анов кунгидек касал бўлмаса ҳам касалхоналарга тушиб юрмаса бўлгани. Шунча сурдиргани етар. “Уфф. О, Эгам, ўзинг асра!”

У дивандаги бир жуфт ёстикқа маъюс тикилди.

Бахтнинг масрурлиги нима ўзи? Борми ўша бахт? Бўлса қандай? Шакли, иси, тотти борми унинг?

Аёл яна эридан – болаларининг отасидан хаёл қилди.

Эр дегани тўй сурилганини эшитиб, бир кун жимиб қолди. Кейин сим қоқиб тўртта дўқонига янги товар олиб келишганини айтди-ю, “жуда зарур” ишларини тугатиб қайтадиган бўлди.

Одамзод зарур иш деб чопиб-чопиб паккага етиб келади. Кейин унга битта гўр зарурдан зарур бўлади. Ўлик кўп кутмайди. Ўлик зарурликдан тупрокқа қайтади, худди рух зарурликдан осмонга учганидек.

Дунё эса “жуда зарур” ишлардан тошиб ётарди...

Ўлмасбойнинг ишлари ҳамманикидан шошилинич. Ўртага бир оғиз сўз, бир жумла сўров, битта ишора сиғмайди. Бу зарур ишлар ҳув аввалида ғафлатда қолдирди Гулшанни. Зарур ишлар бундай бўлишини, шундоқ ҳам хилвираб турадиган юрагини тутдек тўкишини, ўзи қизиб-ўзи музлайдиган бўлиб кетган ич-ичини рашк деган аёвсиз оловда ёқишини хаёлига келтирибмиди. Бу ишларни ваз-қорсон келтиришлар эрини бошқа, ёшроқ, чиройлироқ хотинга уйлантирди.

⁷Сепсилмоқ – камайиб, аста тугамоқ.

Ў-ў, кундошлик умр.

Аёл зоти эрининг гўри устида бошқа хотинга уйланмай туриб ўлиб кетгани учун шукур қиларкан.

Чайлада яшаса бўлмасмиди. Эри ўзиники бўлсин эди.

Лекин энди шу ҳолига чайлада кун кўрди нима-ю қасрда давр сурди нима.

Энг-энг бошдан тинчгина ҳаёт таъмини тотгани дуруст эди. Вақтни ортга қайтариб бўлсами? Эсиз!

У маҳаллар кенжаси тўрт ёшга тўлганди.

Аввалига эри уйга кам келадиган бўлди. Гулшан рўзгор ғалвасига шўнғиб кетибди..

Ҳадикланиб-ҳадикланиб, охири ортидан одам қўйдирди. Каттагинани ваъда қилди. Ёлланма айғоқчи пулини ҳалоллаб олди – бор гапни шартта-шартта айтди.

“Акамиз уйланибдилар. Бир ярим йил бўлибди. Ҳамшира бўлиб ишлаган экан. Ҳозир акага текканидан бери ишни ташлабди. Уйда ўтирар экан. Ҳомилали экан. Акамиз уни жуда эҳтиётларкан. Қаерларгадир ўзи обориб-опкелиб қўйдилар. Авайлаб юрибдилар. Икки кундаям остона ҳатлаб чиқмади. Олдига мактабда ўқийдиган бир қиз келиб ётиб қолди. Учинчи куни қўшнилари билан бир соатча кўчада ўтирди. Мақтаниб-мақтаниб гапирди. Тўртинчи куни ўзига қараб, ясаниб, деразадан қараб-қараб қўяётган эди, акамиз келдилар. Машинанинг орқаси тугул ўриндиғида ҳам нарс олиб келибдилар. Аёлни уринтирмай ўзлари ташидилар. Кейин мактабқизча кетди. Акамиз қолдилар. Бу сафарга шу, янга”.

Гулшан кўрпачага чўккалаб қолди. Эшитганлари шундоқ ҳам елкасига юк ортилгандек вазмин жуссасини баттар оғир тортирди. Бир одамдан изза бўлгани шунча бўлса. Ер ёрилса экан! Сойлар тортиб кетса экан!

Билдирмаганни билмай қўяверса бўлмасмиди? Шунча зарурмиди билиши?

Узоқ сукутдан кейин, “У ўзи қанақа?” деди. “Чиройлими”, дегани эди бу. Пойлоқчи саволни англамасинмай ғалати қаради. Янга қошларини чимира туриб, ўзини сир бой бермаганга солди. “Кимга ўхшайди?” деган сўзлар тиши орасидан сизиб чиқди. “Мен бировга ўхшатмадим, янга. Ҳеч кимга ўхшамайди. Жуда сулув, кейин ёшгина экан”.

“Нима иш бўлса айтаверинг, янга. Ис-миси чиқмайди. Ўхшатаман”.

Айғоқ кетди.

Энг ичкари уйга кириб эшикни ёпди, ўкириб йиғлади. Жони ўртанди. Оғриди. Оёқлари остида тиканлар қаторлашгандек бир жойда ўрнамади. Ҳали деразаси олдига, ҳали эшик тагига, ҳали эрининг кийимлари турадиган жоймонга бориб келди. Уч кун куруқ сув ичди. Уям муздек. Ичига адашган сичқон боласи кириб олгандек тирналди. Кўзидан ўт чиқди. Кўкси куйгани сари тинмай йиғлади. Оҳ билан ух ичини бўшатишга ёлланган эса-да, ёрдам беролмади. Ўзини кўтаролмай бир ҳафта ётди.

Одамнинг танасини ҳўл яратгани шундандир-да, ёниб кетмайсан, тутаб-тутаб ё тугайсан, ё ўчасан.

Зарур ишлар важидан уйга кам келар бўлган эрнинг нағмалари кун сайин ортиб борарди. Зарур ишлар эрнинг эътиборини иккига бўлдирди, топганини иккига айирди. “Жуда зарур” ишлар Гулшаннинг соғлигидан зарурроқ бўлди. Восвосланиб касалхонада ётганида ҳам эр деганини узоқлардан келтирмади зарур ишлар. Ундан аввал-чи? Катта ўғли велосипед билан маҳалла кўчасида “Жигули”га туртилиб кетиб, қанча сўроқ-савол бўлди. Ўртанчаси дўконда биқинини чангаллаб қолиб, кўричак олди. Шу виқорли, бир ким отини айтганда ҳамма ўгирилиб қарайдиган, кимсан палончи дейдиган ота шаҳарда эди. “Энг керакли ёрдам”ни юбортириб, пул жўнаттирган ҳам “зарур ишлар” бўлди. “Ортиғи билан таъминлаб қўйган” эди ота.

Кўнгилнинг истагани энг керак ишми? Дунёнинг тагига етиш учун кўнгил йўлидан юриш керакми? Унда кўнгил тўлдим, тўйдим демайди-ку. Дунёнинг таги ҳам йўқ экан-да, етиб бўлмас экан-да.

Ишқилиб, кўнгил деган олам яхши кечинма истаркан, турфа жилва қидираркан, нафис, ҳеч кўрилмаган гўзаллик ахтараркан.

Шугинами?

Кўнгил осмоннинг ҳаволари билан бир хил экан. Ўзгариб қолиши ҳеч гап. Безиши осон. Ҳалигина қилган аҳду ваъдасидан қайтмоғи, киёфасидан ўзгармоғига лаҳза етарли. Кенглигини ўлчаб бўлмайди. Тўлмоғи эса... Жуда қийин. Қийиндан-қийин. Тўлмаганидан кейин ўзга овунч ахтариб кезиневараркан-да, ўз оламида. Танани бошлаб юраркан.

Шукурни аввал кўнгилга, кўнгилнинг ич-ичига берсин экан Яратган.

“Сени бирор нарсага зориқтириб қўйганим йўқ-ку. Қўлимда тарозим бор. Жуда сен ўйлагандек аҳмоқ эмасман. Худо уриб қўймагандир мениям. Ўзим билиб-билиб иш қиламан. Искандарларнинг ҳақини ҳеч ким тортиб олмайди. Мана, бу дўконгайм, шаҳардагигайм бу гал энг тоза товар олиб келдим. Нақ Яқвалхўжанинг ўзи гаплашди мен билан, ўзи юклаб берди. Ишларим янаям юришиб кетади энди. Майли, мен борайин, зарур ишлар бор”.

“Битта мен шунақа ёмонман. Битта мен хотинбозман, бўлдим? Кўзингни каттароқ очиб, мундоқ ён-верингга қара! Ана, пулдорман деганлари юрибди ўнтаси билан, билган бўғирсоғини еб. Ҳаром жойи бўлмаса. Кўрганга илашиб юрган бўлмасам. Айтдим-ку, сениям, болаларниям ҳеч нарсага алмаштирмайман. Ҳеч ким сенинг ўрнингни босолмайди ҳам, эгаллолмайди ҳам. Бунақа қилма, очилиб-сочилиб юр. Юракни сикма. Менинг бугун битирмаса бўлмайдиган ишларим бор. Йўлга чиқаман, ҳўп?”

“Мана шу тумтайишинг, ичимдан топ бўлиб ўтираверганингга мен шу йўлни тутганман, билдингми? Ўзинг сабабчисан ҳаммасига! Ҳали бундан баттар бўласан! Етар энди! Болаларни ҳам қон қилиб юборяпсан”.

“Ўзи уруғ-зотинг билан ношукурсан. Бўлмаса шунақа бўлмасмиди. Одам нимага яраша бўлса шунга етади-да. Бўпти, мен кетяпман, ишим зарур”.

“Нега қовоқ-тумшук қиласан? Нечта эрсиз хотинлар ҳам тирикчилигини индамай қилиб юрибди. Бўлди, мен келганда мундоқ юзингни очиб тур! Энди бир ёшлик қилган эканман. Ўртада бола бор. Бўлмаса менгайм жа шартми иккита рўзгор қилиб? Бўғзимга келиб кетяпти. Бўпти, болаларнинг олдида бунақа қилма. Мен индинга келаман. Зарур ишлар бор”.

Йўқ, кейинги вақтлар у ўн беш йиллар орасида эри билан ўртада кечиб ўтган бу каби санчиқ гапларни эсламаётганди.

Аёл яқинда ўтган хижолатпазликларни хаёл қилиб лаб тишлади. Қўни-қўшни, таниш-билиш, қариндошлар олдида яхши бўлмади-да...

Ўша икки ҳафта бурун ҳам худди шундай қоронғи тун эди.

Кечаси осмонни булут қоплаб кўройдин бўлди.

Гулшан босинқирайдими, уйкуси қочадими, бир ўзи қолишни маъкул топган, ўзини ёлғизлик билан жазолайдиган бўлган. Невараларини чўчитиб юборавериш ёқимли бўладими. Тўй яқинлигидан болалари ўзлари билан ўзлари, каттаси анча-мунча юқларини бир машина қилиб янги уйига элтган, кичиги ҳам ромга⁸ янги стол-стул сотиб олиб келиб жойлаштирган кун эди.

Ўғиллару келинлар қатори кўп уринди, чарчади. Атай чарчади. Кўрпага кириши билан, ўйлаганидек қотиб ухлаб қолибди. Кейин... Ҳар кечадагидан тиниқ туш кўрди.

Оққирнинг далалари эмиш. Ундан нари Варзик йўли бўйида оқиш ялангда биттагина кулба кўринибди. Ҳа, Маккисоқовнинг уйчаси. Ўша-ўшамини. Маккисоқов уйидан бақариб-чақариб чиқиб келибдимиш. Юзлари қонмиш. Келиб Гулшаннинг қизил қўйлаги этагига осилармиш. “Қооооч”, дермиш у энтиқиб. Кейин қўлида катта сопол косада овқат пайдо бўлиб қопти. Уни соқовга берибди, лекин соқов овқатни ағдариб юборибдимиш. Коса думалаб сувга тушиб кетибди. Соқов эса Гулшанни бўйнидан бўға бошлабдимиш. Каврактепанинг тошқирраларига тармашиб-тармашиб, охири соқовнинг қўлидан қутулиб, Кўтарма тарафга қараб қочибди.

⁸ Ром – уй олдидаги ойнаванд хона.

Додлаб туриб кетди.

Эҳ-хе, бу умрда бундай тушлардан қанчасини кўрди. Лекин ҳар гал...

Ёқасига туфлади.

У доим ҳам тунлари ичини тирнайдиган ўйлар ичида йўқолиб қолишдан чўчиб, калима келтирарди. Бирор нарса тикишга ўтириб оларди – зериктирсин. Кейин жойига таппа ташларди.

Ҳузурсиз кундузлар, ҳаловатсиз тунлар умрнигина эмас, унинг хаёллари, бардошларини каламушдек емириб юборган, яна емиришда давом этарди. Асли умр шу туну кунлар бўладиган бўлса, эҳтимол унинг ўзи умр кунларини андуҳларга едирар эди. Чўчинишлари эри борлигида ҳам ҳеч камаймасди. Уйғониб қолса шошиб яна кўз юмар, уйқуни узоқлатмай қайтиб олишга уринарди. Бордию, ташқарига чиққан Ўлмаснинг шарпасидан уйғонган бўлса, унинг тезроқ қайтишини кутарди. Киргунича дикқинафас бўлар, киргач, хотиржам тортар, енгил нафас оларди.

“Шукур. Ҳамма ёқ тинч. Эс-ҳушим ўзимда”.

Ёлғизлик.

Ёлғизлик Худога.

Одамга қийин. Бунақада...

Ховли тўла уй, уйлар тўла одам-ку, деб ўзини чалғитди, то ўша кеча касалхонага тушгунича. Ўша куни ёнида Иброҳими йўқ эди. Ўз овозидан тортиниб, ўрнидан кўзгалди. Гавдасини тиклагани жойида тахтадек қотиб турди, тураверди. Кейин бир тебраниб кетди. Туйқусдан уй тўрига ўгирилди. Қоронғи бурчакка тикилиб қолди. Боши ихтиёрсиз силкинди.

Бирдан дераза тиқирлади. Бир-икки итарилди. Лаҳзалар худди томчидек чакиллай бошлади.

Шамол... У ташқарида билганини қилаётир. Шамолнинг оти учқур, қўли узун. Қайсидир олманинг шохи синди чоғи. Яна нимадир, пиёлами ё шишами ерга тушиб чил-чил бўлди, шекилли. Шамол пириллаб учиб дераза кўзларини бирма-бир зириллатиб силкилаб чиқди. Кейин... кейин шамол ичкарига суқилиб киргандек бўлди. Шамолми бу ўзи?

Ўзи ақлини йўқотган шамол энди яна кимнидир ақлдан оздиргани келгандек эди.

Юрак дук-дуки эшитиладиган жимликда... Уй тўридаги тахмон пардаси шигэтиб сурилиб кетди. Гулшан бир шарпани сезди. Шарпа... Бор деса бордек, йўқ деса йўқдек. Шарпа уй тўрида бирпас ҳилпираб турди-да, унга яқинлаб келди. Шундоқ қаравотига одам каби чўқди. Гулшан ўтирган жойида бўшашиди, кейин қалтираб узалди, нафаси ўчди. Шарпа эса осилган латтадек кийимлари, шалвираган гавдаси билан чувалиб, унга яқин силжиди. Икки қўлини узатди, Гулшаннинг кўзларига осилиб кетган бармоқларини суқа бошлади.

Гулшан инграниб ўрнидан турди, уйни айланиб қочди. Эшикка етди, титроқ қўллари билан қабзани тортди, бироқ эшик очилмади. Додлаб юборди. Шилқ этиб гиламга йиқилди...

Ички-ташкилик уйда шовқинни чала эшитган катта келин чўчиб уйғониб кетди, бирпас қулоқ солиб турди. Гурсиллаган овозни эшитиб, эрини турткилади.

– Ойимми? Туринг! Ойимга бир нарса бўлди! Туринг, бўлақолинг! Чиқинг!

Тез ёрдам келди, Искандар онасини касалхонага олиб кетди.

Кўзини очганида деворлари оппоқ, дори хиди анқиган хонада қаравотда ётарди. Бўғин-бўғини бўшашган, совуқ терга ғарқ танаси зилдек оғирлашган. Беморининг ўзига келганидан мамнун шифокор бўлса нималардир буюриб ҳамшираларни пилдиратарди.

Унга ортма-орт игна санчдилар. Юборганлари бирпасда тинчлантириб, тузатиб юборишини айтиб овутдилар, атрофида айландилар.

Келинлари навбат қўйиб олиб, овқат ташиб хабардор бўлишди. Икки аёл билан ётган бўлмада бегоналарнинг сири босибми, босинқирамай беш кечани ўтказди.

Эрини чақиртиришларини ўзи рад қилган эса-да, ўзи эшикка кўз тутди. Ишқилиб кўнгил ғалати-да ўзи.

Аввалига ҳушсизлигида ўғиллар отасига хабар қилишолмабди экан. Бирови йўлга ҳам чиқар бўлибди. Кейин эса ота қўнғироқ қилганда, катта ўғил онасининг

ишораси билан гапни чалғитди. Тўйнинг сурилишига ҳар баҳоналар топди.

Муолажалардан кейин анча ўзига келгандек эди. Илҳом ўғли топиб келган “нерв дўхтири” ҳам буни бир оз чарчаш ёки руҳий зўриқишдан деди. Бешинчи куни энди анча тузалганини айтишди. Уйга рухсат бўлган вақти нарсаларини йиғиб турганда, навбатчиликка келган ёшгина шифокор кириб қолди. Ундан ҳеч ким сўрамаган бўлса ҳам, Гулшанни синчиклаб текширди, кўзини кўрди, ҳамма қоғозларини диққат билан ўқиб чиқди. Чала тахмин қилди, чоғи, томдан тараша тушгандек, “Буқоққа ҳам текширтириш керак”, деб йўлланма ёзди.

Тўй нақ уч ҳафтага суриладиган бўлди.

Уйига қайтганидан бери, мана, кунми тун кичик ўғли унинг хонасида, ёлғизлатмай қараб ётибди. Учинчи куни кечга томон, кўргани келувчи қўшнию қариндошлар анча камайган, кенжаси кўчага кетган вақт эди. Охирги кунлар ичида биринчи марта хонасига бир ўзи кирди. Уй ичи ёруғ. Ўзининг уйида йўқдан-йўққа чўчиниб ўтирганига ўзидан хижолат чекиб, музтар қиёфада ойнага яқинлашди. Ойна тоқчасида ўша, буқоққа текширув ёзилган йўлланмани кўриб, қўлига олди, ўйланиб турди. Ойнадаги ўзининг салқи қовоқли рангпар юзига, тамом оқарган чакка сочларига қараркан, томоғини пайпаслаб буқоққа аломат кидирди. Йўқ, нега буқоқ бўларкан? Етти авлодида учрамаган.

Мана, ундан берисига яхши.

Йўлланмаям аллақачон чиқиндига қўшилди.

Ўғли ҳужжатларни йиғиб ўрнига кирди.

У эса каравотга оғриниб қаради. Ётишдан безган. Кўз юмдими, бас, ёруғ дунёдан узилгандай галат манзараларга ботиб кетади. Лекин кеч кирди, қоронғи тушди ахир, бошқа нима қилади. Ҳалигина эрининг яшшамагур кундош уйида қолиб, икки ойлаб келмай кетганидан жаҳлланиб турганди. Энди эса... Яхши ҳам йўқлиги, бўлмаса, ҳозир нималар дерди экан.

Деразадан ҳовлига разм солди. Ана, икки келинининг бир-бири билан нималардир деб чуғурлашгани, шўх-шўҳ кулишгани эшитилди. Вой қурғурлар-эй, янги келинга нон синдирилиб, фотиҳа ўқиб келинмагунча бир-бирларига шунақаям аччиқ-тиззиқ гаплар айтишардики. Энди бўлса... Сира бунча апоқ-чапоқ бўлишмаганди. Ҳа-да, ана у каттаси кенжа овсин келиши шарофати билан тўй ўтар-ўтмас кўчадиган бўлиб турибди. Аҳил бўлишади-да, худди бир умр, йўғ-э, етти йил шундай келишиб-кенгашиб яшагандек. Бу икки келин ўғилларнинг ҳам орасига жар солди-ку. Кўриб турибди. Катта ўғилларнинг бир-бирига бўлишуви зўраки. Мана бу кичиги маҳмадоналик қилиб, акаларининг устидан кулгани-кулган. Ҳали ўзи қандай бўларкин. Хотиннинг ноғорасига ўйнамаган борми? Хон хонга йиқилибди, хон хотинга.

У каравотга оғир чўкиб, жимиб кетди. Пар ёстикқа бош қўйиб, кўзини юмди. “Э Худо, ором бергин, ҳаловат бергин”.

Вақт отли буюк ва яхлит мезоннинг шу чорбурчак ҳовли билан шу чорбурчак уйга тегишли бўлаги изтиробга чўмиб кетган аёлнинг узоқ, чуқур хаёлига беланиб кечиборарди.

Ниҳоят, қуюқ ва тикка киприкларга мизғув илинди. Унинг тушлари хаёллари билан аралашиб кетган, кўпдан бери ўйида кечганлари тасаввурми, тушми, ўзи ҳам ажрата олмай қўйганди.

Шошқин сой эмиш. Суви кўпирармиш. Бирдан сой ўзгариб, чети цементланган каналга айланиб қопти.

Бир маҳал сувнинг ўртасидан “Гулшан, тооорт” деган овоз келди. Салдан кейин ҳамма ёқ шовқинга тўлди. Одамлар узоқ катта йўл тарафдан чопиб кела бошлаб-димиш. Ораларида машъала кўтарганлари ҳам бормиш. У ҳам югуриб кетди. Оқиб бораётган Юлдуз қўлларини бемалол сув юқорисига кўтариб икки марта айланди. Худди гирдобга тушгандек. Рўмолини бошидан ечиб силкиди. Тавба, рўмол қурукмиш. “Войдод, Гулшааан!” Оғзига сув тўлиб кейинги сўзи гўлдираб кетди. Яна сув остида чиқди: бошини қаттиқ сараклади: “Қан...” Қолган сўзи эшитилмади. Чайпалиб кетди.

Кейингисида у қарама-қаршига чопиб келаётган одамларнинг тўғрисида сувдан чиқди. Яна бошини ҳар ёққа силкиб оғиз-бурнига кирган сувни пуркади-да, чинқирди. “Ташлангла-а-ар!”

Кейинидан етиб олган сув тўлқинлари уни яна ўз қаърига тортиб олиб кириб кетди...

Аёл титраб кўзларини очди.

Тавба, бунча ёмон? Энди кундузи ҳам кўз юмиб бўлмайдими? Қачонгача? Ўлгунчами?

Ҳансираши узоқ вақт босилмади. Чукур-чукур нафас олди, оғриқ тортгандай ингранди. Овозидан ўгли безовта бўлди, тескарига ағдарилиб олди.

Гулшан титроғи камайгани сари уйни кўздан кечирди. Шу онда саргардон нигоҳига манзил ахтариб, девордаги суратларга қаради. Ўзининг ўн саккиз ёшдалик вақти. Чиройли эди. Ҳа, суратга ундан ҳам чиройли қилиб олишган. Нариди эрининг сурати. Мўйлов қўйиб, пўрим кийиниб юрган йигитлиги. Русияда ўқиб юрганида тушган. Уни ҳавас қилмаган, орзуламаган қиз йўқ эди қишлоқда. Сочини ўртадан иккига айириб тараб, пасти кенг, ўзи тор, ранги ҳам ғалати шимларни кийиб юриб, кўрганни ўзига анграйтирарди

“Ўлмас устудент”, “Ўлмас масквачи”, “Ўлмас пракурор”, “Ўлмас мўйлов”. Келадиган кунини ҳеч ким билмасди, лекин келиши билан эшиги тўлиб кетарди. Қариндошлари, синфдошлари.

Бир маҳаллада, битта кўчада, уч ёнма-ён эшикдан бўйга етган уч навкирон, уч келишган ёш кириб-чиқарди. Бири Ўлмас, бири Гулшан, бири Юлдуз эди. Ўлмас ўқишга кетиб кам-кам келар бўлганида одамлар уни ўша ёқларда бирор марусага уйланиб олади, дейишарди. Бироқ ундай бўлмади, Ўлмас ўқиши битган йили кўч-кўронини йиғиб келди.

Одам ҳар лаҳза ёшликни эслар экан, гоҳ у, гоҳ бу палласини, унутиб бўлмас, ўзини хижолатга қўяр хатоларини кўз олдига келтиради. Хатолар хотири билан бўлсин, ёшлик хаёллари гўзал эди. Гулшан бутун болалиги, ёшлигининг ҳар сониясини Юлдуз хотири билан бирга кечиради. Юлдузнинг чакнаган, пориллаган қуралай кўзлари, унча-мунча дўрдок лабли бадқовоқ қизларнинг ёмон ҳам ҳавасини кўзгайдиган чиройли лаблари, туни билан пардозлаб чиқилгандек кўринадиган қайрилма қошлари, оппоқкина, ширмой кулчадек юзлари хаёлидан кетмайди. Йўқ, аввалига болаликни жилмайибгина хотирлай бошлайди. Аммо хаёлида лаҳзалар ичида худдики шабадада бирдек тебранаётган яшил майса тобора ранги сўниққан ажриққа айланади, шамолда куч олиб бораётган оловга дўнади. Чарс ёшликнинг хотири кўзларини куйдириб юборади. Олов орасидан ўша тенгқури Юлдуз ўн саккиз ёшида, ҳа, мангу ва безавол ўн саккизида солланиб чиқиб келади. Безиллайди уни кўришдан, унинг қулиб чиқиб келишларидан.

Юлдуз Гулшаннинг кўзларида, ўша-ўша ёш ва гўзаллигича суратга айланди, худди жонли сурат. Ҳа, Гулшаннинг кўзларига муҳрланди, бошқача муҳрланди. Гулшандан ўн карра гўзал эди. Айниқса, кейинги кунлар шунақаям очилиб кетганди. “Бу ўлгур келинчак бўлганда қандай очилса экан”, дерди Гулшан ундан кўзини узолмай.

Ҳа, Юлдузнинг гўзал юзларига чизиқ тушиб улгурмади. Ҳамиша ёш, ҳамиша таранг ёноқли, ҳамиша чакноқ кўзли, ҳамиша қўнғироқ овозли. Худди... ўша кунидек... Яна ҳамиша Гулшан билан бирга.

Ўша кун...

Ўша кун қисмат бунчалар терс кетар экан, манглай бу қадар чизилиб кетар экан, эҳ.

Кўп гапирди Юлдуз. Қандай гаплар эди-я. Уйдагилари Ўлмаснинг совчиларига ён берай деб туришганиданми, юраги бир бошқача урадиган бўлиб қолганиданми. Севги деган нарса жуда ғалати эканиданми.

“Сен ҳам биронтасини яхши кўр, Гу-ул. Қара, чиройингни. Осмонга чиқаверма. Нозланавериб эрсиз қоласан бу кетишингда. Э, билмайсан, яхши кўришиш деган нарса нималигини ҳеч ҳам билмайсан. Эсиз сенга бу чиройинг. Тентаксан”.

Яна нималардан гапирди. Яхши кўрган одами билан сўзлашиш, сўзлашмаса ҳам кўришиш қандай ҳам бошқача бўлишиданми. Кеча бир китобни ўқиб йиғлаганиданми. Ҳа, номини ҳам яхши эслайди: “Суҳайл ва Гулдурсун” деганди. “Қаердан ҳам қўлимга тушиб қолди”, деди. Яна гапирди, гапираверди.

Куёв у билан гаплашаман деб беҳуда вақтини кетказиб юрганиданми.

Шу жойига Гулшан сира тушунмаган, ҳалиям тушунмайди. Бирда куёви билан эркаланиб гаплашгандаги нозларини гапига қориштириб юборади, бирда “Беҳуда вақтини кетказяпти”, дейди.

Гулшаннинг юраги гурс-гурс тепди.

Ахир олов-олов ўн саккизда эдилар-ку.

Севмоқ, суймоқ, кўнгил бермоқ, суйгили кимсани узоқдан кўрганда лов этиб ёнмоқ, ўртанмоқ, бир бор қарашини тилаб девор оша қарамоқ, яқинлаганда юз бурмоқ, узоқлаганда ортидан термилмоқ... унга ҳам бегона эмасди. Жони ўртанарди Гулшаннинг ҳам. Саҳар туриб кўча эшикни супурганида, маҳалла-қўйнинг тўйларида қарашиб юрганида, ўртоқлари ё қариндошлари айтгани учун дала ҳашарига чиққанида ўзининг чаққонгиналиги, беғуборлигини, сулувлигини, ҳамма-ҳаммадан яхшилигини кўрсатмоқ бўлган кишиси бор эди унинг ҳам. Тунлари уйқуси ўчарди. Кундузлари ҳаёл суриб, беихтиёр жилмаярди, ўз-ўзига сўзларди. Қилар ишини унутарди, ҳаёли узоқ-узоқ ва сира кўрмагани – муродбахш, сокин майсазорларга кетарди. Ҳаёлида ўша орзу водийсидаги чечаклар юзини сийпаларди, ортидан кимнидир, ким бўларди, ўша – кўз олдидан кетмайдиган бирови, бировга отини атамаган кишисини эргаштириб юргандек бўларди. Зарғалдоқ рангли ҳарир рўмолидан унинг қўллари тутиб қолгандек туюларди. Гулшан ҳам ҳамма бўйсиралардек ўзини ойнага солиб, сочларини ўн хил қилиб тарарди. Ойнадаги акси билан узоқ гаплашарди, унга қулиб, хўмрайиб, нозланиб, лабини буриб қараб кўрарди.

Сирлашса сирлашгудек сирлари бор эди унинг ҳам. Шу қурдошига⁹ айтмаса курсоқдоши¹⁰ йўқ эди, сир ишонадиган. Лекин айтолмасди. Айтгулик эмасди. Ўзи кўпам сир айтгучи, гап ёйгучи эмасди-да. Энди у севгилардан асар қоптими? Қанча йиллар ўтди. Мана, кейинги кўрганлари, манглайдаги эгри-бугриларни ҳам биров билан бўлишармиди. Йўқ. Ич-этининг ҳам ейдиган жойи қолмаган.

Ўша кун эса...

Ўтган кеча бир нарсa баҳона Юлдузни ахтариб уйига чиққанди, тополмаганди. Демак, ҳов анов кунгидек, яна Гулшаннинг олдига чиқаман деб, Ўлмас билан бирор жойда учрашгани кетган-да. Пинжига текилиб ўтиргандир. Ҳарқалай, кўзлари ёниб турганди. Ҳали “оҳ” деди, ҳали “ух” деди. “Акаларим билса ўлдиради”, деди. “Яхши кўраман. Жудаям. Унақа йигит бошқа ҳеч ерда йўқ, топилмайди, Гулшан. Мен уни яхши кўраман”, деди. Рўпарадаги Ўрикзор томонларга қараб ширин энтикди. Кейин эса... йиғлади. Кўзининг оқи оппоқ эди, қораси қоп-қора бўлиб, қароғига тўлган ёш орқасидан ўт сочгандек йилтирар эди. Ниманидир айтай деди, айтмади, лаб жуфтлади, оғзини ёпди. Дугонасига тик қаради, яна кўзини ерга олди. Ичига ҳаво тўлдириб нафас оларкан, бошини орқага ташлаб кўзларини юмди, кейин уф тортиб, бир лаҳзада сўнариб-сўлжайиб қолди. Сўзсиз жим ўтирдилар. Юзлари анча оппоқ бўлса, сочлари шунча қоп-қора эди унинг. Кейинги ойлarda янаям очилиб кетган, лўппи ёноқлари янаям тўлишганди.

У чоғда Гулшан дугонасини чимчилаб, “айт-айт” қилиши, анча-мунча гапни олиши, “вой, кара-я”, деб ҳавасланиши ё, “Намунча ўлиб тургандек чиппа ёпишибсан, сал ўзингни тортиб тур, тўйгача ўзингдан бездирма”, дегандек маслаҳат бериши керак эди. Ҳа, дугона бўладиган бўлса шунақа қилган бўларди. Ундай қилмади.

Гулшан ер чизди, Юлдуз осмонга термилди.

Сўнг эса...

Шундоқ, ўрнидан турди-ю, хитоб қилди: “Сув ичаман!” Ҳа, Юлдуз ўзи турди. Сув томонга интилиб турди ўзи. Шахдига Гулшан хайрон бўлди. Сув ичаман дейдими? У ҳам дугонасидек жойидан кўзгалди: “Ариқдан-а, лойқа-ку?” “Йўқ, каналдан ичаман. Муздек. Ариқ сувинг куёшда илиб қолган”. Кейин ортига ўгирилди. Чақноқ кўзлари баттар ёришиб кетди. Кўзларининг ўртасида энди бошқа нимадир йилт этарди. Уша йилт этган нарсa қуриётган кўзёши эдими, ёруғ дунёнинг сўнгги нурлари эдими. Жон-жоннинг нақ жон жойига тегарди ўша йилт этгани. У вақтда

⁹ Қурдош – тенгдош.

¹⁰ Қурсоқдош – туғишган.

Ўзи билан андармон бўлгандир, лекин ҳозир эслаганда Юлдузнинг кўзларидаги йилт этган ўша нимадир ичини жиғиллатади, кўксини куйдиради. Ёмон ҳам ажойиб мўъжиза эди Юлдуз, олчину қамчин эди, ёқимтой эди, меҳрибон эди. Камгап бўлиб кетган охирги кунларида биринчи марта унга очилиб-сочишиб, тўлиқиб-тошиқиб гапириб турган жойи эди. Кейинги ойларида бирор ёққа бирга борганларида ҳам аввалгидек ичидагини тўкмас, индамай ер чизиб юрар, тезгина хўшлашиб, уйига кириб кетарди. Ўша кун эса бирам олам-жаҳон бўлиб чақирди Гулшанни. Ҳа, унаштирув яқин-да. Ўлмасдай йигитга узатиляпти. Бутун қишлоқ бу бадавлат хонадонда нима янгилик бўлиб турганидан хабардор. Яқингинада битган ҳашаматли уйда кўнғизмўйлов, ўриснинг юртида ўқиб келган Ўлмас магнитофонда тўйқиздирар мусиқаларини жаранглашиб, камига оғзида ҳуштак чалиб юрган бўлса. Унга бир хаёлдан, бир овоздан Юлдузни муносиб кўрганлар, унаштирмоқчилар. Юлдузнинг бунақа кунда ўзига сиғмаслиги аниқ. Лекин масрурлик билан бирга негадир қиёфасида бир хавотир бордек эди. Айниқса, ўша кун.

Балки, одам ўз ҳаётидаги алоҳида кунларни аввалдан сезар. “Ўладиган касалнинг қошлари тутшиб кетади, чиройли бўлади, ақл-хуши ҳам бут бўлиб қолади, касалиям нари туриб туради, элчига йўл беради”, дерди бувиси. Тавба, ўша кун Юлдузнинг ҳам қошлари бир-бирига етишгандек эди.

“Ичим куяди, Гулшан. Ичимда ўт бор. Бир гапларим бор, айтайми сенга?” Шуни деркан, кўксига мушт босди. “Ҳозир ичимдаги гапимни пичирласам, қулоғинг куйиб кетади”, деди. Кейин “уф”га ҳам, “ох”га ҳам ўхшамаган бир нафас қилди.

Ҳа, “уф” ҳам эмасди, “ох” ҳам. Шу иккисининг ўртасида бир сас бор. Балки, шудир етиб бўлмас армоннинг садоси. Бу садони ҳамма умрида бир марта, ўз оғзидан эшитар, умрида бир марта юрагидан чиқарар. Бир мартагина.

Қолган садолар ёлгон. Қолган саслар ясама. Қолган “ох”лар дунёники. Ахир юраккинасидан, юрагининг банд-бандидан тутқизиб севмаган борми?..

Сой томонга тўрт кадамми ташлаб ортига қайрилди, унга эргашганча кўзлари аланг-жаланг келаётган дугонасининг кўзларига тикилди. Югинди. Гулшан энгагини учуриб, “Сойники ҳам лойқа. Майлими?” деди.

Негадир ўшанда овози қалтиради. Ўзи ҳам ҳали-ҳали ҳайрон. Нега бир лаҳзада ўзгариб кетди, ғалати бўлиб қолди? Ич-ичидан бир қувват тошиқиб келди. Олдиндан сезганмиди? Бир умр ёдидан чиқмайдиган кун бўлишини ичидан туйганмиди? Дугонасининг кун бирданига битишига... ҳозир бўлганмиди? Йўқ! Такдир аввалдан ёзилган бўлади-ку. Шунга, балки, унга ҳам аён бергандир. Ҳа, ҳа, шундай бўлган!

Юлдуз икки марта ҳовучлаб сув олди. Учинчисига эгилди-ю...

Одамлар Ғовасой сувларида сувпарилар бўлади дейдилар. Баҳорги тошқинда улар янаям кўпаярмиш. Тепадан – қирғиз тарафдан – Кўгала қўлидан тушиб келишармиш. Кўктошни, кейин Ғова қишлоқни, Варзикни кесиб ўтган сойнинг этак-этакларигача бориб роса ўйин-қулги қилишармиш. Сув бўйида кўп ўтирганларни, бисмилло айтмай сув олганларни, бемаҳал сувга тушганларни, болами ё аёл бўлса қўлидан тортармиш. Худди бир-бири билан ўйнашгандек, сафларига қўшиб оладигандек. Эркақлар, йигитларни эса шундоқ думи билан уриб туширармиш. Кейин сувнинг ичида атрофида айланиб ўйнашармиш. Аввал оёғининг кучини олармиш. Томирини торттирармиш, кейин белидан пастини ишлатмай қўярмиш. Сув ичида бош-оёғини бир қилиб чирпирак қилармиш. Ҳазиллашиб, вақтини чоғ қиламан деб, ўлдириб қўярмиш. Ўлиги сув четига чиқиб қолса ҳам сувпарилар ўликнинг устидан ҳақлармиш, маза қилиб рақс тушишармиш. Бу “бир-икки қалтаўй қатталар”нинг “болалар кўрқоқ бўлиб қолади” демасдан гапириб юрадиганлари, холос.

Одамлар тошқин маҳали кичкиналарни эҳтиётлайдилар, бир-бирларини оғоҳ қиладилар-у, барибир қутилмаганда оқиб кетганлар хабари ҳар сувтошқинда тарқалиб туради. Сув бўйида ўтириб анча қолиб кетгани ё сув оламан деб энгагани учун эмас, бошқача, ё араваси оғиб кетиб, ё сой устидаги темир қувурдан ўтаман деб, ё қурт маҳали қирғокқа экилган тутлар устида барг кесганида, ё ўзининг ўлгиси келиб, ё бошқа бирор ваздан оқади. Ўлгиси келганини ҳам бир кун аввал

ўзини осмоқчи ё машина ёғ куйиб ёқмоқчи бўлганидан, ё катта қарз бўлиб нима қилишини билмай юрганидан билса бўлади.

Ўша куни... у сув ичига шалопплаб тушиб кетгани баравари бирпас кўринмай қолган дугонаси то яна юзага чиқиб келгунча хушсиз турди. Кейин бақирди, чинқирди. Нима деб чинқирганини билмайди. “Юлдуз” деган бўлса эҳтимол. Ким билсин, балки тушгани заҳоти ҳам бақиргандир. Эслолмаётгандир. Эси чиқиб кетгани вақтда нима қилгани ҳам ёдида йўқдир.

Кўзини каналдаги бўтана сувга, Юлдуз тушиб кетган жойга қадади, лекин қиз бир лаҳзада сувнинг ўртасидан чиқди. Ваҳимали кичкирди: “Тооорт!!! Гулшан!!!” Гулшан у билан ёнма-ён қирғоқ йўл бўйлаб югурди. Додлади, бақирди. Атрофда кимки бўлса, унга қаради. Уни ҳам, сувда оқиб бораётган қизни ҳам кўрдилар. Одамлар узоқ катта йўл тарафдан чопиб кела бошлашди. Оқиб бораётган Юлдузнинг сочлари ва кейин юзи кўринди. “Войдооод, Гулш!..” Оғзига сув тўлиб кейинги сўзи гўлдираб кетди. Яна чиқди: бошини қаттиқ силкитди: “Торт, қан!..” Кейингисидан у қарама-қаршига чопиб келаётган одамларнинг тўғрисида чиқди. “Ташлан-глааааар!!!” чопиб юрган одамлар ортга қайрилиб, у билан тенглашиб сув бўйлаб чопиб кетдилар.

Сувнинг юзаси секин оқади, таги югуради. Чопиб етиб бўларканми. Зумда канал лаби машинаю мотоцикллар, араваю отларга тўлиб кетган эди. Шунча одам бирпасда қаердан пайдо бўлди? Бировлар кажавали мотоциклга ўтириб канал қирғоғи бўйлаб узайиб дала ёққа кетган йўлдан шитоб билан учиб кетишди. Мотоциклга қўнганларнинг икки кўзи тезоб каналнинг лойқа сувида эди. Юлдуз ҳозиргина чиқиб келган уйнинг яқинида эса ҳамма ёқ қирсон-бароқсон бўлди.

У...

У қалтироқ оёқлари чалишиб, чопачопа йўлда чўккалаб қолди. Рангида ранг йўқ эди.

Орқасидан оҳ-воҳлаб, бакириб-чакириб келган хотинлардан уч-тўрттаси сув бўйлаб олдинга ўтиб кетаверди, уч-тўрттаси эса Гулшаннинг икки кўлидан ушлаб таяб уйига олиб келишди. Сув ичкизишди, юзига сув сепишди. “Бунинг рангини қаранг. Шўрлик. Қўрқиб кетган. Ётқизиб ўраб қўяйлик. Юр, жоним, ичкарига юр. Бўлди, ўзингни бос. Ўртоғинг соғ-саломат экан. Тутиб олишибди”. “Вой, юрагимнинг ўйнаганини қаранглар”. “Сизникими, меникими, ўлиб қоламан ҳозир”. “Ий, Нойнис опа, сизга нима бўлди?! Сув опкелинглар! Опке, бер, ўзим сепаман!” “Ичиринглар! Сув ичиринглар!” “Иноят опангни чақириб кел, укол қутиси билан келсин! Таня холангням қақир!” “Ўчиринглар овозингларни! Йиғи-сиғига бало борми? Кўтаролмасанг йўқол уйингга иккаланг! Бу ерда кўзингнинг сийдигини оқизма!” “Гулшаной, ўзингни маҳкам ушла. Тирик экан. Мана, хабарга келишди ҳозир”. Шундай дейди-ю, товуши титрайди. Бошқаси ҳам ёлғонни чиппачин қилиб ўхшатмоқчи бўлади: “Ҳа, кўприкда ушлашибди. Соппа-соғ. Уям сенга ўхшаб кўрқиб кетган-да”.

Ром уйда муздай кўрпага ўраб қўйишди. Юраги гурс-гурс тепарди, оғзи қурирди, тер босарди, кўзлари аланг-жалаң бўларди. Хотинларнинг бари бир-бир кириб ҳолини сўрар, шошиб гапирар, шошиб далда қиларди. Ҳамманинг ранги мурдадек оқарганди. Ҳамманинг овози қалтирарди. Бариси бирдек кўчадан яхши гап келишини кутардилар, яхши гап келмаслигини билсалар ҳам.

Сал ўтиб кўрпанинг ичи ҳаммомдек исиб кетди. Устидагини нарига итқиди, муздай нафас олмоқчи бўлди. Хотинлар бирови кўнгил беради, “Дўхтирга опкетишди”, деб алдайди, бировлар пикиллаб йиғлайди. Ён-верида айланаётган бу аёллар кўзига ғалати махлуқлардай кўриниб, яна бошига кўрпа торгди. Кимдир кечаётган ишларга лол бўлиб, катталарнинг оғзига қараб чўчинқираб турган кичкиналарни Тошби холани чақиргани ғизиллатди. Бирпасдаёқ ром деразасидан қизчанинг, “Ўзлари келаётган эканлар!” деган товуши кирди. Холанинг дўриллаганча хол сўрагани ҳассасининг дўқ-дўкига қўшилиб дераза тагидан эшитилди. Эндигина олдига кириб ўтирган Иноят ҳамшира ҳам ташқарига чиқиб кампирни кутиб олди. Тошби кампир келиб унинг кўрпасини кўтариб юзига тикилди. Ёпиб қўйди-да, яна уйига чиқиб кетди. Беш дақиқада яна унинг сўроғи келди. “Хабар йўқми?

Топишмабдими?” Биров йиғламсинди: “Йўўк...” Кампир сув сўради. Оқ бўз халтачада олиб келгани – ваҳмакнинг уясини ярим пиёла сувга солиб эритди. Уч марта, “Эми-дими шуймиш”, деб чайқатиб-чайқатиб олди, қизнинг бошини кўтариб олиб ичирди. Кейин кадоқ ўнг қўлини Гулшаннинг манглайига қўйиб, сўл қўли билан билагидан кучиб ўтирди. “Ўзингга қара, қизим. Рангингни-чи. Етти йиллик кезикка ўхшаб қопсан-а. Ҳар кимнинг ўз йўли ўзиники. Одам биттагина бошига ҳар кимнинг ғамини юклайвермайди. Эртага чоршанба, қоқиқ-суқуқ қилиб, юрагингга кўчириқ солиб қўяман. Бунақа ўзингни бериб қўйма”.

Қўшнилардан бири уларнинг олдига кирди. Кампир унга юзланди:

– Яқин бир ойки, Шодмонбининг қизини кўчада кўрганимда бирам эсноқ тутадиган бўлувди. Айтдим-а, нима бало деб. Ўзи мен кўзикканни, бир ишда бисмилло демайдиганларни, бўйида борларни кўрсам оғзим йиғилмайди. Кейин ичоғрик бўлганларниям. Курғур, ўзиям кўғирчоқдеккина бўлиб ариқ бўйида идиш юваётган экан. Кўз тегдириб олибмиди дейман-да.

Гулшаннинг онаси ҳовлиқиб кириб келди. Қизининг ёнига чўкиб, елкасидан кучиб олди. Она яна нажот кутгандек тез-тез дераза пардани кўтариб ташқарига қарар, нима қилишни билмай талмовсирар, кўзлари аланг-жалаң бўлар, титрарди.

Ҳовли йўлаги ёқда бирови томоғи тутилиб-тутилиб йиғлайди. Сувда оққандан гапирди:

– Юлдуз-ей. Қандоқ дуркун, шундоқ сулув қиз-а?! Онасининг ҳали хабари йўқ. Далага кетган экан. Энди нима қилади-я?

– Ҳали ҳеч гап-ку, қўшни. Шошилманг. Яхши нафас қилиб турайлик, ҳар нима демасдан, э-э!

– Сувни Каттасойга ташлашмадимикан? Зора топиб дўхтирга оборишса.

– О-о, бу сув дегани тошқин маҳалда ичига тушгани омон қўйганини билмадим.

– Вой-во-ой, энди нима бўлади? Худоё ушлаб келишсин, ўлмай қолсин.

– Илойим, илойим.

– Келин, қаёққа чиқяпсиз? Борманг, нима қиласиз?! Қўйинг, кўриб-нетсангиз кўриб кетасиз, юрагингиз силжиб қолади.

– Агар ушларолмаган бўлса Шарғилдоқдан ўтиб ҳам кетди бечора. Ўлмасайди-я.

– Ўлмай қолармиди? Энди илойим нима бўлсаям топилсин. Ота-онасининг бир дарди икки бўлмасин. Тупроқбошига келсин ишқилиб. Тутишолмаса сувомборга тушгандан кейин из-пизи қолмайди. Вақти билан бўлканондай шишиб, чириб майдаланиб кетади.

– Ажал-да, ажал. Бўлмаса каналдан сув ичармиди? Тошқин маҳалда сувни бир-икки соат тиндирмай ичиб бўлмаса. Мен кечаси пақирга олдириб қўяман.

– Бечора-ей. Ўн саккизида, – Жамолби кампирнинг ҳалидан бери бир сўз демай жим юрган келини ўкириб юборди. – Шунақа бўлиб сувларга увол бўлса!..

У эса кўрпа ичидан бошини чиқаролмай узок ётди. Титроғи кўксига кўчди. Орада ташқари ҳовлидагиларнинг овозини эшитмай қўйди. Кулоғида яна факат сувнинг шовқини эди. Кўзини кўрпа ичига олганида эса...

“Ташланглаааар!”

Ҳеч ким ташлолмади ўзини. Сувни Каттасойга буришди. Анча пастлади, лекин барибир унинг тезлигини камайтириб бўлмади.

Кечга томон Варзигон тарафдаги симтўрдан шўрлик қизнинг ўлигини тортиб олиб чиқишди. Адёлга ўраб келтиришди. Сув бўйлаб ахтариб юрганларнинг ҳам, уйида елкасидан маҳкам босиб алдаб-сулдаб олиб ўтирилган онасию момосининг ҳам, бир-бир ярим соат вақт ичида, шу орадаги қайсидир лаҳзада икки дунё ариғини хатлаб қўйган сулув қиз ўлигининг ҳам энка-тинкаси қуриганди.

Киёмат кўпди.

Маҳалла-кўй туни билан нари бориб-бери келди.

Кейин Гулшанларнинг уйида тўпланганлар ҳаммаси энгил-бошини тўғрилаб, Юлдузларникига чиқиш учун тарқалди.

Гулшаннинг олдига олтинчида ўқийдиган жияни Нозима қолган. У ҳам кўзини ола-кула қилиб ўтира-ўтира охири уйқуга кетган. Бошқалар ҳали дўхтир, ҳали раис, ҳали маҳаллақўм, ҳали участка нозири кириб-чикиб юрган қўшни хонадонда эдилар.

Гулшаннинг титрай-титрай кўзи илинди. Булғашиб кетган тушлари орасида терга пишиб ингради. Юлдузга гап айтди, Юлдуз билан пичирлашди.

Онаси хабар олгани чиққанда қизининг алмойи-алжойи гапириб ётганини эшитиб, олдида қолиб кетди. Анча вақтгача бошида ўтириб дуо ўкиди: “Ишқилиб ухлаб қолсин-да”. Бир оз тинчланганида эса она ҳам бошини унинг ёстиғига қўйиб пинак қилди.

Гулшан яна чўчиб уйғонди. Онасини илғаб, нафасини ичига ютди. Токчада шунча кўргиликка парво қилмай, кейин кўчада эласлаб эшитилаётган йиғи фарёдларини босишга урингандек, чиқиллаб ётган соат янги кечани бошламокда эди. Қопқора ғамга ботган ойсиз тунда ичидан келган ўкирик билан онасини ҳам, пойлоқчи қизчани ҳам уйғотиб юборди. Бир кўзларини ола-кула қилиб, бир алаҳлай-алаҳлай, охири ҳушидан кетди.

Энди бу хонадондагилар ҳам типирчилаб қолдилар. Кимдир шифокорга чопди. Ўша кеча қора қутичасини кўтарган иккита оқ халатли киши у хонадондан, бу хонадонга кириб-чиқиб, туни билан бўларича бўлишди. Маҳалла нозири шаҳарга хабар қилиб одам чақиртирибди.

Ярим тундаёқ таъзияхона эшигида тўпланган юртчилар жаноза вақтини ҳозирча тайин қилмасликка келишиб, шаҳардан келган машинада ўликни ёриб кўргани олиб кетишди. Юлдузнинг онаси бир оз аввал яна ўзини ташлаб, қайтиб турмаган, ҳушида эмасди. Уни пешайвондан ичкари уйга олишган, ёнида бир синглиси билан оқ халатли шифокор қуйманарди.

Отасининг йиғи аралаш кўрсатган қаршиликлари кучсизлик қилди. Лекин ёрибкўрарларнинг узун ва совуқ машинаси орқасидан қўшнисининг “Жигули”сига акаси билан ўтириб кетди. Кейин эса жабрдийдалиқдан ҳам бир бошқа, аламзада бўлиб келди. Юзи ёмон ҳам бўғриқиб кетганди. Аллақанақа дўхтирининг ёқасидан олганмиш. Милиция деганининг юзига солиб юборганмиш. “Қизимни иккинчи марта ўлдирдинг. Энди мени ҳам ўлдирасанми? Мана, сўйиб ташла!” деб бақирганмиш. Кийимларининг тутмаси битта қолмай узилганмиш. Деворларга ўзини урганмиш. Қўллари қандайдир шишадами кесилиб кетганмиш.

Ўликхонадан келганларидан кейин эса... уйга ўлик иккинчи марта кирганида, мотам ғалати кўриниш олди. Бошқача совуқлаб кетди. Ҳовлига худдики қора жин оралаганди.

Қизнинг жонсиз танаси уй ўртасида энди бу уйга, бу ҳовлига, бу оламга ортиқчалик қилиб ётарди.

Довдир-совдир бўлиб қолган ота дуч келган тарафга бакрайиб тураверди, кўзига ёш олмай қўйди. Катта экинлик ернинг этакларига кетиб қолаверди. Отанинг юзига қараб бўлмасди. Ака-укалари, оғайнилари амаллаб олиб келиб ҳовлига кириш жойига, кекса отаси ёнига тиклаб қўйишаверди.

Бутун қишлоқ кўча бошига йиғилди. Йиғилганлар энди келаётган бошқа одамлар ўта олсин учун йўлнинг икки четига тизилдилар. Кўрганларнинг кўзида Юлдузнинг юзи бўлди, билганларнинг тилида бу ёлғизу эрка қизнинг чиройи, ақлу фаросати бўлди. Кимлар бошларини сарак-сарак қилганлар, кимлар тилини сал кўрсатиб, энди нима бўлади, дегандек ўкинганлар, кимлар лабини каттиқ тишлаганлар. Тах еб қолган эски, ғарибгина тўн, дўппи кийган кишилар ҳовли яқинида қунишиб турадилар, бирлари нималаргадир шошиб у ёқдан-бу ёққа ўтадилар.

Момоси, онаси, холалари узун чопонларни кийишиб, бошларига оқ доқа ёпиб, пешоналарини киздан қолган рўмоллар билан боғлашди. Белларига қизнинг қўйлақларини белдамчадек ўрашди. Уввос солишди. Кўча томонда эркақлар ҳам йиғлаб фарёд қилишди. Отанинг овози бўғилганди, далда бермоқ бўлганлар орасида икки букилганча турарди. Гоҳ-гоҳ йўл топиб одамлардан узоқлаб яна этакка кетмоқ бўларди. Биров енгидан тортса силтанарди. Акаси, укалар қайтариб олиб келиб сафга қўшишарди.

Саҳардан катта йўл бўйигача одам қатор-қатор бўлиб кетди. Аёллар ийманиб, бошларидаги доқаларини юзларига тортиб, ер қараб ўтиб келишарди.

Ҳовли одамга тўла эди.

Аёл кишининг минг аламга қоришган фарёди қулоқларни тешганида ҳовлида

тўпланганлар бечорагина онани кўз олдиларидан ўтказиб, ичларида, “Яна ҳушига келибди-да”, деб қўйишарди.

“Бола-а-а-м, сен ўлгунча мен ўлсам бўлмайдами, болам! Мени ташлаб қаерларга кетяпсан, болам? Юлду-у-у-з!”

Бувиси чапга энкайиб саннайди: “До-о-о-д, Қизимжоним! Тургин ўрнингдан! Тур болам! Нималар қилиб қўйдинг-а, нодонгинам-а. Мен кетай! Мен кирай гўрларга! Сен қолгин, болам. Мени навбатимни нега оласан?! Фаришталарга эргашиб кетар бўлган болам-ов! Кун кўриб ер босмаган болам-ов!”

Кечагина кўзлари чакнаб юрган қиз бугун қуюқ киприкларини шифтга санчиб, чала юмуқ қотиб қолган кўзлари билан “Нега?” дея бор оламни сўроқлаётгандек ётарди. Кечагина бийрон сўзларни сўзлаган лаблари бугун бир-бирига етар-етмас бўлиб дурдек тишларидан иккисини оз-оз кўрсатиб турарди.

Майдалаб ўриб орқасига ташлаган сочлари бугун ечилиб тахтага қўйиб таралаётир эди.

Кечагина ўзини солиб табассум қилиб ўзи билан маъноли ва сўзсиз гаплашгани – ойнанинг юзига мато тутишганди – рух қолиб кетармиш.

Кечагина ҳовлидаги сўрида елпиниб ўтириб, узун бармоқлари билан устини силаган, кўтариб олиб бағрига босган, эркалатган мушугини у билан бир уйда қолдиришга ишонмай ташқарига қувишган эди. Мушук ўликни таталаб қўярмиш. Юлдузнинг танасида эса таталанмаган, шилинмаган жойи қолмаган, бунинг устига қорнини очиб, қайта тиккандилар.

Ювгичлар унинг қуюқ киприкларини сийпалаб кўзларини ёпиб қўйдилар.

Кечагина билакдек йўғон гапириб юрган тоғалар ҳақ ўлимнинг олдида ожизу нотавон бўлиб, елка қисиб юришар, сингилларига нима деб далда қилишни билмай бош эгиб туришар, кўзлари, бурунлари қизариб кетганди.

Фарёдлар осмонни ҳам тўлдирганди. Осмон тунд эди, ҳайрон эди. Ҳар сахар осмонни тутиб кетадиган хўрозлар қичқирғи бугун катакларда қолиб кетган эди.

Юлдузни жойига элтиш тадориги қўрилмоқда эди.

Бир кўча пастки маҳаллада турадиган Таня хола ҳам яшил рўмолини бошига тангиганича ғам кўтаришар, кизнинг онаси, момоси, холаларига далда қилган бўлар, пешонаси тиришиб кетган, бурни шолғомдек қизарган, кўзлари йиғидан қисилган эди. Шодмонби ора-орада ўзини кўтариб урганида, овози бирдан тиниб қолганида кимлар “Таня хола!” деб қичқирарди. Юлдузнинг бобосигами, момосигами дори ичираётган ўрис хола ҳовлининг қай бурчидан бўлса югуриб келарди. Халати чўнтагидан идиш олиб, ҳушидан кетган онага ҳидлатар, юзига шапатиларди.

Туронбойнинг онаси – Келсиной момонинг қон босими ошган, ичкарига ётқизиб қўйишгани билан, орада ув тортиб яна ҳовлига чиқиб келарди.

Вой-вой. Бу аламлар чин алам-да энди. Бу тузалмас дарднинг олдида ўлдим-қуйдимга ўхшаш ёлғон аламлар, ясама кўзёшилар ўтаверсин.

Юзочди қилиб қўйишди. Оқ докани юзига ёпиб, калтак билан очишди. Чимилдик кўрмади-да... Хургина ҳолида ерга кирар бўлди.

Юлдуз кетди.

Ке-е-е-тди.

Одамлар кўзида ёш билан тобутини кўтарди. Одамларнинг елкасида кетди. Одамлар ортда қолмай деб шошиб чопдилар, қўл узатдилар унинг тобутига.

Ўлгандан кейин бир кун қололмайди одам ўз уйида, қолгани билан рутубатга бостиради уйини.

Шоша-шоша қабристонга йўл солдилар. Ҳамма тобутга чопади, яна отани аланг-жалаң кидириб қолади, елкадош бўлай, ўзига ёмон ҳам оғир дейди. Эркалатиб олиб бордилар Юлдузни. Ҳурматлаб элтдилар, папалаб ерга олдилар, эҳтиётлаб гўрга қўйдилар. Сув ҳар ёққа уриб эзиб юборган танасини авайлаб тупроққа топширдилар. Эндиги авайлашларнинг фойдаси бўлмаса ҳам, буни билишса ҳам, барибир эҳтиётладилар кизнинг ўлигини. Отаси икки букилиб, қабр устида тиззалаб қолди, тоғалари эгилиб чўккалади, манаман деган полвон, барваста одамлар ҳам бардош қилмай кўзёш тўкди.

Қирларга чиқиб кетди Юлдуз. Келмайдиган бўлиб кетди.

Болачалар: “Юлдуз опам қанилар?” деб сўраганда катталар: “Гул тергани далага кетган”, дейдиган бўлишди.

Юлдуз оёғи билан юриб чиқиб, боши билан кириб борган, кейин эса сўнгги марта одамлар елкасида қарқара бўлиб чиққан остона совуқ ҳувиллади. Кўча ҳам одамни ютгудек бўлди.

Йўл ёнида эса шошқин сой ҳамон ҳеч нарса бўлмагандек оқарди. Йўл икки ёққа юрса, сой суви бир ёққа юрарди. У ўз йўлида эди. Қўйиб берса яна бировларни кўлидан тортиб кўтариб ургудек важоҳат солиб оқарди. Балки, “Эй одам йўлимдан қоч, ўз йўлингни топ, ана йўлинг. Хоҳла у тарафга, хоҳла бу тарафга. Йўқса ўзингга ёмон қилиб қўясан”, дермиди.

Шундай кейин Гулшан дугонаси ўсган ҳовли эшигидан қадам қўёлмади. Биттагина юрар йўлидан ҳам минг ўйланиб, минг кесиб, минг зарур бўлганида ўтадиган, ўтганда ҳам оёғи зир титраб, тили танглайга ёпишиб, томоғи куриб-котиб ўтадиган бўлди. Юлдузнинг ота-онаси билан бетма-бет келишга юраги дов бермай ҳамиша ўзини нари олди. Лекин бу қалтироқлар, бирга-бирга ўсган яқин ўртоғининг изларини босолмай ҳаприкишлар, отаси ё онаси дуч келганда ўзини ўнғай туйолмай азоб чекишлар ҳеч нарса экан.

Ҳаммаси кейин бошланди. Манглайда шундай ёзиқлар экан-да, бошланди.

Кўрарингни кўриб бўлганингда, умр ўтар-кетарлигини англаб қолганингда “Шунгамиди ҳамма чопганларим” деб ҳам қўяркан одам. Ўзидан ирганиб, ўзидан жирканиб ҳам кетаркан.

Кун шу кун бўлса, умрнинг ҳам жа кеткуйги бўлиб тиришишингга арзирлиги йўқ экан.

“Ўлмасга жуда муносиб эди. Бунақа қиз бошқа топилмайди энди”.

“Тақдири чала экан-да”.

“Тўйнинг кечиккани ҳам яхшиликка бўлган экан, умри калта экан-а. Яхшиям бувангнинг гапи билан тўй қилиб юбормаганимиз”.

Бу айтгуликлар эса қизнинг тобути чиққан ҳовлига икки эшик нарида, қўшни ҳовлида айланарди. Ўлмаснинг уйида.

Кунлар ойга, фаслларга бирикди. Юлдузнинг гулдек очилмай сўлгани, қўшни ҳовлининг беҳосият экани, умрнинг белгиллиги ҳақидаги гаплар ҳам айланиб-айланиб чарчади, камнамо бўла бошлади.

Кейин... ҳар кимнинг ўз йўли ўзиники бўлди.

Ўрмон ёнса ёнибди, бари куй-куй бошқадан.

Дардлар эскирди. Яна келин ахтаришга тушишди.

Узоққа боришмади. Кўпларининг – Ўлмаснинг отаси, онаси, момоси, яна кимидирнинг шундоқ ҳам дилидан ўтиб турган ўйга бир ёндевор қўшни пишанг берди: “Ана. Гулшан ҳам чип-чиройли қиз. Келин қилиб қўяқолинг, Берки опа. “Билмасам, ўзим ҳам шуни ўйлаб юрибман. Юлдузга кўнгли бор эди-да. Шу қизни келин қилайин, десам, дарров кўнганди. Юлдуз кўчадан ўтганда кўзидан ўт чиқиб кетарди боламнинг. Энди нима дер экан?”

Ҳа, энди Ўлмасга Гулшан мос келиши ҳали Юлдузнинг ўлиги уйдан чиқмасиданок кўпдан-кўп бошлардан ғизиллаб ўтиб бўлганди. Ўлмаснинг ўзи нима ўйда бўлганини Гулшан шунча турмуш қилиб, шунча ҳамхона бўлиб ҳам билолмади.

Гулшан келинчақликни ҳавасу ҳаёл қилганда ҳали ёшгина қизча эди. Раста бўла боргани сари уни ҳақиқий дил билан севиб-суйишлари, ёниб-куйишларини аниқ ва муқаррар деб биларди. Севги олис-олислардан бир ёлқин, бир олов, бир бўрон бўлиб келиши, суякли ёр билан висол қандайдир чексиз водийларда, тиниқ булоқлар бўйида кечишини кўнглидаги эртақлари сўзларди. Кейин хўп шоҳона, хўп қиёмат тўй бўлиши керак эди. Ҳатто бир катта эртақ китоби устидаги расмда болалигида кўриб тасаввур этгани – безакли отга қўшилган бурама қажава-аравадан андар-ажойиб либосларда тушиб келиш бахтининг болача ҳаёли ҳам уни тарк этмаганди. Тўй кунларида оламда ҳамма бахтли, оламда ҳамма шод бўлиши керакдек эди. Бироқ унинг учун ўша орзудаги, тасаввурдаги кунлар кутилмаганда, салгина тез, алланечук саросималар орасида кечди.

Ўлмас Гулшан билан, бир қурга бўлсин, сўзлашиб ўтирмади.

Қизнинг севги деган туйғулардан кўп йиллик кутганлари рўй бермади. Учрашув, ахдлашув, аразлашув, соғиниш, ўртаниш, икки йўлдан кетиш хавотир-ҳадиги... ҳеч нарса.

“Шугинамиди ёшлик? Тугадими энди?”

Қўшни қизни қўшни йигитга унашиладиган бўлди. Нон синдириш куни тайин бўлди. Икки уйда катта-катта патирлар ёпилди. Ана шундан бошлаб Гулшанга қарахтлик келди. Тадориклар, йўриклар, маросимлар ўз йўли учун бошланди. Ҳаммаси алланечук ғалати ва совуқ кечди.

Ҳаёт дегани севгисиз нима экан.

Орзулар, бир неча ой аввал ҳам ширин энтикиб, ўзининг ортида алағда бўлган йигитларни ғолибона янчиб, катта бир муҳаббат кутиб юргани чоғдаги туйғулари баҳорги мўнталокдек изсиз йўқолди. Ҳатто унут бўлди. Охирги кунда ҳам куёвнинг “Э йўқ, дугонасига уйланмайман”, деб қолишидан ҳадиксираб, ишончсиз кун санади. Эшитган қулоқ нима дейди. Тўй кунлари ҳам қарахт, худди тўй ўзиники эмасдек эди. Юлдуз ўлганидан бери паришонланган ҳаёлини ўзи учун йиғиб ҳам улгурмаган эди.

Бошқаларнинг эса ҳаёли бошқа бўлди. “Тақдири бунга қўшилган экан-да”, деб “фотиҳа ўқи”, “нон синдир”, “қозон бер”, “юк юбор”дек расм-русумларни кетма-кет ўтказиб боришаверди. Қарахтликни қарс-бадабанг ўйин-кулгилар бешбаттар қилди. Ҳаммаси тушда бўлаётгандек кечди-қўйди. Жуда шошқин, жуда тез.

Ичидан ўтганини ўзи билди.

Ўлмасга унашилишига бир-икки кун қолганида ҳур кетган дугонаси тушларига кирди. Тушидаги қурдоши бир бошқа бўлди. Ўлмас билан Юлдузларнинг ўртасидаги бўй етмас ёндевор устига от мингандек миниб олиб тилини чиқариб масхаралади. Узун-узун, таралмаган сочларини селкиллайтиб, тиртиқ манглайдан нимадир қора суюқлик сирқиганича, бошини у ён-бу ён ташлаб қулди.

Шундан сўнг бу девор устида ҳамиша Юлдуз ўтиргандек бўлаверди, бўлаверди. Дунёда ҳақи қолгандек, дунёнинг ўзгармас шарти бўлмиш ўлим ҳам унга ҳечдек, ўтираверди.

Ёмон алғов-далғов бўлди бу умр.

Азобли эди у кунлар. Чалажон ҳислар соғ жуссасини анча эгиб қўйганди.

Жилмайишга уринди. Осонми ҳаёт деган майдонда ўйин кўрсатиш.

Кўп дуо олди тўй баҳона. Дуоларга сўнгги умидини боғлади. Тавбаларга ҳам.

“Ойдай ярқираб, кундай жарқираб юргин”. “Қўшганинг билан қўша қаригин”.

Эшитганида эса оғир ботди унга дуолар. Тавбалари қуруқ бўлди. Бирортаси бўлсин, бир ютум роҳат берса экан.

Мана, Юлдуз босмаган остонани Гулшан босди. Юлдузнинг сепи ёйилиб, кўрпаси йиғилмаган уйга Гулшаннинг сеп-сидирғаси ёйилди. Юлдуз қирмаган гўшангага Гулшан кирди. Юлдуз супуриб-сидирмоғи керак бўлган кўча-эшикни, ховли-ҳарамни Гулшан супурадиган бўлди.

Бўлган битган ишлар ғалати, совуқ эди.

Тўйхона томонда сал ўнғайсизликни демаса, ҳаммаси рисолада. Хушчиroy ва барваста қизни келин қилиб олиб тўлган ҳовли. Масковни ўқиган асов йигитнинг ювошгина куёвга айлангани хонадондаги ҳамманинг кўнглини саранжом қилган. Тўй кунларида ичларидан бирда-бир ўтиб қўйган енгил қиринди ҳам меҳмондорчиликларда ювилиб кетмоқда эди.

Осмондан қараганда бир деворнинг бериги тарафида оламча изтиробни орқалаган шўрлик одамлар кўринарди. Ҳа, кимнинг куни битгани – кимнинг куни туқгани.

Нариги ёқда ўша тўй куни ҳар кунгидан-да совуқ изтироб, тирноқли алам эди.

Деворларнинг тили бўлса айтсин, дейишлари бежиз эмас экан-да. Бекорга тўқилиб тушмас экан-да. Бекорга кунларнинг бирида гурс этиб қуламас экан-да.

Девори қўшнининг айвонига туташ қўйхонани супуриб юрган она тинмай йиғларди.

Қизарган кўзларини яширар экан, нарида кимга дардини айтишни билмай, яна хотинига яқин келиб турган, лекин қизи ўлгандан бери тузук бир сўз демаган, жим

туриб гапирар бўлган эрига қаради. Куч топиб, уни тўйга чиқишга ундаб имлади. Эркак тиканлаган соқолини силаб турди-ю, гап-сўз демай уй ичига қараб юрди. Шодмонби унинг ортидан кирди. Ҳам камгап, ҳам кўрс бўлиб кетган эрининг ёнига чўкди.

– Қандоқ қиламиз энди, дадаси. Юлдузгина тирик бўлса, тўй бизники эди. Ўлмасжоннинг ўзи...

– Ўчир овозингни! Отини атама! Керакмас менга! Айтма отини! Бор ишингни қил! Чиқмайман тўйга, билдингми?!

Аёл чўккан жойида орқага ташланиб, қўлига тиралди, лабини тишлаб ўрнидан турди. Титраганча ҳовлига чиқди. Ҳамма ёққа кўз югуртирди. Кенг ҳовли уни бўғгудек қисар эди. Ким билсин, қизининг руҳи кезиб юргандир. Қайсидир кун устунга ўрнаган арвоҳ капалак бугун ҳам қаергадир кўнгандир. Юлдузгинанинг арвохидир у. Бу ерда бўлаётган ишларни кузатиб тургандир. Ўкинаётгандир. Ўзи бор бўлса, ўз уйига келинчак бўларди-я. Шу... Сув ичмаса, ичаман демаса олам гулистон эди-я. “Болам-ўв, кун кўрмай кетган болам-ўв. Ширмой кулчагина болам, тилимнинг новвоти, оғзимнинг шарбати эдинг-ку, кўзимнинг нури, кўнглимнинг кўри эдинг-ку, Юлдузи-им! Қалам қошинг қаландар қилади-я, болам! Олматарам бетларингдан айланай, болам! Ширин жонингни савил қилиб кетдингми, болажоним? Нимага ҳеч ичмаган кир сувларни ичгани тушдинг, болам-а! Нимага-я?!”

Она йиғисини яшириш учун, ариқчада юзини узоқ ювди, ҳўнграган овозини ёпай деб сувни кўп шилдиратди. Кейин ҳик-ҳиклаганча судралиб тўйхонага чиқиш учун тарадудлана бошлади. Шу чоғ дарвоза очилиб Юлдузнинг катта аммаси кўринди. Шодмонби додлаб юборди. Амма кела солиб Шодмонбини маҳкам кучоқлаб томоғи бўғилиб йиғлади.

– Қандоқ қиламиз энди. Одамни одамга яратгани чин-да. Эртамандан бери ҳеч ерга сигмайман. Борай дедим. Бирпас олиб чиқайин уларни дедим. Шунчалик ҳам шўрпешона бўламизми? Ойнонайин сиздан-ай.

Шодмонби узоқ йиғлади. Юзларини рўмолига, енгига яшириб ув тортди.

– Сўраб чиқиб қўйсақ бўлди. Элга қўшилиб ўтирмаймиз-ку. Ўлганнинг кетидан ўлиб бўлмаса. Ҳали Гулшан ўртоғиникиниям бир сўраб қўйиш керак.

Шодмонби лабини қаттиқ тишлаганча ерга қаради. Юлдузнинг аммаси бурчакдаги уйдан букилиб чиққан укасини бағрига босди.

– Нимаям қилардик энди, Туронжон. Ўлмаса тўй сеники эди-ку. Ҳозир Ўрмон поччанг ҳам келади.

Сўрида ўтиришиб, яна йиғлашдилар. Ота ихраб қазноққа кириб кетди.

– Товоғингиз борми? – амма кўзини докаси учлари билан артди.

Шодмонби хомлик солинган таванни дастурхонга ўради. Икки аёл бош эгтанча кўчага йўналишди.

Бир чойхўплар вақт ўтмай қайтиб чиққан аёллар яна икки ёққа қараб йиғлашарди.

Тўйхонада қаҳқаҳа, меҳмон-мезбонларнинг гангир-гунгир суҳбати кучайган вақтда Туронбойнинг поччаси кириб келди. Почча ҳарчанд уринмасин, хотини, опаси қанча ялинмасин, Туронбойни жойидан силжитиб бўлмади.

Шу кеча Туронбойнинг кўксида нимадир жиз этди.

Кўшинининг тўйидан икки ойча ўтиб, сигир боғланадиган бостирма ёнида кўксини чангаллаб йиқилди. Шу билан юрак оғриғига йўлиқди. Кундан-кун ранги кетди.

Шодмоной бўлса... қуруқ ёғочга айланди. Бир гапни тушунса, бирини тушунмайдиган, ҳардамхаёл бўлиб қолди... Тўй-тўйчиқда ёлғон кулади, ёлғон гаплашади. Ўзини чалғигандек тутати. Бировни ярим эшитса ярим эшитмайди. Бунинг устига қадди эгилиб, орқасида дўкки пайдо бўлди. Дўкки ҳам кун сайин туртимини узайтиб, кунгурасини кенгитиб бораверди.

* * *

Кунлар рутубатли, хавосиз, оғир эди.

Гулшаннинг назарида ўнг томондаги – ўша Юлдуз тушига кириб масхаралагани – девор каттиқ хўмрайганича қолди. Гулшан бир умр бу деворга бош кўтариб қаролмади.

Ҳозир у деворлардан асар ҳам қолмаган, янги, баланд, ғишт девор тикланган.

Ҳар нарсани янгиласа бўлар, лекин хотир-хаёлни эмас.

Деворлар қанча баланд бўлмасин, сой овозини тўсолмасди.

Сув шовури атрофга ваҳм солар, шу маҳалладаги гўзал қизнинг ўлимини ҳар лаҳза эслатарди.

Сойнинг овози Гулшанни хароб қилар, баҳорги сел вақтларида ичкари уйдан чиққиси келмай беркингани-беркирган эди. Қизнинг онасидан кам эмасди унинг азоблари.

Аёлнинг юрагини ўйноқлатиб, оёғидан мадор кетказадиган биргина сой эмасди, яна Бойбўл чол ҳам бор эди. Тўғри, Макки ҳам бир-икки дуч келганда сал ғалати қилиқ қилиб, хурпайган вақтлари бўлган, лекин чолнинг қиёфаси Гулшанни каттиқ чўчитиб юборарди.

Бойбўл чолнинг жинлари бор дейишарди. Жинлари суймайдиган одамлар қамти келганда чол хурпайиб оларкан. Эски раисни кўрганида эса бир тошни олиб бирини қўйиб, қувалаб солар экан. У қувиб юрганда раис аллақачон раислигидан тушиб, димоғи осмонда бўлса ҳам иззати ерда бўлиб юрган вақти эди.

“Человеческий мусорлар” келиб-келиб идоранинг олдига жойлашгани-чи. Ҳаммаси эски раиснинг аҳмоқлигидан. Бу иккисини дала-палада бирор қапага жойлаганда ўша ёқдан бери келмасди”.

“Қўйинг-э, далада қаерда жой бор буларга. Бир ерга кўчирсангиз, ўша ерга эга чиқади. Меросхўриям топилади буларнинг”.

Идора олдида тўпланадиган ходимлар сўзлашганида шундай ақлли гаплар ҳам бўлганди. Ўзи бу ерда ақлсиз гаплар сира бўлмаган. Идора бўлади-ю, доно-сўзамоллар йиғилмайдими.

“Бу иккиси ўлмагунча чордеворларни бузиб бўлмаса. Тезроқ бир ёқлик бўлса экан, райондагиларга пича қистириб, идоранинг орқа ховлиси билан ўзимга ўтказиб олардим. Шундоқ зўр жойлар бўш ётибди”.

Бунақа ўй идорада ишлайдиганларнинг бир эмас, бир нечасининг ақл тўла бошида айланган.

Бойбўл чол тиригида у яшаган маҳаллада тўртта уй бузилди. Гулшаннинг ота уйи бузилмади. Келин бўлиб тушган ховлиси ҳам. Факат ўрталикдаги девор четга чиқиб қолди. Энди бу сой тугул, Каттасойнинг ҳам шовиллаши бемалол эшитилади. Бу ёқдаги девор сой ҳайбатида титрагандек туради, иккинчи ёқдаги девор бўлса, ҳалигидек хўмраяди.

Деворнинг хўмрайганича бор эди.

* * *

У ҳамон паришон ўтирар эди. Кўзлари хира кўраётгандек қисилган. Лекин ўша ўттиз уч йиллик ходисалар кўз ўнгида аниқ ва равшан жонланарди. Деворнинг нарёғига тушишидан назарини эҳтиётларди. У кўз олдига келиб турган бир кунларда хушрўй жувон бўлган Шодмонбининг – ҳозирги Шодмон холани, хола тугул, қўшни ховлининг бирор парчасини кўришни истамасди. Девордан юқорига ўсиб кетган тошнокнинг букри жойи Шодмонбининг жуссасини, бужур танаси Турон амакининг ғижимланиб кетган юзини эслатарди. Шунинг учун Гулшан ўз ховлисида ҳам этакка борганда ерга тикилар, баъзан кўзларини юмиб-юмиб юрарди.

Қани энди эри бошқа хотин олмасдан, шаҳардаги уйга кўчириб кетган бўлса. Шу хотиралардан қутулса. Бир замонлар бирга ўйнаганлари, Юлдуз ўсмирлигида сув сепаб юрган ховлидаги бугун оғир-оғир қадамларда босилаётган хазонлар шовурини ҳам эшитмаса.

Ўз ҳовлисининг ҳашамати эса кўзни оларди.

Ҳовлида икки марта тўй қилди. Ҳар қанча ҳордиғи бўлса чиқарадиган, нимаики армони бўлса ҳам унуттирадиган тўйлар бўлди. Ўлмаснинг топганлари Гулшанни унча-мунча тўйни тўй санамайдиган, унча-мунча сепни сеп демайдиган кибор аёлга айлантирган.

Бошидаги рўмоллар, эғнидаги кийимлар маҳалла аёлларини анқайтириб қўяди. Ҳадди сиққанлар, “Опа, эски рўмолингиздан битта беринг, ҳавас қилиб ўраб юраман”, дейди. Уйига кирганлар дод дегудек қиммат атирни қўлларига бир олиб томоша қилмоққа, сепиб олмоққа илҳақ.

Бир йили шундоқ ён қўшниси бошқа қишлоққа қиз узатди. Ҳамма қатори Гулшан ҳам қарашиб-этишиб юрди. Тўйнинг эртаси қудалари келишига тайёрлаган дастурхонини кириб кўрди. Кўрди-ю, қош чимириб қолди, уй эгасини чақириб, қаттиқ тегди, изза қилди Гулшан. Шугина бўлса майли. Дарров ўғлининг машинасида марказга бориб бозор қилиб келган, дастурхонгача янги олиб келган, кейин қайтатдан ўзи тузатган эди. Маҳалла аёллари тўй эгасига ҳавас қилишганди. “Худо сизга Гулшан опанинг кўли билан берди”.

Кенжаси Иброҳимнинг тўйи ҳаммасидан зўр бўлиши керак эди. Аввалги тўйларида меҳмонлари кўп бўларди, ҳаммаси ҳашамга яраша меҳмонлар. Катта дўкдорнинг хотини бўлиб ким-кимларнинг тўйларига борган ахир. Шунга яраша келишади-да. Эндиги тўйида бу уйларга сиғмай ҳам кетишар.

Кун сайин хомушланиб, оғирлашиб борарди. Ана, атрофида ҳамма ҳайрон. Тиркиратиб юборсанг. Ҳайрон бўлавергунча ишларини қилишса.

Гап бошланса уни-буни гапиради одам, жойи келса ақл ўргатади, жойи келса кулоқ солади.

Ўзига тегишли гапларни бирда-бир эшитиб ҳам қолади. Эшитган кунлари баттар ухлолмай чиқади. Ёмон ўйиб олади бу тасаллолар. Меҳрибонларнинг меҳрибонликлари жондан ўтади.

– Шўрлик, ўша дугонасининг оқиб кетганини кўрган-да. Ўлигиниям. Сира очилмади-я. Уч паҳлавон ўғилнинг онаси. Кап-катта хотин бўлди. Барибир ҳалигача хаёлпаршон.

– Ғалатимасми?

– Нега ғалати бўлади?

– Ана, Жамолба опа, биттагина ўғли ўт ўраман деб сойга туртилиб кетиб оқиб ўлди, юрибди-ку. Ўлганнинг кетидан ўлиб бўлмаса.

– Юргани билан ҳар куни заҳар косада ош ичади.

– Уфф. Ахир у она. Эй, сиз ҳам жа гапирасиз-да.

– Мени деб ўлган дейди-да, шўрлик хотин. Ҳаммаси пешонадан-ку. Ўша куни раҳматли Турон аканинг кизи бу ўртоғини гаплашиб ўтирамин деб чақирган экан. Чикмаган бўлганда ўлмасмиди. Ариқ тўла сув туриб каналдан сув ичаман деган-да ўзи. Вой, ота-болаям раҳматли бўлди-я.

Кеч кирди. Болалари дастурхонга чақирди. Катта келинидан мошхўрда, кичик келинидан хоним. Ҳа, дунёнинг бор ташвиши қорин бўлиб тургач, рўзгорлари айрилган. Ёқ-диқ қилишавергандан кейин нима бўларди. Бир йил бўлди. Икки ойки, қаердан ҳам одат бўлиб қолди-ю, бир дастурхонда ўтиришади. Икки хил овқатга қўл узалди. Икки овқат қоринларда жой талашди.

Дастурхонга фотиҳа ўқилди. Гулшан ҳар кундагидек туриб индамай уйига йўналди. Кичик келини ортидан юрган бўлди. Бирови бир нарса демайди. Биттада тушунади. Индамадими, кенжатой-эркатойи келгунча якка ўтирмоқчи қайнона.

Келинлару ўғиллар енгил тортгани сезилиб қолади. Уларнинг енгиллагани бе-кор кетмайди, бунинг ичига титроқ олиб киради.

Қайнонанинг инжиқлигидан, ғалати касалидан безганини билдирибгина қўяди ёқ-дикчи келинлар. Болаларини кўрқоқ қилиб қўйишидан хавотирда. Яқиндан бери Нафосатни катта келини тез-тез Рабоҳат бувисиникига ётиб қолгани юборар бўлган. Ўғли ҳам телевизор томоша қилаётганга соладимией ўзини. Кичиги қаёқдадир кўчада, иш билан. Қачон қайтса экан.

Яна бир маҳалгача шифтга тикилди. “Ё Худойим, ҳаловат бер, ором бер”. Қоронғиликда элиб пинакка кетди.

Бироқ кўп ҳам ўтмай қулоғига сув шовури келди. Кўзини очди. Бу гал шифтда сой сувининг бўтаналари, кўпиклари кўринди. Шовқини эса жуда узоқ-узоқлардан элас-элас эшитилди.

Кўзини бу гал чиртга юмди. Шу юмганича миянинг изларидан юриб хаёл қила-қила ухлаб қолди. Кейин... нимадир тирк этди, коп-қора тун қўйнида кўзи ярақлаб очилди.

Шунда...

Кўрпа-ёстиғи билан тўлқинларми ё оқиш парку булутларми илғаниб турган мой бир кенгликка тушиб қолди, кўз олдида ажаб манзаралар намоён бўлди.

Тип-тиниқ кенгликлардан... сулув қизлар чиқиб келишди.

Ҳа, ҳар доимгидек.

Кўпгина. Бири-биридан гўзал. Табассумлари ёқимли, кулгилари ширин, бирам меҳрибон.

Яна сувпарилар, тинмаган-тинчимаган, йўқлашяпти!

Бу гал сувпарилар битта-битта пайдо бўлиб, битта-битта кириб келиб уйни тўлдириб юборишди. Ҳамма ёғига келиб ўтиришди.

Тавба, оёқлари ўрнида дум-ку, юраверишгани-чи. Ана, иккитаси каравоти пастида, оёғидан икки томонда. Иккитаси боши томонга ўрнашиб олган. Иккиси уй ўртасида эшилиб бир-бирига айланишиб, рақс тушгандек муком қилади. Ниҳоят, боши атрофида ўтирганлар янада яқинлашиб силжишди, кейин унинг сочларини тортқилаб тўзғита бошлашди. Майин-майин табассум қилишди. Қўлларини силашди. Шунда Гулшан беихтиёр бошини кўтариб ўрнидан кўзгалди.

Булар етаклашди, у эса худди биров уни кўтариб олгандек енгил бўлиб кетди. Сувпарилар хурсанд-хурсанд, Гулшанни бошлаб эшикка олиб келишди. Зинадан тушишда учталари олдинда, учталари орқасида эди.

Вой-вой, булар овозсиз қуйлашади, овозсиз сўзлашади, овозсиз далда қилишади.

Кулгилари жаранг-жаранг!

Нега ҳеч бир сўз эшитилмаса ҳам уларнинг меҳрибонлиги, яп-яхшилиги, одам-жонлиги шундоқ билиниб туради?! Ҳа, одамжонлиги.

Бунча ёқимли?!

Юзларини сийпалаб, сочларини силаб, белларидан қучиб ҳовлидан олиб ўтишди, ташқарилатишди. Кўчада яна бир тўда, булардан ҳам сулув сувпарилар. Унга сари интилиб-интилиб туришибди. Гулшан ҳам уларга интилади. Вой-вой, бунча меҳригиёлик экан булар? Ором, ором. Ҳузур, ҳузур. Пардек енгил бўлиб бораберсанг, ортга қарагинг ҳам келмас экан-а. Ортда нима бор ўзи? Ҳеч нима. Уч-қуйруғини кўриб бўлмайдиган ғадир-будурликдан, ёқимсиз ислардан, бадқовоқ дунёдан бошқа ҳеч нима. Борлиқ дегани билан йўқлик сари бораётган дунё. Охири ўлмоқ, йўқ бўлмоқ эканини аниқ билсанг-да, нималарга алданиб юрасан-а орқада қолаётган бу чириб кетгувчи дунёда! Ейсан-ичасан, бориб келасан борар жойга, ейсан-ичасан, яна шу.

Нега бу парилар билан аввалроқ йўл тортмади? Нега уларни кўрганда тушдами ўнгда, алжиди, чўчиди?

Мана, ўзга тиниқ оламлар ҳам ўзини кўрсатар экан-ку! Ўн саккиз минг олам деганларидан бириси шу бўлсамикан?! Ўзи икки олам борми ё ўн саккиз мингми? Икки олам бўлса, бир оламнинг ичида яна минг турфа олам экан-да.

Оламлардан оламларга ўтиб кетмоқ, ҳатламоқ-да мумкин экан. Оҳ, қандай ажойиб! Оламларни бирида туриб иккинчисини кўрмоқ мумкин, англамоқ, ҳис қилмоқ мумкин, туймоқ мумкин.

Бироқ бу оламларни бир-бирига қўшиб бўлмайди. Оламлар бир-бирига қўшилса, одам деган махлуқнинг ичида жунун пайдо бўлади. Олам одамга ўзини қандай намоён этган эса, шундоқлигича қолгани тузук. Йўқса...

Бирга-бирга кўча бўйлаб кета бошлашди. Ана узун йўл, яна олдиндаги парилар рақс қилиб боради. Йўл анҳорга элтади.

О, бунча ажаб бу дунё! Бунча ёқимли! Кўзларини юмиб юрса ҳам кўрмоқ мумкин бўлган, туймоқ мумкин бўлган ғалати, фусункор олам. О, қандай яхши экан занжирсиз, боғловсиз, ҳашаматсиз, ўйловсиз... Қандай яхши экан ўз жисминггаги-

на эгалик қилганинг. Қандай саз экан намчил оламнинг гўзал парилари. Баданлари кумушсимон. Жисмлари-да сувдан, сочлари-да сувдан, киприклари-да сувдан, лекин ранглари ажаб... Сочлари шаффоф қора, кўзлари кўкимтир-қора шишадек. Кўллари эшилганида баликнинг қанотидек. Ширали ва маккора кулгилари сувнинг шилдириддек. Фақат бу кулгилар париларнинг оғзидан эмас, аллақерлардан, ўзга тарафлардан эшитилаётгандай сирли, сеҳрли.

Парилар, парилар, кетайлик, тўхтамайлик! Бунча осуда-я, бу борлик! Кетдик. Ортда қолсин ҳаммаси! Яна юрайлик, яна хиром бўлсин. Мана, мен ҳам учиб-учиб юрай сиз билан, оҳ-оҳ!

Дунё тиниклаб борди, кўнгил қушланиб борди, кўзлар сузилиб-сузилиб кетди, вужуд пар-пар бўлди.

Осудалик, осудалик.

Лаҳзада одамий дардлар, беҳаловатликлар, ташвишлар, андуҳлар, гиналар, аразлар, олим-беримлар, қарз-ҳаволалар, ҳасадлар, куйинишлар, ўртанишлар, азобланишлар, яна нима-нималардан холи бўлди. Бунча чароғон бўлмаса бу зимистонлар! Мунавварлик зулматда бўларкан-да. Зулмат очар экан-да басир кўзларни.

Сокин ғалвалар, жимжит шовкинлар, ёқимли азоблар.

Хотиржамлик сувнинг аёвсиз шовурида экан-да.

Нима ўзи бу?

Йўл маълум эди. Жуда таниш, кўзга қадрдон, қачонлардир босиб ўтилган яшил доvon сўқмоғи. Кўз илғар ёқларда, тинглаб туймоқ мумкин тарафларда шаршаралар шовулларди.

Йўл олис ва ажиб эди. Йўлнинг ҳамма ёғи бирдек капалакзор эди.

Майсалар устида гуллар очилиб ётарди. Улар Юлдуз тушида кўрадиган гуллармикан?

Юлдуз ўзи-ку кичкина пақирча топса ҳам, ичига тупроқ солиб гул экарди.

“Ўртоқжон, Гулшанчам, бу кеча тушимда яна гул кўрдим. Шунақаям чиройли, шунақаям ажойиб. Ҳовлимизнинг ҳамма ёғи гул эмиш. Ҳеч кимникида йўқ, биз билганларга сира ўхшамаган гуллар эмиш. Маза қилиб сув қуйиб юрибман. Тавба, ора-ора гул кўраман тушимда. Ҳар хилидан. Ўнгимда ахтараман, ҳамма жойдан излайман, тополмайман”.

Ҳа, ўша гуллар эди атрофда. Топибди-да охири.

Юлдузнинг ўзи ҳам париларга йўл бошлаб сурилиб борарди.

Бирок...

Бир лаҳзада қачондир битиб кетган кулоқлар очилгандек, ёниб турган чирок ўчиб қолгандек ё ўчиб қолган чирок ёнгандек, нозик биллур идиш майдаланиб кетгандек бўлди. Ё асли бутун бўлгану кейин парчаланиб, бир-биридан узилиб кетган оламлар бирлашгандек, осмонлар ер, ерлар осмон бўлди.

Оламлар... йўқ-йўқ, оламнинг тарафлари аро туйкусда қандайдир овоз янгради. Ҳар икки тарафни сапчитган, ҳушёр қилган бир сас келди.

Сой лабидаги уйлар томонда нимадир қарс этди. Узун сочлари елкаларига ёйилган, гўзал ва айёр кўзларида ҳайрат чакнаган парилар қаторида у ҳам ялт этиб ўша ёққа қаради. Кулгилар тинди, соҳир овозлар битди. Сукунат ёпирилди. Сувпарилар бир силкинди, уни ёлғизлатиб, шошқин сирғалиб сув томонга кетдилар. Ҳудди учиб бораётгандек.

Кўча бошидаги боғча қоровулхонаси олдида бир одамнинг қораси кўринди. Қарсиллаган овоз қоровулхона эшигиники эди. Қоровул ҳовлиқиб чопиб келди. Қўлида узун сўйилми, кетмонсопми тутган.

– Ҳой! Тўхта!!! Ия! Ким бу?! Кимсан дейман?! Гулшан опа, сизми? Ннима қилиб юрибсиз кечасида?!

Кўркув, уят яна бош кўтарди. Титроқ яна пайдо бўлди. Унинг теграсида ёлғон деб аталса-да, рост деб англаган дунё эди. Шугина ўтар дунё, шугина ўтмасдек туюлиб аврагувчи дунё. Ҳудди чигал босган сочдек, ғовлаган миядек, моғорлаган кўлдек, бўтаналанган дарёдек, айниган ҳаводек ғалати олам қиёфаланди. Кўзни шамғалат қилиб умрни ўтказиб юборувчи дунё уни яна қуршади.

Титроғи кучайди. Тишлари такиллади.
Анҳор томонга қаради. Сув ваҳимали шалоппларди.
Тавба, нега? Ахир... Тун-ку! Нега чикди? Нега чикди кўчага?!
Кимларга эргашиб чикди уйидан? Сув томонга кетган қизлар олиб чиқишди-ку
уни! Олиб чиқишдими ё йўқми? Қани улар? Ҳозир бор эди!
Бор эдими?
Қўркмасдан эргашиб чиқавердимми? Юриб чикдимми, учибми?
Сой суви тинмай шовуллайди. Орада балиқларми сувкаламашлар сақраганида-
ги каби овозлар келади.
Уят, минг уят! Қоп-қоронғида кўчада юрибди.
Энди ўғилларидан балоларга қолади.
Шартта ортига ўгирилди. Боғчанинг янги қоровули анграйганча қолаверди. Дағ-
дағ қалтирагани кўйи тез-тез юриб кўча эшигига келди. Тавба, эшик қаттиқ ёпилар-
ди. Шунчаки тортганга, беҳолгина уринганга очилмасди. Қандок очдийкан.
Ҳеч ким уйғонмабди. Пешайвон билан йўлак чироғидан бошқаси ўчиқ. Ҳовлига
ўзини олди. Уйига кириб каравотига ўтирганида боши яна бир марта чирсиллаб
кўзлари яраклаб очилгандай бўлди. Адёлига ўранди.
Ярим соатчадан кейин катта ўғлининг эшигини тақиллатди. Овози титрар эди:
– Нафосатни чиқариб юборинглар. Мен билан ётиб турсин. Иброҳим ҳали кел-
мас экан.
Келини ўғлининг ортидан шошиб, меҳрибон бўлиб чиқиб келгани билан,
оғринди:
– Ухлаб ётувди-ку.
Искандар хотинини четга суриб, шип этиб кириб кетди, қизини кўтариб олиб
чикди. Олиб чикди-ю, яна эшик қаршисида тўхтади:
– Қиринг яхшиси, ойи, шу ерда ётаверинг.
– Йўқ. Биласан-ку, жойсираб ётолмайман.
Уйига бошлади. Қизини ётқизиб чиқаётган Искандар онасига қараб эмас, ухлаб
ётган қизига тикилиб туриб хайрлашди.
Гулшан етти ёшга кириб қолган набирасининг дўмбоққина юзларига термил-
ди. Синиқ жилмайган кўйи титроқ қўллари билан сочини оҳиста силади. Қизча
уйғонди, хайронланиб бувисига қаради. Кейин атрофга бир кўз ғилдиратди-да, яна
уйқуга кетди. Гулшан унинг елкасига тўшак тортди. Оёқларини ўради.
Яна уйқусиз ва оғир, ҳар бири бир йилдек лаҳзалар бошланди.
Деразадан ҳовлига қаради. Ўғлидан дарак йўқ. Ҳали-бери келмайдиган
кўринади.
Хаёл эса... учди, учаверди. Оккирнинг қадам етмас кенгликлари, кенгликлар
охиридаги фусункор ва сирли кўринувчи қатор тоғлар, тоғлар ораликларидаги
овулчалар, улардан қил учигина кўриниб турган тераклар. Кеч кузда Толбулоқ та-
рафдаги нишабликда зарғалдоқ рангга кирадиган ўрикзор, тупроқ кўчани чангит-
ган ажиб болалиги, болаликдан қачон ҳатлаганини сезмаган ўсмирлиги. Қадрдон
ҳовлининг эски, қинғир-қийшиқ, лекин ўша чоғларда болалигини, атак-чечак
қадамини суяб-таягувчи, беркинақочда яшириб тургувчи, устига миндириб эрка-
латгувчи деворлари. Меҳрибон онасининг кулимсираган қиёфаси, отасининг гур-
силлаган қадамлари, Яздакнинг тўп-тўп қизлари, Дўнгсавадаги калдим¹¹ ўйинлар.
Москвадан ғилдираб келган юрарюкча¹², Тезламасой қирғоқлари, қирғоқларда
ўсган кўзтиканлар. Эшақийўнғичқазор орқасида соқовдан беркиниб ўтказилган
ярим кунлик умр, далага ёлғиз борганидаги кўркинч.
Тўйи бўлган кун, ўша довдирак, титроқ кун. Тўйи бўлдими, бўлмадими, бо-
шидан охиригача қарахт бўлгани. Кейин тўйи қуни соқовнинг кўрсатган ғалати
киликлари.

¹¹ Калдим – қувлашмачоқ.

¹² Юрарюкча – ғилдиракли сумка.

Келин бўлгани билан дилидан масрур бўлмагани – изтироблар.

Хотиранинг таъмига заҳар аралашиб кетганди.

Ўшанда улар ҳам шунақа кичкина қизча эдилар. Ўзи эса худди шу Нафосат неварасига ўхшарди. Ҳа, худди шундай эди. Қошлари камон эгмасидек, киприклари найзадек, юзлари лўппи пахтадек...

* * *

*Маккисоқов макка,
Ўтиради якка.
Яланғқирга дорима,
Сўйворади тикка.
Калта уйи узоқда,
Ичган суви булоқда.
Онанг қани, Маккича,
Сувга оқиб кееетди,
Отанг қани, Маккича,
Ерга ботиб кееетди.*

Яланғқирнинг кенгликлари Оккирнинг Қатортепа отлик тепачаларига туташиб кетган. Унда ўша чоғлардаги яланг-яланг, оқиш-сарик қир ёқларни ҳозиргидек одамларга бўлиб “участка” қилиб берилмаган эди. Бу ёқларда Кўтарма анҳор ҳам йўқ эди. Цемент каналнинг шундоқ сўл қирғоғида бўлганига қарамай, атроф жиззоқ дашт. Ҳа-да, канал чуқурда, бу адирлар эса тепаликларга қараб ёйилган. Кенгликларнинг жуда узоқ чеккаларида қатор-қатор тоғлар, уларнинг ора-орасида адам-адам жойда – шу ёқда булоқ борлигини билдириб, узун-узун тераклар, гужум-гужум дарахтлар кўринарди. Йироқлардаги бу миттигина боғлар, жаннат бўлагидек ажиб манзилларга анча-анча йўл бор эди. Йўл бормиди, йўқмиди, ҳарқалай, анча масофа эди. Даштнинг у-бу ерида арава изи, одамнинг ёлғизоёқ изи йўллар ҳам кўринарди. Улар тоғ тарафга эмас, сўлда тоғ билан қир орасидан ўтиб борилса, қишлоққа, ўнгда каналнинг устига тушган кўприкка элтарди. Кўприкдан ўтгандан кейин катта йўл майда йўлчаларга ажралиб кетиб, каналнинг сўл ёғидаги ям-яшил далалар ораларида тикланган чайлалар, капалар, лойдевор уйчаларга элтиши маълум бўлиб қоларди.

Ўнг тарафдаги экинзорлардан кўра сўл тарафдаги кимсасиз қирлар жуда сирли, сеҳрли, одамни қаратгич, мафтун қилгич эди.

Ўзи кўзга илинарилик ҳеч нарса йўқ эди бу қирда. Биттагина қўққайган уй кенгликлар бутунлигини бузиб одамнинг нигоҳини шу қирнинг марказий нуқтаси каби ўзига қаратарди. Қандоқ ҳам қирники бўлсин, бутун дунёнинг ўртануқтасига ўхшарди бу чорбурчак уйча. Томига қорақоғоз ёпилган, устидан лойсувоқ қилинган, томи четларидан қамиш чархаклар осилиб турган бу уй Маккисоқовники. Кун-кун каналнинг ёнидаги йўлдан далага қатновчилар бирда бир Маккининг ўз уйи томига чиқиб олиб осмонга қараб ётгани ё бўлмаса тик турганча қўллари ҳар томонга айлантириб ғалати ҳаракатлар қилаётганини кўрардилар. Макки чалқанча ётиб олганида далага меҳнатга ўтувчиларнинг ёмон ҳам ҳавасини келтиради. Ахир далада қийин ва тинимсиз иш кутиб турибди.

“Маза шу болага, ғами йўқ, иши йўқ. Битта қорнини шилдирсувга тўйдириб ҳам юраверади”.

Осмоннинг кенглигини бошқа ҳеч ердан бунча бемалол кўриб бўлмайди. Ўзини кичкина уйнинг томида осмонга қараб ётган соқов йигит ўрнига қўйиб кўради йўлчилар. Шунда бор дунё шу шувоқзор қирлару атрофини япирмоқ билан олғи босган лойсувоқ уйдан иборатдек туюлади.

Одамлар шу ёқлардан гапиришганда соқовнинг уйидан мўлжал олишади. Соқов билан унинг уйи анча-мунча гапларга аралашиб юради. “Қўйнинг ўлигини

Маккисоқовнинг уйига етмасдан юз қадам берида кўрдим”, “Маккининг уйигача бориб келдим”, “Жўхорингиз соқовнинг уйича ўсибди”, “Маккига ташлаб кетаман, кетишда олиб кетарсиз”, “Маккисоқовнинг уйидан ўтиб иккинчи аравайўлдан ўнгга қайриласиз”.

Қишда ҳамма ёкни туман босганда Маккининг уйи эласлаб кўринади. Ортдаги тоғу тепалар бирдек оппоқ бўлганидан Маккининг мўрисида чикаётган қора туннинг жуда осмонга етмай туриб, уйнинг сал тепасида муаллақ қолган қорамтир булутчани ҳосил қилгани ғалати. Худди бу кенг, оппоқ, покиза оламни шу кулбанинг тутунигина булғаётгандек.

Чиллаи зимистон бошланганда ҳам Маккининг уйига яқин ёлғизоёқ йўлдан битта-яримта одам ўтиб туради. Далада ўтин бор, босиб қўйилган маккапоями, пичанми бор. Ернинг кесагини майдалаш, тошини териш, текислаб қўйишдек ишлар бор. Шу важлар билан қишда ўтишади дала ёққа. Ўшалардан бирлари, бу ҳам бўлса ҳафта-ойда бир, Маккининг уйига келганда сал исиниб ё пайтаваларини куришиб олгани, ё исикқина ярим пиёла чой сўраб кирадилар. Ким-кимлар далага элтган емишларидан нонми, қуруқ мевами қолган бўлса, ўшани Маккига илиниб, ташлаб кетиш учун тўхтайдилар. Катталарга ўтчи-элакчи бўлиб далага борган бола-бақрага бу уйчанинг ичини кўриш ёмон ҳам қизиқ. Уй ичкарасида деворнинг бир томонига ипдан тортиб тоқча қилинган. Ёнида жоймон¹³. Болалар тинч туролмай жоймонни тикирлатишади. Уйўчоғида чой қайнатишга тутинган Маккининг кўзини шамғалат қилиб очиб олганларида катталарнинг ҳам кўзи Маккининг у-бу ерга қиядиган янги кийимларига тушиб, мийиғларида кулишади. “Ҳаваси бор шуниям”. Энди танча четига ўтириб олгач, уйдан ҳам қизиғи – катталарнинг Макки билан имолаб гаплашишлари. Қиш куни даласига ер юмшатишга, ўтин йиғишга ўтганларга соқовнинг уйи ўртасидаги бозиллаган танчага оёқ суқишдан ўтадиган роҳат йўқ.

Уйчанинг ортида Маккининг қишлоқ ўтини босиб ғарамланганча туради. Ўтин ғарами ҳам шу йўллар билан даладан қайтувчиларнинг эваз қайтаришидан йиғилган. Маккининг уйида тўхтасалар-тўхтамасалар, битта-яримта ғўлами тўнғалакни Маккига атаб ташлаб кетаверадиганлар кўп. Соқов ҳам биттани-битта олиб саржинлайди. Ҳа-я, Маккининг ўзи ҳам бир кузни қишлоқ ўтин учун ишлашга сарф этган вақти бўлган. Лекин... томоққа чиққан чипқондек, йўқ бўлиб кетсинда анов-манов ишлар, эслагулик эмас.

Дала гунгалагининг меҳмони борлигини йўлда тўхтатилиб катта тошга арқонидан боғлаб қўйилган отми эшакнинг ер тепиниб туришидан билса бўлади. Меҳмонлар кўп қолмайди. Қишлоқдаги уйи тарафга қараб яна йўлга чиқади. Макки уларни кузатиб шу охири йўқ ховлисида анча қолиб кетади. Дала ёққа кетаётганларга эса, гарчи улар соқовнинг уйига киришмаган, ҳатто сўрашиб ўтишмаган эса ҳам, канал устидаги кўприкдан беэиён ўтиб кетгунларича қараб туради.

Уйча сойдан икки юз қадам берида сўппайиб туради. Эгаси каби ёлғизлиги ўзига ёқмаётганини билдириб қўяди. Эгаси уйнинг ёнига бир тупгина бодом эккан. Беш-олти йилда дарахтчага айланса борми, уйнинг сўппайгани ҳам билинмайди. Макки бодомни пақирда сув ташиб кўқартирган. Баҳор-ёзда бодомнинг тагида озгина кўкат ҳам яшнаб ётади.

Зўр чоғлар бўлган экан-да.

Кейинрок, ўн йил ўтиб, у ёқлар хаёлдагина қолди. Энди қир тарафда тикланган, бири бири билан бўй талашаётган, деворлари тиниқ оқ ё олматолқон бўялган қатор уйларга кўз тушса, кўнгил хира тортади. Хира тортади-да. Ахир бу уйлар орасида Маккининг ўша-ўша томсувоқлигича қолиб кетган уйчаси ҳам бор. Фақат атрофи девор билан ўралиб қолган. Чор тарафдаги одамлар ўз чегараларини мустаҳкамлаганларида Маккининг жойгинаси ҳам деворли бўлиб кичкина тўртбурчак ховли пайдо бўлган. Қатор уйлар орасида катта машина йўли бор. Ундан Маккини мўлжаллаб кирадиган киши тор йўлакка дуч келади. Йўлак бирам узун бўлиб, икки киши бир-бирига қараб юрса четлаб йўл бермаса бўлмайди. Маккининг жинкўчаси бу.

Шошқин сой энди у-бу ерда айлан-жайлан қилиб ўтирмайди. Янги замонлар-

¹³ Жоймон – кийим шкаф ёки кийим қути.

да чети цементланганига, “канал” деган от билан аталган, энди тартибга тушгандек, акли киргандек бир текис оқади. Ўзидан қуйисини яшнатиб яйрайди у, ўзидан юқорисига бир чакка ҳам сув узатолмай ваҳима солиб зир-зир чопиб ўтади. Унинг сувини тўриб-тўриб катталарнинг бакир-чақири билан сув омборига олиб кетадиган сувчилар кўп. Шунга ҳар бир сув даҳанасига биттадан темир тўғончалар ўрнатилган. Бураса очилади, бураса ёпилади. Канал суви бир томонни суғоришга ишлатилса ҳам талаш-талаш. Тирикчиликни зиммасига олгани билан ихтиёри одамлар кўлида.

Сўлдаги – Маккининг уйчаси кўп вақт яккахокимлик қилган ерларни ўша йилларда одамлар эгаллашига ҳукумат йўл қўймаган. Бўлмаса чиғир-чархпалак ясаб аллақачон экинзорга айлантириб юборишарди

Ҳа, бу анча кейинги, алака замонларнинг юзи. Уйи орада қолса ҳам, Макки одамларга тузуккина аралашган, биринчи марта кўрган одам уни соппа-соғ деб гапириб юборадиган вақтлар эди.

Энг кейинги замоннинг Маккиси эса бутунлай бошқа бўлди. Ёши каттарган сари ўзгарган, одамларга олдингидек қайишмай қўйган. Бурундаги коп-қора, тўлқин урган сочлари ярим-ёрти оқариб тўзиб кетган.

Жинни кепатасида юрганидан одамларга ухламай ғишғиша қилган болани кўрқитишга оти жуда қўл келади. Оналар пешиндами тунда болаларини “Ана, Макки келди, аба-баба қияпти. Ҳозир опкети”, “Макки ол, буни, уйингга опкет”, деб кўрқитишади. Эмлашга келган уколхонадаги оналар ҳам бир-биридан овоз олиб биғиллашга тушган болаларини Маккининг отини айтиб қўйиларига йиғиб оладилар.

Соқов инг-инг овоз қилиб нари боради, бери келади. Бировга фойдаси тегмай қўйганидан кўплар уни одам сонидан чиқарган.

Эски палаки замонлар бўлса жуда антиқа, ажойиб эди-да.

Бори бўй берган ишлар. Айтса айтгулик. Худди энг ғалати, бўрттириб тўқилган чўпчакдек.

Қир тараф кенг ва салобатли эди. Ўзи ўйдим-чуқури кўп адир бўлса ҳам, одамлар уни Ялангқир дейишарди. Қишлоқнинг ўнгми терс ўрнаган уйларида кун кўриб юрганларга чексиз адирлик бўлиб кўринарди. Дала йўлидан ўтувчиларга ястаниб-ястаниб тоғларга, экинча ерларга йўл кўрсатадиган бу кенгликлар гаройиблигини ҳамма билса ҳам, меҳрибону саҳийлигини бирор одам Маккисоқовчилик туймасди.

Қирнинг одамлар жонига ора кирадиган жойлари бор эди. Тош кўчириб ташишми, қум ё тупроқ юклашми, шувок, ширач тўплашми, ковул теришми, ишқилиб, бу ёқларга бир юмуш билан келиб кетганлар кўп. Бироқ қанча одам келмасин, бирикки юмушинигина битирар, уйига кетгиси келиб қолар, қолиб кетаётган ишларини ўйлар, қирда узоқ қолиб кетмасди. Маккининг сўппайган уйини уй қаторига қўшмаган одам жазирамада келиб қолса борми, бир пана берадиган дарахт тополмай, охири соқовни йўқлаб қолади. Қишда бўлса мунча узоқ қирларда соқов қотиб юриш кимга зарур кепти.

Лекин барибир ҳалигидай кўра ё кўрғонча қилиб олишдек ишларга ҳукумат йўл бермаган-да.

Бу дашт кенгликларида фақат Маккига чеклов йўқ. Шувокзорларда Маккисоқовгина бемалол яйрайди. Ҳа-да, ҳеч йўқса канал лабига қаламча экиб теракзор қилиш, экин экиш унинг ҳаёлига келармиди. Тепақирда ўтирадиганлар ҳатто қўл чаядиган чуқурчани ҳам бирор мевали дарахтнинг тагидан кавлайди. “Сув аплотун бизда” дейишади. Каттакон идишларида доим сув. Яна ҳамманинг ҳовлисида ҳовузи бор. Маккига бўлса, ҳеч нарса керакмас. Болам демаса, қакам демаса.

Ундан фақат кичкиналар кўрқади, дейсизми? Катталарнинг каттаси Ваққос партком ҳам кўрқади. Болаларники сал маҳмадона бўлгунларича, холос. Ваққосники ўлгунча. Бу кўркувлар кўтарилиши учун ё Ваққос ўлиши керак, ё соқов.

Пилол кўчанинг қизчалари ёз иссиғида Кўтарма ариқнинг ёйилмасига бориб чўмилишади. Кўтарма ариқнинг ёйилмасига Пилол тарафдан биттагина йўл бор.

¹⁴ Хопитак – чўмиладиган жой.

Уям Маккининг уйи яқинидан ўтадиган сўқмоқ. Бўлмаса, ўххў, қанча йўл босиш керак. Кўпда уларга кичкина ўғил болачалар ҳам қўшилиб келишади. Катта болалар бунақа кам сувни назарга олишмайди. Улар Шамалкўприк тагига боришади. Бу ёш болаларнинг хопитагига¹⁴ ҳар куни келадиганлар бирда-бир келадиганларга бидирлаб иш ўргатишади. Қандай чўмилса яхшию қаерга калла ташласа бўлиши, сув тагида қаерда катта тош, илдизчўр борлигига айтишади. Яна ул-бул майда иш билан анҳорнинг сўл четидаги жўхоризорга кириб бўлмаслигини, эгаси ёмонлигини бидириб қўйишади.

Қизларнинг энг шўх-шатири Ёркиной онабошилиқни қийворади. Қитмирилиги бир олам. “Ана илон”, “Вой, сувчи келяпти”, яна алланималар деб чўчитгани чўчитган. Қизлар неча аразлаб, турилган лаблари ортидан ўзлари ҳам бурилиб нари юргандек бўладилар, Ёркинойнинг атрофидан кетолмайдилар. Бу қиз ҳаммани калака қилади. Калака қилади-ю яна ҳаммага куч беради. Ёркиной бор кунлари ҳеч ким бу чўмилиш учун тўпланган тўдага элакишмай турмайди.

Макки қаттиқ кўрkitиб юборган ўша куни ҳам Юлдуз иккиси Ёйилмага кетишаётган эди. Ёнгил шиппақларини кийиб, ранги сойда чўмилиб куёшда қуринаверганларидан униқиб кетган қўйлақларини пирпиратиб боришарди. Йўлнинг икки четида баҳор ёмғирига ишониб кўклаган, кейин қуриб сарғимтил бўлиб қолган ўтлар орасида шилдироғўт¹⁵ кўп. Қизлар шилдироғўтни дасталаб узиб, шоналарини сал-сал шилиб, терисига осилтириб қўйишарди-да, қулоқларига тутганча силкитиб боришар, “Меники қаттиқроқ шилдиради”, деб тортишишар эди. Туйқусдан йўл ўртасида бир қора кўринди. Қизларнинг овози ўчди. Қора тайпослаб келарди. У Макки эди. Канал лабида унинг бир ўзи гандирақлар, каналнинг нариги четидаги кенгликда уйчаси оғзи очиқ қолганча сўппайиб турарди. Макки қўлини тинмай ҳавога силқир, уйи томонни кўрсатиб нимадир деб кичкирар, кичкиргани сари лаблари тарс-тарс ёрилиб, қонаб ётарди. Эғнида кирлаб кетган сариқ қўйлақ, оёғида бир томони узилган шиппақ эди. Тинмай гўлдирар, қизчаларга нималардир дер, кўпроқ Гулшанга яқинлаб алланарсани тушунтирмоқчи бўларди.

Гулшанни титроқ босди, ранги ўчиб Юлдузга қаради. Кейин Макки унинг қўлидан етаклаб уйига тортмоқчи бўлганини билиб кўрқиб кичкириб юборди. Сўнг шошиб Юлдузга етиб олди-да, қўлига қўл берди. Қизчалар тупроқ кўпчиган йўлдан чопқиллаб кетишди. Ўшанда нега уй томонга қайтиш иккисининг ҳам ҳаёлига келмади экан. Макки уларнинг ортидан бир оз яқинлаб келди, кейин анграйиб қолиб кетди. Қизчаларнинг юраги дук-дук урар, ҳансирашар, энтикишарди.

- Ана у соков бизга етиб олса, нима бўлади? Уйига қамаб қўядими?
- Қамаб қўяди, кейин томига опчиқиб пастга та-а-шаворади.
- Ким айтди?
- Бувсора опам айтган.
- Кейин нима бўлади?
- Билмадим, қочдик, қочдик!

Улар соковдан ҳар доим ҳам қочишарди. Лекин нега бунчалик кўрқишларини ҳам, нега қочиб кетишларини ҳам то шу кунгача билмасдилар. Ўша куни буни тушунгандек бўлдилар.

Қизлар адирнинг қирра-қирра тошларига қоқилиб-суқилиб Ёнадир яқинидаги сойнинг Ёйилмасига келдилар. Кун дим эди, куёш қиздирарди. Ҳар куни сойга ёвуқ келганларида чўмилаётган қизларнинг овози эшитилиб, уларни шошириб юборар, чўмилиш завқига тезроқ етишиш учун охири деярли чопқиллаб келишарди. Бироқ шу кун негадир Яздак маҳалланинг қизлари чўмилгани келишмабди. Эртароқ келиб кетишганим. Қизчалар кимсасиз сув бўйида ҳайронланиб бирпас туришди. Йўлда Маккини кўргандаги кўркув баттар бўлди. Юлдуз Гулшаннинг қўлидан тортди. “Кетайлик, тезроқ борайлик уйга!” Қайтдилар. Сўқмоқ йўл битта эди. Соковга рўпара келмаслик учун адир ичига йўл солмоқчи ҳам бўлдилар, лекин Юлдуз, “Адашиб кетамиз”, деб кўнмади. Бола кўзларига адирдаги тепалар катта-катта, йўл эса олис кўринарди. Ниҳоят, тез-тез майда кадам қилиб уйга етиб келдилар.

¹⁵ Шилдироғўт – жағ-жағ.

Хар иккисининг юраги дук-дук урарди. Келдилар-у, иккиси ҳам гап-сўзсиз уй-уйига кириб кетди.

Шу бўйи уч кунлаб кўришмадилар. Чўмилиш деган гап ҳам ёдларидан чикиб кетишига сағал қолди.

Тўртинчи куни Юлдузнинг онаси Шодмонби Гулшанларникига бир коса катик кўтариб чикди. Кумушби кир юваётган эди, ишини йиғиб, тоғораси устини киркўяри билан ёпиб, қўшнисини ток остидаги сўрига бошлади. Бирпасда дастурхон тузатиб, туш маҳалига солган ун ошининг¹⁶ тагига хашак қалади. Кейин девор ўртасидан очилган кичкина эшикдан чиқиб, икки ҳовлини кесиб бориб, Тошби кампирни бошлаб келди. Берки опани чақирмоқчи эди, уйида йўқ экан.

Гулшан бу маҳал кўча эшикка тез-тез чиқиб келар, Юлдуз ҳам онасининг кетидан кириб келишини кутар эди. Йўқ, келмади.

Тошби кампир бу гал ҳам ўзи доим айтиб юрадиган эски қўшиқларни айтарди. Қўшиқ ўртасида бир кизик гап ташлаб қўяр, кейин ўзи яна овозини қўйиб куйлар, ёш-ёш қўшнилари ичагини узгудек кулдирар эди. У ёнига келиб ўтирган Гулшаннинг тўзиган жамалакларини тортиб-тортиб қўйди-да, дакки берди.

– Тўқолча тушмагур, ха бу чўмилишни билган қиз, сочингни тез-тез ювиб сирка тароқда таратиб олгин-да. Битлаб кетади-ку. Бу патосингни қара. Қора эчкининг жуни-я, бир ойдан бери қўл тегмабди.

– Вой, каттабувиси, бити йўқ. Ўзим қараб тураман. Бозор куни ювиб ўрганман.

– Ўрибди эмиш. Қўлингда тиканинг борми, нима бало? Ҳозир дарров гулхайри ивитиб юв. Бўлақол-а, уят. Сергиганидан кейин ўзим ўриб қўяй. Кўрга ҳасса бўлади.

Онаси дастурхон тайёрлаш орасида югурганча этакка тушиб, қўрам тош орасидан чиқиб оппоқ очилиб ётган гулхайрилардан узиб келди. Чети учик сопол хўкачага ивитди, Гулшаннинг сочларини битта-битта ёзди. Унга Шодмонби қарашган бўлди. Кейин сўри яқинида қизининг бошини ювди. Хотинлар гапдан тинмадилар. Гулшаннинг бошидан илиққина сув шов-шов куйилар экан, Тошби кампир қизчанинг онасини тинмай янир, терс-терс гапирарди. “Бу ўсармон қизгинага ёғоч тароқ ишлатсанг бўлмайдими?” “Соч сувини ариққа туширганингни кўрсам, иккиламчи уйингга чиқмайман”.

Ниҳоят, Гулшаннинг боши рўмол билан танғилди.

Ҳамма дастурхонга ўтирди. Кампир сўридан узалиб, Гулшанга сув куйдириб қўл чайди. Ун оши дастурхонга тортилди.

Кимдир дала-дашт ёқлардан гапириб бир нарсa деди-ю, гап Маккисоқовдан очилиб кетди.

– Макки касал эмиш. Эшитдингизми?

– Ие, нима бўпти унга? Юрувди-ку, чинқириб-пишқириб.

– Бўривой кирган экан, бир жойда алаҳлаб ётганмиш. Хабар берган эканмиш, дўхтир бориб обқетибди. Иситмаси тушмай касалхонада экан.

– Бечора-ей. Ёлғизгинага қийин бўлди-да. Ора-сира мантими палов қилсам, дадасидан бервораман. Ҳадеганда уйда бўлаверсалар экан, тез-тез юборсам. Эрта келганларида тескарисига олиб, шўрва-шулон қилган бўламан. Гулшанчани жўнатай десам ҳали кичкина. Уч-тўрт кундан бери тугал эсимдан чиқиб кетувди. Касалини-ям билмабман.

Гулшан буларга кулоқ солиб бошини эгиб тураркан, ўша куни соқовнинг нима деб чақиргани, ишора қилиб нима демоқчи бўлганини кичкина бошига тушунишга уринар эди. Ўзи ҳам, Юлдуз ҳам у кунги ишни оналарига айта олмагандилар.

Онаси сочини бошидан олиб тароқлаб, сувини томдириб қўйгач, у сўри орқаси билан келиб, Шодмонбининг қўлига тегинди-да, Юлдузни сўради.

– Бувисиникига кетувди-да, асалим, бўлмаса ҳозир чиқиб келарди-ку мен билан, – деди она.

¹⁶ Ун оши – хамирдан майда кесиб тайёрланадиган таом, угра.

Хотинлар гапни совутишмади.

– Бечоранинг энгил-бошини ким ювади ўзи?

– Ким билсин, подачининг хотини ювиб беради, дейишади-ку.

– Тўрт кунда қиш келиб қолади. Энди нима кун кўраркин-а?

– Онаси бир хотин эдией. Дадасини унча эслолмайман. Лекин эр-хотин, бир кизи, сойга оқиб кетишган.

– Ҳа, эшитганман.

– Маҳкам кичкина эди, – Гулшан ялт этиб Шодмонби холасига қаради. У соқовнинг оти Маҳкам эканини энди эшитаётган эди. – Онаси боғчага бериб, со-вхозда ишларди. Бир куни қибла томон қоп-қорайди-ю, ёмон қаттиқ ёмғир куйди. Орқасидан дўл ёғди. Соат-соат деразага тикилиб ўтириб қолдик. Тарновлардан тушгани, ариқлардан тошгани билан ҳовлини сув тутиб кетди. Қанча резавор экувдик, уларниям, райҳонларниям битта қолмай оқизиб кетди. Одамлар боласи-ни олишга ҳадеганда келолмайди, денг. Ўзимиз ҳам уйимизга кетолмай ваҳимага тушиб ўтирдик. Болалар ётадиган хонанинг томидан сув шовуллаб ўтиб кетиб, ол-тита хотин тўхтамай пақирда сув ташиганмиз. Ўша куни Маҳкамнинг онасидан дом-дарак бўлмади. Олиб бориб берадиган кишиям топилмади. Кейин идорага ха-бар берсак, “Бешта хонадон сув тошқинда қолган. Биттаси шуларники”, дейишди. Боласини идорага опкетишди. Уйини билардим, шундай Каттасойнинг бўйида эди. Селда вайрон бўп йўқ бўлган. Иккита тўқол эчкиси улоқлари билан, кейин туғай деган сигириям оқиб кетган. Рўзғоридан бир қапириям қолмаган, дейишарди.

– Вой, бир қизиксиз-а, кўшни, одамнинг жони кетганда, тагин бир уйдан бир эмас учта-я, мол-ҳолни гапириб ўтирибсиз.

Тошби кампир кулди:

– Бирам бижилдоқ бўпсанлар бор-ку. Бир-бирингга қулоқ солмайсанлар-а. Ик-ковингни эрингга айтиб бермасамми.

Жувонлар иккиси жилмайиб қўйдилар.

– Сиз айтинг, хола. Мана, нима бўлганини сиз айтинг.

– Ҳа, энди бир қулишдим-да, айтавур ўзинг. Мениям билганим шу. Менга қара, ўшанда сен ўзи келин бўлганмидинг ё ҳали қиз боламидинг?

– Хола, менга энди совчи келиб турган вақти эди. Вой, ўзиям ким-кимлардан совчи келмаган. Юнус бор-ку, ҳозир катта мелисса. Ўшайам одам қўювди.

– Шу хотин зотининг ҳаммаси бирдек жовчиси билан мактанади. Тавбангдан кетай дейман. Худдики, пошшони ўғлидан сўрагандек киласанлар. Ўша ким-кимларга тегиб кетмабсанлар-да. Бўпти, гапир, гапир.

Энгил қулишгач, Шодмон яна гап жиловини олди:

– Шу, одамларга ҳайрон қоламан. Ахир сув кўпайиб боряпти, кўриб турибсан. Биттагина жонинг бор. Олиб қочмайсанми? Тепароқ жойга чиқиб олмайсанми?

– Сув тошқин битта ўзи шундоққина келиб қўймайди-да, ойимқўшни. Ҳар кўпигида биттадан сувпари бўлади. Бирпас тикилиб туринг, бошингиз айланиб ке-тади. Ўша бош айлангани – сувпарилар тортди дегани.

– Бўлди қилинг! Ҳар куни сойдан сув оламан-а? Қўрқитманг ҳадеб.

– Ҳа, ҳазир қайнайверинг. Бола-чақамизнинг бахтига ҳаммамиз ҳам соғ бўлайлик. Невара-чевараниям кўрган кўради. Бир этак бола-чақа билан увай-чувай бўлиб юришга нима етсин. Маккининг кўрган кунини қаранг. Шу шўрлик, дейман-да, онасига ичикиб-пичикиб соқов бўлиб қолганмикан-а?

– Йўқ, боғчада юрганида соқовлиги билинарди. Туғма у. “Маҳкам” деб чақирсак қарамасди. Мудиримиз бирам ширин-а, бечора, деб кап-катта болани кўтариб юрарди.

– Мудир кўтариб юрарди дейсизми?

– Ҳа-да, Йўлдошби опа мудир эди. У вақтдаги мудирлар хонасида буйруқ бериб ўтирмасди. Бирга-бирга ишларди.

– Бошқа қариндоши йўкми соқовнинг?

– Бор. Битта тоғасими бор.

– Ғовада эмасми?

– Йўқ-да, лекин билмайман қаердалигини. Аллақаерда деб эшитганман. Ҳа-ҳа, Чодакда дейишарди. Ундан бошқа қариндошини билмадим. Хола, сиз биласизми?

Қўлидаги тасбеҳни шиқирлатиб айлантириб ўтирган Тошби кампир оқ аралашган қошларини тепага кўтарди.

– Сенлар, мен-ку мен, Эргаш чолгайм сўз бермайсанлар. Мўндига лой бериб ўтирмай, ўзинг кўза думалатаман дейсанлар-а.

– Ий хола. Ўзингиз гапирмадингиз-да.

Шодмонби кулди:

– Биз кўза ясолармидик. Пакми тақ қилиб ўтирамыз-да.

– Бор эди, энаси бор эди. Болалари йўқ бўлиб кетиб, йўқлаб келарга гўриям бўлмаганидан бағри куйиб одош бўлган бир хотин эди. Бир йилча қаради. Кейин тоби бўлмай қолди. Ўларида раисни чақиртириб, неварамни ташлаб қўйманг, қаранг, деди. Раис бўлса ўша йили баҳоргайм бормади. Шаҳарда йиғилишдан чиқиб идоранинг олдида ўлиб қолган. Райкомпартияси белатингни топшир деган эканмиш. Хотин-бола-чақаси ўзининг кунини зўрға кўради-ку, соқовга ёрдам қилармиди.

Гулшан бу чоғда роса зерикиб кетган, хотинларнинг тушунарсиз ва эзгин суҳбатлари қизиганида ром уйдан олиб чиққан мунчоқ қутичасини ариқ бўйида ўйнаб ўтирарди.

У шу тарзи дугонасини яна икки кун кутди. Ниҳоят, Юлдуз келди. Келган куни “далабуйи”си тикиб, қош-кўзини чизиб берган латта кўғирчоқ, ипга шодалаб бергани кизил тошли кўзмунчокни Гулшанга кўрсатди. Гулшаннинг ёмон ҳаваси келди. Қаерда ўйнасалар, латта кўғирчоқ папаловда бўлди. Ҳар жойга уни кўтариб олиб борадиган, ора-орада унга бири қўйиб бири оналик қиладиган бўлишди. Бу қўлда битган одамча ҳар иккисининг уйида бор чиройли кўғирчоқлардан кўра жонли, ёқимли, суюмли эди. Худди ўз боласидек эҳтиётлашарди.

Соқовнинг касал бўлиб уколхонада ётганини бирлари бирларидан эшитишди. Ундан тўрт кунлар аввал нима учун қизларни чайла уйига киришга ундаганини тушунмай қолавердилар-у, ҳарқалай, соқовдан кўрққандаги ҳаяжонлари нари бўлди. Ўрнини раҳмдиллик эгаллади. Ҳар куни чўмилишга боришар экан, ўша кулбачага, унинг ярим очик эшигига қараб-қараб қўйишарди. Бироқ уйнинг эгаси ҳадеганда кўринавермасди.

Осмон ҳамон айланар, кунлар бир-бир ўтиб борар, одамлар кўрар кунини кўриб юришарди.

Қизлар кун сайин бўй чўзишарди.

Кейинроқ Маккини тўйда учратишди. Яна чойқайнатар бўлибди.

Макки бўлмаганда бу уй-уй меҳмонлар чойсиз қолиб кетаркан-а?

Маҳаллада энг чиройли қиз Бибисоранинг тўйи бўлди. Маҳалла нима экан, қишлоқдаям биттагина эди, нодон.

Давлат қора деса бир чўчиб тушмаган одам йўқ. Жанжалкашлигига ўзиям бино қўйган. У бор жойда битта ишқал. Давлатнинг бир эмас, иккита синглиси турмуши бузилиб уйига қайтиб келган. Бунга ҳам Давлат сабабчимиш.

“Бибисора ўшанга кўнгил қўйган-да. Кўнгил ҳам ўлсин-а?” дейишди ўкиниб хотинлар.

Юлдузга онаси оқ капалакнусха қўйлак олиб берибди-ю, буниси қоладими? Тўй яқин бўлса. Бир якшанба куни Гулшанниям бозорга олиб боришди. Қизил гулли яшил қўйлак унга ёқди. Бозорда кийганича қайтиб ечмай, то уйга келиб Юлдузга бир кўрсатиб олмагунча, кейин онаси бас энди демагунча ечмади.

“Бир ойда тўй экан, бир ҳафтада тўй экан”, дегандек сўзлар кўп айтилган узун кунлар ўтиб, ниҳоят, саҳардан қарнай овози эшитилди. Қизчаларнинг уйқулари катталар намозга туришганидаёқ бузилган, чойга ҳам қарамай кўчага отилишганди. Кеча келишиб олганларидек, қўйлакларини кийиб, сочларига оқ гулбоғич тақиб, қўлларига биттадан хўрозқанд олганча чопқиллаб юришганида катталар меҳмон кутиб-кузатиш билан овора эдилар. Бирдан кимдир кўча томондан ховлига чопар экан, қичқирди: “Келишяпти!”

Куёвнинг ўзига ўхшаш кўпол, бақироқ ошналари “бош силаш”га келишаётганди. Бош силашнинг нимаси қизик – танга сочгани. Куёвнавкарлар кўчанинг бошидаёқ дангир-дунгир қилиб қарсиллатиб ўйин тушишди. Куёвни ўртага олган-

ча кичкириб-кичкириб кириб келишди. Ҳамма у ёқдан-бу ёққа чопиб қолди. Ким ширин сув тайёрлаган, ким калтакдан камалак ясаган. Ким болаларни чекка қилган, ким уйга кирадиганларни киритиб, куёвнавкарлар оёғига уй остонасига пойандоз солган. Қозон-ўчоқдагилар ҳам шошиб қолишган.

Қизлар энди келинни оқ узун қўйлак, маҳси-калиш кийдириб, доқа ёптириб, олиб кириб кетишган уйга чопишди. Ҳозир ерга танга тушади, териб олиш керак.

Куёв ичкарига қадам қўйиши билан бошидаги тўни орасидан қўлини чиқариб уй ўртасида ўтирган келиннинг эгилиб турган бошини силади. Кейин бир сиқим тангани уйнинг шифтига иргитди. Икки ёнидаги оғайнилари эса икки қайтадан танга сочишди. Уйнинг шифти беш марта қарсиллаб кетди. Хотинлар, болалар шошиб-пишиб ерга эгилишди. Куёвнавкарлар чиқиб кетгач, эшик олдида янги кўрпа тўшадилар. Келиннинг бобоси, отаси кириб кўрпага тиззалашди, пойгакроқда Бибисоранинг бувиси, онаси, иккита холаси. Бобо узун тиловат қилди. Ёнида келин-чакнинг отаси кўзига рўмолча босарди. Юзларга фотиҳа тортилди. Бобо ўрнидан туриб, уйнинг ўртасида ўтирган Бибисорага яқин келди, у ҳам келиннинг бошини силади. Бобоси нарига сурилиб, отаси қизининг бошига қўл узатди. Шунда Бибисоранинг узун ва оппоқ қўллари доқа ёпинчиқ орасидан чиқиб, отасининг оёғини маҳкам қучоқлади. Увиллаган йиғиси тутди уйни. Уй ичида йиғламаган одам қолмади. Гулшан билан Юлдуз ҳам бир четда туришаркан, кулгилари йўқолиб кўзлари пирпираб қолди. Кейин хотинлар уларни ташқарига чиқишга ундашди. Бу ерда туришса оёқости бўлишаркан.

– Гулшан, мен келинчак бўлсам, йиғламайман, – деди Юлдуз.

– Мен роса йиғлайман, – деди лаби шундоқ ҳам бурилиб, кўзи ёшланиб турган Гулшан.

– Нимага йиғлайсан? Жиннимисан?

– Йй, келинчак бўлгандан кейин йиғлайди-да.

– Йўқ, йиғламаслик керак. Ўшанда аясиям йиғламайди, дадасиям.

– Йўқ, билмайсан-да, йиғлаш керак. Танга сочгандан кейин ўша тангага йиғлаб бериш керак, – деди Гулшан қўйлаги этакларидан икки томонга тортиб, нозланганча.

Куёв тарафдан тўй бошлаб келганлар орасидаги энг уддали аёллар келинни қўлтиклаб “Москвич”га ўтирғизишлари билан одамлар катта машина тарафга шошибди. Ҳамма бир-бирининг қўлидан тортиб, машина юкхонаси тўла борди. Ҳайдовчи билан куёвнинг тоғаси машина орқа тахтасини кўтариб, катта темир қалитларини бураб босиб қўйишди. Қолганлар яёв тўйхонага жўнади. Гулшан билан Юлдузни Шодмонби машинага чиқариб қўйган, кейин жияни Нигорага қизчаларга эҳтиёт бўлишни тайинлаганди. Ўзи ҳам мол-ҳолни тинчитиб ортларидан етиб бормиш.

Машина ўт олди. Барваста хотинлардан бири чилдирманинг думалоқ-думалоқ ҳалқаларини шиқирлатиб, данг-дунг чалди, ёр-ёр бошлади. Унга ҳамма хотинлар жўр бўлдилар. Қизларнинг қувончи ичига сиғмас эди. Нигора уларни ўтирғизиб, билакларидан маҳкам тутиб олган бўлса-да, ўйдим-чуқур жойларга келганда бир сакраб кетиб тахта кузов ичига чўккалаб қолишарди. Ёр-ёр орасида тик турганлардан кимдир, “Шох бор экан, эгилинглар!” дейди. Кейин ҳамма пастга энгашади. Машина кабинаси устига ўрикми ё бир нарсанинг шохлари шилдираб урилади.

Қизик-қизиги – хотинлар нималардир деб кулишади. Нимага кулишаётгани, нима дейишаётганини қизчалар тушунишмаса ҳам, катта машина юкхонасида кетишдан кўркувлари йўқолади. Хотинларнинг кайфияти юкиб жилмайибгина кетишади.

Ниҳоят, тўйхонага етиб келишди. Келинчак салом қилиб эгила-эгила сепи ёйилган уйга кийиниш учун кириб кетди. Дугоналари ҳали сув, ҳали игна-ип сўраб, келинни тайёрлашди.

Ховли ўртасидаги текислаб қўйилган экинча ерда узун-узун тахта стол-стуллар ўртасидаги даврага келин-куёв оёқ қўйганида гира-шира тушган эди.

Базм қизиган маҳалда ёш болалар тўйхона столлари тагида тизилишиб ўтиришарди. Даврачилар ора-сира ўрнидан туриб кетган болаларни қайтадан жойига ўтирғизарди. Улар орасидан пирилдоқ қўйлакли қизча ажралиб чиқди.

Ёнидаги ўртоғига ҳам қарамади. Гулшанча хотинлар орасидан Шодмон холасини кидириб топди ва сув сўради. Ана шунда Шодмонби кизи Юлдузни бир қўлида, Гулшанни бир қўлида етаклаб, қозонхона томонга олиб келди. Чой қўйилган тунақа қумғон олдида думалоқ тўнка устида тўйнинг самоварчиси Макки ўтирарди. У ўчоққа тинмай ўтин ташларди. Ора-сира тўйбазм тарафга қараб қўяр, бир-бири билан титтонглашиб қолган ширақайф одамларни кузатар, яна ўз ишига бериларди. Кейин Шодмонбини қўриб, шарт ўрнидан турди-да, хонтахта устида терилган чойнаклардан бирини кўрсатиб ишора қилди: “Чой керакми?” Шодмонби ҳам ишора қилди:

– Ҳа, совуқчой бўлса, қуйиб берайлик шуларга.

Макки бир чойнакдан тоза пиёлаларга чой қуйиб қизчаларга тутди ва ўзи меҳр билан қараб турди. Қизлар бўлса, чойни дўқ-дўқ ҳўплашаркан, иккиси бирдек, пиёла четидан уни чўчинкираб кузатишарди.

Шодмонби Маккига раҳмат деган бўлди. Қизчаларни тўй базмига қараб етаклар экан, ўз-ўзигами, қизчаларгами, деди:

– Шўрлик, тўйларда ўтчи бўлиб, кўрган эшикда хизмат қилиб юради. Раҳмим келиб кетади-я шунга. Шугинагайм тил бериб қўя қолсанг бўлмасмиди, Художон.

Макки яна ўз ишига берилган эди. Яқинлаб келган тўйбоши эркаклардан бирининг қўлидан чойнакни олиб, хонтахта устида турган қовоқчадан ёғоч қошиқда чой сола бошлади-ю, қизлар ундан кўзларини уздилар.

Бибисоранинг тўйидан кейин ҳам икки кичкина дугона қанча тўйларда ўйнаб юрдилар. Бир-иккисини демаса ҳамма тўйда Макки ўтёқарлик қилиб, юзларига қорақуя тегиб, шимлари лой бўлиб юрар эди.

Кейинги йили баҳор сарида қишлоқ катталари “арик қазамиз”, деб гапириб қолишди. Экин-тикин бошланмасдан ариқларни тозалашарди, “арик чопди” қилишарди. Бу йил ҳашар катта бўлди. Қайтарманинг сувлари далага етгунча қирда сизовлаб камайиб кетаверганидан йиғилишиб янги катта ариқ қавлашди. Йигирма кун иш тўхтамади. Қарашгани чиқолмайдиганлар бир кун-бир кун ош дамлаб, нон ёпиб тугиб-бўғиб чиқаришди. Анҳор битиб, сув боғланганида одамлар ариқ қавлаб зап иш қилганлари, энди Тақирдала билан Ялангқирнинг оч ерлари сувни тортиб кетолмаётгани, янги ариқ тоғ оралаб ўтганига сув қўшилса қўшиладики, камаймаётганидан мамнун гапириб юрдилар.

Бироқ қизчаларга яхши бўлмади. Шу йили ёзда улар чўмиладиган Ёйилмага сув келмай қўйгани-ю, энди унақа ҳовузлаб, айланиб, тиниб кейин яна ўзанлаб оқадиган қулай жой йўқлигидан алдираб қолдилар. Янги Кўтарманинг сувлари тез, худди мана бу ваҳимали каналга ўхшаб кетган. Чўмиладиган жойи йўқ эди. Шундай бўлса ҳам саратоннинг сариқ қуни қизчалар йиғилишиб, бориб Янги Кўтарманинг оқизмайдиган битта қулай жойида чўмилиб қайтишарди.

Энди йўл Маккининг уйи ёнидан ўтмасди, лекин қизлар чўмилишга боришаётганда Ялангқир тарафда кун-кун соқовга дуч келишарди. Макки унда анча улғайиб қолган, қоп-қора сочларини бир ёнга тўлгаб тараб юрар, бўйнига оқ чит рўмол солиб олганча, қўлида ўроқ, ҳали у, ҳали бу ерда кўриниб қоларди. Бирда бир Ваққос биргаднинг ўғли уч-тўрт йил аввал мақтаниб миниб юрган велосипедини етаклаб ҳам ўтарди. Ваққос велосипедни Маккига Қияламадаги буғдойини ҳафтада бир суғориб бош торттириб бергани эвазига ташлаб кетганди.

Қизлар уни кўрганда кичкиришиб, ҳазил-хузул қилишар, Маккининг эшитмаслиги қитмир қизларга роса қўл келарди. Улар Маккига истаганча гап отишиб, кулги ясашар, ҳали у қизга, ҳали бу қизга уни тенглашарди. Бир-бири билан айтишиб қолган қизлар: “Ўл-а, сени Маккига тўқийман. Ҳаммага айтаман, багтар бўласан!” “Ўзингни тўқийман Маккига! Сең бижилдоқнинг тенгинг ўша. Ўзи Маккининг тилиям сенда-ку! Кўп сайрайсан. Ўнинчини битирсанг, мана шу Ялангқирда тўй қилиб тушириб берамиз. Ўтираса-а-ан капачасида ўчоғига ўт қалаб”, дейишарди. Айтишувнинг охири юлишув ҳам бўлиб кетарди.

Макки бўлса қизларга кўзи тушганда жилмайиб қўярди. Қирда атай шу қизлар яқинига келиб, бир син солиб кетаётганга ўхшарди.

Кейинроқ бори ўзгарди, болалик шўхликлари эсдан чиққандек бўлди. Ўсмирликка етмаслариданоқ Маккидан чўчимай, уни писанд қилмай, ҳатто одам қаторида кўрмай ҳам қўйишди. Бир-икки йил ўтиб эса аввалгидан бошқа вақтлар бошланди қизларга.

Сув шалолатиб юриш уят экан-ку.

Хопитаклар кичкиналарга қолди. Ҳўинлар алмашди. Орасида у маҳалла қизлари билан бу маҳалла қизлари тараф-тараф тушиб айтдилар-дедилар қиладиган бўлишди. Бир-бирларини сал ёши катта йигитларга аташтирадиган, “тўқийдиган”, калака қиладиган бўлишди.

Бу чоғларда Макки ўз иши билан овора, бу майда-чуйда болалар билан имолашиб ўтирмасди.

Макки билан энг кўп гаплашадиган одам – Бўривой подачи. Подачи ҳам, айтийлик, подани бирор кун бокиб келишни жуда ишониб қўймайди. Аммо Маккини бу кимсасиз манзилда битта ўзи яшагани учунми, энг керакли одам деб биларди. Ҳа-да, кимнинг подачига Маккичалик тузук фойдаси тегибди. Пода ёйилиб кетганида тўплаб олиш учун бир ишора ёрдам сўраса бўлгани. Бирда бир нонини унинг кулбасида қолдиради, бирда бир ёмғир ёққанда эчки-улоқни даштга ташлаб чопиб келиб уйдан пана топади. Қўй-эчкилар ҳам подачига эргашиб шу ергача чопиб келишади. Бошчилари уйга кетмай шу ерда қолганини кўриб тўхташади. Аввалида бир-икки уй тарафга бош буриб кўришган, лекин Бўривой Макки билан қайтариб олиб келган-да. Улар шундайгина Маккининг уйи атрофида тўпланиб қунишиб қолишади. Ёмғир ёки баъзан дўл тинишини, эгалари мана бу эшиги қўйхона эшигига ўхшайдиган уйчадан чиқиб келиб уй томонга ҳайдашини кутишади.

Ялангқирнинг тепадан нарисини, кўзга ташланмайдиган яйдоқ тарафларини эгаллаб олган Ваққос биргад Маккини ёз ойларида беда билан пичан ўришга ёллаб ишларди. Макки бунинг эвазига Ваққоснинг ўрикзоридан қишлоқ ўтинини ғамлаб оларди. Пичанни ўриб, бир марта ағдариб ҳам бўлганидан кейин у ўрикзор ичида қуриган ўриклар, аввалги йиллар танаси кесилиб кетганича қолган тўнкаларни кўчириб тўплаб, томининг орқасига ташиб тахларди. Баъзида сарик чипта қопда Ваққоснинг ўнлаб молларидан қолган тезакларни йиғишга тушарди. Ваққос молларини андизга арқонлаб юриш учун соқовга ишониб, тайинлаб ташлаб кетганида Макки молларни қизлар чўмиладиган жой яқинига суғоришга олиб келарди. Шунда ишини атай чўзар, орада чўмилаётган қизларга ер остидан қарар, кейин уялиб кетибми, тезгина кўзини ерга олар, сигирни янги жойга арқонлаб, қозиғини текшириб кўрарди-да, қайсидир тарафларга қараб юрар, кўздан ғойиб бўларди.

Ёздан ёзгача қизлар улғайиб боришар, Маккисоқов ҳам тобора бўй чўзар, энди аввалгидек бир хил кийимда юрмасди. Подачининг хотини уни ора-сира бозорга олиб бориб, ишлаган пулларига кийим олишиб юборарди. Макки кийимларини келиштириб, яраштириб киядиган йигит бўлиб қолганди. Уйининг бир тоқчасида қаердандир келиб қолган ойна энди тескари бўлиб ётмасди. Уни артиб синик четига бир ясама гул қистириб қўйганди эгаси. Ташқарига чиқишида, албатта, ойнага қараб ўзини тўғрилаб оларди.

Бир йили хунук гап тарқалди. Кеч кузда Макки тўплаган ўтинларни Ваққос тракторга солдириб олиб кетиб қолибдимиш. Макки пичан билан бедага ёмғир ёғиб қўймасин деб қуришиб, боғлаб, Ваққоснинг уйига ташиб, томига босиб ҳам берган экан. Далада неча ой тўплаган ўтини жойидан йўқолиб қолганини кўриб, важоҳат билан тўғри Ваққоснинг уйига борибди. Бакириб-чакирибди. Четда деворга кўндаланг тиралган нарвонни шартга кўтариб, томга ўрнатибди-да, тикка чиқиб кетибди. Босилган ҳамма пичан билан бедани боғидан ечиб пастга ташлаб юборганмиш. Биров унга яқинлашолмабди. Етиб келган Ваққос ҳам ҳайҳайлашдан нарига ўтмабди. Нуқул орқасига ўтин тахлаб қўйилган айвон тарафни кўрсатиб, “Ана, турибди! Элиб бераман, тилсиз ёв, элиб бераман! Яна тўпласанг ўтин кўп эди-ку, касофат!” дермиш.

Шу билан Макки бирор жойда Ваққосни кўриб қолса, тош ўқталди. Эл қанча гапирди. Хотинлар гапга қўшиб роса чўзиб-чайнади. Кўпларнинг Ваққосдан кўнгли қолди. Дала ҳашарига бориб беш танга топиб юрган далачилар ҳам Ваққоснинг одамлари ишга айтганда пешонаси тиришиб, лабини буриб қўядиган бўлди.

Бир йили қиш каттиқ келиб, одамлар ойлаб уйларида чиколмай қолдилар. Шунда қишлоқнинг раиси нон, қанд-қурс тугдириб, бир даста пул кўтариб Маккидан хабар олгани борибди. Ерўчоғини гуриллатиб ўтирган Макки иккитагина тахлоглик турадиган кўрпачасини солиб раисни ўтиргизибди.

Чой қиламан, деб уриниб кетибди. Раис бошини сараклаб рад қилиб, қўлидагиларни берибди. Макки нонни олибди, қўлини кўксига қўйиб таъзим қилибди. Баҳорда нимадир ишингни қилиб бераман, деб тушунтирган бўлибди, лекин пулни асло олмабди. Раис чандон уриниб, ташлаб чиқибди, лекин ортидан чопиб келган Макки чарсиллаб чўнтагига суқиб қўйибди.

“Менга пулингиз керакмас”.

Қизлар энди Маккининг жилмайиб қарашларидан тортинишарди. Бир гал Маккини, унда қизлар мактабда саккизинчида ўқишарди, Ўлмаснинг опасини узатишгани куни кўчада, челақлаб сув ташиб юрганида кўришди.

Бу вақтда Макки йигитлигининг қиёмига қадамлаганди. Жуда-жуда ўзига қараб юргич бўлиб кетган. Тилим йўқ демайди. Бировга қарагани чоғда ўйчан, сўзлашаётганлар даврасига тушиб қолса, худди уларни эшитаётгандек, синчковлик билан тикилар, бирор нарсани ишора билан сўрасалар, бир оз ўйлаб туриб, кейин жавоб қиларди.

Икки дугона ул-бул йиғин, келим-кетим бор жойда кўп дуч келишарди Макки билан. У қизларга илжайиб қўярди. Гулшаннинг жони чиқарди. Ўлмаснинг опаси узатилганда Макки Ўлмасларнинг уйи орқасидаги молхонада молларга сув-ўт бериб юрар экан, ариққа сувга чикди. Икки дугона сув бўйида ўтириб гаплашишаётганди.

“Турманглар, ўтираверинглар. Мана бу ёқдан оламан”, дея ишора қилди Макки.

– Жинни бўлганми бу? Нега ишшаяди? Катта холасининг маймунини ўйнатапмизми?

Юлдуз сув олиб эшикчадан кириб кетаётган Маккининг орқасидан қараб турди-да, деди.

– Қўявер, ўртоқ, зиёни йўқ. Уям йигит-да.

– Э, йигит бўлмай йигит ўлсин. Соқов! Оқ қўйлак кийиб олиб қора қозонга ўт ёқади, жинни!

Юлдуз мириқиб кулди. Кейин жиддийлашди.

– Нима қипти, уям одам. Соқов бўлса, қар бўлса, ўзи тилаб бўптимми?

– Э, бўлмай қолсин. Ҳаддини билсин. Сочини ўстириб олганига ўлайми. Пағажак¹⁷ кўнгилга қўтир жомашов.

– Шунақа-ю, яхшилаб қарасанг, бор-ку, Маккисоқов унча-мунча синфдошларимиздан кўра келишган. Қош-кўзи чип-чиройли. Ана Тошби кампир, буни бир шаҳар баҳоси йигит, дейди.

* * *

Шу йили қиш яна қаттиқ келди.

Турон саватчининг ҳовлисида уч туп тут бор.

Йил сайин кампирбет танаси йўғонлашиб, бўйи ўсиб кетди.

Давлат тутларга қоровулликни қийиб ташлайди. Кимникида неча туп, ёши ўртача қандоқ, ҳаммаси колхознинг хатида. Тутнинг танаси туғул чўкиртаси гуддасини ҳам кестирмай қаттиқ туради. Бир йили Бармон тоғанинг тўнғичи уй соладиган бўлиб ҳовлисидаги катта тутни кестирди. Илдизков қилиб турганда тўртта мелисса келиб ота-болани идорага олиб кетган. Иккиси қанча сўроқ берган.

Қишлари уйўчоқда уй иситадиганлар кўп. Ўтин анча кетади. Совукда юз қийналган билан ҳеч ким ўз ҳовлисидаги тутга қайрилмайди. Идорадагилар қурт боқасан деб мажбур қилиб гугурт қутидек қадоқда бир қутичадан уруғ тарқатиб юришган вақтида кимникида кўпроқ тут бўлса, кўпам мажбур қилишмайди. Ҳа-да, бу ҳовли қуртга емиш бокиб беради.

“Баҳорга чиқайин, ўзим колхоздан сўраб тут экаман”, деб қўяди бировлар қишда ўтиндан қийналганида. Ўтини фойда, деб тутишади қуртни. Қурт пули арзимасгина, кейин ҳали-бери келавермайди – тош бойлаган.

Қўпларнинг овқат пиширишга ўчоқлик ғамлагани ҳам қолмади. Январь бош-

¹⁷ Пағажак – калта, кичкина, эзилган маъносига.

ларида Юлдузнинг укаси Тўрабек бир-икки шамоллаб тузалган бўлди-ю, исит-малайдиган одат чиқарди. Дўхтир ҳам уч бор келганда уч марта дори-укол ёзди. Иштаҳаси йўқ, ёрилган лабларини ялаб танча ёнида ётгани-ётган. Шу болагина қайтоқлаб қолмасин деб тунда печкани совутишдан қўрққан она шўрлик анча ўтинни кул қилиб ташлади. Товуқлари касал келиб қирилган товукҳонанинг эски-янги ёғочиям битта-битта суғурилиб аллақачон тугаган.

Бир тонг Шодмонби чой устида кўзига ёш олди.

– Сигирнинг янги тапписи ҳам қолмаяпти. Тутайди деб бурнимизни туриб-туриб, униям ёкиб бўлди. Бу қиш ҳали-бери бўшашадиганга ўхшамайди. Эчкидан бирортасини бозорга опчиқиб сотсангиз, тузукрок қаттиқ ўтин олардик.

– Ўтин қаерда экан?

– Мапирча опамнинг ўғли икки отарава ўтин опкелди. Бирам ҳавасим кептией.

– Дала-паласида босиб қўйгани бўлса, олиб келган-да. Қаёқдан оларди.

– Йўғ-а, сотиб олган.

– Қизикмисан, ҳозир биров ўтин сотадими?

– Кечқурун овқатни нимада пишираман? Оёғимни чалиштириб қалайинми? Сотиб келаверинг. Ортганига ул-бул олармиз. Юзта камимиз қараб турибди.

– Э, ҳозир сувтекин кетади. Бу йил иккита туғадими деб турибман. Йўқ қилмайлик шу эчкини.

– Кечаси уй музлаб кетади, нима қиламан кейин?

Туронбой бирпас ўйланди. Салдан кейин Юлдузни имлади.

– Иссиқ кийиниб ол. Оёғингга менинг эски кирзамни кий. Далага борамиз.

Онасининг кўзлари олайиб кетди:

– Эсингизни йиғиб олинг! Далада тут кесиб қўлга тушиб қамалиб йўқ бўлиб кетманг тагин!

– Кўп бижирлама! Ким сенга тут кесаман деди? Куруқ тўнка-пўнка бўлса кўчириб келамиз.

– Ҳой, менга қаранг, қишнинг кунда тўнка билан тўнканинг фарқи бўладими? Борманг! Тут кўчириб қўйиб сўроқ беришингиз қолди энди!

– Ҳозир йўқ гапга қўшниларниям йиғасан! Жим ўтир! Тут кесмаймиз, тўғрими, кизий?

Юлдуз севинчи ичига сиғмай учиб кириб кийинди-да, аравага чиқиб ўтириб олди. Баҳор келгунча дамга чиқиб, бостирма тагида музлаб ётган арава бир-икки қарсиллаб олиб йўлга тушди.

Қорда янги из қолдираётган ғилдиракларнинг ғичирига қор ғичири қўшилиб, бирам оҳанглар келар, қизгина аравада тебраниб борарди. Ота ора-орада “хих жонивор” деб қисталанг қиларди. Эшакнинг ҳам ота-боланинг ҳам оғзидан тинмай буғ кўтарилар, худдики улар муздек борлиқни қуҳ-қуҳлаб иситмоққа чоғлангандек. Юлдуз йўлнинг йўллиги аниқ бўлмаган олд тарафгаю, ортдаги илондек чўзилиб қолаётган арава изига қараб ажиб хаёлга чўмиб борар, жони ичига сиғмас, ўчоғи тор қиш кунда танча ёнида зерикиб ўтиришдан кутулганига севинарди.

Ажойиб кунлар саҳардан билинади ўзи.

Ҳа. Ҳаммаси бошдан ажойиб эди.

Ана, Маккининг ўртада сўппайган уйчаси. Бу ёғи қир.

Ниҳоят, қир ёқлар ортда қолиб, Тоғорага етиб келишди. Сойнинг у ёғида кичик-кина думалоқ тоғлик, кейин сой, ёнида йўл. Кейин яна ўша тоғлик худди ўша гавдасалобатида давом қилади. Тоғни кесиб сувга канал, одамларга йўл очилган бўлса бордир. Шунга бу йўл манзили Тоғора деб аталган. Тоғорадан тоғ оралаб ўтгандан кейин нариса – дала.

Дала эса аллақачон шип-шийдам бўлганди. Ота-бола Оққирнинг этагигача боришди. Давлатнинг чексиз ерларини айланиб, тўрт бог хивич ўтин, қай бир аравадан тушиб қолиб устини қор босган беш-олти кунгабоқар пояси топишди. Туронбойнинг пешонаси тиришди. Қизини арава ёнида қолдириб, қор кечиб анча нарига – Яндаманинг сўл тарафидаги зовур бошларига ҳам бориб келди.

– Юлдузча, ҳеч нарса йўқ экан-ку. Энди нима қиламиз?

– Ана, шунча топдик-ку. Неча кунга етади.

Туронбой кулди. Катта тошга кетини қўйиб ўтирганча уф тортди. Оппоқ қорга ўраниб олиб, айбдордек хурпайиб қолган кенг далага кўз югуртираркан, бирдан:

– Ана у ким? – деди.

Муз ўтиб бораётган оёқларини бир-бирига уриб турган Юлдуз чирт этиб ортига ўтирилди. Узоқ йўлда бир одам яқинлаб келарди. Иккиси тикилиб қолдилар. Бундоқ кимсасиз жойга ким нима иш билан келаётган экан. Йўл узун эди. Қимирчилаб яқинлаётган қора йўлдаги ариқ чуқурида бирпас кўринмай қолди. Кейин яна юзага чиқди. Шунда Туронбой севиниб кетди.

– Ээ, Макки-ку! Вой қисталоғ-эй! Нима қилиб юрганикин.

Маккисоқов улар томонга қараб қадамни тезлатди. Туронбойнинг рўпарасига этиб келгач, қўлини кўксига босиб имлади:

“Ассалому алайкум, ака”.

Маккисоқов нимтаъзим қилиб салом берар, жилмайган кўйи, кўзлари билан ик-кисидан ҳол-аҳвол сўрарди.

“Нима қилиб юрибсизлар? Ҳа, ўтинга келганмидинглар?”

– Маккивой, қани, қўлни бер-чи. Зерикмай юрибсанми? Бизни кўриб келдинг-да-а, шундоқ чиллаи зимистонда? Ёлғиз ўзинг нияям қилардинг далада.

“Ака, мундоқмисиз? Совукда қандай энди? Ўтирибсизми уйда танчага кириб?” Йигит Туронбойга қараб бошмалдоқ қўлини кўрсатиб имо-ишоралар қиларди.

– Ҳа, ўтирибмиз, ўтирибмиз. Жа меҳрибонсан-да. Унча-мунчасидан ўзинг тузуксан.

“Ўтин топмабсиз-ку? Келишда уйимдан мени олиб олмабсиз-да. Совукда бунча кўп қолиб кетмасдингиз”.

– Ҳа, калла ишламади-да, калла. Бўлмаса чайлангнинг олдида кўнглимга келди-я.

“Мана бу майда ўтинингиз ҳеч нарса бўлмайди. Тўнка топиш керак. Мундоқ-мундоқ тўнкалар. Ҳеч йўқса, мана бу билагимдек келадиган ўтин бўлса уйўчоққа бўлади. Иссиқ беради. Қачон келдингиз? Куёш сал кўрингандами?”

Макки кунчиқар тарафга қўлини бигиз қилди.

– Ҳа, эрта келгандик.

Макки қўлини атрофга бир айлантириб, кейин хўшлашгандаги каби силкиди.

“Бу ерларда ўтин йўқ. Одамлар келиб олиб кетиб бўлган”.

– Ҳа энди мен қаёқдан биламан, – Туронбой қўлини икки ёққа ёзиб елка қисди.

“Юринг, хув анави тепанинг орқасига ўтамиз. Ўтин ўша ёқда бор”.

– Бурамаут тарафдами? Чинданми? Узоқ-ку? Борсак топиладими?

Ота Юлдузга ўтирилди:

– Эшакарава билан овора кипқўймасмикан бу қизталоқ?

Макки гапни эшитиб қолгандек бошини қаттиқ силкиди.

“Юраверинг, юраверинг, арава билан. Бор дедим-ку”.

Юлдуз бу чоғда дадасининг каттакон этигини кийиб келгани учун Маккидан уялиб оёғини катта тош орқасига яшириб турарди.

Туронбой аравани тўғриларкан, йўл четига чиқа бошлаган Юлдуздан сўради:

– Секин орқамиздан келаверасан, тузукми?

Макки шошиб яна ишоралади. Ерга кўрсаткич бармоғини бигиз қилиб, қўл сил-киди:

“Қизингизни бу ерда қолдирманг. Дайди итлар кўп. Ис искаб юрибди, топиб келади. Келиб қолса бунингиз кўрқиб кетади”.

Кейин йўл тарафга ишора қилди:

“Ҳали анча юрамиз”.

– Ҳа, ярамас, ҳар балони биласан-а. Ташлаб кетармидим. Ташламайман. Арава-га чиқиб ола қолсин бўлмаса.

Туронбой қизини қўлтиғидан кўтариб аравага солди. Юлдуз қувониб арава бур-чагига ўтириб олди. Макки келгани заҳоти қизнинг совуққотиши йўқолган эди. Ана, энди этиги ҳам кўринмайди.

Улар бирга соқов кўрсатган ва отаси Бурамаут деб атаган тарафга кетдилар.

Қишнинг майин ва оппоқ қорлари остида қолган якраг дала барибир қизик, со-кин эди. Юлдуз катталар ўтин тўплашгунича аравадан тушиб каттакон ялпоқ тош ортига ўтиб олди.

Макки нари-беридаги ўтинларни усталик билан йиғиб келар, неча йиллик чи-риб қолган тўнкаларни Туронбойнинг кўлидаги болтани олиб ўтирмасдан музлаган

ердан кўчириб олган тошлари билан уриб, кирза этигининг товони билан тепиб силжитар эди. Тўнканинг усти курт еб, анча бўшаб жонсиз бўлиб қолган эса-да, суғурилиб чиққан илдизи яхшигина ўтин бўладиган эди. Баъзан Маккининг тепкисига дош бермай ўзагидан чўрт узилган кундалар қор устида анча нарига думалаб кетарди. Макки уни олишга шошилмасди. Яна сал наридаги чўрга қараб юрар, шу тусда беш-олти тўнгалакни кўчирганидан кейин ҳаммасини бир қилиб, қалин қапанаги устидан елкасига, қўлтиғига олар ва аравага қараб юрар эди. У ўтинларни ҳар гал аравага ортгач, Юлдуз тарафга қараб бир жилмайиб қўярди.

Туронбой кўшиқ хиргойи қилганча, Маккининг кетида пилдирар эди. Орада армияда ўрганган аллақандай қуйларини хуштак қилиб чалиб қўярди. Экинлик ер марзаларидаги дўмпайган жойларни кесилган бирор дарахт кундаси деб ўйлаб тепиб қўрар, лекин у қорини туширган дўмпайма кўпда тош бўлиб чиқарди. Тўнка бўлиб чиққанида ҳам томирида суви борлигидан кўчавермасди. Макки бир-иккида Туронбойнинг фойдасиз уринишларига яширибгина қулиб қўяр, кейин яна хижолатга қўймасдан музлаган тўнкаларни ўзи топиб берарди.

Ниҳоят, кеч кирар маҳалда арава ўтинга тўлди. Туронбойнинг оғзи бўшашиб кетганди. Макки билан ўзича қаттиқ-қаттиқ овозда гаплашар, йигит абжир, ўзидан кўра анча ишига пишиқ бўлса ҳам, ўзича унга эшакнинг босмасини тортиш, ўтинни аравага сиғдиришдек ишларни ўргатарди.

Ишнинг юрувидан эса Макки ўргатмагунча пишиқ битмаслиги кўринарди.

“Майда чўрларини, шохларини чопиб ташлайверинг. Бўлмаса арава дарров мана бунча бўлиб тўлиб кетади. Кам ўтин сиғади. Ҳали юраётганимизда арава мундай силкинса, ўтинлар тушиб қолади”.

Туронбой иши битай деган чоғда писандсизгина бош силкийди.

Юлдуз уларни жим қузатади.

– Ҳаммаси ё бодом, ё бўлмаса тут ўтин бўлди. Узоқ ёнади, – деди ишора билан Маккига. Макки бош ирғаб тасдиқлади.

“Ака, бундан ҳам қуйирокқа тушсак, яна топилади. Агар бу ўтинингиз тугаса, келинг, меникига келинг. Ўзим мана шу ерга бошлаб келаман, қарашиб юбораман. Кўп ўтин йиғамиз”.

– Зўр, гап йўқ сенга!

Макки ўзининг қўл имолашларига кўз чакнатиб қараб турган Юлдуз томонга ўғирлиб қулиб қўйди-да:

“Қизингизни ҳам олиб келинг. Совуқ қотса, меникида исиниб олади. Сандалим-да доим ўт бўлади”, дея имолади.

– Бўпти, билағон бўлиб кетганини-чи бунинг. Хўп, келаман. Сен жуда зўр, мана бундоқ, йигит бўпсан-ку, Маккивой!”

Макки қулимсираб бош ирғади.

“Мана бу эшагингизни яхши қаранг. Кепак ялатинг. Қуёш ботганда айвонга кiritиб боғланг. Қор вақтида совуқда мана бундай қунишиб ўлиб қолмасин”.

– Хўп, хўп. Ҳа, айтганча, агар хашагим етмаса, томингдаги хашакдан бериб турасан, бўладими?

“У меникимас, Сами полвоннинг ўғлиники. Каттаси бор-ку, мана бунақа кепка кийиб юради, – Макки қўлини пешонаси устига айвон қилиб кўрсатди. Кейин кунботарнинг чап ёғига бармоқ санчди, – Майдамиллатда туради-ку, ўшаники”.

– Ҳа, шунақами? Нима бўпти? Менга бешта боғда берасан. Олиб кетаман.

“Йўқ, бўлмайди. У бировники. Ҳамма сўрайверади, сўрайверади. Кузда эгасига бериб юборардим. Уйимниям иссиқ сақлайди. Шунга тураверсин, дедим”.

– Ҳа, шунақами?

“Сиз қор ёғмаганда ўтни кўп ўришингиз керак эди. Қанча кўп ўтлар бор эди-ку. Ўзим кўрганман, кўпини эшак билан молингизни боғлаб тепкилатиб ташлагансиз. Мана бунча бўлган ўтга мол боғламайди. Барибир ейолмайди. Оёғи билан мана бундай тепкилаб ташлайди. Ёзда ўт кўп бўлади. Бунақа экини олинган ҳамма жойда боқавериш керак. Ўтни бўлса ўриб қуришиб олиш керак”.

– Ҳаҳ пишиқ. Бурганинг кетини кўрган боласан-да ўзиям. Бўпти, ўзим топаман.

“Одамлар уйдан роса сотишади. Сизнинг уйингиздан ўтганда, мундоқ чуқур

сойнинг нариги томонида молхонасининг усти ёпиқ қўшнингизда ҳам бор ўт. Олсангиз яқингина, югуриб олиб кириб оласиз, ташишга қийналмайсиз”.

Қайтар чоғда далалар янаям кенг ва оппоқ эди. Юлдуз “юриб кетаман” деб отасига қанча ялинмасин, Туронбой кизини арава тортма ёғочлари устидан оёғини солинтириб, эшакка миндириб қўйди. Бир оз юргандан кейин:

– Дада, туширинг, уяламан, – деди Юлдуз пастга тушишга шайланиб.

– Ўтир, жим ўтир. Кимдан уяласан? Маккиданми? Эй, шундан уяладими? Оёғингдан совуқ ўтиб кетади.

Макки Юлдузга тикилиб, қора қўзларини бир очиб юмди ва қўллари билан ишора қилди.

“Жим кетавер. Бу далада ҳеч ким кўрмайди. Маҳаллангга борганда сакраб тушиб оласан”.

Улар дадилгина ортга қайтишаркан, чапдаст ва кучли Макки аравани ҳамма жойда ўзи бошқарар, эшак сирпана бошлаганда нўхтасидан куч билан тортар, йўлга солиб юборарди.

Канал бўйлаб кетган йўлга яқинлашганда отаси Макки билан бирга араванинг ҳар икки томонига – эшакнинг қаторига туриб олишганди. Улар аравани қўлларида сал тортиб келишар, жониворга далда қилишар ҳам қизни йиқилишдан ҳимоялашарди.

Онаси бир қоп севинди. Маккини, унга қўшиб Туронбой билан Юлдузни ҳам дуо қилди.

* * *

– Гулшан, биз Искандар билан бир дам олишга чиқишни келишиб олдик. Индинга ҳаммамиз Чодакка борамиз. Бир салқинлаб сувда чўмилиб, икки кун дам олиб келайлик. Ошналар ҳам қўймайпти. Уйдагиларни олиб бир келинг, дегани-деган.

Гулшан кош чимирди.

– Кўп бориб-келиб юрган улфатларингиз чакираётгандир-да.

– Йўқ, улар билан...

– Бирга ўтириб юрган бўлсанглар, олиб бораверинг уйингиздагиларни.

– Заҳар қилмагин энди. Ўтириб юрган жойим йўқ. Келин-кечак, болалар бир ўйнаб келсин дейман-да. Иброҳимнинг иши бошланиб кетса, чиқиб кетолмаймиз.

– Ҳа, сизни болалардан сикмаган Худо. Кичкиналарингизни олиб боринг. Берсанг болагигида бер, бўлмаса қўявер деган экан. Ўша кенжатоиларингизга ҳозир бериб қолинг. Меникиларнинг болагигини еб бўлганмиз.

Ўлмас ғижи-ғижи чоғларидаги каби тишини бир-бирига босиб қўзини юмди.

– Гапни қўпайтирма, бўлди.

– Шунча вақт бормаган тоққа нега энди борадиган бўлиб қолдик? Уришиб қолганмизми суюмлигимиз билан?

– Гулшан! Бўлар энди! Сал юракни кенг қил! Борамиз десанг, болаларга айтай, тайёрланишади.

– ...

Бир катта сўрини эгаллашди. Ўлмасбой тунда ётиб қолишга ҳам жой гаплашиб қўйди. Сой бўйи салқин экан. Кийим олишгани яхши бўлибди.

Келинлар бир айтиб ўн кулади. Болалар севинчдан сакрайди.

Хонтахта усти турли емишларга тўлди. Лекин ўғиллар ҳам, келинлар ҳам, набиралар ҳам атрофни томоша қилишга, тоққа чиқишга шошишарди. Ҳамма ҳар ёкка тиркираганда, Гулшан дастурхон бошида пойлоқчи бўлиб қолди.

Тўрт тараф – пастда, юкорида, ўнгда, сўлда сўри. Бирларининг атрофи тўсиб қўйилган. Тўсиб қўйилган сўриларнинг бир-иккисидан йўғон-йўғон, кейин ҳиринг-ҳиринг овозлар келади. Айниқса, рўпара сўридан чала эшитилаётган нозли-нозли сўзлардан Гулшаннинг эти сесканди. Боши чумоли кириб олгандек жимирлади. Қўзлари яна бир хира тортди. “Қундошини шу ерларга олиб келиб танишган-да. Кейин у аёл илинтирган бунинг эрини. Ах!..”

Ҳали йўлда юриб яқинлашишгани сари улардан қочаётгандек кўринган тоғларни томоша қилар экан, машинадаёқ кўнглига завқ кирганди. Энди ғурбатга алмашди. “Бунақа жойларга аллақандай аёлларни олиб келадиганлар кўп экан. Бир-бирларини кўрганда, “Туноҳкор бир менми, ҳамма шунақа”, деб ўзига таскин берсаям бор. Бола-чақа келадиган жой эмас экан-да. Кўрган кўзида қолади-я, бу оқ бўзидан ичи сал кўриниб турган ёзлик хоналар”.

Шу билан Гулшаннинг дам олар жой ҳақиға тортган ўйлари тугади. Гужумнинг хира кўкиш барглари орасидан кўриниб турган осмонда булутлар қуюқлашар, унга кўзи тушган сари яна ўзининг эзгин хаёлларига берилиб кетарди.

Ўлмаснинг ошналари кабоб пиширадиган ул-булларни олиб келиб ташлаб кетишди. Ўлмас билан ўғиллари кабоб пишириш учун бир тоғ ўркачи ёнида жой ҳозирлашди.

Келинлар бир-иккиси сўрига келди. Чуғурлашиб тоғнинг янаям ичкарисига боришга, маза қилиб дам олишга ундадилар қайнонани. Айтарларнинг айтарича, тоғнинг тепа тарафи аллақерда ҳовуз бор экан. У ерга бир жойда тўпланиб турган мотоцикллар олиб бораркан. Бир “Дамас”чи ўзининг одамларини ўзи олиб чиқиб кетаётган экан, кўп юрмасидан посбонлар тўхтатишганмиш. Тоққа машинада мумкин эмасмиш. “Дамас” қайтиб келибди. Одамлари бошқа мотоциклларга минишибди.

– Посбонлар билан кажавали мотоциклчиларнинг охури битта экан, шекилли, – деди катта келини.

Гулшан ҳам икки келини ва катта невараси билан битта шунақа кажавага кўнди. Ҳовузни кўриш керак бўлса кўраверади-да.

Ҳовуз анча тепада экан. Чети цементланган. Суви кир, хира, хунук линғиллайди. Ким келса калла ташлайди, ичида кўринмай кетади, кейин сув пуркаб чиқиб келади. Одамлар нари кетгандан кейин унинг келинлари сувга тушишди. Ҳеч бири жирканмади. Гулшан эса қусиб юборгудек ўтирди. Сув дегани оқиб, янгиланиб турса экан. Эҳ, бу ёшлар сув билан сувнинг фарқиға борармиди. Ана, қийқиришиб ҳузур қилишяпти.

Охири чўмилиб маза қилиб тўйишган ёшлар кийимларини у-бу ерда алмаштириб, тоғдан қайтиб йўлга чиқишди.

Сўрида кабоб тортилишига тайёргарлик кўрилган эди. Уйдагиға қарши ўларок, бу ерда эркаклар хизматда, ҳатто дастурхонни қоқиб, идиш ювишгача уларнинг чекида эди. Таомлар ейилгач, Ўлмас бу бемаза жойда невараларини кўпам қолдиргиси келмадими, бир учи кўриниб турган ўйин майдончасига бошлади. Анча нарида эди майдон. Болаларига кизиқиб ўғиллару келинлар ҳам кўзғалишди. Гулшан яна дастурхон ёнида қолар бўлди.

Атроф сокин эди. Дарахтлар бирдек шовуллаб турарди. Оёқ остида ҳар турли гиёҳлар ўсиб ётар, сўрининг рўпарасидаги тоғ тарафдаги оралик тиканли ўтларга тўлганидан чакалакзорнинг бошланишидек кўринарди. Тоғдан шамол эсар, ўзи билан ўтларнинг ўткир исини олиб келарди. Сокин табиат сирли манзараларга олиб кириб кетар, лекин одамни аллаловчи, сеҳрловчи лаҳзалар бағрини тўсатдан эшитилган одам овозлари тилкалаб, ҳузур бера бошлаган афсуннинг қувватини кесиб юборар эди.

Бирдан ўнг томон сўридаги жуфтлик йиғиниб, кетишга чоғланишди. Бўз парда сурилди, тор юпқа шим кийган аёл пастга тушди. Гулшан неваралари кетган сўқмоққа бир қараб қўйди. Хайрият. Чап ёқдаги сўри жимжитлигиға қараганда ундаги жуфтлар тоққами чиқиб кетишган.

Атроф ғалатидан-ғалати тинчиди. Майдон бир чети кўриниб тургани билан қуйроқда эканидан болалар овози ҳам эшитилмай қолди. Гулшан мизгигиси келиб, бир-икки аланглади-да, бошиға ёстик тортди, чўзилди. Эҳтиёт учун устини оқ чойшаб билан ёпди. Лекин лаҳза ўтмай ёнгинасидан устма-уст жаранглаган кулгилар эшитилди. Бошини кўтариб қаради-ю, дик этиб ўрнидан туриб кетди. Қиз-жувонлар бирам кўп эди. Ҳаммалари сўрига яқинлашиб келишарди. “Туринг, дугонажон, нега ётибсиз? Сиз ҳам ҳовузда чўмиллолмай келдингизми? Биз ҳам”, деди улардан бири. “Ҳа, жуда кир экан”. “Шунча жойға келиб чўмилмай кетасизми?”

Юринг сойга тушамиз. Муздеккина. Маза қиласиз”. “Туринг-э, кетдик”, деди яна бири – сочлари юзининг ярмини тўсиб тургани. Қизларга эргашди.

Сой суви чиндан ҳам муздек эди. Кийими билан аста-аста сувга тушди. Қиз-жувонлар қийқиришиб кулиб унга сув сепдилар. Сои ичида оёқ чўзиб ўтирди. Тўлқинлар кўксига урди. Қизлар шўх-шодон эди. Қўлларида тортқилашарди. Сузишга чунонам уста эканлар, худди балиқдек.

Вой-бў! Сув ичида турганда одамга сой жуда кенг кўринарканми? Нима бало, тоғлар ҳам қочиб кетгандек. Ҳамма ёқда бу шўх-шодон шериклар, сочлари гўзал товланадиган жувонлар. Ана у пишиллаган овоз келадиған сассик сўрилардан яхши-да. Ҳаммаси сувдек пок, сувдек тиник, сувдек майин.

Қизлар унинг бошларини пишиб-пишиб олишар экан, Гулшан кулар, антикар, оғзига кирган сувни чиқаришга ҳам қурби келмай оёқ-қўллари бўшашарди.

Бирдан белидан куйиси қарахт бўла борди ва ортиқ кимирламай қўйди. Чўмилаётган қизларга гапиришга мажоли қолмади. Кейин фойдасиз эди. Чунки қизлар фақат сув шалолатишар, тинмай ўзларини отишар, худди шаршара овозида шилдир-шилдир кулишарди.

Олам жуда кенг ва ажиб эди. На совуқ, на иссиқ, на очлик, на тўқлик, на ғам, на ташвиш, на дард, на ҳасрат эди, на олис, на яқин эди бу сирли борлик. Одам дегани ўз-ўзидан қикиб, яна ўз-ўзининг олиб сувлар устида учар, ҳаволарда сузар, лаҳзада олислаб-олислаб кетар, лаҳзада қай бир номлаб бўлмас манзилларга етиб борар, айна вақтда ўз жисми ичида оғриқсиз, дардсиз, маконсиз бўлар эди.

– Ҳой, опа! Нима бўлди сизга?! Тушайми?

Ногаҳонда қирғоқдан бегона бир эркакнинг ғамхўр, лекин ёқимсиз овози келди. Қизлар бир сесканиб, бошлари билан сойга шўнғиб барилари тенг йўқ бўлишди. Бутун борлик сувдан иборат бўлиб қолди.

– Сизнинг онангизмилар? Боринг-боринг! Қаранг! Тушинг! Тез-тез! Чўкиб кетадилар-а! Оёқлари тортишиб қолган, шекилли!

– Ойи!!! Ойи?! Нима қиялпсиз?

Ўғил энгил-боши билан сув кечиб, ярим юриб, ярим сузиб етиб келди. Онасини қирғоққа тортди. Она сув юзалаб энгилгина борарди – ўғлининг қўлидаги ўз кийимига бир қоп юк бўлиб ортилиб. На қўли, на оёғи бўйсунарди ўзига.

Қирғоқда қий-чув қилиб турган невараларию келинларини кўзи илғади. Иброҳим ёрдамга етиб келди. Ўт устига ётқизишганида катта келини ўзининг елагини қайнонасининг устига ёпди. Гулшан титроқ ичида хижолатга кўмилди. Ўлмаснинг ўқрайган нигоҳини бир марта илғади-ю, қаттиқ уйқуси келаётганини туйиб, кўзини юмди.

Йигирма дақиқа ўтмай тезёрдам тоғ йўллари оралаб шошиб борар, чўмиламан деб ҳушидан кетган аёлни касалхонага элтарди. Чўкишига бир баҳя қолган аёлнинг ёнида ўғли ва эри ўтирарди. Эр бир сўз демас, пешонасини тириштириб, бошини қуйи солиб олган, ўғил қуйинарди. “Сира сувга яқин бормасдилар. Нима бўлди, билмай қолдим”.

* * *

Қиш чиқар яқин қорасовуқлар қайтиб келди. Ҳақи бор эди-да ҳали. Туронбой тагин ўтин овига борди. Бу гал ҳам энди ўнглана бошлаган ўғлини эҳтиётлаб, Юлдузни ўзи билан олди.

Арава йўлга ҳозирланганда Юлдуз ўзида йўқ севинач, ичидан келаётган хуш-нудлик кулгисини аранг босиб турарди.

Қорлар ёғмай қўйган, лекин қорасовуқда йўл яхлаб ётарди.

Катта асфальтни кесиб ўтиб, суви жилдираган канал бўйидаги кимсасиз йўлга тушишганида совуқ ҳар иккиларига ўзини билдириб қўйган эди.

Қиз бу гал отасига айтиб ўтирмай ўзининг бежирим қизил этиги билан тўй-тўйчикқа, меҳмон-изломга қиядиган яшил пальтосини кийиб олганди.

– Макки акани олиб кетамизми, дада? – сўради Юлдуз кичкина уйча кўринганида.

– Ҳа, олиб кетамиз, олиб кетамиз. Зерикиб ҳам ўтирган-да. Қарашади, айланиб келади.

Уйча кўрингунича, Юлдуз кир тарафдан кўзини олмай, бир сўз демай арава устида тебраниб борар эди. Унинг хаёлида йўл жуда узайиб кетгандек туюларди.

Ана, уйча – ўша – болалигидан бери сирли ичкарисини кўргиси келган уйча. Эгаси ундан кизиқ, туриш-турмуши ҳам, нимадир дейиши ҳам ҳеч кимга ўхшамайди.

Ниҳоят, арава уйчанинг тўғрисига яқинлаб қолди. Юлдуз тинмай ортига ўгирилиб дадасига қарар, ҳозир Маккини олиш эсидан чиқиб қолмасайди деб хавотирланарди.

Туронбой соқовни нақ тўйга олиб бориб келадигандек йўғон гапириб, аравани тўхтатди. Макки буларни дарчадан кўрганми, чиқиб келди. Бирйўла қўлида болтаси.

– Болта ҳам олдингми, эсли бола?

Макки болтанинг орқа томонини кўрсатди.

“Мана бу ери кучли, тўнқаларни тарс урсангиз кўчиб, думалаб кетади. Олдингси сафар сизнинг болтангиз сал кичкиналик қилди. Сопиям калта экан”.

– Ҳа, сен соқовмас, балосан.

Қорасовуқ заптига олганди. Шамол ерда, дарахтлар шохида қотиб қолган қорпарчаларни совувар, орада хуштак чаларди. Юлдуз ич-ичида кўшиқ айтарди. Борлиқ унинг кўшиғига тўлиб борарди. Кўшиқлари ҳам оппоқ эди. Бу оҳанглар кизнинг кўнглига ором берар, кўзлари тобора чарақлаб, юзлари тобора қизариб борарди. Қизгина жўшиб-тошиб қуйлар, унинг овозини олис осмон ҳам тингларди.

*Бог оралаб ўтган йигит ким ўзи,
Шўх мўралаб ўтган йигит ким ўзи?
Меҳр тўла кўзларидан қалбимга
Олов қалаб ўтган йигит ким ўзи?
Ким ўзи, ким ўзи, богдан ўтган ким ўзи?*

Осмон борлиқ ичида кизни ҳам сокин кузатиб борарди.

Отаси унинг хиргойиларини эшитмасди.

Бутун борлиқ Юлдуз атрофида айланар, уни тингларди. Жами қорлар, қорлар остида қолган улкан тошлар, калтак-чўрлари сўппайиб турган итбурунлар, дала четида узум симбағазидан тикланиб бузилмай қолдирилган қапа, унинг устига босилганича рангини йўқотган жўхори поялари ва бор дунёга кўшилиб Маҳкам ҳам тингларди Юлдузни. Қизнинг кўзлари пориллар, гўзал ёноқлари қизаринқираб турар, арава худди беминнат, ўз куйидан сармаст созанда каби ғичирлаб унинг кўшиқларига жўр бўларди.

Бу оҳанглар йигитнинг юрагида садо берарди, аравага яқинлашгани сари кўҳлик қизнинг майин навозишларини туяр, оҳиста жилмаяр, нигоҳи ер чизгани, узоқ далаларга тикилгани билан кўзлари ўт сочарди.

Юлдуз оламнинг мангу ва гўзал ёрлиғи – севги ҳақида қуйларди. У Худонинг даргоҳида эркаланиб-эркаланиб, Худо берган биллур муҳаббатга лиммо-лим кўнглига эргашиб-эргашиб борарди. Манзилга ҳадеганда етиб бормасликларини, арава ҳам ўтинга сира тўлмаслигини, отаси ва соқов йигитнинг ҳали далада кўп изғишларини, Маҳкамнинг бот-бот арава олдида келишини, қизга қараб қайта-қайта кўз қисишини, тезроқ чойга ўтиришларини, термосдан чой қуйиб узатганида Маҳкамнинг унга миннатдор қарашини истарди, кутарди.

Совуқ заррача сезилмасди. Бутун борлиққа оппоқ муҳаббат сочилиб ётарди.

Унинг юраги урарди: дук-дук. Ҳар гал Маҳкам аравага яқин келганда қаттиқроқ тепарди унинг юраги.

Арава кўзланган жойга етиб келди.

Ўтинлар йиғилиб келди ҳар тарафдан.

“Йўк, бу далада ўтин сира тугамайди, арава ҳам тўлмайди”.

Ниҳоят, кун ботар мўлжалда иш битди. Қаттиқ ўтинларнинг устига шох-шабба босиб, арқон билан тортиб боғладилар. Йўлга тушиб, ортга қайтдилар. Юлдуз аввалига отаси билан етаклашиб юрди. Ўн бешдан ўн олтига илгариланган қиз қорачикларида оппоқ дунё жилва қиларди. У шундайгина ёнига қаролмас, ёнгина-сида забардаст бир йигит ерни гурсиллатиб борарди. Юлдуз бирдан уялиб кетиб,

қўлини отасининг қўлидан бўшатиб олди ва қўлқопи билан ҳам бўлса, пальтоси чўнтагига суқди.

Йўл олис эди. Қор ва музлаган тупроқ қадамларни оғирлатиб борарди.

– Юлдузой, кел чарчаб кетдинг, эшакка миниб ол.

– Йўк, дада, чарчамадим. Юравераман.

– Кел дедим сенга. Бўлақол!

Тўсатдан қизини тўхтатиб, қўлидан таяб эшакка миндирди. Юлдуз эгар бошини ушлади-ю, хижолатда юзини яширди. Эй, нима қилиб қўйди-я дадаси. Ўтган гал бунчалик бўлмаганди. Аммо иложи йўк. Энди уйгача жимгина бориш керак эди. Сал ўтиб, унинг ҳаяжондаги юрак дукурлари анча пасайди ва хаёлларига берилиб силкинган қўйи бора берди.

Отаси билан Макки яна икки томонида уни эҳтиётлаб боришар, бир қўллари билан эшакка мадад қилиб аравани итариб юришарди.

Катта йўл бошланди. Бир ёни чексиз ва ҳордикқа чиқиб ухлаётган далалар. Иккинчи томони суви ариқ сувича келмай қолган Ғовасой эди. Энди арава ёлғиз ўзи қўшиқ айтарди – ғичир-ғичир.

Отаси узун йўлдан зерикди, чоғи, уловни кўриб, сой тарафда келар экан, қўлини арава ёғочидан олиб бўшатди. Толиқиб ҳам кетганди. Кейин Макки билан қўлсиз гаплашиб бўлмаса. Имо-ишоралаб у-бу деб гапга сола кетди. Йўлдошлар гапга андармон бўлганида Юлдуз яна қуйлашни бошлаб юборди. Овозини баралла қўйиб, лекин садосиз, лабларини қимирлатмай қуйлар, ўзи туйган сурурдан ўзи тебранарди. Жониворнинг тебратишлари бир бошқа, ўзининг тебранишлари бир бошқа эди. Ҳалигина солинган боши яна мағрур кўтарилган, эшак минганидан уялмай ҳам қўйганди.

Йўл сокин осмон остида узайиб борарди. Бу неча-неча излардан қурилган обида – узун ва иланг-биланг йўллар тўғри уфққа элтадиганга ўхшарди.

Ногоҳда арава сирпанди. Эшакнинг оёғи тойди. Йўлнинг чуқур сой тарафга нишаб жойида сурила бошлади. Бу вақтда ота нимадир бўлиб аравадан орқароқда келаётган эди.

– Ия, ия! Ишш! Ишш дейман! Макки, кара!

Маҳкам аравани чакконлик билан ўзи тарафга тортди. Туронбой арава ортига ўтиб, ўтин остидан қўл юбориб, уни ушлаб тўхтатмоқчи бўлди. Бироқ арава сурилиб, эшакни ҳам итариб кетди. Бир лаҳза, биргина лаҳзада хаёлларга ёмон ҳис ўрлади. “Фалокат! Чуқур сойга думалаган арава билан кетиб, на эшак, на унинг устидаги одам тирик қолади!”

Ота нимадир деб кичкирди. Унинг қўлига бўйсунмаган арава эшакни ҳам сурғалаб сой тарафга силжиб кетмоқда эди.

Маҳкам бор кучи билан торта-торта оёғи сурилиб бораркан, қаттиқ овозда ўкириб юборди. Худди бировни ёрдамга чақиргандек. Ниҳоят, энди юкниям, эшакниям оғишдан ушлаб қололмаслигини билди. Сой тарафга тийғониб бораётган жониворни куч билан яна бир марта тортди. Шунда арава қаттиқ силкинди. Эшак яна узунроқ тийганди. Макки Юлдузни шартта кўтариб эшак устидан юлқиб олди-ю, бағрига босди...

Бутун жисми титроқда қолган қиз кўрқув ичида Маккининг пахталигига юзини яширди. Макки уни йўл четига олиб ўтди. Чўккалаб ўтирди. Шу туришида қизга тинмай далда қиларди, “Ўв-ўв” дегандек овоз чиқарарди, “кўркма”, дея қаттиқроқ бағрига босарди.

Туронбой қизининг олдида келиб унинг бошини ушлади-да, юзига юзини қўйди. “Худога шукур!” Қиз отасининг бағрига интилгани чоғда ота хансираганча ортига бурилиб сойга чопди.

Туронбой эшагини амаллаб бўшатди, сойдан чиқарди. Орқа оёғи синган эшак сакраб-сакраб йўлга тушаркан, бошини оғриқ зарбидан тепага-пастга қилиб қаттиқ силқир, айбдор каби эгилиб қолган эди. Юлдузнинг жониворга раҳми келиб, кейин ўзи кўрканидан тўлиб йиғлаб юборди.

– Йиғлама, қизим. Ҳеч нарса бўлмади, хайрият! Хайрият! Худога шукур. Ҳозир уйга етиб оламиз! Етиб оламиз! Сен... Сен Макки билан ўтириб турасанми? Мен Ҳайит амакиннинг эшагини олиб келаман.

Макки уст кийимини ечиб Юлдузни ўраб қўйган эди. Юлдуз “йўқ”, деб унга кийимини қайтариб берди.

“Ака, қизингизни олиб кетинг. Қўрқиб кетди. Совуқ қотиб қолади. Уйга кириб иссиқда ўтирсин. Бу ёғи қўпмас. Етиб олади”.

– Тўғри! Тўғри! Хўп, хўп, юр, қизим. Сен ҳам юр, исиниб келасан. Қолаверсин ўтин-пўтиниям, э! Худога шукур, ўзимизга ҳеч нарса қилмади. Юлдузим-эй, яхшиям Маҳкамбой чаққонлик қилиб қолди.

“Мен сойдан ўтинни ташиб чиқаман. Тортолсам араваниям тортиб чиқарман, баллони яхши-ку. Бошқа эшак олиб келсангиз, опкетаверамиз”.

– Яша, ука, яша. Жуда чаққонсан, зўрсан. Калланг ҳам тез ишлаб кетаркан сен боланинг. Мен ўзим бўлсам, қизимни сойга йиқитиб қўярканман-а. Вей, нималар бўлиб кетай деди-я. Қойил, Маккивой. Бор бўлгин, бой бўлгин.

Маккисоқов Юлдузнинг елкаларидан силкилаб қўлини сиқиб қўйди. “Ҳаммаси зўр. Бардам бўл. Йиқилмадинг. Уйга борақол”.

* * *

Баҳор ўтиб ёз бошланди.

Гулшанлар тўққизинчини тугатишди. Энди яна бир йил ўқишса, мактабни ҳам битиришади. Ёзи билан дўппига ўтиришиб, тинмай тикишди. Ёзда дўппи қиммат бўлади. Нимагаки, тўй кўпаяди. Тикадиган хотинларнинг кўплари эса далада. Юлдуз ингичка ипаклисига қизиқиб, Тошби кампирнинг келинидан ўрганди. Ёзлари Тошби кампирнинг супасида бир тўда қизлар дўппи баҳона, гаплашиб ўтиришади. Қаймоқ-қаймоқ гаплар шу ерда бўлади.

Бир куни, аввал келишилганидек, иккисини Ёркиной қиз ўзининг иккита ўртоғи билан чақирди. Бешовлари Ялангқирга айланиб келгани чиқмоқчи эдилар. Ёркинойга ширач керакмиш. Ниманидир ёпиштиришга ишлатаркан. Юлдузнинг онаси аввали қош чимирди, кейин бўлса, Тошби “табиб”нинг гапи билан кавар олиб келишни буюрди. Тошби кампир анча ёшга борган-ку, тиниб ўтирмайди. Яхшилиги, Юлдузнинг дадасига дори қилиб берармиш. “Оёқ оғриғи дард бўптимиз. Бошлик-кўзлик. Ҳаммаси совукдан”, деган эканмиш. Ўн кун оёғини солиб икки културдан ичиб турса кўрмагандек бўлиб кетармиш.

Қирни қизларнинг шўх кулгиси тутди. Гапнинг энг яхшиси шу ерда бўлди. Ахир Тошби кампирнинг супасида ўтирганда, ўзларининг орқаларидан маҳаллагача, кўча эшиклари тагигача келиб ялиниб юрадиган йигитлар, жовчи-совчилар ҳақида гаплашиб бўлармиди.

Қўнғирок овозлари бутун атрофни тутиб кетганди. Саксовуллар, итоғизлар, калта чакандалар, ҳамма-ҳаммаси ҳам бу хандон-хушон овозларга тебраниб қўярди. Ер бағирлаган каварларнинг баргларигина силкинарди. Бирови бир тугунча кавар, бири ширач, бирови ширач билан олғи, бириси исирик, кўзтикан олиб белбоғларига тутиб олгандилар. Қайтишда тоғлар тарафга қараб акс-садо билан ҳазиллашиб айтишишди. Ҳар айтишувдан кейин жаранг-жаранг кулгиларга тоғлар ҳам кулиб жавоб қайтарди.

Қизлар Ялангқир йўлида соқовнинг уйига яқинлашиб қолдилар. “Қизим уйда, қилиғи тузда¹⁸”, дегандек, маҳалла-қўйда, ота-акалари қаршисида сипо юрган қизлар бу кенгликларда роса очилишган эди.

– Мундоқ юрайлик. Маккига гап сотамиз. Ўзиям зерикиб кетгандир, шўртумшук, – деди Ёркиной ирғишлаб.

Қизлар бир сергак тортишди. Бирови қийкириб қўйди.

Зерикарли кун эди-да, соқов билан бирпас имо-ишора қилгилари, унинг устидан кулиб ўзлари бир завқ олгилари келди.

– Макки-чи, парткомникида ишлаётганмиш. Унча-мунча ойлик бераман деганмиш-да.

– Ҳа, қорни бор, эғни бор. Ёзда пул ишласа, қишда ейди-да.

¹⁸ Туз – дала.

- Шунинг бирорта қариндоши йўқми?
- Чодакда битта тоғаси бор экан. Маккини беш-олти марталаб Учқўрғондаги соқовмактабга ташлаб келибдим. Лекин бу қочиб келган экан-да. Энди тоғаси билан гаплашмас экан. Келиб қолса сўйил олиб қувлармиш.
- Мен ҳам эшитдим. Бир сафар идорадан катталарни олиб келган экан, барибир бўлмабди.
- Ўшанда партком: “Қўяверинг, ўзим қарайман. Ўқишиниям қиламиз”, дебди. Тоғаси: “Менга деса хоҳ ўқисин, хоҳ йўқ. Интернатда бўлса овқат-оziғи ичида эди. Элдан номус қиламан. Бўлмаса бундан бошқа қиладиган ишим йўқми?” дебди.
- Шунда Макки ўқишни билмайди-да, а?
- Билмайди, билмайди.
- Чакки-да шу.
- Чакки бўлса, опкелиб мактабга тикинг, соғлар билан ўқийди. Ё бўлмаса ёнингизда олиб ўтирарсиз. Битта партада. Билла дарс қиласизлар. Вазифа кўчиртирасиз, – орада пиқ этиб кулади Ёркиной. – Бир йилда сиз эрга тегадиган бўлиб битирасиз, соқовингиз мулла бўлади.
- Нега менинг соқовим бўларкан?
- Жон қуйдирыпсиз-ку. Ўқитиб олсангиз, ўзингизга яхши дейман-да.
- Э-э! Ўқиганлар жа эшак бозорга даллол бўлди-ю, бу қолди.
- Бир-бирисиз туrolмайдиغان дугоналар гап билан бир-бирларини мот қилишарди.
- Ўқимагани ёмон, дедингиз-ку. Ўқимишли бўлса тегарди шу қиз шунга деб қолдим.
- Оббо, якка ўтиргани ёмон дейман. Намунча энди, шаҳодатномангизга шайтон-га дарс беради, деб ёзганми?
- Жаранглаган кулги кирга ёйилди.
- Қизлар Маккининг уйига яқин келишди. Уй эшиги қиягина очик эди.
- Парткомникига ишга кетмаган, нимагаки, эшиги очик.
- Ёркиной шўхлиги тутиб, деразадан қўлини пана қилиб қаради. Кўзи илғамади, шекилли, овозини қўйиб чақирди:
- Маккиво-ой! Қанисиз-а, йигитнинг гули? Ҳа сизни кўргани бир гала маликалар келдик. Бир чикинг энди саройингиздан! Ҳо, шаҳзода дедим-а!
- Яна жаранг-жаранг кулги кулба деворларига урилиб кирга тарқалиб кетди. Юлдуз ҳам куларди. Масто-на-масто, масрур-масрур, товушсиз куларди у. Маҳкамни кўриш бахтига етказган Худога шукур айтиб, интиқиб турарди соқовнинг эшиги олдида.
- Нима бало, парткомникига кетмаган бўлса, ўзининг даласига кетганми?
- Қаёқда. Экинчи бўлгани билан экинчаси йўқ.
- Уйда йўқлар, шекилли, кетақолайлик, – Юлдузнинг овози титраб чиқди.
- Шунда Гулшан дугонасига қайрилиб қараб баттар кулиб юборди.
- Шаҳзода деганига сизлаб юборақолдингми, ўрток? Вой, тузукмисан ўзи? Рангинг ғалати-я?
- Маккисоқов уйдан эмас, кирнинг бир чуқур ерида четига қанор тутилган бурчакдан чиқиб келди. Уни биринчи бўлиб Юлдуз кўрди. Кўрди-ю талмовсираб қолди. Кичкина уйдан келаётганини кўришсами, яна калака.
- Макки то уйига яқин келгунча қизларни кўрмади. Нариди – ўша холо¹⁹ йўлида тўртта кўм-кўк шампан идиши текис терилиб турарди. Макки уларнинг биридан қўлига сув қуйиб ювди. Кейин қўлбола супачаси четидага шумуртга илиғлик турган сочикчага қўл артди. Шумуртнинг кунгай тарафида Маккининг қўйлаги осилган эди. Йигит қўйлакка қўл узатган жойида меҳмонларини кўрди-ю, довдираб қолди. У ёйилган кийимини бутадан, кўзини қизлардан ололмай қакқайиб турар эди.
- Ия-ия. Мана эканлар-ку! Юлдуз, кўриб туриб айтмайсан-а. Вой, қайси адирда адашиб юрибсиз, Маккитоға?
- Макки супага оёқ қўйди. Кейин мулозамат билан қизларга битта-битта таъзим қилиб чиқди. Эсанкираган қўйи қия очик эшигини каттарок очиб ичкарига ишора қилди.

¹⁹ Холо – ҳожатхона.

“Кириглар ичкарига. Чой қайнатаман. Ичасизлар. Кириглар”.

– Йўқ, акў. Кирилмаймиз. Тўй қиласиз-ку, мана бунақа қилиб қўлтигидан қўлтиқлаб келин олиб келасиз-ку, ўшанда кирамиз саройингизга. Мана бу кенг ёқларда ка-атта тўй қилганингизда келамиз. Бунақа қилиб ўйнаймиз тўйингизда.

– Мен чочалок қиламан. Бундай қилиб, – Зухра киз ердан беш-олтита тошчаларни териб олиб осмонга ирғитди ва бошини бўйнига тортди. – Во бўлади-да ўзиям.

– Маккивой ака, ё бирортамизга уйланасизми? Мана, сиз бормаганингизга биз келдик совчи бўлиб. Танланг, Ялангқирнинг пошшоси, танланг! Мени оласизми ё мана бу кизними? Ё Зухра яхшими, айтинг!

Қизлар Ёркинойнинг гапларига буралиб қолгудек кулишарди. Макки уялиб кўзини жавдиратар экан, талмовсираб турган Юлдузга эски кадрдонлардек қаради ва имо қилди:

“Сен олиб кир буларни. Қозонда нон ёпганман. Ўтирасизлар. Юрақол”.

Юлдуз бошини сараклади.

Қизлар Маккининг устидан кула-кула охири йўлга тушдилар.

– Вой, маза бўлди, кизлар. Чарчоқларимиз чиқиб кетди. Мана шунақа далага айланишга тез-тез чиқиб туриш керак. Менга раҳмат денглар. Юринглар демасам, ҳечам бормасдинглар.

Гулшан билан Юлдуз ҳам ўз кўчасига қайрилди.

– Юлдуз, сенга нима бўлди? Шунча йўлдамиз-у, бир нарса демайсан? Тинчликми? Билмай хафа қилиб қўйдимми? Ё Ёркинлар бирор нарса дедими?

– Йўқ, Гул, ҳеч хафа эмасман.

– Бўлмаса нега ғалати бўпқолдинг?

– Чарчадим, шекилли.

– Офтоб урганмикан-а. Ҳозир уйга кирибоқ бошингга япирмоқ²⁰ боғлаб, битта ухлаб олсанг, очилиб кетади.

– Хўп, яхши қол, ўртоқ.

* * *

Бойбўл чол энди йўқ. Бойбўл чолнинг сўзиям.

Идора қоровулхонасига суяниб қолган уйчаси бўлса Маккисоқовга мерос бўлди.

Бойбўл чол ўлганда идора ичида кўп эди енгил тортганлар. “Бири кетиб бири қолди. Унисиям йўқ бўлса, шу бекор ётган жойларни ўзимга ўтказиб олардим”.

Гулшан ҳам сағалгина енгил тортди ўшанда. Мана энди Бойбўл чол уни кўрса қовоқ уйиб, ер остидан қараб, хурпаймайди.

* * *

Осмон тажанг бир аёлнинг ўйчан нигоҳларини бағрига сингдириб олиб, энди унинг ўзини кузатарди.

“Бўлар энди! Адо бўлиб бўлдим. Ўлиб ўлолмасам, қолиб қололмасам. Ман-глайимиздаги ёзиқлар шунчалик ҳам эвриладими, а? Бунчалик ҳам эзғилайсанми жонимни?! Кўнглимни тоғ билдим. Кўксимниям тоғ қилай дедим. Арзирликмиди? Арзирликмиди?! Дунё дедим. Рангларини кўраман дедим. Нурларида дарахтдек гуркираб кетаман дедим. Ўзи бир пуф дерлик руҳим бор менинг. Қилмиши еб-ичиш, ўйнаб-кулиш бўлган танам ичида қовжираб ётибди. Шунчалик қуриган, енгиллаб қолганки, бу тана савилни осонгина ечиб кетади.

Дунё менинг додимни берди. Дунё деб шу дунёда унисидан ҳам кечиб қўйганман.

Кечалари тушимга кирма, ўртоқ. Қўрқаман. Сувга йиқилганингда, оқиб бора-

²⁰ *Япирмоқ* – қариқиз.

ётганинда нега менинг отимни айтдинг? Ахир сени яхши кўрардим, биласан-ку.

Юлдуз! Мен сени итариб юбормадим! Сенга шундай туюлган! Сенга шундай туюлган-ан! Биров итариб юборгандек бўлган. Балки, сув парилар ўзлари бирлари туртиб-юбориб, бирлари сув тагига тортишгандир сени?! Сен билмай қолгандирсан?! Ҳа, ҳа, шундай бўлган! Юлдуз, ўтинаман, тушларимга кирма... Мени бошлаб кетма сувларга! Чўкиб ўлишдан кўрқаман! Эшитяпсанми, кўрқаман!!!

Гулшан неча соатлаб дераза ёнида тизза билан чўккалаганча қолиб кетди.

Охири ўрнидан туриб, каравотига яқинлашди.

* * *

Бойбўл чол “пуф” деб жонини пуфлади-ю, ўлди.

Сахар соков унинг ўлиги устида нима қилишини билмай увиллар экан, кўчадан ўтаётган биров эшитиб қолиб кирди. Билган-этганлар ҳаракатга тушиб, пешинга қолмай кўмиб келишди.

Уйи, бола-чақаси йўқ одамнинг таъзияси қандок бўларди.

Айтар гаплари жойидалигида гўристон қоровулига кампири ёнидан жой тайинлаб қўйганди. Лекин гўрков зўр келган кунда у жойга ҳам аллақачон одам кўмдириб юборган. Э, кўмилса кўмилибди. Қаерда ётишнйам талашадими?

Чолга девор тагидан кавлашди.

Қабр устида Макки қолди. Бир соатлар ўтиб унинг ёнида яна бирови пайдо бўлди. Бу Туронбой эди. Унинг кўзлари ости кўм-кўк кўкариб кетганди. Юзини баттар бужрайтирганча кеча Бойбўл чол билан бўлиб ўтган сўзлашувни эслар, қулоғи остида чолнинг овози хирилларди.

* * *

Нимагаям сув суғоргани борди. Ҳали буғдойи чанқамаган экан-ку. Нимагадир тентираб борди-да. Бойбўл чолдан эшитмаса қани эди. Эшитгилик, тегишлик жойи бор экан-да.

Ер бошида ҳозиргина тўриб келган суви ариқдан етиб келишини кутиб ўтирган эди, Бойбўл чол пайдо бўлиб қолди. Оғзида бир қанақа хиргойи. Дардинг бўлса, бировларни ҳам эшитаркансан одам. Бойбўл чол мингирласа ҳам гаму ҳасратдан айтарди яна. Кейин у Туроннинг шундай ёнида, ер бошидаги дўнгалакда тўхтаб чордана куриб ўтирди. Сўл ёқларга бирпас қараб турди-да, деди:

– Ўлмаснинг буғдойи сеникидан бўлиқ. Қиҳх.

Уч-тўрт йилки, гап орасида хунук овозда қулиб юборадиган қилиқ чиқарган эди.

Турон йигирма қадам наридаги кўм-кўк буғдойга қараб қўйди-ю, тишини гичирлатди.

– Кўп суғордингми? Бош тортгунча сувни камайтир, қиҳх.

Турон ижирғанди. “Тириклиги бировларнинг бўйнида-ю, экмак-эмгақдан ўргатади”.

Бойбўл чол инкиллаб ўрнидан турди. Соқолига ёпишган мушал ўтни олиб ташлаб, чопони барини кўтарди, кир белбоғига қистирди. Йўлга тушар экан, яна хитоб қилди:

– Ўлмас ўрис бор-ку, қизингни кўрмаган, ваххей. Ҳаромиси ундан эмас.

Турон чолга бақрайиб қолди. Чол уч-тўрт қадам ташлади-ю, яна деди:

– Иккита боланга битта гўр. Мени қара, яримтаман, яримта. Эртага ўлсам битта гўрга қираман. Бор, қиҳх, бир сиқим қоратурпоқ ташлайсан. Тузукми, қиҳх.

Кейинги қулгилари аламга қоришган эди чолнинг. Узоқлаб борар экан, овозини борича қўйди.

*Эшагим чўлоқ бўлди,
Мазгилим йироқ бўлди...*

Турон узун туни билан йўталиб-йўталиб, ютиниб-ютиниб кўксини чангаллаб чиқди. Етти йил бола тилаб етишгани – Юлдузининг туғилганидан тортиб ширингина қизча бўлиб ҳовлида чопкиллаб юрганларигача кўз олдидан ўтди.

Ана, ҳовлида тўйларга кийиб чиқадиган оқ капалакнусха кўйлагида юрибди. Ширин эди, асал эди унинг қизи. Сулув қиз бўлиб балоғатга етганди.

Саҳаргача томоғи чиппа-чиппа бўғилди.

Ўйга ботди.

Кейин... Ўша раста бўлиб тўлишиб турганида ерга қўйгани – кун. Шугина боши бирпасда тушган бунча кўргиликдан тарс этиб ёрилиб кетмагани-чи.

Шаҳардаги дўхтирни эслади. Оғиз-бурнани қонга тўлдирган эди ўшанда. “Эрга теккан-тегмаганини кўриб бермайди улар! Бўлари шу, ёзишган, мана! Ҳомиладор! Мелиссага берамиз, текширади”. “Хўв ит, кимсан сен, менинг қизимни мелиссага бериб текширадиган! Бер дедим қизимни! Бер дедим!” “Ҳой ака, жон ака, биламан, ҳозир оғир, лекин сиз тушунинг, қизингизни эмас, ўша болани текширади, топади!”

Дераза синди. Формали киши чопиб кирди. Кетидан келган иккиси елкасидан босди. Сўкиниш, тепиниш, кичқирдиш бўлди. Охири бошқа йўли қолмагандир-да, каттаси ўшқирди. “Тилхат ёзсин! Қаттиқроқ туриб ёздиришлар! Олса опкетсин! Қизи ўлмаганида ҳозир тиктирардим тикадиган жойига! Ўлиб кетарди, чириб”, деди.

Турон Маккининг ёнида ўтирарди. Гўр устида кечагина бир гап очиб ҳайрону вайрон қилиб кетган чолни ағдариб сўқди, қайта-қайта гўрга тикиб, гўрдан чиқарди. Бу девона чол қаердан биларди-ю, нега ўлариди айтди? Нега?

Хўнг-хўнг йиғлар эди-ю, ёнида Макки бор эди. Гапирганида соқов бор бўлди нимаю, йўқ бўлди нима.

Шомга яқин Маккисоқов ўрнидан туриб икки қатор наридаги бошқа гўрга бориб ўтирди. Туронбой аввалига момосининг гўридир деб қўяқолди. Кейин эса шарт ортига ўтирилди. Нотавон ва манглайи тиришиб кетган Маккисоқов бошқа гўр устида ўтирар, ўзича бир нарсалар дер, афтидан, ўзи билганча дуо ўқирди. Турон ҳам энди ўша гўр устига – қизининг бошига бормоқчи бўлиб турганди. Макки бўладиган ишларни олдиндан билармикан.

Соғлар телба, телбалар соғ дунёда гўрнинг кимникилиги, қаердалиги тириклар-гина керак.

Бир маҳал бўлиб, соқов кетди.

Туронбой ҳам ўрнидан турди. Гўристондан чиқиб, уйи томон гандираклаб юра бошлади.

Осмон тўла юлдузлар унга ҳали чимилдиқ кўрмаган қизининг бўйида бола бўлганлиги ёлғон, янглиш гап эканини айтаётгандек эди.

Бу оламда очилмаган не-не сирлар бор. Уларнинг руҳи осмонни ора-ора йиғлатади. Шунга-да, осмон шамолларга елпиниб олади, тўлиб-тўлиб йиғлайди.

Туронбой катта йўлда ихрай-ихрай кимларнидир бўралатиб сўкиб борарди.

Эртасига саҳардаёқ жарқин²¹ яна бир таъзияга чақирди.

* * *

– Зирк ҳам опкеламиз. Шўлти-шўрвага таъм беради-я курғур.

Шодмонби эрининг, “Хотин кишига бало борми?” деб рад қила-қила охири рози бўлганида эртароқ тадорик кўриб олиш ғамида эди.

– Ҳа. Кейин исирик ҳам узиб келамиз. Кўктошдаги исириклар катта-катта бўлади.

– Исирикни пода йўлидан опкелармиз. Нима қиламиз узоқ жойдан исирик кўтариб? Ана, Юлдуз олиб келгани ҳали турибди. Ундан долчин билан чака²² олиб келармиз. Тоғпиёз ҳам.

– Тоғпиёзни ҳозир олиб бўлмайди. Тугаган. Қоп-моп тайёрла бўлмаса.

Она учиб-қўниб қазноққа кириб кетди. Сал ўтмай икки қизил белбоғ, бир қоп ва бир қопчикда юк тайёр бўлди.

Тоғ сафарининг дараги Юлдузни ҳам севинтириб юборди. Юмушларига уринар экан, хурсанд эди.

²¹ Жарқин – айтиқчи, хабарчи, жар солувчи.

²² Чака – чаканда.

²³ Бавлимоқ – парваришламақ, эътиборли бўлмоқ.

Тоғда сигир-бузоқлар бор. Ўспан қирғизнинг олти ойлик пулини ҳам бериб келиш керак. Туз, ем ташлаб келиш керак. Яна тўрт ой ўтиб, ноябрь бошида мол-ҳол тоғдан қайтиб келади. Унгача хабар олиб, молбоқарни бавлиб²³ турмаса бўладими?

Эрталабдан йўлга чиқадиган бўлишди. Оқшом анжомларни эшик ортига жамлаб шайлашар экан, Шодмонби эрига сўз қотди:

– Бунча юкни қандай қилиб олиб борамиз? Яна юқорига қараб юриш керак.

– Энг зарурларини ажрат. Нима олдинг ўзи? Бирор ойда Ўспан ўзи бозорлагани келар.

– Керакмаси йўқ.

– Билмадим бўлмаса.

– Маккини чақирмайсизми? Қарашиб бориб келарди. Қорини қиламиз. Чақирсангиз, келгунча битта овқатни пишираман. Ёб олиб уйига кетадими, ётиб қоладими, ишқилиб гаплашиб оламиз.

– Ҳа, тўғри, бўлади. Чақириб келаман ҳозир. Сенлар тадоригингни кўравер. Йўлакай бувимниям кўриб келаман. Оқ йўл қилиб берсин. Тўрабекни икки-уч кун ўзи қараб ушлаб турсин. Дарвозани қулфлаб кетамиз. Ҳа, товукларга кўпроқ дон ташла. Сувини янгилаб тўлдириб қўй.

– Ҳа, товукларни Кумушойгаям тайинлаганман.

Юлдуз кўча эшик йўлагини қайта супурди. Эшик олдидаги ариққа ўн марта чиқиб, сув олиб кирди. Кун имилларди. Куёш ҳам оғаётган жойида тўхтаб қолгандек эди. Бир вақт юрагини хапқириб, Маҳкам – бир қопчикни орқалаб – пайдо бўлди. Юлдуз у билан бош ирғаб сўрашди ва дув қизариб ичкарилади. Туронбой ош пишгунча унга қўли билан гап берди.

– Макки, қара, мана бу иккаласиям кетяпти. Хотинга тоғда бало борми, десам ўламан саттор, дейди. Майли, бир борсин, тоғ дегани маза дегани, шекилли-да, буларга. Вой-вой оёғим деб беш кун ётади ҳали.

Туронбоу меҳмонини орада ҳовлига олиб чиқиб майда молларини кўрсатди.

Юлдуз ўчоқ ўтини пуфлаб турган эди. Отаси билан Маҳкамни кўриб ўрнидан даст турди. Унинг юраги гурс-гурс тепар томоғига ширин нарсга тикилиб турарди. Бир ҳарорат жонига тутшиб борарди.

Ниҳоят, ош сузилди.

Маҳкам тонг саҳар келадиган бўлиб, қўлини кўксига қўйиб, Шодмонбига қуллук қилганча чиқиб кетди.

Юлдуз ҳамма ишни ҳар кунгидан чакқон саранжомлади.

Саҳар қоронғисида қишлоқ чегарасидан ўтиб Қирғиз ёқларнинг – Булоқбоши, Кўктош деб айтиладиган томонларига қараб йўлга чиқдилар. Бу йўлдан пешонасига “Олабуқа” деган ёзув битилган автобус ҳафтада бир ўтиб кетади. Лекин унга сира чиқиб бўлмайди. Доим тўла бўлади.

Чапда Говасой сувлари йўл тортганларга терс ёққа оқиб ётарди.

Тоғ сафари Маҳкам билан Юлдузнинг юрагини шу сойлардек тоширар эди. Туронбойнинг елкасига қўнган қопчикдан бошқа ҳамма юкни кўтарган Маҳкамнинг билагида кучи тошиқиб борарди.

– Аяси, Маккиполвоннинг чарчамаганини қара. Ёгани ҳалол бунинг, – дерди Турон қоши билан йигитга ишора қилиб.

Юлдуз йўл юрган сари сой сувлари тоғлар ораликларидан оқиб чиққан майда жилғалардан йиғилганини кўриб ўйга ботиб борарди.

Булоқбошидан ўтдилар.

Тоғлар, тоғлар, яна тоғлар. Бутун борлиқ осуда ва ажиб эди. Тоғ оралаб юқорига юрган сари ҳаво совуқлашиб борарди. Олдинда отаси Макки билан, орқада Юлдуз онаси билан йирик қадамлаб кетаётган эркакларга етишиб юрай деб талпинишарди.

Одамлар молини қамаб кетиб, икки-уч ойда бир хабар олиб кетадиган бир жой бор экан. Отини Кирил деркан. Турон бу жойни хотини билан қизига кўрсатди. Жуда ажаб-ку, ҳамма ёғи тоғ. Биттагина йўлига тошдан тўсиқ терилган. Рўпарасидаги тоққа беш-олти кадам чиқиб қарасанг, тошқўрам орқасида, тоғлар орасида бемалол ўтлаб юрган сигир-бузоқлар кўринади.

– Тавба, худди қутининг ўзи-я. Укам неча йилдан бери Кирымга мол ташлаб келдим дерди. Шу ер экан-да. Дадаси, нега сиз ҳам шу ерга қамаб кетавермайсиз? Ҳозир юк юклаб Ўспан-мўспан қилиб ўтирмасдик. Мана шу ерга келиб хабар олиб кетаверардик.

– Кўп гапирма. Қирғизларниям ризқи бор, билдингми? Соғиб ичади. Бу ерда қолса, молингнинг оёғи синдим, оқсим касал келдими, ўлдими, қолдими, билмайсан. Қани, илдамладик.

Манзилга бирор чақирим қолганда ҳаммалари ўтириб бир қур чой ичишди. Юлдузнинг ва Маккининг кўзлари тобора яшнаб борарди.

Кўктошга кириб борганлари сари осмонни булут эгаллаб, ёмғир бошлаб юборди.

– Калтасой бўйида чайла бор, – деди Туронбой.

Ҳамма Туронбойнинг орқасидан чопди.

Чайла кичкина, бунинг устига ярим томи бузилиб кетган экан. Туронбой хотини ортидан Маҳкам билан Юлдузни чайлага киритиб, ўзи ташқарида қолди. Шодмон-би қўймай эрини ёнига чақирди. Туронбой Маҳкамни тортиб ёнига олди.

Ҳамма бир-бирига яқин турарди. Юлдуз майин титрар, онасининг қўлига ёпишиб олган эди. Маҳкам ердан кўзини узмас, нималарнидир ўйлар, ҳўл бошидан терилган томчилар юзидан сирғалиб тушар эди. Бирдан чайла тепасидаги толчивиқ билан юлғун шохлари орасидан – шундоқ Юлдузнинг тепасидан сув куйилиб кетди. Бунинг кўрган Маҳкам Юлдузнинг устига қўлидаги оқ қопни шошилганча тутди. Сув ерга қопдан нари йўл топди. Отаси мамнун бўлиб, Маҳкамнинг елкасини қокди.

Юлдузнинг юраги дук-дук урар, бу ғалаёнли дукурлар ёмғир куйларига жўр бўлаётганга ўхшарди. Уни Маҳкамдан келаётган ҳарорат иситарди. Юлдуз оламининг нақадар гўзаллигини, умрининг нақадар тотлилигини туйиб, ёмғирлар куйига жўровоз, ич-ичида куйлар, масрур жилмаярди.

Қирғизнинг ўтовига етмай туриб, ҳаммасининг кийимлари қуриди.

Улар энди қотган ва қорт бўлиб қолган қорни ғарч-ғарч босиб, сарғайган қорларнинг кўрпасини минг ёриб, совуққа парво қилмай тоғ бағирларини эгаллаган ям-яшил майсаларни тепкилаб манзилга интилишарди.

Намхуш ўт-ўланлар, оппок, паға-паға булутлар, ўтлаб юрган қўй-қўзилар, бутун атроф Маҳкам билан Юлдузни кутиб олгандек эди. Қўқда учиб юрган бир жуфт қушга термилган Маҳкамнинг юрагида ҳам ўчмас бир олов гурилларди.

* * *

Осмонга узоқ қарасанг, юлдузларнинг шивирини эшитасан. Улар ҳаммага бирдек гапирадилар. Лекин уларни ҳамма ҳам эшитолмайди.

“Маҳкам акам нима қилаётган экан. Балки у гаплашаётгандир юлдузлар билан. Имолаб, ишоралаб. У биздан яхшироқ илғайди юлдузлар овозини. Уларга нималар дер экан. Мени сўраётгандир, балки...”

Юлдуз онаси билан отасининг тўйга кетишларини эшитганидан бери ичига сиғмасди. Укаси бувисиникида.

Бориб Маҳкамни бир марта кўриб келса бўлгани. Майли, агар узоқроқдан кўрса ҳам.

Ташқарига чиқди. Кўча кимсасиз эди. Ёз кунида ҳамма далада.

Маҳкам бу йил уйчанинг олдида беш туп гул экканди.

Юраги ҳаприқиб уйчага яқинлашди. Бу вақтда уйини саранжомлаётган Маҳкам бир сесканиб, ниманидир туйгандек, дераза оша ташқарига қаради.

Қиз қиёғулнинг майин гулбаргларини силаб, кўзларини пирпиратди.

Эшик очилиб Маҳкам пайдо бўлди. У қизни етаклаб уйига олиб кирди. Кичкина танчанинг икки ёғида бир-бирларига рўпара ўтирдилар.

Деворга осилган эски соат эса югурарди.

– Маҳкам ака, бизга ҳеч нарса керакмас.

“Ҳа, тўғри айтасан. Сен очилиб, бундай бўлиб кетибсан. Ҳар куни шу ерда бўлсанг эди”.

– Бир-биримизга тикилиб бир тунни ўтказсак, бир кунни гул териб ўтказсак, оҳ, маза. Кейин ўлиб кетсам ҳам армоним йўқ.

“Кетмайдиган бўлиб келсанг эди”.

– Даламизда ишласак, борасизми? Қарашиб келардингиз.

“Жўхори ўрасизларми? Даданг чақирса бораман”.

– Бунча ҳам яхшисиз?! Сизни яна қачон кўраман? Қачон кўраман, ахир? Кўзларингиз менга кўп гапларни айтади. Мени роса яхши кўрасиз, шундайми? Ҳа, яхши кўрасиз. Сиз оламнинг энг тоза одамисиз. Сизсиз менга қийин бўлади. Тушуняпсизми? Эшитяпсизми мени?

“Мен ҳам сени эҳтиёт қиламан. Бу томонда, хув ана у ораликда бўри бор. Қишда очлигида тушиб келади. Шу ёкка қараб туриш керак. Кечасида кўчада юрмаслик керак.

– Кафтларингиз бунча қайноқ?

“Нега йиғлайсан? Йиғлама. Қара, иккимиз ҳам яхшимиз, мана бундай, зўрмиз-ку”.

– Йиғлама дейсизми? Йўқ, йиғламайман, мана, мана, ҳеч ҳам йиғламайман. Кулсам куласиз. Ана. Кўзингизда ёшми? Шундай ҳам яхши бўласизми? Сочларимни силаган бармоқларингизни беринг, ўпаман. Кўзларимга сураман.

“Сен жуда чиройлисан”.

– Ростданми? Ҳа, хотинлар доим шунақа дейди. Ўртоқларим ҳам.

“Сени жуда яхши кўраман”.

– Биламан, Маҳкам ака, биламан.

“Кўшнингни ёмон кўраман. У алдайди. У ҳамма қизларга гап отади. Сени унга беришса...”

– Ҳа, Ўлмасними? Мен ҳам уни яхши кўрмайман.

“Сени менга беришмайди. Пули йўқ, уйи йўқ дейишади, ота-онаси йўқ, дейишади. Менинг онам зўр эди. Жуда зўр эди, Юлдуз. Уйимиз қаерда эканини билмайман. Мен уни йўқотиб қўйдим”.

– Маҳкам ака, энди нима қиламиз?

“Уйимизни қайтиб тополмадим. Айтайми, менинг дадам ҳам бор эди. Уни яхши эслолмайман. Қанақа эди экан, билмасам. Ойим бўлса жуда чиройли эди. Сенга ўхшаб киприклари узун-узун эди”.

– Қани эди ҳамма каби ота-онангиз бўлганида. Кўнишармиди. Ҳозир айтишга ҳам кўрқаман.

“Қанийди гапира олганимда. Кеча, пакана бор-ку, Зариф, ўшанинг телевизорида кўрдим. Зариф айтиб турди. Битта гапирмаган болани дўхтирлар гапиртиришибди. Бошига бундай нарса қўйиб, қўлоғига думалоқ бир нарса тутиб қўйибди”.

– Ҳа, кўрдим мен ҳам, кўрдим.

“Зўр-а?”

– Зўр, мана бундай.

“Юлдуз, кўзларимга қараб тур, қара. Ерга қарамагин, Менга қара, Ҳа, мана шундай, менга қара”.

– Энди нима бўлади?

“Лекин мен ишлайман. Партком бор-ку, бошига бунақа шапка кийиб, қўлтиғига қора чарм жилд кистириб юрадиган, менга ер берди. Ҳу ана у ёқда. Мен унга ловия экаман. Кейин жавдар ҳам. Агар унинг ерларида яхши ишласам, экадиган уруғ беради. Бундоқ-бундоқ бор-ку”.

– Сиз чарчамайсиз. Ишлайверасиз. Сизни Худодан уялмай ишлатиб масҳара қилиб юрганларни Ўзига солдим.

“Улар ёмон эмас. Яхши. Мўйлов бор-ку, буғдойини янчиб берганимга бир қоп ун берди. Мана, қара. Мен қозонда нон ёпаман. Ширин чиқади. Эртага ҳам келсанг, кулча ёпиб бераман. Ўзингга ўхшаган чиро-ойли бўлади”.

– Мана, қўлларингиз қадок бўлибди. Вой, мана бу ерини нимада кесиб олдингиз?

“Кўявер, ҳеч нарса қилмайди. Қўлларинг бунча нозик. Сен... Қўлларимни ўпма. Қуйдириб қўясан. Жоним оғрийди. Мана бу ерим титрапти, қара”.

– Ҳа, бу ерда юрак бор.

“Бундай-бундай тегиб туради”.

– Чиндан ҳам юрагингиз билан яхши кўрасизми мени?

“Мен сени хоҳлайман. Мен билан шу уйимда... яшайсанми?”

– Мен... Кетишим керак, Маҳкам ака.

“Сенсиз нима қиламан?”

– Сизсиз нима қиламан?..

“Ташқарига қараб келай. Сен кетасан-ку. Одамлар кўриб қолмасин. Бўри подачи ҳам қайтади энди”.

– Ҳа, қаранг, кетаман, ҳеч ким йўқ бўлса бўлди, кетаман.

“Бир марта сочингдан ўпсам майлими?”

– ...

“Сочларингда атиргулнинг ҳиди бор. Кейин мана бунақа ўт бор-ку, чой ичадиган, хув ана, тепада боғланган, ўшанинг ҳам ҳиди келади. Кўзларим юмилиб кетади”.

– ...

“Мен билан қолсанг нима бўлади?”

– Кетдим, Маҳкам ака. Индинга яна келаман. Ҳа, иккита қоронғи бўлиб иккита ёруғ бўлганда, икки марта ётиб тургандан кейин пешинда, қуёш тиккага келганда келаман, майлими?

“Кел, кел. Келмасанг, мана бу ерим оғрийди. Касал бўлиб қоламан. Ўлиб қоламан”.

– Одамлар кўриб қолмаса бўлди.

“Дўнгламанинг ёни билан юрсанг, кўришмайди”.

Юлдуз масрур ва мағрур эди. Тоза юрагини яна тозартган севги ҳароратидан, тотидан сархуш, кўзлари сузилиб-сузилиб, қадам сайин гўзаллашиб борарди гўё. Соё устидан ўтганда ўзининг аксига қараб, хира кўрса ҳам жилмайиб ўтарди, ҳар галгидек.

Сандиғи тўла сепи бўлгунча юраги тўла эпи бўлсин. Бу йўлларда нимқоронғи тугул кундузи юриш ҳам ҳаммага эмасди.

* * *

Ўша кун эркаклар ҳам кўп йиғлади. Тобут кўтариб, қабрга тупроқ ташлаб йиғлади. Уйида қолган кексалар ўқиниб, бир ачиниб, бир лаб тишлаб ўтказди кунни.

Макки эса...

Макки ўз уйида эди. Унинг биттагина дўсти, меҳрибони, таягувчиси, суягувчиси, яшатгувчиси – қўлбола уйи бугун унинг эгасини фарёд қилиб турганда бутун дунёдан яширмоқда эди.

Макки ўртаниб-ўртаниб, эмраниб-эмраниб, ўксиниб-ўксиниб, қайғуриб-қайғуриб йиғларди. Гапиролмайдиган гапларини гапириб-гапириб, ҳеч ким тушунмайдиган кечинмаларини ўқирикларига орқалатиб, анг-анг овоз қилиб фарёд чекарди.

* * *

Олислардан эса қўшиқ эласларди:

*Энг биринчи ва сўнгги
Муҳаббатим эди бу.
Армонлари узун экан...*

Ўша шўришли кун саҳардан дарвозани тақиллатган Юлдуз сувга тикила-тикила кўзлари ёниб-ёниб дунёга сиғмай-сиғмай тўлиқарди.

– Кетдик, сув бўйида ўтирамиз, Гулшангул. Битта гап айтаман. Ҳеч кимга айтмайсанми?

– Йўқ, айтмайман.

– Менинг эрга текким келяпти.

Гулшан оғзини очиб қолди. Шу билан ичида, нақ қовурғаси остида бир нарса зирқ этди.

– Ростдан, ростдан. Эрга тегаман. Нимага, айтайми? Кўргим келяпти уни. Ҳар куни, ҳар куни кўрсам. Тегаман унга. Ҳали ҳамма мени алланималар дейди, момоларим қарғайди, онам уришади. Сен ҳам жинни бўпсан дейсан. Барибир мен тегавераман. Унинг уйида яшайман, Гулшан. Яшайман. Маза қилиб яшайман. Менга қараганида, биласанми, кўзлари нималар деди? Биласанми? Билмайсан-да. Кўзлари жуда яхши кўришини, мени ёмон нарсалардан эҳтиётлашини, ҳамма нарсани айтди. Ҳа, айтди. Сенга буни тушунтириб беролмайман. Юрагим куяди, Гулшан. Юрагим куяди!

Гулшаннинг томоғи қуриди. Кўзлари аланг-жалаңг бўлди.

– Мен унинг олдига бордим, Гул, бордим. Дадам билса ўлдиради. Ўўўлдиради! Майли, ўлдирса ҳам тегаман.

Гулшаннинг ичкалари айланиб кетди. Қорни тошдай қотиб, ичида қайдандир кириб олган қўрғошин бўлаги тўхтаб қолгандай бўлди. Бошига темир болға урилгандай бўлди. Зиркироқ товонигача тушди. Кўзидан олов чиқди.

“Мен бунга ҳамма сиримни ишониб айтаман. Бу бўлса писмиқлик қилади. Мана, ишни пишириб бўлди ҳамки, ўзини гўлликка солади. Жодугар!”

Тинглаётган кизнинг қўллари титрарди. Бутун борлигида ёшликнинг аёвсиз шиддати тўлиқар, ичи ёнади. Бу аёвсиз аланга эди.

“Ўлмасни кўрсам кўзимга ўт киради, Юлдуз билан тўйи бўлади десалар, кўзимдан ўт чиқади. Ўлмас менга мос. Менга тўғри келади.

Юлдуз! Уч ойки сир бермай писмаяди. Уч ойки, ўт юлиб келишга борамиз деса мингта баҳона қилади. Уч ойки далага кичкинагина қариндош жиянини опичлаб боради. Ҳа-а. Ўтган ҳафта Ўлмаснинг ери томондан келаётганини кўриб қолди-ку. Ҳар куни Ўлмас велосипедда ўт олиб келади. Кейин яна ер суғоргани кетади. Яшириб нима қилади? Ўша дала ёқларда ажи-ажи қилишиб юрган-да. Маккорлигиничи! Ўлмас шунга муносибми? Сабоҳатнинг тўйида Юлдуздан кўзини олмади. Вой аҳмоқ. Имо-ишора қилиб ташқарига чақириб ётибди-я. Вой аҳмо-оқ! Лекин Юлдуз чиқмади. Қайрилиб ҳам қарамади. Қарамайди-я қарамайди, душманкўзи қилади-да. Сир бермагани билан кечда укасидан суриштирганида, “Сизларникида бўлмаса Дилоромникидадир”, деди-ку. Ўша ёқда эди. Агар уйдагилари билса, бўлиб турган тўй ҳам тўхтаб қолсинми?”

Ўтган икки кеча кўзига уйқу келмаганди Гулшаннинг. Раҳиманинг тўйида Ўлмасга шаъма қилгандек бўлди. “Юлдуз бўлмаса, бошқа яхши қизлар ҳам бор”, демоқчи бўлди-ю, шунга яқин нимадир деб ғудранди. Лекин йигит уни эшитмаганга олди.

Умидини узолмади. Умид қилди. Юлдузга бирор йигит гап отиб, ортидан келса, эшигида кўпроқ айланса-ю, шуларнинг гапи чиқса. Кимлар келарди-я эшигига. Кимлар ўлдим-қуйдим қиларди Юлдузга. Ҳаммаси Ўлмасни деб тирқираб кетганми? Энди нималар қилса экан. Нима қилса ундан Ўлмасни узоқлатса бўлади? Ҳа, узоқлатиш керак. Ҳали ҳеч нарсага кеч эмас.

Кейин эса...

Имкон эшигида худбинлик исён қилди. Сўнгги дафъа, сўнгги нафасда ўзига-ўзи эгалик қилолмади.

Осмон сой сувларини ҳар баҳор шундай тоширарди. Бариси унинг ихтиёрида эди.

Қизлар ҳам, йигитлар ҳам сой сувлари кўпайган кўкламда бир ўзгариб бир тўлқинланиб қолишарди.

Гулшан Юлдузнинг қўнғироқ овозини охирги марта шундай кўкламда эшитганди.

“Торт, қанжиик!!!”

Гулшан ич-ичидан келаётган йиғини тўхтатолмай ҳаприқди. Нимадир кўксини ёриб чиқмоқчи бўларди.

“Юлдуз! Бу ютқизикни ютолмасам, нима қилай?!”

Сен кетдинг.

Сен хургина кетдинг. Гуноҳсиз эдинг, гуноҳсизлигингча кетдинг.

Сени итариб юбормадим! Йўқ! Мен сени ушлаб қолмоқчи бўлдим. Шакартўқилди кўйлагингдан тутиб қолмоқчи эдим. Ҳа, тутиб қолмоқчи бўлдим, холос.

Ҳа, ҳа! Сен сирпаниб кетдинг. Сувпаридек эдинг-ку, ахир ўзинг! Ўшаларга қўшилиб кетдинг-да, Юлдуз! Биз дугона эдик. Сирдош эдик. Ҳамма бизга ҳавас қиларди. “Мунчаям бир-биридан чиройли кизлар”, дерди. Эсингдами?!

Сен... Сен...

Яшагинг жуда ҳам келганди. Яшамоқчийдинг!

Нега мен кўнгил берган одамга сен ҳам кўнгил бердинг?! Нега?!

Менинг ёнимга келиб нима қиласан, Юлдуз? Мени омон ҳам, беомон ҳам қўймайсан. Нима қил дейсан? Мана, сендан кейин қанча кун ботди, кун чиқди.

Сувпарилар йўқ дейди хотинлар. Ҳамма шунақа дейди! Қани йўқ бўлса!

Балки, йўқдир.

Йўқ!

Мен кўрмадим уларни! Сен ҳам улар орасида йўқ эдинг! Ҳа, йўқ эдинг! Ҳаммаси тушимда эди! Тушимда! Мендан юз бурдинг. Сочларинг юзингни тўсиб турганди. Сен сочингни орқага ташламадинг, юзларингни очмадинг. Лекин қўлимдан тортган кизларнинг қўлини силкидинг-да, ўзингга тортиб, етаклаб сувга кетдинг. Ҳа, учиб кетдинг, ҳавода сузиб кетдинг. Уларга эргашгани қўймадинг мени! Нега?! Азоблар-да кўпроқ қийналсин дедингми? Баттар бўлсин дедингми?

Ҳа, ҳали бу дунёда гулдай ўн саккиз ёшида қилиб қўйган иши учун жавоб беролмай ҳам қолар, дедингми? Азобини тортар дедингми? Шундоқ ҳам кўрган куни азоб дедингми? Қўй, унгача шу дунёда юраверсин дедингми?

До-од! Дод! Мени азобларим устида яна азоблама, Юлдуз!”

Аёл ёқасини йиртиб чок қилганича уйи остонасида, шундоққина ойна олди-да ўзини кўтариб ерга урар, ўкириб йиғларди. Унинг кўксидagi куйиқлар тобора кизиб-ёниб борарди.

* * *

Шаҳарнинг озода ошхонасида келишилгани бўйича йиғилган уч ўғил ва уч келин, маза қилиб суҳбатлашишар, болалари чуғурлашиб ўйнашар, таомланишар, шарбатлар ичишарди. Ўғиллар ўзаро оталарига ўхшаб қолмаслик учун ёқа тутиб гапирсалар, келинлар ҳамма нарсаси бўлса ҳам ношукур, касал бўлиб касалмас, соғ бўлиб соғмас қайноналарига ўхшаб қолишдан Худо асрашини сўрашарди.

Соат янги кунни бошлаётган кечада уйга қайтган ўғиллар эшикни тақиллата-тақиллата охири бузишди. Она ҳеч бир хонада йўқ эди. Ювиниш хонасида эса шариллаб сув оқиб ётарди.

Иложсизликда бу хонанинг эшигини буздилар.

Онани кийим-боши билан ваннага чўзилган ва устидан сув қуйилиб ётган ҳолда топишди.

Яна касалхонада ўзига келган аёл ўтган кечани эслашга уринди.

Уйқулари кейинги вақтда анча тинч эди.

Бу кеча ухламасдан эрини кутиб олмоқчи бўлди. Бугун келаман деган. Курук келмас, Янгибозорда мато сотишга ўтганига кўп бўлди-ку. Кела қолса эди. Энди кими бор ўша яримта эрдан бўлак. Ҳар галги иши – бирор чиройли қўйлақликми, бошқа энгилми олиб келса, шунга чалғир. Ишқилиб олиб келсин. Шу дунёнинг ҳашамлари ҳаммаси одамни чалғитиш учун-ку. Яхши-да. Тиктиргани боради. Чевар билан сўзлашади. Журналини варақлайди. Посон танлайди.

Аёл шу аччиқ умид билан эшик пойларди.

Шу чоғда эри шаҳардаги уйида ёнбошлаб футбол кўриб ётарди. Қариган сари қуюла бошлаган, лекин шаҳар уйидаги болалари катталаридан ширин, ёқимли бўлиб чулдираб турса, кичик хотин иззатини жойига қўйса, қишлоққа қайтгиси келармиди. Чимирилган, пешонаси тириш, доим норизо, доим хаёлпариишон Гулшанининг юзини кўз олдига келтиришни-да истамаса, суймаса.

Ўлмаснинг шу ҳаваслидек ҳаётида, хотира ҳаёлида ўша ёшлик кўнглини ёритиб ўтган Юлдуз севгисигина йилт этарди. Қолганлари шунчаки нафси саркаш изми, шу дунёнинг боғловлари, Яратган бир-бирига ўтказиб қўйган ҳалқалари эди.

* * *

Осмон эса ҳаммасини бирдек кузатарди.

Унга ҳамма бир эди. У ҳеч ким тараф бўлмасди.

Бир тараф бўлиб олиш китобларда бўлади.

Лекин ерда бировга ёмғир керак, бировга куёш. Бировга олов керак, бировга шамол. Бировга сув керак, бировга ўт. Ҳаммасининг ҳукми эса кўкда, Ўзининг кўлида. Бировнинг шамоли бировнинг ўтини ёқади, бировнинг ўти бировнинг сувида ўчади.

Гулшан дунёдан истаганларининг кўпига етган эди. Ёлғондан бошланган турмушда энди минг марта рост сўзласа ҳам, бари ростларнинг ип тортими учлари ўша ёлғонга туташарди.

Куриб кетсин ҳаммаси. Ана, соат энди ўн бўлибди. Ҳали биргача уч соатлаб вақт бор. Яхшиси – ухлаб қолмаслик, ғафлатга кетмаслик. Босинқираб қичқириб войвойлашлари билан набираларини ҳам кўрқитиб юборади. Бунақа вақтда эри тузук эди. Ҳеч йўқ туртиб уйғотиб қўяди-да, битта хунук уф тортиб, орқасини ўгириб ётиб олади.

Кеча кўлига олиб ўқигани, нажот излагани – дуолар китобини қидирди. Ҳа, мана, тоқчада экан.

Қисмат китобининг варақлари эса коинот шамоллари айлангани сайин у юзидан бу юзига шитирлаб аста-аста алмашиб борар, заминнинг юзини босган одам кирди-корлари шамолларда олис-олисларга учиб кетгандай, ёмғирларда ювилаётгандай, ҳамма тубанликлар унутилиб кетаётгандай бўларди. Шунда неки бир таскин, неки бир юпанч оҳор каби борликқа сепилар, йўқса бу одамзорнинг иши баттар оғир бўлар, фасод боғлаб маддага айланар эди.

* * *

Қиз ихтиёридан ташқари йўлларда ўлим сари борарди.

Бугун уйидан тошиқиб чиққанида шу йўлга тушганини билмаган эди у.

Қиз тенгқурига қалбининг энг тоза жойларида унган севгисининг суруридан сўзламоқчи, худди муҳаббат тотидан боши айлангани каби, унинг таъмидан хабар бермоқчи эди.

Олис-олисда туриб қалбига ширин озор солган ўша йигитни кўрганидаги кўнгил ғалаёнларидан сўз очмоқчи эди. Муҳаббати – оғир гуноҳ, муҳаббати эшитганни ҳайрон этадиган, лол қиладиган, охири, “Тавба, шунақаси ҳам бўладими?” деган бир нодон хитобга элтадиган қисса эди.

Одамлар Ғовасойни жуда ёмон кўриб кетдилар. Биров деди: “Четига панжара қилиб чиқиш керак”. Бошқаси: “Қалин қилиб итбурун экиш керак”. Яна бири: “Эсингиздами, Ғанихон раис водопровод сув опкеламан”, деб қанча уринди. Ўлиб қолмаганда опкелармиди. Ҳозиргиларнинг қиттай иши йўқ”.

Ҳовлиларда хотинлар, кампирлар, гузарларда чоллар ўт бало, сув балолардан омонлик тилашарди. Сув балонинг яқин ўн ё йигирма йилдаги солган офатлари, кўргиликларини эслаб куюнишар, ёши кичикларга ўгит беришарди.

Сувнинг ўзи-да бу ёмон фожиани сезгандек, энди ўзи сув бўлиб туриб, бу ишларни нима билан ювмоқ ҳақида бош қотираётгандек эди. У одамзод тушунмайдиган тилда сурон солар, агар қўллари бўлганида Дамарикқа машиначасини ювмоқ бўлиб тушиб кетган Юнус болакайни ҳам, курт маҳали бир боғ тутнавдани кўтараман деб сойга оғиб кетган Раҳмонни ҳам, икки челақни сув учун олиб чиқиб, челақларию бир пой шиппаги қолиб ўзи оқиб кетган Мастура келинни ҳам ўзи, ҳа-ҳа, ўзи сал наридаёқ кирғоққа олиб чиқиб қўйган бўлишини айтарди. Ўша куни Юлдузни кўтариб уришни истамаганини, кизнинг ўзи сувга қараб қулоч ёзганини, сув эса иложсиз қолиб, азал йўриғига юрганини айтарди.

Сув яна бошқа бир нималарни ҳам айтарди.

Ўшандан кейин Гулшан ҳовлисининг сойга қараган катта дарвозасидан эмас, бувиси томонга очилган пастак эшик орқали орқа йўлдан қатнаб юргани, сувнинг кўзига кўринолмайд қолганини айтарди. Сувсиз ким нима қила олади? Сув шуни

ҳам айтарди. Бошинга не бало келса бировданмас, ўзингдан дейди-ку одам. Сув шуни ҳам айтарди. Яна кў-ўп айтарди.

Гулшан қурча ўртоғини тинглаганида эди, чин сирдош бўлганларида эди, “айт, айт”, деб қайта-қайта сўраганида эди, қисталанг қилганида эди, ҳаёли бўлинмаганида эди, шунча йиллар бирга ўсган тенгқуридан Ўлмасни қизганмаганида эди, Юлдуз ширингина муҳаббатини унда кечирган новвот кунларини, етиша олмаслигига кўз етгани сари қалбидаги боғлов янада зичлаб, куч олиб бораётганини, уни учратмокка, тасодифан учратиб қолмокка, уни атай бориб кўрмокка, янги очган кичкинагина экинча ерида ишлаётгани вақтда атрофида бўлмокка, унга ёрдам бермокка қанчалик интиқ, мушток эканини айтарди. Йигитнинг олис ёлғизоёқ йўлда Юлдузни кўрганидаги шодлиги, севинчи, қиз то етиб келгунича типирчилаб ўзини қўярга жой топмагани, юзига шошинкираб тикилганидаги оташ чўғда қолган кўзларидан ўқиганлари – болдай севги, аянч, ўкинч, шафқатни – ҳаммасини айтарди.

Агар ҳеч бирини айтмаганида ҳам, бир марта бўлсин, “Ўлмас унинг тирноғигаям арзимади”, деб ҳаёлида кечганлари оғзидан чиқиб кетарди. Шунда Гулшаннинг кўзлари яраклаб очилармиди. Эртаси, индини дугонасини изма-из пойлармиди, уни Маккининг қулбачасига кириб кетгани ё чиқиб келганида кўриб қолармиди. Маҳкам билан Юлдузнинг хуфия кўришишлари ҳақида Бойбўл чол билганчалик бўлмаса ҳам, унча-бунча хабар топармиди. Бойбўл чолнинг мингирлаб кўшиқ қилиб айтганларига қулоқ солиб, Юлдузнинг афсонадан бери бўлмаган севгисию шу севгига сабаб бўлган йигитнинг кимлигини билиб қолармиди. Қулгидан ичаклари узилармиди. Ҳахолаб-хахолаб бу тентак дунёнинг ёмон ҳам телбалигига амин бўлиб, “севармиш-а”, деб ким кўрганга айтармиди. Ҳаммасига, “Бировга айтманг-у”, деб чиқармиди.

Аммо бу муҳаббат эди. Тоза, пок-покиза, ҳарирдек нафис, ипакдек юмшоқ, гулдек гўзал, шабнамдек латиф, тоғдек улкан, асалдек тотли, яна нима-нималардек эди. Ҳа, ҳамма гўзал ва уйғун нарсаларга ўхшарди унинг севгиси.

Ахир муҳаббатдан пайдо эди-ку бу олам.

“Ўртоқжон, ўзингдан қолар гап йўк”.

Бироқ иккисининг ҳам қолар гапи бор эди.

Қолар гаплар шундай кўп ва бутун эдики, айтаберса дoston бўлгудек. Гаплашиб ўтираман деб бир-бирига сир ишонган аёллар ҳам энг ички сирларини бировларига айтармидилар. Энг устки сирларини айтиб, бировга ишонганларида ҳам, шу арзимас сирлар ёйилиб кетганида аразлаб юрадилар.

“Юлдуз, мени кечир! Балки, сен мендан ўч олиш учун тирилиб келдингми? Ўлиқлар ичида йўкмисан шунда?

Йўғ-э. Йўк!

Сендан кейин кун кўрдимми? Қайси кунни айтай? Кечаси тушларим бузилганида додлаганим учун Ўлмаснинг ижирганиб қарашларини, тонгдан ковоқ-тумшук қилишиними? Топган-тутганига ёш хотинига уй олиб берганиними? Ундан ҳам иккита болали бўлиб олганиними? Одамлар тўйларда менга ачиниб қараганлариними? Эримнинг менинг ертўладалигимдан беҳабар, уйда йўк деб ўйлаб телефонда, “Нега сени эртароқ учратмаганман-а?.. Менга қанчалик қийинлигини биласанми?” деб ёш хотинига вояйло қилганлари куниними? Эримнинг мени ҳеч нарсани билмайдиги, деб ўйлаб неча йил сурган даври даврониними ё ўзимнинг ҳамма нарсадан ҳабардорлигимни қанча вақт яшириб олов ичида юрганимними? Онамнинг вафоти кунни биттагина куёв бўла туриб эшикда бел боғлаб туриш ўрнига қайноғасининг тўйида машинаси билан хизмат қилганиними?

Ота уйимга чиқишни истамаслигимними? Синфдошларимизнинг гапига ҳам очилиб бориб-келолмаслигимними? Гул умримни тор тувакда қисилган ниҳолдек рангсиз қилганимними?

Кулиб қулмаганим, яйраб яйрамаганим, очилиб очилмаганим.

Юлдуз, менинг тунларимни адо қилган – сенсан. Кўзимни юмдиргани кўйдингми? Бутун умримда! Ҳар кечамда бор эдинг сен! Сувпарилар билан бирга қаршимда бино бўлганинг-бўлган. Устимдан қуласан. Қулаверасан. Қўлимдан тор-тасан. Сойларга бошлайсан. Ҳа, кўзларинг, сочларинг шишадек бўлса ҳам мен сени танийман, Юлдуз! Минг-минг парилар орасида бўлсанг ҳам таниб оламан.

Ўша эшитганим ростми? Сувпарилар сувда ўлган қизларнинг руҳидан бино бўладими, Юлдуз?”

Ховлини аёлнинг аламли фарёдлари босиб кетган эди.

“Нимасини айтай энди? Чўмилгани борганимда кўзимга кўриниб белимдан кучганинг, дугоналаринг билан оёқларимга тушов солиб қимирлатмай қўйганинг, сув тагига тортқилаганинг.

Нима қилар эдинг? Сувга чўктириб, ўзинг билан олиб кетармидинг? Ўзинг каби шишакўз, патоёқ қилармидинг?

Гулшан ховли ўртасида ўзини телбаларча кўтариб урарди.

“Юлдуз! Кўрган кунимни сен ҳам кўриб турибсан! Мен адо бўлганман. Сен эмас, мен ўлганман! Мен! Бундан ўлганим яхшимасмиди?!

Ахир сен у ёқда маза қилиб юрибсан, Юлдуз. Мен бўлса ит кунини кечирыпман. Дооод!!!

Тутантирикка ўхшайман. Шу ўтар-кетар дунёнинг, ховучгина жонга бунча кўп ғалва солган дунёнинг тутантириғи. Юлдуз! Бир кун лов этиб ўт оламан-у, кул бўламан. Бир ховуч кул, йўқ бўлиб кетаман!

Қандай яшадим, қандай кун кўрдим? Бирор ўлчови борми кўрган кунларимнинг?

Эшикдан кирдим, гурбатга ботдим, дарчадан чиқарим ҳам тайин, елкамда шунча юк билан. Қандок чиқаман ахир? Қандок? Сен бор эсанг эди, сен ўлмаган эсанг эди, қарзимни берардим. Ўша... узиб бўлмайдиган қарзимни. Барибир берардим. Қандай қилиб дейсанми? Билмасам. Билмасам!

Юлдуз! Мен Худога элтадиган китобларнинг ҳаммасини ўқидим. Ичим таскин топсин дедим. Оловларим ўчсин дедим. Лекин улар мени атиги шу кунгача олиб турди. Ҳайкирмай шу бир сиқимгина йилларни яшадим. Ҳа, энди болаларга ҳам кераклигим йўк. Энди яшаб бўлмайди.

Юлдузой! Шошма мана, кетингдан чиқаман! Бораман! Сой бўйигами? Албатта, бораман. Ким қай ҳолда ўлса, қиёматда шу ҳолида тирилarkan. Чўкиб ўлишим керак. Чўкиб ўламан. Ҳа, чўкаман. Шунда сен билан бир жойда тириламан. Сен ёнимда бўласан. Шунда сенга умрингни бераман. Ҳа бераман!!! Нима қилиб ҳам бўлса бераман!!!”

Сув тошқинланиб оқарди. Шовулларди тинмай. Сувнинг садолари фақат оқиб турган жойларидагина сочилар эди. Борлиқдаги бардавом ҳаёт овози эди бу садолар.

Сув ҳамон ўша, мангу ва ҳам ўттиз йил аввалги суронларини солиб баланддан пастга ўрларди. Ўзи билан ёнма-ён то далаларгача кетадиган йўл бўйидаги уйлардан ҳали ҳам одамлар чиқиб, челақларида сув олиб кириб кетишарди. Ёш ва сулув қизлар сувга чакноқ кўзларини тикишар, нозик бармоқларини сукиб, юзларини чайишарди. Бировлари айниган тушларини айтишарди. У ҳаммасини кўтарарди.

Кейин тўғри омборга борарди. Сувнинг уйи янги, салобатли, тартибли эди. У ерда қайсидир кун бир ёқларга бошлашларини истаганча, кулдек ишлатишларини кутиб, шовуллолмай, овоз чиқаролмай жимирларди сув. Эмин-эркин яшаган одамнинг кенг ховлисини бузиб, ўзини янги қурилган қават уйга киритганлари қандай бўлади? Сув ҳам то одамлар ўзининг улкан эҳтиёжини қондиришга йўллагунича омборда ночор тебраниб тўсиқларга бош урмоққа мажбур эди. Бу ерда у шамоллардагина чайқалар, кунларини шамолни кутиб ўтказарди. Аввалги – бориб-бориб Сирдарёга қуйилган ерлари энди қақраб ётарди.

Бу сахар ҳам сувнинг чап юзида, авваллари кимсасиз дашт бўлган тепа ёқда қаторлашган уйлардан уч-тўрт келинлар иккитадан челақ кўтариб сойга яқинлашишди. Қўл узатиб хўшлашишди. Бирови ховли супуриб бўлганини айтса, бириси ҳозир нўхат ёйганини сўзларди. Бириси эғнидаги янги қўйлагининг бозордан қандай келганини гапирарди.

Келинлардан бирининг кўзи хув нарида сувнинг бошқа юзида ўтирган Маккига тушиб қолди.

– Ие, соқов-ку, ўшами? Ҳа, ўша. Яна тутқаноғи тутибди, шекилли.

Маккининг соқовлиги кўпларга унинг тентаклигиниям билдириб қўя қоларди.

У бошини бирдек тебратиб инг-инг овоз чиқарар, ўзича нималардир дер эди...

– Қаранглар, мен шу соқовдан роса қўрқаман. Жинни-гинни бўлиб кўчамиздан ўтиб кетади.

– Ростдан, сизларнинг кўчадан ўтадими? Вой-эй, якка учраб қолса ўлиб қолсам керак.

– Эрталабда нима қилиб юрганикин. Сувниям ҳаром қилади. Яхшиям нариги бетда экан, бўлмаса сув ҳам олмасдим.

Макки сув бўйида юрар қўлини олдинга чўзиб, худдики биров билан сув бўйлаб етаклашиб юргандек силтаниб, кейин узун йўл устига чиқиб ирғишлаб ўйнаб кетарди. Бирдан қўлларини икки томонга ёйиб, осмонга қараб айланарди. Салдан кейин эса ерга мук тушиб ўтириб олар, икки қўлини муштлаб оғзига тутганича инграб йиғларди.

* * *

– Анча ғалати-да шу Макки. Ўтган гал шу ердалигингизда ҳам эшигимга келиб олганди, опа. Бугун яна келибди. Бир нарсалар дейди. Тушуниб бўлса ўлсин. Зўрға ҳайдавордим.

Гулшаннинг ичига титроқ кирди. Лаблари пир-пир учди. Ўзини кўярга жой топмай ўнғайсиз бўлди.

Чой қуйиб узатаётган келини укасининг гапига қўшилди:

– Ўзи нима керак экан унга? Телбалиги баттар ошиб, энди чин жинни бўлиб қопти, шекилли-а? Сувтошқинда кўзийди-да жинниларники.

– Ким билсин? Илгарилари, опа, эсингиздами, ҳамманинг ишига қарашиб юрарди. Қўрғончамизнинг деворини урганимизда охиригача деволчиларга кесак ташиган. Энди бўлса гўристонларда изғирмиш, кечалариям қолиб кетаверармиш. Жума кунидан бошқа куни доим ўша ёқдаймиш. Момосининг гўри атрофида айланса керак-да.

Гулшаннинг ранги қум ўчди.

Укаси идорага яқин жойда уй солиб кўчиб чиққан.

Гулшан қўрқади Маккидан. Нега ҳамон? Нега неча ўн йиллар ўтиб ҳам қўрқади? Кўрса титрайди? Рост, ўша ёш пайтида икки-уч марта ортидан қувгандек бўлган. Аранг қочиб кириб дарвозасини ёпиб олганди. Аммо, назарида, Макки у вақтларда телба эмасди. Туппа-тузук йигит эди.

– Қош-кўзлари қоп-қора, бир яхши йигит эди-а?

– Билмасам. Қариди шу шўрлик ҳам. Бойбўл чол тиригида иккиси бир гўр бўлиб, бир-бирига ҳампо эди. Чолдан кейин баттар увол бўлиб юрибди.

– Идоранинг орқасидаги Потма кампир бор-ку, молхонамизнинг деворидан нарёғи шу кампирники. Ўша ҳар куни овқат чиқараркан.

– Ҳа, бўлмаса аллақачон ўлиб кетарди-ку.

– Эй, ану куни тоғам айтадиларки, гўр билан гўрнияма фаркига бормаи қопти. Момосининг гўри қолиб, бошқа бир гўрнинг тепасида ўтирибдйкан.

– Дўстмат ота олиб кетаман деб идорадагиларни уйига олиб чиққан экан, ҳаммасини олдига солиб калтак кўтариб қувлаганмиш.

– Ҳа, бу биринчи марта эмас-ку.

Қоронғи кечада Маҳкам Ғовасой бўйида ўтирарди. У оҳиста-оҳиста тебранар, сойда уни гўё масхаралаб сакраётган балиқларни санаётгандек бармоғи билан кўрсатиб-кўрсатиб кўярди.

* * *

Тонг ёришаётган чоғда Маҳкам идорага ёнбошлаб қолган уйчадан чиқиб, юлдузлар тобора хиралашаётган осмонга термилди. Ҳар куни чиқиб ўтирадигани –

харсангтош устига бошини қўйиб кир босган чопони енгига жағини тираганча хириллади. Шу туришида у жуда аянчли ва ҳатто қўрқинчли эди.

Бир оздан сўнг Маҳкам ўрнидан даст туриб, оёғидаги қийшиқ этигини судраганча тез-тез юриб борарди. Қилғиликлари биров билан етаклашиб кетаётгандек кўрсатарди уни. Кўзлари ялтирарди. Баъзан ғалати ирғишлаб қўярди.

Йўл сой бўйига элгарди. Сойга яқинлашган сари Маҳкамнинг қадами тезлашиб борарди.

Маҳкам бирдан чопиб кетди.

Бомдоддан кейин кўрпачада ёнбошлаб ўтирган укани хотинининг дод-войи чўчитиб юборди. Дик туриб ташқарига йўналди.

– Опам жойларида йўқлар! Дарвозаям очик!

Ука ҳар куни саҳарда очадиган кўча эшикка бугун бормаганини ўйлаб, ялангоёқлигича уйдан чиқди. Супадаёқ хотинига бақирди

– Ваҳима қилма-эй! Таҳоратхонададирлар! Катта уйниям қара!

– Йўқлар дедим-ку, йўқлар!

– Қаёққа кетадилар?!

– Билмасам, жойлариям совуқ!

– Турган заҳотинг қарасанг ўласанми?

– Қараганимга айтяпман-да! Мунча гангийсиз?! Боринг, катта йўлга чиқинг! Касаллари кўзиган бўлса, бир ёққа кетвормасинлар.

Эр-хотин кўчага чиқиб ҳар ёққа аланглашарди.

Уйдан икки юз кадам нарида, далалар бошланишида эса сой бўйлаб Макки чопиб юрарди.

Кунчиқар уфқи қизариб келар, сойнинг яримдан камроқ суви шовуллаб бирдек оқарди.

У сойнинг ёйилган жойида тўхтади-да, бирдан ўзини сувга отди ва қулочкашлаб суза бошлади. Ана шунда юқоридан оқиб келаётган бир гавдани тутиб олди. Судараб кирғоққа олиб чиқди. Ётқизди, ағдарди. Оёқларини силкитиб оғзидан сув чиқишига қараб турди.

Бир оздан кейин тўрт-бештача одамлар чопиб яқинлаб келаётган маҳалда Маҳкам кунишиб олганча узоқлаб кетди. Ўзини кўринтирмаслик учун зовур ичига тушиб олди.

* * *

Уч кун ўтиб аҳволи анча ўнганган Гулшан касалхона деразасидан ташқарини кузатаркан, ерпарчин бўлган кўнглининг изтиробларини ичига ютиб, жисми каби мажолсиз хаёллар сурарди. У бу касалхонанинг кўп хоналарида ётиб чиққанини ўйлар, хижолат чекиб лаб тишларди.

Яшаб яшалмаган умрнинг кунлари бир қараса, бир тутам, бир қараса минг аср. Умрини қилғиликлар пушаймони, изтироби асрларга тенглаб, дардларга қориштирарди. Ҳу ўша аввалдаги эзгу хаёллар тоти эса кўнглидан кетмасди.

* * *

– Бориб ўлдириб келаман! Жинни! Ифлос!

– Нимага давлат шунақа жинниларни жиннихонага тикмас экан-а. Ўзи илгаритдан онамни кўрса қувади. Жиннилиги тутати.

– Дадаси, барибир тушунмадим-да, ойим кўприкдан нарисигача оқиб борганми-лар шунда?

– Э, аралашаверма! Калланг ишламагандан кейин нима қиласан суқилиб? Гап кўпайтириб унга-бунга айтиб юрма, тушундингми?! Бор, келинга ёрдамлаш, овқатингга қара!

Гулшан катта ўғилнинг важоҳатини кўриб чўчиб кетди. Унинг ўзигагина аён

бўлган сир билан бундай бир уй одам, уларнинг бир жуфтдан кўзлари қаршисида ўзини ўнғай туюлмади қийналди.

– Дам оласизми, ойи?

У жим қолди, кўрпаси четига тикилиб олди.

– Бўпти. Қани, ҳаммамиз чиқайлик-чи. Сал ухлаб олсинлар. Кейин овқатланармиз. Ишимизни қилиб турайлик.

– Дадаси, ойим яхши бўлсалар биз кетақолайлик дегандим. Эртага акамникида қуданикига қозон берилади. Бориб бирор нарса пиширардим.

– Нафосатни олиб кетавер бўлмаса. Мен қоламан.

– Сиз билан кетар. Яккаям қолмайсиз.

– Опкетавер. Чўчиб юрмасин тагин.

– Хўп. Кейин... Сиз ҳам борарсиз-а, эртароқ.

– Кўп гапирмай бориб туравер-чи. Кўрайлик аҳволларини. Унга қараб...

Хона жимиб қолганди. Гулшан яна узум гужумлари осилиб турган шифтга тикилиб ётарди.

Токчада пўрим кийинган, ўрисда ўқиб келган навқирон йигит мағрур қараб турарди.

* * *

Олам одамлардан тошиб ётарди. Одам деган ном ҳайф бўлиб ётарди ерда. Бирлари дастурхондан бошлаб кичкина хонагача тортилган йўлни яшарди.

Одам дегани барибир ёлғиз эди. У ўзига ҳам дўст бўлолмай бешбаттар ёлғизланар эди.

Гулшан кимсасизлик кўйларида ўзининг беҳаловат ўйларига бота-бота уф тортарди. Ҳеч ким йўқ вақтларда яна уни ёлғиз қўймайдиган парилар пайдо бўлар, уларнинг ўртасида – ўша, пешонаси ёрилган, кўзлари кўқарган пари гир айланар, қўлларини Гулшаннинг кўзларига сукиб олгудек яқинлатарди. Бирда бир шу сувпар тенгсиз гўзал киёфада пайдо бўлар, Гулшанни қулиб-қулиб кучоқлар, мастона-мастона тебранарди. Бирда-бир тортқилаб сувлар қирғоғига олиб келарди.

Гулшан кўрқарди бу хаёллардан. Яна ўша хаёллар ичидаги сулувга ҳафта-ўн кунда ичикарди.

Кўзлари кўқарган сувпари бўлса ёлғиз келмасди. Дунё мавжлари орасида унинг ўз тўлқинлари, ўз тўдаси бор эди. Гулшан бу парилар орасида ўзини хуш сезар, пардек енгил тортарди. Эндигина, эндигина тиниқ пардалардан нарига ўтиб кетмоқ бўлганида бари чаппа кетарди. Нимадир рўй берарди-ю, Гулшан парилар қуршовидан чиқарди.

Сувлар тинмай оқар, кунлар тинмай янги бўлар, ҳаёт бир маромда давом этарди.

Янги ҳафтада марказдаги энг катта, там-там бўлиб кетган одамларгина тузаладиган касалхона шифокорларининг кўрсатмаси билан Гулшанни буқоқ касалларга қарайдиган шифохонага жойлаштиришди.

“Ҳаммаси буқоқники. Кўзларига ҳар нарса кўринадиган бўлиб қолган. Буқоқда шунақа, галлюцинация кучайиб кетади. Даволаймиз, мерказолинга ўтказамиз. Яхши юрадилар”, деди даволовчи шифокор.

Осмон эса айланарди. Бир маромда. Ҳали булут ортидан, ҳали тиниқ юзини намоен қилган қўйи ерни сокин-сокин кузатарди.

* * *

Шифохона ёнида катта сув шовуллаб оқарди. Сувнинг шилдир-шилдири тўп-тўп қизларнинг кулгисига ўхшарди...

Усмон шоир — осмон шоир



Тўра МИРЗО

(Икки пардали мусиқали драма)

Иштирок этувчилар:

Усмон – 4 – 5 ёшли болакай,

Усмон Носир – 17 – 24 ёшли йигит, таниқли шоир

Усмон Носир – 25 – 32 ёшда

Холамбиби – 22 – 25 ёшда

Холамбиби – 57 – 67 ёшда

Муаллиф

Людмила – Кемерово ҳибсхонаси кутубхоначиси, 20 – 25 ёшда

Қамоқхона назоратчиси, раис

1-йигит, кейинчалик 1-ёзувчи

2-йигит, кейинчалик 2-ёзувчи

3-йигит, кейинчалик 3-ёзувчи

Муқаддима

**Усмон Носирнинг онаси Холамбибини Намангандан Қўқонга
узатилиши маросими**

*Холамбиби ўғилчиси Усмонни қучоқлаб йиғлайди. Уни ўраб олган хотин-халаж
йиғлаётган келинчакни юпатишади:*

– Ўғлинг эндигина тўрт ёшга кирди. Марҳум эрингнинг жойи жаннатда бўлсин. Тоқлик Оллоҳга хос. Сенга муносиб жойдан куёв чиқди. Ўғлингни отасиз ўстирмоқчимисан? Нима шундай ўтиб кетмоқчимисан?

Тўра МИРЗО – 1956 йилда туғилган. Тошкент давлат Театр ва рассомлик институтида (ҳозирги ЎзДСМИ), кейинчалик Москва Адабиёт институтининг драматургия бўлимида таҳсил олган. "Майсалар ҳайқириғи", "Гўрўғли беланчаги", "Тонгги мактублар" каби бир қанча китоблари, "Амир Темури" номли драматик трилогияси нашир қилинган.

- Бўлғуси куёв Ҳажга ҳам бориб келган, ҳожи эканлар.
- Ўғлингни рус-тузем мактабида ўқитишга ваъда берибди.
- Ҳали Усмонжон шундай йигит бўлсинки, Наманган аҳли ундан фахрланиб, у туфайли халқ кўкрагини кўтариб юрадиган бўлсин.
- Қизу аёл биров хасми,
Эрга бериш элнинг расми.
- Сукунат – розилик аломати! Демак, эрга тегишга розисан. Қани, ўланчи қизлар, ёр-ёрчи жувонлар бошланглар!

Шу пайт саҳнада 4 ёшли болакай Усмон пайдо бўлади ва аёлларни кузатади. Унинг рўпарасида Носир исмли йигит пайдо бўлиб, болакай томонга қараб юради. Бола ҳам унга узоқ тикилади. Носир унга яқинлашиб, тўрт саржинча қолганда ўтириб, болакайга қучоғини очиб, уни чақиради. Болакай тўрт томонга аланг-жаланг қараб, иккиланиб қолади. Носир овоз чиқармасдан қучоғини очганча тураверади. Бирдан Усмон ҳам қучоғини очганча чопиб, Усмонни қучоқлаб олади.

Томошабин аёллар бирдан қарсак чалишади. Усмонни кўтариб олган Носир уни осмонга отиб, эпчиллик билан илиб олади, Усмон эса қиқирлаб кула бошлайди.

Аёллардан бири. Холамбиби, ўғлинг қаллиғингни қанчалик қаттиқ қучоқлаганини кўраяпсанми? Кўзингни очиб, икковининг қувончини кўр. Боланг отасини топди. Уларнинг шаштини қайтарма. Ўзинг ҳам “хўп” дегин.

Ўланчи аёл.

*Йиғлама, Холамбиби, олам қизи ёр-ёр,
Жувону ўғлоннинг ҳам бордир изи, ёр-ёр.
Ноладан қумгон қайнар, ўғилчада феъл айнар,
Ахсикент қирларида отнинг тизи, ёр-ёр.*

*Чийиллайди арава гилдираги, ёр-ёр,
Қўл силкитар маҳалла оқтераги, ёр-ёр.
Илон чиқмас Хўқондан иншооллоҳ, ё Раб,
Қизми, жувон узра Ҳақ чархпалаги, ёр-ёр.*

*Худо билгич, Қўқондан овчи келди, ёр-ёр,
Носир отли йигитдан совчи келди, ёр-ёр,
“Олисга қиз бермайман” деган онажонингда
Тил тутилиб, иқбол йўли очиқ келди, ёр-ёр.*

*Қизбола палахмоннинг тоши экан, ёр-ёр,
Ҳар бир ишининг Оллоҳим боши экан, ёр-ёр.
Холажонинг айлансин Холамбиби эпикдан,
Дангара гуручидан оши экан, ёр-ёр.*

*Қўқонлик Носир йигит йўлни топди, ёр-ёр,
Аммо унинг совчисин итлар қопди, ёр-ёр.
Алёр айтгич кампирлар, ботган ой яна қайтгич,
Араванинг йўлини кимлар ёпди, ёр-ёр.*

*Кўз очиб кўрган эринг кетди эрта, ёр-ёр,
Йўқотиш жароҳати қолди этда, ёр-ёр,
Қисматингда ёзилмиш яна не бор билмадик,
Келинчакнинг мўл ёши тўлган бетда, ёр-ёр.*

*Оллоҳ ёрдир, келинчак оҳламасин, ёр-ёр,
Қадим Кўқонга тушиб, воҳламасин, ёр-ёр.
Осмон йиғлар ким ҳўрлар етимчани, Усмон ҳам
Носирдан бошқа ота хоҳламасин, ёр-ёр.*

Биринчи кўриниш

*Кенг саҳнанинг бир четида Кўқон шаҳридаги Носир ҳожининг хонадони.
Усмоннинг ўсмирлик даври.*

Усмон. (жажжи сингилчаларига) Ҳов, қўқонлик қақажон қизалоқлар. Мен сизларга шоир Бобораҳим Машраб ғазалидан бир парча айтиб бераман.

*“Намангондин кетар бўлсам, мени йўқлар кишим борму?
Ғариблик шаҳрида ўлсам, мени йўқлар кишим борму?”*

*Қарорим йўқ турай десам, Намангонда юрай десам,
Жаҳонни сайр этиб кезсам, мени йўқлар кишим борму?”*

Носир ҳожи киради.

Усмон. Ота, мен пойтахтимиз Самарқандга бориб ўқимоқчиман.

Холамбиби. Йўқ, бегона шаҳарга сизни зинҳор юборолмайман. Мана, мактабни битирдингиз. Энди шу ерда ҳам кун кўрсангиз бўлади-ку.

Усмон. Ойи, ҳаёт мазмуни шунчаки кун кўришда эмас. Мактаб битирмаган одам ҳам кун кўриши мумкин. Ўқигандан кўра яхши кун кўрса ҳам бўлади. Оқу қорани ажратиш учун эса илм орттириш зарур. Мен сиздан яшириб шеърлар машқ қиламан. Ўзимизнинг миллий ва Овropa шоирларини ҳам қўлимдан келганча ўқидим. Сиз уч синглим бешигининг тепасида айтган аллангиздаги оҳанг мени сеҳрлаб қўйган. Мен шоир бўлмоқчиман.

Холамбиби. Ўғлим, шоирлик қилсангиз яхши, аммо бир ҳунарнинг бошини ҳам ушласангиз дейман. Кўқонда қанча шоиру мирзалар ҳакиру фақир кун кечиришади. Шоирлик билан қора қозонни қайнатиб бўлмайди. Ягона ўғлимсиз-ку...

Усмон. Ойи, шоирлик тирикчилик манбаи эмас. Бу кўнгил эҳтиёжи, юрак ҳунари. Мен ҳовлимиздаги райҳонлар билан тиллашишни ҳам биламан.

Носир Ҳожи. Илм олиш учун Чинга бор дейдилар. Хуллас, ўғлим, олим бўлсангиз, олам сизникидир. Мен Фурқат ва Муқимий билан кўп бора учрашиб, уларнинг ажабтовур дунёсига ошиқ бўлганман. Ўзим ҳам арузда машқ қилганман. Навойи бор миллатнинг ҳеч қачон бўйни ҳам бўлмайди. Балли, ўғлим, мен ўзим сизни Самарқандга олиб бораман. Омин, ўғлим, ниятингизга етинг!

Усмон. Онажон, сизнинг бошингизни эгиб, кўзингизни ерга қаратмайман. Аъло баҳога ўқиб, мен бир одам бўлайки... (чирок ўчади.)

Иккинчи кўриниш

Саҳнанинг бир четида Самарқанд давлат университетининг биноси.

1-йигит дарғазаб у томондан бу томонга юради.

2-йигит. Анови Усмон бор-ку қўқонлик шоир. Қўшимча имтиҳонлар топшириб, биринчи курсдан тўртинчи курсга ўтибди.

1-йигит. Усмонинг бировларнинг севгилисига ола қарашдан бошқа нарсани билмайди. Пўрим кийинишидан товус ё жиблажибонга ўхшайди. Ҳар куни охорли кийим киядиган олифта. Қизлардан сира кўзини узмайди.

2-йигит. Отаси ҳам хожи экан, илми борлиги учун ҳам бой бўлса керак. Балки домуллоларга ўғлини бирданига икки курсни ҳатлаши учун отаси ул-бул нарса атагандир.

Шу пайт йўлдан Усмон Носир билан 3-йигит кириб келишади.

2-йигит. Усмон, биринчи курсдан бирданига тўртинчи курсга сакраганинг учун домлаларга неча қўқон бердинг?

Усмон. Сизлар қўқон пул бирлигини қайдан биласизлар? Қўқон хонлиги пайтида пулни қўқон деб аташган. Ҳозир ҳам баъзи кишилар пулни “қўқон” дейдилар. Лекин “қанча қўқон” бердинг деган гапингга тушунмадим.

1-йигит. Тушуниб турибсан. Ҳа, тушунмайсан-а? Мушук текинга офтобга чиқиш тугул кўзини сузиб миёвламайди ҳам.

Усмон. Иккала қулоғинг билан эшитиб ол. Мен йил давомида барча имтиҳонга жиддий тайёрланиб, бир неча ўқитувчидан иборат ҳайъатга ҳар бир имтиҳонни беш баҳога топширдим. Ашанақа! Бундан кейин оғзингга қараб гапир.

1-йигит. Ҳой, ҳой, ўпкангни бос, Усмон. Энди тўғриси ҳам қўқонликлар бой бўлади деб эшитганмиз.

3-йигит. “Тил суяксиз” деб ҳар-хил гапни валдирайверманглар.

Усмон. Бугун “Қизил Ўзбекистон” газетасидан дурустгина қалам ҳақи ҳам олгандим. Шуни сизлар билан бирга нишонламоқчи эдим... Ҳа... Устоз Чўлпонни ҳам қопағон итлар қопган экан. Бориб устоз билан бир дардлашай.

3-йигит (кетаётиб). Усмон, хафа бўлма, дўстим, буларни кечира қол.

Усмон. Майли, Худо кечирсин. Келаси йил мен Москов кинематография институтига ўқишга кирмоқчиман. “Қуръони Карим”да “икроъ, икроъ, икро” дейилган. Туркистончасига бу “ўки, ўки ва яна ўки” маъносини англатади. Бир арбоб эса бу ҳикматни ўрисчага таржима қилиб, “учиться, учиться и учиться” деб ўзлаштириб олиб, шиорга айлантирибди. Асл манбани ёзмабди ҳам. Хуллас, ўқиш, илм олиш замони келди. Сизларда ҳам бунга иқтидор бор. Миллатни илм юксалтиради.

1-йигит (ёнидаги йигитга шивирлайди). Қара, Ленин бобомизни кўчирмачи, плагиат деб ҳақорат қилапти-я.

3-йигит. Тўғри айтаяпти-ку. Ленин бу фикрни олган манбани кўрсатмаганлиги нотўғри-ку.

1-йигит. Ленин буюк бобомиз-ку.

3-йигит. Илмда иқтибос олинган манбани кўрсатилиши шарт.

1-йигит. Э, қўй, деворнинг ҳам қулоғи бор. Хўш, Усмон, Московда нима қиласан?

Усмон. Отам Носир хожи “инчунин илм истаб Чинга бор” деган қадимги матални тез-тез қайтарадилар. Шунинг учун илм олмоқчиман.

2-йигит (пичинг қилиб). Эшитишимча, Москов ҳаддан ортиқ совуқ экан. У ёққа бора кўрма, шамоллаб қоласан.

3-йигит. Шоир Фурқат “Замон ўлди Ўрусия замони” деблар. Усмон, тўғри қиласан. Мен ҳам Московга бориб ўқишни истайман.

1-йигит. Ҳа-ҳа, эшитишимча, соҳибқирон Амир Темур минг-минг қўшини билан Москов оstonасигача борганларида одамларнинг аксарияти совуқда қотиб қолмаслиги учун баъзилар ичимлик ичишаётганини кўриб, “маст кўп экан” деган эканлар. Шу-шу шаҳарнинг номи “Маскоп”га айланибди. (Ўзи қаҳқаҳа отиб кулади.)

Усмон. Бу иборани бирорта ҳазилкаш ўйлаб топган бўлса керак. Бошқа миллатларни масхаралаш ўрнига ўзимиз ҳам кулги бўлмаслик учун ҳаракат қилишимиз керак. (Чиқиб кетади.)

1-йигит. Усмон, Московда ҳам бировларнинг силлиқ қиз-жувонларининг ортидан эргашиб кўз олайтириб, мажруҳ бўлиб, совуқ юртларда қолиб кетмагин тагин.

2-йигит. (Усмоннинг юришига таклид қилиб.) Бирорта гўзал кўриниб қолса, гўё уни кўрмаётгандай гўдайиб ўтиб кетиб, кейин нигоҳ соламиз. Усмон ғирт хотинвоз!

3-йигит. Усмон хотинвоз эмас, аксар қизлар усмонвоз!

Учинчи кўриниш

Тошкентда Носир ҳожининг хонадони

Носир ҳожи (Холамбибига) Онаси, газетда ўғлимизнинг шеъри чиқибди. Эшит...

*“Севги сенинг ширин тилингдан
Ким ўпмаган, ким тишламаган?
Дардин ёйдай тилиб кўксидан
Ким қалбидан қонлар тўкмаган?
Сени яхши биламан, гўзал,
Петраркани ўқиганим бор.
Буюк Римнинг Сапфоси азал
Хаёлимни ошиқдай тортар” .*

Холамбиби. Ўғлимни жуда соғиниб кетдим. Кўрмаганимга қанча вақт ўтди. Шоирлигингиз ҳам бор бўлсин-да, ўғлим. Ҳадеб газетда суратларингизни кўришнинг ўрнига бир дийдорингизга тўйсам эди.

Носир ҳожи. Усмон энди битта сизнинг ва менинг эмас, миллатнинг ўғлидир, онаси.

Холамбиби. Ҳар туни тушларим булғаниб чиқади. Усмон баланд тоғларга чиқиб, менга “онажон” деб хайқиради. Мен эса тоққа тирмашаман. Ўғлимнинг бошига бирор иш тушмасмикин деб хавотир оламан, дадаси.

Носир ҳожи. Ваҳимангизни қўйинг, онаси. Ундан кўра туриб, чой дамлаб келинг. Томоғим сағалча қуриб кетди-ку... (Холамбиби чиқиб кетади.) Оллоҳ, сизни асрасин, ўғлоним!

*“Севги сенинг ширин тилингдан
Ким ўпмаган, ким тишламаган?...”*

Қаранг онаси, қандай ажойиб ташбеҳлар-а? Бу ўғлимизнинг шеъридан. Усмон шундай шоир бўлади-ки, дўстлар ҳавас қилса, душманлар ҳасаддан ёнишади. Аммо ёмонлик қилишмаса бўлди-да.

Холамбиби. Астағфируллоҳ денг, отаси...

Чироқ ўчади.

Тўртинчи кўриниш

Тошкент боғидаги кафедра уч ёзувчи

1-ёзувчи. Бурни оқадиган болалар газетасидан тортиб мункиллаб қолган чолу кампирларнинг журналларигача фақат уни мақташади. Ой чиқсаям Усмонга, кун чиқсаям Усмонга экан-да.

2-ёзувчи. Москов газеталари-чи?! Усмон Носирни мадҳ этишдан чарчашмайди. Аслида, Ўрусия адабиётини кучайтирганлар ҳам ўзимиздан чиққан. Уларнинг машҳур танқидчиси Белинский “Ўрис адабиётининг асосчиси тўғридан тўғри соҳибқирон Амир Темурнинг авлоди Дмитрих Кантемирдир, ўрис адабий тилининг асосчиси эса ҳабаш Александр Пушкиндир” деб ёзган эди.

3-ёзувчи. Аслида, башар аҳли Одам Ато ва Момо Ҳаводан таркаган. Шунинг учун ирқчилик қилмаслик керак.

1-ёзувчи. Жа байналмилалчи бўлиб кетибсанми? Дўстинг Усмон ҳам айнан шу руҳда “Монолог” ёзган.

*"...Биламанки, Тассо бечора
Роҳат кўрмай ўтган бир умр,
Эй, маккора қиз, Леонора.
Номи қора билан ёзилгур!
Балки гулдан яралган пари
Тош кўнгилли Беатриче:
– Гадосан, – деб қочмаса нари
Данте бахтли бўларди пича.
Балки, Ҳамлет ойдин тунларда
Офелияни эркалатарди.
Балки узун сочини силаб
Азонгача эртак айтарди.
Агар хиёнатни билмаса,
Эзмаса фожиа юрагин!
Йўқ, йўқ, шоир!
Гар шундай бўлса,
Шекспирнинг йўқдир кераги!
Дездемона, гуноҳсиз дилбар,
Жигар қонларингни ичган ким?
Биламан, Отелло, биламан,
Отелло ҳақлими, шоир – жим!
Уфқдан ботар қуёшни
Шарт кесилган бошга ўхшатдим.
Парча-парча куйган шафақлар,
Тирқираган қонни эслатди!
Ўз зиммамга катта иш олдим:*

*Эҳтимолки, тамом қилмасдан – Умрим тугар.
Аммо, бўлмайди (Кўнглим ўрнига ҳеч тушмайди.)
Сенга қарши бош кўтармасдан
Асрларни йиғлатган севги!!! ”*

3-ёзувчи. Отангга балли! Сен ҳам ҳақиқий усмонпарастсан! Бизга уни ёмонлаганинг билан аслида, Усмонга чин дўст экансан-ку!

1-ёзувчи (бақириб). Мен унга дўст эмасман. Усмоннинг бети ҳам силлиқ, шеъри ҳам силлиқ. Ўзини кўргани кўзим йўқ. Энг алам қиладигани мен кўнгил қўйган гўзал ҳам ерлик Усмонни баланд осмонга тенглайди.

2-ёзувчи. Битта тошкентлик шоира эса Усмоннинг онасининг ёнига бориб йиғлаб-йиғлаб, унинг ўғлини севишини айтиб, бир кеча унинг уйида тунаб ҳам қолибди. Холамбиби ая уни юпатиб, унга раҳми келиб, ўғлини кўндиришга ваъда берибди. Лекин Усмон негадир кўнмабди.

3-ёзувчи. Бунақа бақир-чақир билан кенг дунёни ўзимизга тор қилишнинг нима кераги бор? Усмонни тан олмасак, бизни ҳам ҳеч ким менсимайди.

1-ёзувчи (2-ёзувчига). Пиёлага тўлғазиб қуй (ичиб). Ҳали кўрасизлар, Усмон Носиринг кўпга бормаиди. Мен ҳамма нарсани биламан. У ҳалигача комфиркага аъзо эмас, демак, Шўро ҳукуматининг душмани. Биз, коммунистлар, уни тўппатўғри “борса-қайтмас”га юборамиз.

3-ёзувчи. Бировга ўлим тилагунча ўзингга умр тила.

1-ёзувчи. Унинг ўлганини эшитиб, кейин ўлсам ҳам армоним йўқ.

2-ёзувчи. “Тавба қилдим”де, дўстим! Гапингга фаришталар “омин” демасин.

1-ёзувчи. Омин деса дейверсин. Ҳозир ҳам Усмоннинг номини эшитган заҳотим бошимга осмон шарақ-шарақлаб тушгандай бўлаверади.

3-ёзувчи. Шоирки шунчалик ёвуз бўлса, оддий одамлардан нима ҳам кутиш мумкин. Астағфируллоҳ азим ва атубу илайҳ!

(Уччалови қўлларини пахса-пахса қилиб тортишишарди. Уларнинг орасини ёриб, муаллиф сахна ўртасига чиқади.)

Бешинчи кўриниш

Сахнада шамол кўтарилиб, шовқин-сурон бўлади. “Ура-урра” каби ҳайқирик ва поездлар товуши эшитилади.

Муаллиф. Октябрь тўнтаришининг 20 йиллигига бағишлаб Москва шаҳрида Ўзбекистон адабиёт ва санъатининг ўн кунлиги бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистоннинг бош раҳбарлари иштирок этишди. Кремлдаги съездлар саройида катта тантанада Ўзбекистон адабиёт ва санъат аҳлининг концерти бўлди. 27 ёшли оташин ўзбек шоири Усмон Носир ўз шеърларини ўзбекча ва русча ўқиган пайтда мамлакат раҳбарлари ўринларидан туриб, шоирни олқишлашганида ёнма-ён ўтирган Иосиф Сталин, Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов ҳам ўринларидан туриб, бир неча дақиқа қарсақ чалишди. Оқшом делегация аҳлига Кремлда зиёфат берилган пайтда Сталин Файзулла Хўжаевга қарата, “Позови узбекского Пушкина” деб ҳайқирди. Усмон Носир у ерда Пушкиннинг “Бахчасаринской фонтан”нинг ўзбекчасидан парча ўқиб берди.

Усмон Носир. Қовоқ солиб ўтирар Гарой...
Лабларида қаҳрабо чилим.
Даҳшатли хон атрофида жим
Бош эгиб тек турарди сарой.
Жимжит эди бутун қошона:
Ҳамма хоннинг хафа юзидан,
Ғам ва ўйли ғазаб изидан
Пайқар эди мубҳам нишона.

Аммо мағрур соҳиби фармон,
Қўллари бир силтаб солди:
Барча секин тарқалди ҳар ён.
Қўшқлар аро бир ўзи қолди:
Эркин нафас олди сийнаси.
Тўлқинланиб бузмай сукутни
Ўйнаб турган кўрфаз ойнаси
Акс этгандан қора булутин
Унинг жиддий манглайи аён
Дил тўлқинин айларди баён.

У мағрур дил не ғам-ла ўлмиш,
Қандай фикр билан банд бўлмиш
Яна Рус-ла жанг қилмоқчими,
Ё Польшани танг қилмоқчими,
Нега хафа, не у синдирар,
Ва ё қонли ўчми ёндирар.
Ёки қўшин айламиш исён.
Ёки тоғли халқ жангларида,
Генуянинг найрангларида
Ташиши тортиб ўйланарми хон?

Муаллиф. Сталин, “Я предлагаю тост за великого поэта Усмон Носира узбекского Пушкина и узбекского Лермонтова” дега, ҳамма ўрнидан туриб, қарсак чалди.

“Правда” газети гапга берар зеб,
Ҳақиқатга гоҳо тан бериш ҳам эн,
Рўзнома ёйинлар улкан мақола:
“Шарқнинг Пушкинидир Усмон Носир” деб.

Лермонтов “Демон”ин қилиб таржима,
Ҳар сўзда уйғотган туркий жимжима,
Ҳайрат ёқасини тишлаганим-а,
“Шарқнинг Пушкинидир Усмон Носир” деб.

Шоир сўз этини майин силаган,
Ҳалим калмага “оқ йўл” тилаган,
Туркистон шевасин балли бийлаган,
“Шарқнинг Пушкинидир Усмон Носир” деб.

*"Правда" таъкиди қимматга тушар,
Афсус, хусуматга кўплар бош қўшар,
От минган Усмонни қулатмоқ учун
Ҳасадга қоврилар не эти бўшлар.*

*Чўлпону Қодирий, Фитрат ойдinлар,
Усмон ипак сўзин кўнгил-ла тинглар,
То Усмонни дорга элтмоқлик учун
Ортидан ўрмалар ҳасаду кинлар.*

Олтинчи кўриниш

Московнинг Қозон вокзали. Ўзбек адабиёти ва санъати намояндаларини Тошкентга кузатиш маросими. Усмон Носирни мухлислар осмонга отиб, илиб олиб яна осмонга отишади.

1-ёзувчи, 2-ёзувчи ва 3-ёзувчи ҳайқиришади: Яшасин, Шарқ Пушкини улуғ Усмон Носир!

Уччаласи Усмон Носирни қўлма-қўл кўтариб вагонга олиб киришади.

Уччала ёзувчи (бирданига). Тўртовимиз бир вагоннинг бир купесиди кетарканмиз, мистер Пушкин ҳазрати олийлари. Хизматингиздамиз, лорд Лермонтов жаноблари! Урра-урра!

1-ёзувчи. Мистер Пушкин, виски ичасизми ё ўрис ароғи?

Усмон Носир. Жаноб Истаин Гуржистоний билан ўрис ароғи ичган эдик. Вагонда ҳам анашиндан ичамиз-да.

2-ёзувчи. Балки қаҳва ичарсиз ё кўк чойми?

Усмон Носир. Қаҳва, кўк чой ҳамда маъдан сув!

2-ёзувчи. (1-ёзувчи унга кўз қисиб қўяди. 2-ёзувчи “тасдиқ” маъносида бошини қимирлатади ва чиқиб кетаркан, татарча қўшиқ айтади.)

*Уч юз пари учиб кела
Ел била, довул била.
Келса келсин довул била,
Михлаймиз овул била.*

1-ёзувчи. Мистер Пушкин қаҳвангиз! (2-ёзувчи қаҳвани Усмон Носир қўлига тутқазар экан, 1-ёзувчига “тасдиқ” маъносида кўзини қисади.) Ҳа, айтгандай ўртоқ Сталин билан нима ҳақда гаплашдингизлар?

Усмон Носир. Иосиф Виссарионович содда одам экан. Мен билан жуда оддий гаплашди. Қўконда Нурек деган армани этикдўз бўлгич эди. Иккови куйиб қўйгандай бир-бирига ўхшайди. Кўриниши ҳам оддий бўлиб, Истаин ўз мўйловини айнан ундан нусха кўчирган бўлса керак деб ўйлайсиз.

1-ёзувчи. Астафидуллоҳ де, Усмон. “Халқлар дохийси”и искирт этикдўзга ўхшатишинг нотўғри. Бу сиёсий хато.

Усмон Носир. Мен бу гапни минбардан айтмаяпман. Касбдошларимга айтдим, холос.

2-ёзувчи. Деворнинг ҳам кулоғи бор.

Усмон Носир. Истаинни этикдўзга ўхшатиш ҳақорат эмас. Этикдўз ҳам халқ

вакили-ку. Кўпчиликнинг ҳожатини чиқаради. "Уф" уйқум келиб, кўзим юмилиб кетаяпти. Ҳа, айтгандай меҳмонхонада кечаси туш кўрдим. Устозларимиз Чўлпон, Абдулла Қодирий ва Фитратни қамашибди.

2-ёзувчи. Афсус, улар "халқ душмани" экан. Кеча тунда Юнусободдаги жарликда уччовини ҳам отишибди. Доно партиямиз ҳеч қачон янглишмайди. Балки улар ҳақиқатан ҳам халқ душманидир.

Усмон Носир. (қаҳвадан ҳўплагач, уйқуси келиб, безовталанади) Нима? Нега отишади? Шундай шоир ва ёзувчиларни-я!

1-ёзувчи. Тўғри қилишган. Ахир улар халқ душмани-ку.

Усмон Носир Улар халқ душмани бўлса, мен ҳам халқ душманиман (бақириб). Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат душман бўлса, мен ҳам уларнинг давомчисиман! Мени ҳам отишсин! Устоз Чўлпоннинг шоҳмисраларини тингланг:

Ай, гўзал Фарғона, қонли кўйлагингдан айланай... (уйқуга кетади).

1-ёзувчи. (2-ёзувчига) Ҳамма гапни ёзиб олдингми?

2-ёзувчи. Ҳатто хуррагини ҳам ёзаяпман.

1-ёзувчи. Энди уни ўчир. Бемалол гаплашайлик. Усмонни қизларнинг энг силлиқлари яхши кўрганига ғашим келарди. Энди мамлакатнинг биринчи газети мактаганидан ҳам зада бўлдим. Қаранг-а, Усмоннинг орқасидан омад изма-из эргашиб юради-я. Кўпчилик жононлар унинг шеърларини эшитгандаёқ ёдлаб олишарди. Энди кунинг битди, буюк шоир! Отамизни этикдўзга тенглаштирди-я.

2-ёзувчи. Усмон Носир... Самарқандда ўқиётганида ҳам биринчи рақамли юлдуз эди. Барча қизларнинг оғзидан сира Усмон Носирнинг номи тушмасди. Энди Усмон "борса-келмас"га кетади. Энди Усмон Носирнинг думлари кимни мактаркин? Ё яна бирорга суянчиқ топиб, жон сақлашармикин?

3-ёзувчи. Усмон Носирнинг маҳмадоналиги ўзи менга унчалик ёқмасди. Ўзи ёмон бўлсаям (оҳиста гапиради) у ҳақиқий туғма шоир-да.

*Юрак, сенсан менинг созим,
Тилимни найга жўр этдинг.
Кўзимга ойни беркитдинг,
Юрак, сенсан ишқибозим.*

*Сенга тор келди бу кўкрак,
Севинчинг тошди қирғоқдан.
Тилим чарчар, ажаб, гоҳи
Сени таржима қилмоқдан.*

*Сен, эй, сен – ўйноқи дилбар,
Зафардан изла ёрингни.
Тўлиб қайна, тошиб ўйна,
Тирикман, қуйла борингни!*

*Итоат эт! Агар сендан
Ватан рози эмас бўлса,
Ёрил, чақмоққа айлан сен,
Ёрил! Майли, тамом ўлсам!..*

Еттинчи кўриниш

Тошкент. Ўсмир болалар қўлларида газета кўтариб олган ҳолда хайқаришади:

- “Правда” газетасининг янги сониди “Усмон Носир Шарқ Пушкинидир” сарлавҳали мақола чоп этилибди.
- Москов газетида Усмон Носирни Пушкинга ўхшатишибди.
- Наманганда туғилган шоир Усмон Носирни “Правда” газетаси Пушкинга тенглаштирибди.

– Одамлару одамлар,
Эшитмадим деманглар,
Эшитганлар жилманглар,
Наманганда туғилган
Ўғил энди туғилган,
Шодлигимдан хайқариб,
Овозим сал бўғилган.
“Правда” газетида,
Унинг улкан бетида –
Аслида Усмон Носир
Гўзал шоир эди-да.
Московдаги мақола,
Бўлғай элга ҳавола,
Олиб қолинг газетни,
Тоға, амма ҳам хола.
Чин шоир Усмон Носир
Шеърни юракдан ёзир,
Газета тугамасдан
Сотиб олингиз ҳозир.

Муаллиф. Таассуфлар ўлсинки, Московда қўлма-қўл бўлиб, шуҳрат қозонган шоирни ўз юртида мусибат, буюк ғам-ғусса кутиб турарди.

Шоирлари ўлган юрт
Нафасидан ўрлар дуд,
Булутлар тепасида
Лопиллар мовий тобут.

Шеърдир кўнгил озиғи,
Шеърга элнинг оз иқи,
Бош ёриб оёқлаган
Нафснинг буюк қозиги.

Бормоқда собиқ шоир,
Чўнтак пулга лиқ шоир,
Кўзлари қорин қўйган,
Тўрт мучча ёғлиқ шоир.

*Бугун шеър жанозаси,
Топталган сўз сазаси,
Сўнгги видо чиқмасдан
Тупроқ қорилар саси.*

*Шеър оқу уни оҳ-воҳ,
Бугун ортиқча матоҳ,
Маширабдан Чўлпонгача
Топмаган ерда паноҳ.*

*Самовий шеър ерлашди,
Юлдузлар сушт терлашди,
Ўтиб расмий никоҳдан
Росту ёлгон бирлашди.*

*Ўн қош юзтаси оппоқ,
Оқади қора ёш оқ,
Холда сузар ол соллар,
Қирғоқ қочган тумтароқ.*

*Кетиб қолди шоирлар,
Сариқ сабр охирлар.
Кимнинг шеъри еркиндик,
Марҳабо, лиқ охурлар.*

Тошкент. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг бюро аъзолари, яъни бир неча ёзувчилар ўзаро гаплашиб ўтиришибди.

1-ёзувчи (раислик қилиб). Сиз, Усмон Носиров, жавоб беринг, нима учун асарларингизда умидсизлик ҳукмрон?

Усмон Носир Ишқи йўқ эшак, дарди йўқ кесак. Шеърда дард бўлмаса, у курук жумлалар йиғиндиси бўлиб қолади-ку.

1-ёзувчи. Бизнинг коммунистик мафкурамизда ўтмишдан қолган дард, изтироб-га ўрин йўқ.

Усмон Носир Жаҳон адабиётининг чин намуналари ва шоҳ асарларида ҳам буюк оғриқ мавжуд.

1-ёзувчи. Жаҳон адабиётини четга қўйинг. Биз, янги жамият қураяпмиз. Хуллас, биз қураётган коммунистик жамиятда бахтсиз инсон бўлмайди. Дард, изтироб деб лоф ураётганларга бизнинг ўртамизда ўрин йўқ.

Усмон Носир Ундай бўлса, Навоийнинг дардли шеърларини ўқишдан воз кечамизми?

1-ёзувчи. Навоий феодал-клерикал шоир. Унинг шеърларига бизнинг бахтли давримизда ўрин йўқ.

3-ёзувчи. Коммунизм Навоийнинг етти ухлаб тушига кирмаган.

2-ёзувчи. Усмон, феодал-клерикал шоирни мақтаганингизни Иосиф Виссарионович эшитиб қолсалар хафа бўладилар-а!

3-ёзувчи. Ўзи Навоий ҳам вазир, ҳам сарой шоири бўлган. Унинг қувваи ҳофизасида коммунизм туйғуси бўлмаган.

Усмон Носир. Ҳатто Шекспирда ҳам коммунизм туйғуси бўлмаган.

1-ёзувчи. Бўлғуси капиталистик давлатларда Шекспир, Гёте, Софоклнинг яшаб ўтганликлари ҳам уларнинг бахтсизлиги.

Усмон Носир Энди Шекспир, Гёте, Шиллерни қоралаймизми? Бу қандай гап? Мени Ёзувчилар уюшмасидан ўчириш учун чақирган бўлсангиз, марҳамат ўчиринглар. Мен 25 ёшга кирган бўлсам ҳам минг йиллик тарих китобларини варақлаб чиққан бир инсон сифатида сиз ва сизнинг пешволарингиздан нафратланаман. Сиздай сотқинлар сафида бўлишдан кўра менга ўлим афзал. Халқимизнинг энг буюк шоири, ҳазрати Алишер Навоий айтганларидек:

*“Парим бўлса-учуб қочсам улустин то қанотим бор,
Қанотим куйса учмоқдин-югурсам то ҳаётим бор”.*

1-ёзувчи. Шундоқ ҳам сени уюшмадан ўчириш учун чақиргандик. Усмон тамома бўлдинг, энди пешонангдан отиласан. Бурро тилларингни каламушлар ейди. Халқ душманини олиб чиқинглар!

Усмон Носир

*Халқ душмани атади
Мени халқ душманлари.
Халқим ҳақни кутади
Кўкариб пушмонлари.*

*Ким дўст, ким халқ душмани
Фарқламас қушандани.
Раҳбар этгач, маҳв қилди
Чорак аср санани.*

*Эл қонини сел қилган
Семиз-семиз зулуклар.
Энди кунда эл бўлган,
Кун келтирган буюклар.*

*Майсадай сероб элнинг
Бошига тушди ўроқ.
Ўйини бўлди елнинг
Қадрсиз қадим тупроқ.*

*Эл деган тилни тилиб,
Эркнинг кўзин ўйдилар.
Шоирнинг шеърин шилиб,
Имконини сўйдилар.*

*Алпомишини аюриб
Вафодор Бойчибордан,
Яёв қилди тушириб
Чол тарихни тулпордан.*

*Йўқловчилар йўқ бўлди
Гўрўглининг гўрини.
Юрт устунни йиқилди,
Тикан босди тўрини.*

*Дўпписини юлдилар
Ўзбекларнинг бошидан.
Сўнгра юлмоқ бўлдилар
Елкадаги бошини ҳам.*

*Навоийни отишга
Қатъий фармон битдилар.
Шеър подшоҳин топишга
Айгоқчилар кетдилар.*

*Минг шукурки, масофа
Сал кам беш юз йиллик йўл.
Шоирни топмай хафа
Жаллодлар силтамас қўл.*

Ҳарбий кийимдаги икки киши кириб, Усмон Носирнинг қўлига кишан кийдириб олиб чиқадилар.

Саккизинчи кўриниш

Узоқ Шарқдаги Кемерово вилоятининг Маринск шаҳридаги қамоқхонанинг олд тарафи. Маҳбуслар қор кураш, ўтин ёриш учун олиб чиқилаётган пайт. Енгил нонуштадан сўнг маҳбусларни ташқарига олиб чиқишар экан, бир неча йил ичида озиб-тўзиб кетган, йиртиқ шинелга ўралган, қоқсуяк ҳолга келган маҳбус Усмон Носир зўрга оёғини кўтариб босарди. Ногаҳон Усмон музга оёқ қўйиб йиқилиб тушади. 1-соқчи чопиб келиб, унинг қанишарига милтиқ тирайди.

1-соқчи. Мен бир неча марта айтганман. Ким йўлда қоқилиб йиқилса, пешонасидан отилади.

Людмила. (Дарвозадан югуриб чиқиб.) Он же поэт, великий поэт, буюк шоир! Пушкин ва Лермонтовни ўзбекчага таржима қилган шоир Усмон Носир-ку! “Правда” газетасида уни “Шарқнинг Пушкини” деб аташган.

1-соқчи. Кимки тартибни бузса, ҳатто у Пушкин бўлса ҳам отиб ташлайман. Майли, бир марта кечираман. Агар яна бир бор қоқилиб тушсанг, тўғри жаҳаннамга йўл оласан.

Людмила. Усмон Носир бетоб! Балки бугун дам олар. Шифокорга кўрсатардим.

1-соқчи. Нима-нима? Басурманни севиб қолдингми?

Людмила. Мен унинг шеърларини севаман.

1-соқчи. Эҳтиёт бўл! Агар икковингизнинг орангизда бирор гап бўлса, сени ҳам отаман, Шарқ Пушкинини ҳам асфаласофилинга жўнатаман. (Қовоғини солиб.) Майли, бугун дам олсин. Шифокорни чақир.

(Людмила Усмон Носирни етаклаган ҳолда қамоқхона ичкарисига кирадилар.)

Людмила. (Чўнтагидан булочка чиқариб.) Усманчик, мен ҳар куни атайин сен учун кулча пишираман. Аммо уни сенга беришдан қўрқаман. Кимдир кўриб қолса, мени ишдан бўшатишлари мумкин. Отамни урушга юборишган. У урушнинг илк кунларидаёқ ҳалок бўлган. Бетоб онам бор. Уни мен боқаман. Шунинг учун ишдан бўшашдан қўрқаман. Ол, е, бу кулча жуда ҳам ширин.

Усмон. (очиққанидан булочкани икки ямлаб бир ютади.) Оҳ, жуда ҳам лаззатли экан. Худди сенинг тилингдай ёқимли...

Людмила. Что? Лаззатли...вкусная, да?

Усмон. Ҳа... Сен соҳибжамол экансан! Ташаккур!

Людмила. Ўзингга ташаккур! Ҳар куни сенга кулча ҳадя қилишни орзу қилардим. Мен бугун бахтиёрман. (Кулиб.) Шарқ Пушкинига кулча пиширдим.

Усмон. Ҳа, тилинг тотли экан, тилингдан аканг, қақажон!

Людмила. Я какажан да? Что это?

Усмон. (Шеър ўқийди.) Қақажон, коварная, но милая... Есенин ёзганидай:

*Сен мени севмайсан, қилмайсан эъзоз,
Чиройли бўлмасам наҳотки хиёл...
Ты меня не любишь, не жалеешь,
Разве я не много не красив?
Несмотря в лицо от страсти млеешь
Мне на плечи руки опустив.
Молодая с чувственным оскалом,
Я с тобой не нежен и не груб,
Расскажи мне скольких ты ласкала?
Сколько рук ты помнишь, сколько губ?!*

Людмила. Мен фақат бир йигитни тушларимда эркалар эдим.

Усмон. Ул бахтиёр ким? (Ҳазиллашиб.) Дездемона, рўмолча қани?

Людмила. Тингла, Шарқ Отеллоси, мен Лермонтовни суяман!

Усмон. У 103 йил аввал отилган-ку?!

Людмила. Мен Шарқ Лермонтовини севаман.

Усмон. Дездемона, рўмолча қани? Шарқ Лермонтови ким? Балки у Дон Жуан-дир? Уни ўлдираман!

Людмила. Шарқ Лермонтови кўркам йигит. Мен уни тўртта мучам билан севаман. У Лермонтовнинг “Демон”ини шундай гўзал таржима қилганки, агар Лермонтов тирилса, энди ўзбекчадан рус тилига “Иблис”ни чевирарди.

Усмон. Мендан бошқа яна кимдир ўгирдимикин?! Ҳой, Дездемона, сени бўғаман.

Людмила. Мен уни фақат тушларимда кучоқлайман! (Қиз қочади. Усмон уни қувлар экан, йиқилиб тушади.)

Людмила. Уф, теперь необходимо вызвать врача! (чирок ўчади.)

Тўққизинчи кўриниш

Қамоқхонада хизмат қилаётган аёллар кутубхонада йигилишган. Людмила мактуб ёзмоқда.

1-аёл. Многоуважаемый сўзи ўзбекчасига қандай бўлади?

Людмила. “Муҳтарам” дейилади.

2-аёл. Сталин сўзидан олдин “отамиз” деб ёз.

Людмила. Ота ўз болаларини қамайдими?

3-аёл. Уруш кетаяпти. Отамиз фронтни ўйлайдими ёки халқни?

Людмила. Великий узбекский поэт Алишер Навоий писал:

*Агар шоҳдирсен, огоҳ сен-сен,
Агар огоҳдирсен, шоҳ сен-сен*

1-аёл (Людмилага). Ёз! Усмон Носир ўрисча гапиришни рус шоирларидан ҳам яхши билади. Ҳурматли Иосиф Виссарионович! Сиз ўзингиз уни Шарқ Пушкини деб атагансиз! Ё хато қилганмисиз?!

2-аёл. (Людмилага). Улуғ Усмон Носир бечора қамоқхонада шунчалик озиб кетганки, тез кунда ўлиб қолиши ҳам мумкин. Агар у ҳалок бўлса, ўзбек халки, шоирнинг онаси сизни ҳеч қачон кечиришмайди.

3-аёл. Это уже мелодрама. Ёз, биз қуйида имзо чекувчи СССР фуқаролари, буюк ўзбек шоири Усмон Носирни озод қилишингизни талаб қиламиз. У ахир Пушкин, Лермонтов, Байронни ўзбекчалаштирган....

1-аёл.

*Шоир кўнгли мунгга асир,
Замонада олатасир,
Қоришиқдир яхши-ёмон,
Мунгли Усмон кўнгли озир.*

2-аёл.

*Замонасоз омон-омон,
Кўзи очиқ ҳамон сарсон,
Шоҳкўнглининг нархи арзон,
Мунгли Усмон кўнгли озир.*

3-аёл.

*Сиқиб келар теп-теварак,
Қирмиз тусга эвирарак,
Дукиллайди ҳорғин юрак,
Мунгли Усмон кўнгли озир.*

1-аёл. Люда, энди мактубни почтага олиб бориб, буюртма қилиб юбор.

Людмила (Честь бериб). Хўп бўлади, хизматдошларим. Бизнинг бу мактубимиз нақ тошни ҳам эритиб юборади-я! (Залга.)

*Кемерово ҳибсхонаси,
Маҳбус-ки, кишанда нафаси,
Доҳий, халқлар отасин мақтаб,
Бош ғурра, тик “ура, ур...” саси.
Бир шоир, Маширабнинг хешими?
Бўзлайди кундузми ё кечми,
Сўзларни ушлайди, муштлайди
Ким ўзи? Виждоннинг эшими?*

*Бақирар, ҳайқирар, пичирлар,
Тишида товушлар вижирлар,
Кўзлари порлайди бир майин,
Киприклар ҳайқириб, гижирлар.*

Ташиқарида ортар қортепа,
Оч қаргалар учун зортепа,
Ялинмайди шоир, синмайди,
Кўкрагида ўсар ортепа.

Кўзларида чақнар саволлар,
Оҳлими, сиёҳли хаёллар,
Ҳибсхона аро шоирни
Севиб қолган барча аёллар.

Теграсида ўргилар меҳр,
Кўзларида шоирнинг сеҳр,
Бир тўғрам нон тутган аёлга
Нақ деворга шоир битар шеър.

Зорлаб қолди онаизор,
Ортиб кетди бошида оқ қор,
Тонгга боқса, муштирапарким,
Сабоҳда оҳ, қора оҳор.

Ўнинчи кўриниш

Усмон Носир ва Людмила Маринск қамоқхонасида икки томондаги жуфт нарвонга чиқа бошлашади.

Людмила. Худойим, сен раҳмдилсан-ку. Оллоҳ, мени ва Усмонни кечир.

Кўк кўзидан нечун тошмас нам?
Топган бойлик, ганиматим ғам,
Қодир Худо, мунча жабринг мўл?
Буюк дардни айтмасам ўлам.

Усмон (бир поғона кўтарилиб).

Фалак сенинг кўзингда кир-а?
Юлдузлар-да нишлар санчир-а,
Оҳ, Шимолнинг оқ фариштаси
Яшириндим сочларинг ичра.

Людмила (бир поғона кўтарилиб).

Оҳ, Жанубнинг қуёши олов,
Кўкрагимга ўт солди лов-лов,
Усмон дейман, осмонни ейман,
Совуқ юртда ишқ ўти ялов.

Усмон. *(бир поғона кўтарилиб).*

*Эски ерда энгашиган фалак,
Қара, кўкда юлдузлар ҳалак,
Мен мен эмас, сен сен эмассан,
Ай, ай, Ойга эгачи малак.*

Людмила *(бир поғона кўтарилиб).*

*Бу дунёнинг борлиги ёлгон,
Тор кўнглимни ишқ босиб олгон.
Юрагимга оғриқни юклаб,
Тўрт мучамга ёнгинлар солгон.*

Усмон. *(бир поғона кўтарилиб).*

*Мен, Усмонман, фалак пойида,
Мунгли кўнглим Аршининг ойида,
Шоир фақат андуҳга бойир,
Тун қўлида ўлмоқ қоида.*

(Яна бир поғона кўтарилади).

*Товуш етмай инградим,
Синдимми ё синградим.
Сўнгаклар қасирлашин
Тўрт қулоқ-ла тингладим.
Чор-атрофда талотўп,
Ҳар кимса қўлида чўп,
Оҳ, элнинг фарёди кўп,
Тўрт қулоқ-ла тингладим.*

*Сандувочдан садо йўқ,
Чин севгувчи гадо йўқ,
Мушибатга адо йўқ,
Тўрт қулоқ-ла тингладим.
Ҳибсхона тўрт девор,
Очлик, захлик, ғусса бор,
Каламушлар бахтиёр,
Тўрт қулоқ-ла тингладим.*

*Қовоғимда ёш қотган,
Юрагим-да тош қотган,
Тонг йўқ, осмон тун отган,*

Тўрт қулоқ-ла тингладим.
Эски ерда қиш ҳоким,
Қиш учолмас ҳаттоким,
Юртга етгайми ҳоким,
Тўрт қулоқ-ла тингладим.

(Яна бир поғона қўтарилиб)

Иним, мен сенга инонмайман,
Сен мендан тондинг.
Синглим, мен сенга инонмайман,
Сен мендан тондинг.

Севгим, мен сенга инонмайман,
Сен мендан тондинг.
Она, мен сенга инонмайман,
Сен мендан тондинг.
Ота, мен сенга инонмайман,
Сен мендан тондинг.
Ватан... Ватан... Ватан...

Иним дер: Мен сендан тонганим йўқ,
Синглим дер: Мен сендан тонганим йўқ.
Севгим дер: Мен сендан тонганим йўқ.
Онам дер: Мен сендан тонганим йўқ.
Отам дер: Мен сендан тонганим йўқ.
Ватан...

У толиққанидан нарвон поғонасига ўтиради.

Людмила, ҳамма замонлар ва барча халқлар учун буюк шоир ва вазир Алишер Навоий ҳам замона ғавғоларидин зада бўлиб, ушбу фардларни битмишлар:

“Халқдин ҳар ярамас келса хуш улким,
Ҳақга деса бўлмас: “Менинг учун яна бир халқ яроғ”.

“Эй кўнгул, давр аҳлидин минг йилчилик йўл гўша тут
Ё алардин етса юз минг гўсса, афғон айлама”.

“Мурувват рангию инсоф иси кўз тутмагил элдин,
Бу рангли бўйлуқ йўқ чу олам гулистонида”

У бирдан нарвондан қулаб тушади. Людмила ҳам пастга сакрайди.

Людмила. Ай, Усмон, ай, Усмоним,
Қулади-ку осмоним!
Ўтди фалак шоири,
Увишиб қолди қоним!

Усмоним, Усмон-Усмон,
Мен қолдим ерда сарсон,
Учдинг Арши Аълога,
Ерга тушди осмоним.

Ўн биринчи кўриниш

1957 йил, сентябрь. Холамбиби мактубни очади

Овоз. Сизнинг ўғлингизни оқлаш тўғрисидаги мактубингиз Москва, Кемерово, Маринск шаҳарларидаги махсус ташкилотлар томонидан кўриб чиқилди ва Усмон Носир тўлалигича оқланди. Аммо ўғлингиз 1944 йилда Маринск қамоқхонасида оғир касаллик туфайли вафот этган, унинг қамоқхонада ёзган кўлёзмалари 1944 йилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига юборилганини маълум қиламиз.

Холамбиби

*Қани, Усмоним, қани?
Жону жаҳоним қани?
Қайга кетиб қолди Ер?
Хаста осмоним қани?*

*Учиб келар Шимолдан қушлар,
Ўнгимайди мен кўрган тушлар,
Тобутимни қушлар кўтаргай,
На бир учун ўғлоним ушлар.*

*Қушдай учди бор йилларим,
Юлинди менинг гулларим.
Юлинди эрким, йўлларим.
Юлинди эрким, тилларим.*

*Зорлаб қолди онаизор,
Ортиб кетди бошда оқ қор,
Тонгга боқса, муштипарким,
Сабоҳда оҳ, қора оҳор:*

*Бешигидан жудо бўлган ўғлим-ей,
Қайси ёт мозорга қўйилди танинг?
Кун ёришар, ёришмас ҳеч кўнғлим-ей,
Мурдангга ҳам жой бермади Ватанинг.*

*Тополсайдим мен мозорингни,
Қабринг қучиб алла айтардим.
Тупроққа кўмилган зорингни
Ўз юртингга олиб қайтардим.*

*Усмон осмон шоири,
Фалак кезар шай шеъри.
Туркистон кишанида
Бай қиморга бой ери.*

*Ёт тупроқда ёлғиз ётибсан, алла,
Эрка эдинг, эрта қайтибсан, алла.
Алла айтиб ухлатаман тун-кунни,
Кўк шоири тупроқ ботибсан, алла.*

*Сўзлари эди ипак,
Нур ўйнар эди лак-лак
Шеърнинг тери шилинди,
Тилинди тилла тилак.*

*Шеър устида қузғун айланар,
Тутқун нурлар зиндон жойланар,
Сочларимнинг ҳар бир тукига
Замин, осмон, Усмон бойланар.*

*Шеър гўри мунчалар тор?
Унга кафан оппоқ қор,
Тобутда Туркистон юрт,
Осмон ёши шаиқатор.*

*Кўзлар кўзлигидан тонади,
Бағримда бир булоқ қонайди,
Кўк тоқига Ерни осардим
Сочим сиртмоқ бўлса қанийди.*

Кекса шоир (3-ёзувчи). Холамбиби хола, ассаллому алайкум, холажон, мен Усмоннинг дўсти бўламан. Танидингизми, Тошкентдаги ҳовлингизда наманганча мастава қилиб, қатиклаб берганларингиз эсингиздами? Усмон икковимиз қайта-қайта яна қуйиб беришингизни сўрардик. уч-тўрт коса ичсак ҳам тўймасдик. Қозонингиз ҳам ҳеч бўшамасди. Мен Усмоннинг дўсти эдим. Лекин уни ҳимоя қилолмадим. Мана шу қўлларим синиб тушсин. Мен ҳам “Уни ҳибсга олинсин” деб қўл кўтаргандим. Усмон Носирнинг камалишига сабаб шуки, у қуёшдай порлаб, биздай шоирларни ўз соясида қолдирган эди. Усмонга қарши қўл кўтарганларни учтаси аллақачон хору зор бўлиб бу дунёдан ўтдилар. Менга эса ўлим йўқ. Уйкумда ўлиб қолишни Оллоҳдан сўрайман. Лекин яна тонгда қуёшнинг тикан нурлари санчилиб, уйғониб кетаман. Танияпсизми? Тушимга ҳар куни Усмон кириб чиқади. Илгари икковимизнинг бўйимиз тенг эди. Энди эса у мендан анча баланд. Одам ўлгандан кейин ҳам бўйи чўзиладими? Мени кечиринг, онажон?!

Холамбиби. Худо кечирсин! Усмоннинг ўлганини ўн уч йилдан кейин билдим-а. Ўша 1944 йили ўлиб кетсам бўларди-ку. Қани у ўлгандан кейин Тошкентга юборилган қўлёмалар?!

Кекса шоир (3-ёзувчи). Онажон, Усмон Носир қораланган ўша мажлисдан чиқдимۇ қайтиб бирор марта Ёзувчилар уюшмасига бормадим. Эртасигаёқ ишдан бўшаш ҳақидаги аризамни хотиним у ерга олиб бориб берган.

*Осмон ичра кун сарсон,
Шоирнинг нархи арзон,
Усмон Носир нек шоир,
Тор унга Ўзбекистон.*

*Усмонин унутса эл,
Номин ювиб кетар сел,
Томини учирар ел,
Тор менга Ўзбекистон.*

*Дўст номин оқламадим,
Ўлим келмас, дол қаддим,
Тупроқчалик йўқ қадрим,
Тор менга Ўзбекистон.*

*Холажон, Холамбиби,
Чўзилди умрим ипи,
Менда йўқ дўстнинг эпи,
Тор менга Ўзбекистон.*

Онажон, мени кечиринг, сизнинг тузингизни ичиб, тузлигингизга тупурган мен, гуноҳкорни кечиринг.

Холамбиби. Худо кечирсин (йиғлайди).

Муаллиф (сахна четида).

*Холамбиби сўзи ўқли,
Усмонжоннинг кўзи чўгли.*

*Эркалатар онаизор:
“Усмон ўғлим – осмон ўғли”.*

Холамбиби.

*Тўнғичимни Худо берган,
Ул осмонга қулоч керган,
Сўз терган ё юлдуз терган,
“Усмон ўғлим – осмон ўғли”.*

*Ўсмир тўсмир булутни дов,
Ҳилтирайди кўкда ялов,
Довюракнинг кўзи олов,
“Усмон ўғлим – осмон ўғли”.*

*Нақ йиғирма беш ёшдадир,
Кўнгли ой ё қуёшдадир,
Тўхмат номли тош бошдадир,
“Усмон ўғлим – осмон ўғли”.*

Холамбиби кўзёшларини артиб, ария айтади.

*“Намангон шаҳридан кетсам, менинг излар кишим борми?
Ғариблик шаҳрига етсам, менинг излар кишим борми?”
Шоҳ Машрабнинг мурдаси қолиб кетди Балх шаҳрида,
Сибир, Сибир борсаммикин ё йўллари ҳамон қорми?*

*Ўғлим Усмон осмон эди, чин меҳрибон ўғлон эди,
Ўз кўнглининг кўчасида минг йиқилиб, сарсон эди,*

*Талх экан-ку куннинг нури, қайда қолди ўғлим гўри?
Ҳайҳот, ҳайҳот, жавоб бер, Ари, дунё менга зиндон энди.*

Асабий она кўшиқни ёр-ёрга айлантиради.

*Усмонвачча қолдирмадинг, йўқ мазорга айтай ёр-ёр,
Қор остида қолиб кетган буюк орга айтай ёр-ёр,
Мунча тордир Намангоним, ҳалқумимда титрар жоним,
Кўнглим синди, мен ҳам энди гўрдан гўрга қайтай, ёр-ёр.*



*Ўжоднинг кўнчилиқ учун марҳаматли эҳсони
шундаки, унинг завқидан дохий санъаткор ҳам,
гўр хаваскор ҳам бебаҳра қолмайди.*

Абдулла ОРИПОВ





Кўзларимдан узатдим меҳр

Дилором ИСМОИЛОВА

Сени эркалашдан чарчамас тилим

Соҳилингман сенинг, сен – азим дарё,
Тўлқин уриб келгин, қирғоқларимга.
Сув пуркаб гул ундир, майсалар ундир,
Ёлғизоёқ юрган сўқмоқларимга.

Омонат эдим мен аслида сенга,
Худойим томондан қўшилган тақдир.
О, қанчалар олис бўлмасин йўллар,
Севги – иккимизни узмаган занжир.

Сен кўксимдан бошин кўтарган офтоб,
Мен сени бағрингга бош қўйган моҳтоб.
Сени эркалашдан чарчамас тилим,
Эркаланишдан ҳам чарчамас дилим.

Соҳилингман сенинг, тўлқин уриб кел.

Кулгуларим

Бу ҳаёт саҳросида жавлон уриб кетмоқдаман,
Толейим бўлди баланд, даврон суриб кетмоқдаман.
Неча минг савдосига етмай гоҳо ақлим менинг,
Саҳнада томошасин ҳайрон кўриб кетмоқдаман.

*Дилором ИСМОИЛОВА – 1965 йилда туғилган. Самарқанд давлат университети-
тини тамомлаган. “Юрагимда гуллар шивири”, “Райҳон исли кунлар”, “Соғиниб
кетдим”, “Меҳрибоним, қайдасиз” каби шеърий китоблари чоп этилган.*

Саҳронинг гарду куми кўнган чоғда ҳам юзимга,
Заррача гарду ғубор инмади айтар сўзимга.
Нечалар шунча хўрлик қайда ниҳон, деб сўрарлар,
Яхшироқ боқ, қатра ёш кўрдингми бир бор кўзимда.

Эгри кўнгилни кўриб, хўрлик маним ичимдадир,
Ташимда борим, зору зўрлик маним ичимдадир.
Бугунимдан айтайин, сўз очма ҳеч кечмишлардан,
Не бўлса ўтди, кетди, хурлик маним ичимдадир.

Бахтлиман, бир йигитга бердим меҳрим – инжуларим,
Эй дил, сени поклашга етгай муҳаббат сувларим.
Агар ўтсам дунёдан бир кун келиб вақт, соати
Хатто ер остидан ҳам келиб турар кулгуларим.

Юраккинам

Юрак, бунча қон бўлдинг бугун,
Ғуссаларга талош бўлдинг сен.
Ошиқларга ечилмас тугун,
Дардга кўзу ҳам қош бўлдинг сен.

Яраландинг, сўз – меҳригиё,
Малҳам кўйиб уни тузатдим.
Юрагимда ажиб туйғулар,
Ёзганларим халққа узатдим.

Рост гапни қутиб

Қуёш ғарбдан чиқади десанг,
Десанг гуллар сўлмас ҳеч қачон.
Ишонаман, очиқ кўнглингдай
Мудом тиниқ бўлар деб осмон.

Бизлар кўриб турган чинорнинг
Япроқлари тўкилмайди ҳеч.
Қайғунгда ҳам, шод кунингда ҳам,
Ёнгинангда бўлгум эрта, кеч.

Ҳаммасини биламан, бироқ
Ичимда зил кетар бир олам.
Лек негадир ишонавергум,
Ёлғонингга сенинг эй, одам.

Тўлиб борар сабр деган жом,
Бироқ тўкмам кўзларимдан ёш.
Сен ҳам ишон, бир куни ғарбдан
Чиқиб келар сен айтган қуёш.

Ҳаёт илмин ўргатинг менга

Бир ҳовуч дейинми ё биргина кафт,
Бизнинг чекимизда қолган умримиз.
Қачонгача сайраб ётади, билмам,
Кўкрак қафасида турган кумримиз.

Шу ҳовуч фурсатда, кафтдек умрда,
Нурга талпингандек талпиндим сизга.
Мен Момаҳаводай интилган ўша,
Сиз Одаматодай шошилинг бизга.

Дунёда яшайлик бахтли ва шодмон,
Илоҳий ишқ тутсин қўлларимиздан.
Пирига содиқ бир муриддай ҳар он,
Бу ҳаёт илмини ўрганай сиздан.

Зиналар

Зиналар.

Зиналар.

Зиналар.

Ортингдан кузатиб қолади,
Келмасанг андуҳлар ютади.
Эшикка термилиб кутади.
У тошмас, лек айтмас дардини,
Не ўтса ичидан ўтади.

Зиналар.

Зиналар.

Зиналар.

Боқмасанг қилмайди гиналар,
Гумонлар бағрини тирналар,
Севгиси жимгина синалар,
Эшитиб пошнангни овозин
Юраги дукурлаб кетади.

Зиналар.

Зиналар.

Зиналар.

Унутсанг, кетсанг гар йироғлаб,
Худодан келишинг сўроғлаб,
Тонггача кутади, йўл пойлаб –
Умидлар чокини сўкади,
Кунлари илинж-ла ўтади.

Зиналар.

Зиналар.

Зиналар.

Гар келсанг юзлари ёришиб
Кетади куёшга қоришиб,
Тун билан чиққанди олишиб.
Ғолиблик нашъасин туяди,
Қулочин кенг ёзиб, туради.

Зиналар.

Зиналар.

Зиналар.

Изингни кўзига суради.
Овозин чиқармай кулади.
Бахтлари бахтларга уланар.
Зиналар.

Юрагим баҳордай гуллади

Бойчечак суюнчи олгани
Йўлимга чиқибди шошганча.
Кўзимни қувнатиб анҳорлар,
Қуйлайди юраги тошганча.
Ҳаволар мусаффо, атирли,
Юзимни ювади найсонлар.
Дийдордан бунчалар файзли
Қалдирғоч ин қурган айвонлар.
Сочимда, мижжамда, лабимда
Ўрикнинг тўкилган гуллари.
Новдалар гул очди, десам йўқ,
Баҳорда юрагим гуллади.
Тошаман, шошаман, учаман,
Сочларим варракка ўхшайди.
Зангори кўйлаги ҳилпираб,
Март менга пойандоз тўшайди.
Бир оддий йўловчи эдим мен,
Дунёнинг ҳикматин ўқувчи.
Баҳорда шоирга айландим,
Мадҳига қўшиқлар тўқувчи.

Юрагимда оқар дарёлар

Олам яшилланди, булутлар оппоқ
Мактубларин ёзиб тарқалди, кетди.
Порлади осмоннинг мовий кўзлари,
Мажнунтол сочлари белига етди.

Эндигина кулоқ чиқарган майса,
Чакмоқ товушидан титрайди бирам.
Лолақизғалдоқлар томларда байроқ,
Баҳор келганини этади байрам.

Қушлар ялласидан уйғонган қуёш,
Заррин нурларини борлиққа сочди.
Баҳорой келди, деб мудраган сойлар
Музларни кўксидан қўпорди, тошди.

Кўкламда, навбаҳор фаслида бирам
Чиройли кўриниб кетар дунёлар.
Кўзларимда тўлқин уриб, мавжланиб
Менинг юрагимда оқар дарёлар.

Кўзларимдан узатдим меҳр

Сокин оқшом. Кўкнинг бағрини
Ёритарди юлдузлар шами.
Оқ юзини буриб бир четга,
Кўрдим ойнинг йиғлаётганин.

Юрагимдан узилди бир тор,
Этмай қолди ўпкамга ҳаво.
Шунча баланд жойда турса ҳам,
Нега йиғлар Ой қиз айт, момо.

Қўшиқларда, шеърда таърифи,
Бўй қизларни киёслар унга.
Ё соғинчи ортдими бисёр,
Етмадими ошиғи – Кунга.

Маъюсланма, ёшингни тўкма,
Ёлғизман, деб ўйлама зинҳор.
Ҳар кеч кўкка боқиб сен ҳақда,
Ўйлаётган битта қизча бор.

Кел, меҳримни узатайин, ол,
Муҳаббатим кўрсатсин сеҳр.
Йиғлаётган ўша сулувга
Кўзларимдан узатдим меҳр.

Ўзбекой бўлдим

Қўллари кетмондай меҳнаткаш элим,
Қалби баъзан дарё, дала-дашт элим.
Ким эдинг, ким бўлдинг, дея сўрсангиз,
Азал буюк эдим, яна хур бўлдим.
Истиқлол нур сочди эгик бошимга,
Озодлик хумодек келди қошимга.

Қаддимни чинордек кўтардим баланд,
Ғаним кум сочолмас энди ошимга.

Сочимда мажнунтол хаёли қолган,
Ой рашқдан юзини чимчиллаб олган.
Меҳмон бўлиб борсам, омон бўлгин, деб
Момолар бошимга рўмолин солган.

Шундан бошим омон, кўксим тоғ эрур,
Кўзим оташида бағритош эрур.
Унча-мунча миллат бўйлолмас бизга,
Ўзбекман, деган сўз кўп викор эрур.

Осмоннинг кўзидан тушган нур бўлдим,
Қадру киммат топдим, бахтларга тўлдим.
Ҳеч кимдан каммасман, исботини кўр,
Ўзбекистон бўлдим, Ўзбекой бўлдим.

Сен ҳам кетар бўлсанг

Дўсти содигим йўқ суҳбат қургани,
Эй нотаниш кимса, ёнимга келгин.
Кел, менга елкадош бўлиб тургани,
Шу қадар яқин бўл, жонимга киргин.

Шоирман, гоҳида туйғу жиловин,
Қўйиб юбораман, тўлиб тошаман.
Баъзан ўчиролмам ҳислар оловин,
Дил очсам сотарлар, бундан шошаман.

Мен ҳам оддий одам, англаб етгин сен,
Қусурларим бордир, хатойим бордир.
Қандай бўлсам шундай қабул этгин сен,
Йўкса бу ғавғолар бўйнимга дордир.

Ўтир, танишайлик садағанг кетай,
Ғаниматдир фурсат, юрак ургани.
Сен ҳам кетар бўлсанг дейман-да, нетай,
Дўсти содигим йўқ, суҳбат қургани.



Шивирлайди найсон томчиси

Ашурали БОЙМУРОД

Бағрингга сиғмадим, осмон!

Учмоқ бўлдим баланд саҳнада,
Йўлим тўсди зирҳли совутлар,
Юлдузларга етган паллада
Ҳайдаб солди қора булутлар.
Ўз еримга шўнғидим осон,
Кенг бағрингга сиғмадим, осмон!

Сенинг бўстон, чаманларингда,
Ҳақни излаб тутгандим қалам.
Борим юлиб олганларингда,
Ич-ичимда қолганди алам.
Сўз айтмоққа бермадинг имкон,
Кенг бағрингга сиғмадим, осмон!

Не қиласан осмон тоғида,
Дилинг айлаб сенсан бепарво?
Ўз ичимга сиғмай гоҳида,
Учганим рост чексизлик аро.
Қутмагайман, мен сендан эҳсон,
Кенг бағрингга сиғмадим, осмон!

Ашурали БОЙМУРОД – 1957 йилда тугилган. Жиззах давлат педагогика институтини тамомлаган. Унинг “Табиат сеҳри”, “Садоқат”, “Согинч”, “Мирзо Бобур”, “Меҳристон”, “Онагинам”, “Қушлар суҳбати”, “Мулоқот” сингари ўндан ортиқ шеърӣ китоблари чоп этилган.

Осмон, бағринг тормиди наҳот,
Чакмоғингдан кўзлар қамашди.
Ўз юлдузин тополмай ҳайҳот,
Бу кенгликда кўплар адашди.
Қилолмадинг бир бора меҳмон,
Кенг бағрингга сиғмадим, осмон!

Найсон оҳанги

Тол шохида яшил жамалак,
Сочларини ёйиб юборди.
Яшаб қолай дейди капалак,
Гул баргларин ўйиб юборди.

Сойга қараб чопди ирмоқлар,
Қалқиб тушар тоғлар дараси.
Куй таратар яшил қувноқлар,
Қиқирлайди гуллар сараси.

Гул ёнида турар уялиб,
Қизарганча қизғалдоқ бола.
Юз-кўзлари қонга бўялиб,
Тош бағридан чиқади лола.

Шивирлайди найсон томчиси,
Булутларга тутаман коса.
Гулдираклар – осмон жарчиси,
Ерга меҳрин тўкаркан роса.

Қуёш ерга тутди гулдаста,
Уфқ лолага бўялиб кетди.
Маҳбубидан олгандек бўса,
Қип-қизариб уялиб кетди.

...Тинглагаймиз начора

Бу ўрмонда барча зот
тушиб кетди сайрашга:
Саъва, кумри, кабутар
ҳатто читтак, майналар.
Дарахтда жой қолмади
барча келди яйрашга.
Чуғур-чуғур деган сўз
еру кўкда айланар,
Ўзларича маст бўлди
ўзининг сайроғига,

Турфа хил сайроқларни
тинглағаймиз начора.
Кимдир чапак чалади,
қарғанинг қайроғига.
Булбул эса бир четда
қолиб кетди бечора...

Юрагимни забт этган олов

Юрагимни забт этган олов,
Мен қуёшни ютиб олганман.
Ёнмоқликда тенг келмас биров,
Ҳаммангиздан ўтиб олганман.

Дук-дук урар тўхтамас юрак,
Танимдаги оловли ерим.
То тирикмен ёнмоғим керак,
Шу оловда тобланган шеърим.

Саболарим нурга беланган,
Уйғоқ ҳислар ичра қолганман.
Умрим ёруғ кунга уланган,
Мен қуёшни ютиб олганман.

Чарх уради курраи замин:
Гоҳида кенг, гоҳида тордир.
Кейин билсам, ҳар тирик жоннинг,
Ботмайдиган қуёши бордир.

Қалбга бир туғ тутиб олганман,
Мен қуёшни ютиб олганман.

Она ватан

Бу замин оловдир, бу замин – оташ,
Кўксини тоғ қилган офтобистоним.
Ойдан-да сулувдир, гўзал париваш,
Қуёшдан тож кийган Ўзбекистоним.

Дунё донолари жамулжам бўлмиш,
Регистон сўз очар қадим дostonдан.
Қадимий бир сирдан ҳайратга тўлмиш:
Қуёш нур оларкан Ўзбекистондан!

* * *

Кузнинг сариқ бахмал тўшакларидир,
Дарахтлар бағридан тушган япроқлар,
Яланғоч новдалар кучоқларидир,
Ҳижрон рангларига тўлар тупроқлар.

Ҳижрон куйларини чаларкан тинмай,
Ажиб бир сеҳр бор кузнинг ишида.
У оппоқ кўрпасин устига ёпиб,
Сўнг яшил дунёни кўрар тушида...

Асад оий

Шарбат йиғар боларилар,
Асад оий – асал оий,
Жам бўлишган гулпарилар,
Ярқирайди ёз чиройи.

Турфа рангда товланади
Ишқомдаги оқ ҳусайни,
Ўзбекистон боғларига.
Кириб ўтгин, эй оғайни!

Бободехқон хирмонидан
Ёғилади буғдой сўзлар.
Юрак деган бир тандирдан
Узилади чўғдай сўзлар.

Қўли очиқ, сахий ёз бу,
Табиатнинг хотамтойи.
Ўзбегимнинг бўй-бастига
Ярашгандир асад оий.

Бу қандайин фурсат, дейди,
Далаларинг ясат, дейди,
Ёзнинг асл чоғларини
Юртимизда асад дейди.

Очилгандир олтин сандиқ,
Сахий фасл – йилнинг бойи,
Сен ҳам кўнглинг ёздек тутсанг,
Доим ҳамроҳ асад оий.



Бўрон

Ҳикоя



Хурсанд АЛИ

Қоронғи ўра. Зах ва моғор иси аралашиб қўланса ҳид анкир, чуқур ичидан осмон тандирнинг оғзидай кўриниб турарди. Чуқурда кўниколмай қунишиб ётган мурғаккина кучукчанинг кўзига чивин ҳадеб қўнар, ўнг панжасини кўтариб кўзи, тумшугини суркаб қўярдию лекин кўзини осмондан ҳеч узмасди. Кундузи булут кетидан булут елкан каби сузиб ўтади, тунлари минглаб митти чироқлар жимирайди. Туйнукдан ташқариси ҳозирча тилсим, кучукча шу бир парча кўриниб турган осмонга талпиниб яшайди. Ўрадалиги эсига тушса, нам деворга олдинги оёқларини қўйганча, тимдалаб, гингшиб оламни бузади. Нима кўрибди ахир яқинда туғилди. Туғилганда усти шилта ҳўл, оёғида туrolмас, совуқ ҳаво ва шамол танасини ичидан қалтиратарди. Бошқа оламга кўниколмай чийиллар, онаси эса бағрига босиб дам-бадам ялаб, устини қуриларди. Иси қадрдон бўлган онасининг жунларини титкилаб, чала-пула эмиб, баданига иссиқ кирган кучукча қуюқ жунлар орасидан уйкуга кетарди. Уйғонганида кўзлари ҳали юмуқ яна сут излайди. Кучукларда шунақа, икки ҳафта эшитилади, ҳис этади, вақт ўтиб ўзи эшитган товушларнинг эгаларини кўзи кўра бошлайди.

“Ба-ба-а-а”лаб азонда шовқин солиб, кечкурун яна шундай қайтадиган сурув қўйлигини билди. Молхона бўғотларидан чирқиллайдиган чумчуқ, оламни бузиб ханграйдиган эса эшак экан. Энг қизиғи, молхона бурчагида сутга тўйиб, жимгина атрофга қулоқ солиб ётганида, дам узоклашиб, дам яқинлашиб келадиган ариларнинг гингиллашини эшитиб, нималигига жуда-жуда қизиқарди. “Тинмасдан нималар деяпти?” деб ўйларди. Энди билса, учганда қанотларидан шундай товуш чиқар экан. Кейинроқ кўзи очилгандан сўнг гумбаздай ўтов ичида яшайдиган хожасининг жажжи қизлари бошини силаб, эркалатарди. Улар билан ўйнагиси келарди, ўйинга қўшиши билан мункиб бориб йиқиларди. Нима қилсин ҳали кичкина-да. Лекин доим этик кийиб юрадиган хожаси уни яхши кўради, исмини айтиб чақиради.

Хурсанд АЛИ – 1971 йилда туғилган. Тошкент қишлоқ хўжалиги институти-ни (ҳозирги ТДАУ) тамомлаган. Ҳикоя ва мақолалари республика матбуотида чоп этилган.

Шундан жунлари хўрпайган, бузоқдай келадиган онасининг исми Қашқа, ўзиники эса Бўрон эканлигини билди. Ҳозир эса хожаси нимагадир мана шу қоронғу ўрага ташлаган.

Эғнида туя жунидан тўқилган, тиззасигача тушадиган чакмон ва пахталик шим, оёқларига оғир кирза этик кийиб олган Ўрдабой кела солиб ўра четига қўлларини қўйиб, тиззалаган қўйи устидаги шохни олди. Пастга қараб, “Бўронча, ба, Бўронча!” деб чақирди. Кучукча қоп-қоронғи, тор ўрада кечаси билан ғингшиб чиқиб, тонгга яқин ухлаб қолганди. Тумшуғини биқинига тикиб, калаванинг коптогидай бўлиб олган кучукча эгасининг чақириғидан уйғониб кетди. Апил-тапил тепага қаради, хожаси. Ирғиб туриб, девор четларига оёғини қўйиб, тикка турганча, ингичка товушда зорланиб калта-калта акиллаш бошлади. Сўнг ўзини ўнглай олмай йиқилиб тушди. Хожаси кетиб қоладигандай тепадан кўзини узмай, мени тортиб олинг, деяётгандай олди оёқларини ўра деворига тираб, ялиниб акиллашни бошлади.

Ўрдабой кучукчани нега ўрага ташлаганини ўзи яхши билади, лекин қизчалари, “Бўрончани олиб беринг, қийналиб кетди”, деб ҳоли-жонига қўймайди. Айтсанг, қани тушунса, ахир шундай қилиш керак-да.

Ўрдабой пастга қаради, кўзлар кўзга тушди. Тепадан тушган ёруғдан Бўроннинг кўзлари икки нуқтадай йилтираб турар, деворга тикка турганча, кичкина думини ликиллаб, хожасидан кўз узмасди. Ёнига тўп этиб муштдай гўшт тушди. Дастлаб ўнг оёғига сўнг иккинчисига салмоғини ташлаган хожаси, “Ё, пирим!” деб турди-ю, ғойиб бўлди. Яна баркашдек ўра оғзида бир ҳовучгина осмон қолди. Алаmidан баттар ғингшиди, чийиллади, аккиллади. Ҳеч нарса ўзгаргани йўқ. Чарчаб, оёқларига бошини қўйганча ётди. Зах деворларда туни билан шиллик куртлар юриб чиққанми, бир у ёққа, бир бу ёққа кетган ялтироқ излар Бўроннинг диққатини тортди. Ўрнидан туриб хидлаб кўрди, кейин эса тирноғи билан кўчира бошлади.

Ўрдабой Қизилнура тоғидаги ёзги яйловига кўчиб келганига бир ҳафта бўлди. Бу жойлар ҳали совук. Ҳар куни кечаси жилғалар юпқа ойнадай музлаб қолади. Ёз бошланганига қарамай, чўққисидан этагигача тарам-тарам бўлиб оппоқ мунги ётибди. Қор қорга уланади. Алақачон сафар қариган, инжиқ кўккламой кўкдан гиламини ёйиб, майда гуллардан безаб, шамол кўтармасин дегандай ҳар жойда оппоқ кўзиқорин билан қоқиб, ҳали-бери кетмайман деб, оёқ тираб олгандай. Қурғур, тоза тавақда, либосини липасига қистириб, яшиндан урилган қамчисида эринчоқ булутларни қамчилаб, савалаб, ёшларини оқизиб, кўм-кўк кирларни чаяди. Бу бағри кенг кўхна тоғда тўртта фасл яшайди: чарақлаб кун чикса, кўққисдан гумбураб, қора булут келиб қолади. Челақлаб ёмғир ёғади, ёмғир қорга айланиб, борлиқ оқ кўрпага беркинади. Яна чарақлаб қуёш чиқади. Иззатини билган қор, кўм-кўк майсалар тагига шоша-пиша сингиб кетади-ю, ҳеч нарса бўлмагандай яна кўклам эгаллайди.

Туманга тушганда кап-катта одамлар ёш боладай тоғлар ҳақида сўрайди:

–Э-э-э, Ўрдабой ака, тўғри тоғдан келаяпсизми? Сизга мазза-я, салқин ўрмонларда юрасиз, зилол булоқлардан ичасиз... Айиқлар кечаси одамларга тегинадими? Кутилмаганда пишқириб, сел келиб қоладими?– деб савол бериб қолади.

Нима десин? “Юқорига қарасанг, минорадай чўққилари қадалган булутлардан тўқилган қорлар абадий музлаб қолган зинапоёга ўхшайди, юраверсанг, чиқаверсанг осмонга ўтиб кетса бўлади”, десинми? “Оламларнинг кўприги”, десинми? Баъзан гаши келарди, баъзан мийиғида кулиб, “Тўғри, ёмғир ёғиб, сел келиб қолади. Тоққа

чиқсангиз сой бўйида тунаманг”, деб кўярди. Қани энди тоғ дегани уч-тўрт оғиз сўзга жамланса.

Ўрдабойнинг ёши элликлардан ошиб қолган, телпагини чекаларидан оқ оралаб кулранг тусга кирган сочлари кўриниб турарди. Совуқдан юзлари қорайиб, соқоли ҳам ўсиб кетган. Қўйларини Қизилнура тоғининг кўм-кўк ён бағрига солиб, ўзи нонушта қилгани, таёғига суянганча пастга қараб одимларди. Қизилнуранинг этагидаги текислик жуда кенг-да. Уч-тўртта кишлоқ сиғади. Текисликдан кейин хушингни учирадиган зовлар бошланади. Зовлар тагида яна текислик. Лекин ҳозир Ўрдабой манзил қилган манзил этакдаги текисликдай улкан эмас. Хув ана... Ярмига кун тушиб, кўм-кўк яйлов ўртасида миттигина оқариб турган капаси. Ёнида тошлардан тикланган ўчоқдан қуюқ тутун чиқиб турибди. Ўтовга тушиб келганда чўққилар ортидан қуёш чиқиб келарди, кўлини пешонасига соябон қилиб, ўзи ҳозиргина ташлаб келган сурувга кўз тикиди.. Сурувнинг элас-элас маъраши эшитилиб, қирралар остидаги оппоқ мунгиларда чумолидай қаторлашиб ошаётгани кўриниб турарди. Хотини Улбека ўчоққа чой қўйиб, булоққа сув олгани кетибди. Тўғри, ўтовдан йигирма метрлар наридаги ўра олдида борди. Қизчалар ҳали уйкуда. Шунисиям маъкул. Бўлмаса, “Нега бизни ўра олдида борма, ичига тортиб кетади, деб рухсат бермайсиз? Ўзингиз боряпсиз-ку, биз ҳам борамиз!” деб ҳоли-жонига қўймайди. Ортига бир қараб қўйиб, ўра устига ёпиб қўйган кигизни кўтариб, тиззалаганча четига ўтирди. Хожасининг қадам товушларидан сезган Бўрон, тепага қараганча, калта-калта ингичка товушда вовуллади. Ёруғдан кўзилари қамашиб пастга энгашиди. Кичкина бошини ликиллашиб, тумшуғини ерга ишқалаб, шоша-пиша эгаси кетиб қоладигандай ирғиб туриб, яна оёқларини деворга тираб, шодлигидан тепага ирғий бошлади. Ҳар сафар хожаси келганда шундай қилади. Назарида ҳозир нарвон ташлайди-да, тушиб келади, кейин эса қўлтиғига қистириб олиб чиқиб кетадигандай. Ҳозир хожаси отини айтиб эркалаб, бир нарсалар деяпти. Лекин вақт ўтиб боряпти. Нарвон эса ҳали йўқ. Энди шодлигидан чийиллаб вовуллаётган кучукчани, зорланишга, ўкинчга ўхшаш товуш эгалайди. Аламидан ўра тубида зир югура бошлайди.

Ўрдабой тепадан, кулиб қараб турарди.

– Э, товба, шуям ҳафа бўлишни билади-я. Эй, эй, Бўронча, ҳафа бўлма, аччиқ ҳам қилма. Бу ерда кучга тўлишинг керак. Мен сенга емиш ва сув ташлаб тураман. Кечаси билан чийиллашингни бас қил. Агар чиндан ҳам сиртлон бўлсанг, сени бўри қўймайди-да. Шунинг учун ҳам ўра ковлаб, ташлаб қўйибман. Ҳар кеча товушингни бўри эшитмасин деб ўра оғзини кигиз билан ўрайман, сен нимани ҳам билардинг? Агар Сиртлон бўлсанг, менимча, ёз тугаб, кузнинг бошида мана шу тўрт метрлик ўрадан ирғиб чиқиб кетасан. Шунда энг зўр бўрига ҳам бас келасан. Сиртлон бўлсанг, сиртлон бўлсанг, деб қайтараверганимдан ҳафа бўлма. Сенда аломатлари бор. Онанг Қашқа, сени ёлғиз туғди. Олдинги оёқларингда оддий итдан фарқлироқ тирноқларинг бор, думинг ҳам калта. Лекин бу етарли эмас-да. Шундай белгилар билан туғилган кучукларнинг ҳам мингдан бири давкар бўлади. Мободо бўрибосар бўлиб чиқсанг, менинг бахтим. Чиқмасанг-чи, ҳеч ҳам ҳафа бўлмайман, сенга боғлиқ эмас-ку? Ўрага арқон ташлайман-да, шартта олиб чиқаман, овчи кучукдирсан, балки чўпон ит. Нима бўпти, онанг Қашқа билан юраверасан. Қашқа ҳозир ху-ув қиррада қўйларни боқиб юрибди. Ўра устида ўтирганимни кўриб, кузатиб ҳам тургандир. Бечоранинг бир кўзи сурувда, бир кўзи ўрада бўлса керак. Чунки ичида сен борсан, жигарбандисан. Бўзчининг мокисидай иккаламиз тепангга қатнаймиз..

Бўрон чукурда бошини хиёл экканча қараб, худди ҳамма нарсани тушунгандай, думини ликиллашиб, хожасига тикилиб ўтирарди.

Ўлжабой хаёлга толди. Отасининг кучукларга меҳри баланд эди.

– Эй, ўғилларим, итдай вафодор махлуқ борми? Берсанг ейди, бермасанг йўқ. Уриб, хайдаб юборсанг ҳам дам ўтмай остонангга бош қўйиб ётганини кўрасан. Ҳеч нарса билмагандай яна орқангдан эргашиб кетаверади. Гина-кудрат қилмайди, хиё-нати йўқ. Э, сенлар ниманиям билардинг.

Ўн-ўн икки ёшларимда қаттиқ очарчилик эди, киш ҳам қаттиқ келганди. Қор кўп ёққанидан томнинг шифтига етиб, йўллар беркилиб қолди. Лекин қор тинмас, Худонинг берган куни ёғарди. Босиб қолмасин деб ёғоч куракларни олиб, томга чиқардик. Бу пайтда келишиб олгандай қўни-қўшнилар том қуради. Отам бизларни ҳам олиб чиқар, очликдан сал чалғисин, дермиди, ҳар ҳолда синиб, кичрайиб қолган кураклар укам иккимизники эди. Ҳақиқатан ҳамма нарсани унутиб юборардик. Ахир ҳовлимизга том барабар ёққан қор устида, тиззамизгача ботиб юардик. Бир-биримизни қўлимиздан тортиб яна томга чиқардик. Жуда қизиқ эди. Лекин катталарнинг юзида ташвиш. Йўқчилик кундан кунга авж оларди. Ўтиннинг таги кўриниб қолган. Бундай қорда тоғдан олиб келишнинг иложи йўқ. Бизни боқиб турган сигиримиз ҳам ориқлаб, адои тамом бўлган, аранг кунда бир коса сут беради. Шуни амал-тақал қиламиз. Нима қилсин бечора, унга ҳам уч маҳал эмас, бир марта ҳашак берилади. Сигиримиз турган кўримсизгина молхона устига тупроқ босилган, тагидан қалин босилган шох-шабба тўрт томонга тарвақайлаб турарди. Биз томонга қараган тарафида кичкинагина туйнукчадан, билинар-билинемас буг орасидан говмуш қараб туради. Шох-шаббадан кундузи пича эриган қордан томчи ортидан томчи оқади. Эрталаб қатор бўлиб, найзасини суқмоқчи бўлган муз сумалаклар ерга етмай қотиб қолганини кўрасан. Укам билан биринчи ишимиз томга суяб қўйган таёқ қиличларимизни оламиз-да, кечаси душманлар молхонамиз олдиғача бостириб келиб қолгандай, бир олдинга интилиб, айланиб ўтиб, қаҳратон қишнинг найзаларини синдириб чиқамиз. “Бўлди энди, даф бўлларинг, кетинглар, қайтиб келманглар!” деб дўқ урамиз. Молхона билан томимиз ораси чамамда, ўн кулоч эди. Қор деворли йўлакдан томга қайтиб, эски кигиз қоқилган, ғийғилдоқ эшикни очишдан олдин, ортга бир қараймиз. Боя қатор бўлиб, саф тортиб, ялтираб турган муз сумалаклар, энди тишлари синиб, тўкилиб кетган рақибдай, ғарибгина турарди. Ғолибмиз, шахд билан эшикни очиб, ичкарига кирамиз: юзимизга “гуп” этиб илиқ ҳаво урилади. Қилич тутган қўлларимиз совукдан қотиб қолган... Лой сувоқли, ис босган деворга орқамизни тираб, қунишиб ўтириб, тиззамизга отамнинг эски чопонини ёпиб оламиз. Уйимизда туйнук йўқ. Ўртада оташ кўра бўлиб, тепасида тешик бор. Шу жойдан тутун чиқиб кетади. Қаҳратон қишнинг совуғидан қочиб, эшигимизга суяниб олган ҳаво, онам эшикни ланг очганда, мункиб кетиб урилгандай, юзимизга совуқ эпкин бўлиб тегади. Тепада осилиб турган ўргимчак инидай қоп-қора ислар ҳам тебраниб, безовта бўлади. Сўнг онам эски темир тоғорани тарақлатиб қўйиб, оташ кўрадаги кечаги кулни ола бошлайди. Бизга қараб, “Уй сал шамоласин, ҳозир ўт ёқаман. Бир егулик қиларман. Унғача ўраниб ўтиринглар!” дерди.

Қаҳратон қиш, унинг устига очарчилик кундан кун ўз домига тортар, одамлар зўрга қўл учида кун кечирарди. Қани кўклам бўлса, темир ковлаб кун кўрсанг, ёз бўлсайди, мевалардан терсанг. Нордон аччиқ бўлса ҳам майли. Лекин ҳозир изғирин

қиш. Барибир укам иккаламиз орзу қилишдан тўхтамасдик. “Навашахсойда зўр май-мунжон бор. Шунақанги қорайиб пишади, ўзиям ёнғокдай-ёнғокдай бўлади-да”, десам, укам ҳам гапдан қолмай, “Ингирчокда зўр олма бор, сен кўрмагансан. Ёзга чиқсак, бирга борамиз, кўп териб, қоқи қилиб ташлаймиз. Ҳайитвойнинг эшагини сўраймиз, мунча-нарсани иккаламиз кўтариб келолмаймиз”, дейди.

Ичкарига кирган отам гап топиб келиб қолди, чоллар йиғилиб маслаҳат қилибди. Танти мерган ўзи билан беш-олти йигитни олиб, Овқашқа тоғига кийик овлашга бораркан. Ов бароридан келса, ўлжа одам бошига тақсимланса, бир амалаб кўкламга етиб оларканмиз, у ёғига Худо пошшо, дейишибди. Кейин Танти мерганнинг овини бароридан келишини сўраб, узоқ дуо қилишибди. Ростдан ҳам шундан кейин эл оғзига бир нарса теккандай бўлди. Овчилар ҳафталаб йўқ бўлиб кетар, соқоллари ўсиб, юзлари совукдан қорайиб, қопларда орқасига осиб олган юкини кўтарганча ҳориб, толиб келарди. Улардан илгари, мерганнинг икки овчи ити овулга кираверишда биз келдик, дегандай хуларди. Овул кўппаклари сўкмоқ йўлдан кириб келаётган қахрамонларни “вов-вов”лашиб қаршиларди. Тантининг итлари парвойи фалак. Ҳа, улар кўй бокмас, уй кўримас, лекин улар мерганнинг кетидан юриб, овчи бўлиб етишган. Тантининг чорбоғига мол кириб кетса, вовуллаб, тишлаб ҳайдаб чиқариш ҳаёлига келмайди. Қайтанга ётиб олиб, пашшасини кўрганича кузатиб ётади. Асли овулда кучукдан кўпи борми. Не-не итлар бор, кўрсанг капалагинг учадди. Лекин улар овул ҳаётига кўникиб қолган. Ёввойи ҳайвонларнинг изидан, исидан топиб боролмайди. Оқ кўпикларини сачратиб, гулдираб оқаётган сойлардан ўтишга, улкан зовларнинг четига боришга юраги бетламайди. Юмшоқ тупроқларга ўрганган тирноқлари, кўҳна тоғнинг чуқир тошлар тўшалган сўкмоқлари-ю, метиндек қояларида дош берармиди.

Қишда қор қалинлигидан тоғ этаклари ва сойларда юриб бўлмайди. Юрсанг олдин тиззангача сўнг белинг, кўкрагингача пардай юмшоқ қорга ботиб кетасан. Шундаям оёғинг ерга етмайди. Қўлларингни икки томонга ёзиб, тирасанг оппоқ кўпик ичра ботгандай, чўкиб борасан, жим қотсанг, орасида муаллақ тураверасан. Кейин гавдангни бир олдиға, бир орқаға ташлаб, аста қорни зичлайсан. Яна-яна қайтарасан. Қор анча зичланади. Сўнг оғирлигингни ташламай аста ўрмалаб-сўрмалаб чиқасан. Билган одам тоғларда қирралардан юради. Дайди шамолнинг йўли, отам томни курагандай, қорини учириб туради. У сойдан бу сойға, дарадан дараға шу қирралардан ошади. Улкан ҳаво оқимидан ҳар ўтганда тарам-тарам илон изи қолади. Шундан какликлар ҳам тоғ қирраларидаги буталарнинг тагида емиш излайди. Ёввойи ҳайвонлар шу жойлардан ошади. Катта такалар шу жойлардан туриб зов тагини, ҳов пастдаги этакларни кузатиб, манзилига ўтиб кетади. Улардан қорда юпка из қолади. Шамол кечаси ўтган кунни учириб, бугунини ёзиш учун оқ қоғоздай тоза қилиб қуяди. Кундаги из – янги из, узоқлашмаган дегани. Буни яхши билган икки овчи ит, тумшугини ердан узмай, думларини ликиллашиб, ҳавони ҳидлаб, питирчилаб мергандан илгари кетади. Баъзан қор беркитган эски изга тушиб қолар, тирноқлари билан қовлаб, искаланиб, ҳатто ялаб кўриб, ҳафсаласи пир бўлиб, нари кетарди. Булардан ҳайвон қочиб қутулармиди. Агар янги изни топиб олса, қулоқларини динг қилиб, паст овозда гингшиб, из кетган томонни икковлашиб кузатарди. Ўлжасини топса, ура-ур, чопиб кетмасдан, шартта орқаға, ортда қолган Танти мерганни огоҳлантириш учун шовқинсиз тез қайтарди. Етиб келгач,

ҳавони ҳидлаган бўлиб, тумшуғини осмонга қаратар, кейин ўлжасини топган дарага қараб ириллар, думларини ликиллатиб, эгасига ғингширди. Мерган билардики, кийик бор. Итлар орқасига қараб-қараб, овчини из топган жойга бошлаб кетар, етиб келгач, кийик юрган дарадан қўз узмасди. Энди навбат Тантиники. У чўнқайиб ўтирганча, дурбунини дарага қаратади. Ув, узоқда миттигина кушча пир этсаям ортидан силкиниб қолган бутуқ қўл етгулик кўринади. Итлар эса ириллар, ютинар, жунлари дир-дир титрар, кийикнинг оппоқ қорда лахта-лахта қонлар сачраб, типирчилаб жон таслим қилаётганини тасаввур қилар, қизиб кетган кўкрагини қорга босар, яна турар, олдинги оёқлари билан ер тирнарди. Итоаткорона хожасини кўзига қарар, ишора кутарди. Худди кўринмас қафас бор-у, калит эса мерганда. Аслида ҳам шундай. Овда ёзилмаган қонун бор. Тўдада йўлбошчи битта бўлади.

Танти обдон мўлжални олиб, сўнг қўли билан кийик томон кўрсатиб, секингина, “Усс-усс!” дейди. Овчи итлар олдинга ташланади. Қор калин, ҳар ердан юриб бўлмасди. Кийиклар саёз жойлардан ўтишган. Буни яхши билганлари учун издан чиқмасдан бирин-кетин шовқинсиз тез ҳаракат қилади. Узоқдан сезиб қолса борми, бир зумда тошдан тошга ирғиб ғойиб бўлади. Бирданига олдида пайдо бўлган маъқул. Шунда майда улоқлар катталарнинг олдида гур этиб йиғилади-да, кейин эса тизилишиб қоча бошлайди. Галанинг узоқроқ кетишини мўлжаллаган она кийик бир сакраб тош устига чиқади. Оғзидан буғ кўтарилиб, қахрли вовуллаб, атрофида гир айланиб чопаетган итлардан жудаям кўркиб кетмайди. Олти қулоқ тош устида, олдинги туёғини кўтариб, депсиниб, қайтанга мен сенлардан кўрқмайман, йўлимдан қочинглар, дегандай бошини сарак-сарак қилади.

Асли овчи итларига шу керак-ку. Ирғиб тушиб кетса, унга етиб бўладими. Шарақ-шарақ этиб, икки ҳатлаб қояларга чиқиб кетади. Тинмай катта тошни гир айланиб, вазоҳат билан ҳуриб, туширмай турса бас. Қолганини миллари совуқ йилтираб турган милтиқни тутган хожаси адо этади. Шу йили киши билан Танти мерган ҳам, тўрт оёкли овчилари ҳам тинмади. Овдан қайтса, эртасига яна чиқиб кетарди. Қандай ётсин, ахир очарчилик деган бало бутун овулни қамраб олган.

Элни Танти мергану унинг икки ити асраб қолди.

Ўрдабой секин қўлларига тиралиб аста турди-да, ўра ичига қараб, “Бўрон ҳали зўр бўласан”, деб нари кетди. Тошдан ясалган ўчоқ ёнидаги болта билан ўтин майдаланавериб, чуқурчаларга тўлиб кетган тўнка устига ўтирди. Ўчоқдаги қумғон атрофини буткул қамраб олган зангори олов тиллари чарс-чурс қилиб товуш чиқарар, жимираб чиқаётган кўкимтир тутун ҳавога аста сингиб, кўздан ғойиб бўларди. Ўзига қараб уриб кетган тутундан, кўзи ачишиб, ёшлангандай бўлди.

Жуда кўп кучук боққан, ҳаммасиям зўр эди. Мана ҳозир Қашқа ҳам қўй кетидан қолмасдан кўз-қулоқ бўлиб юрибди. Мабодо, қўй болаласа, ит ваҳший қушларга олдирмай, онаси ялаб тозалаб, эргаштириб кетмагунча, кўрийди. Кўпинча қиялиқда қўй оёғи остидан тош думалаб кетади. Муштайгина тош олдин бир-икки думалаб, кейин тезлашиб сўнг шитоб билан пастга қараб, сакраб-сакраб худди биров ирғитгандай учади. Йўлида тошларни қўшади. Этакда бемалол ўтлаб юрган қўйлар шақир-шуқурдан тепага қараб, қуюндай чангитиб келаётган балони кўрадио, гур этиб четга қараб қочади. Хабарсиз, тўп ўртасидан бир қўй нишонга айланади. Тоғларда бунақаси тез-тез рўй беради. Қашқа ғингшиб, акиллаб етиб келадио, тош уриб, йикилиб қолган қўй атрофида у ёққа айланади, бу ёққа айланади.

Қани қўлидан бир нима келса. Сурувни қайтариб юборади-да, ўзи қўй бошида пойлоқчилик қилиб, хожасини кутади. Нима қилсин кўтариб, кетолмаса. Сурув кетидан Қашқа келмадими, нимадир бўлган. Ё қўй тукқан, ё тош урган. Буни яхши билган Ўрдабой отига хуржунини ташлаб, қўйлар юрган яйловни мўлжал қилиб боради. Яқинлашгач, Қашқанинг ўзи акиллаб, мен буёқдаман деб овоз берарди. Бундан ҳам ақлли ит бўладими? Лекин бўри борасида панд бериб қўяди. Айниқса, эрта кўклам ва изғиринли қиш кунлари қашқирлар тинчлик бермайди. Жайдари итларини менсимайди ҳам. Қашқирлар кечаси шундоқкина кўраси атрофидаги тепаликлардан туриб, шунақа увиллайди, одамнинг баданини жунжиқтириб юборади. Бечора итлари хожасининг ёнига келиб олади, айбдорона кўзига қарайди. Ўлжабой бундан хафамас, ахир ит ит-да, бўри эса бўри. Сўкмайди, урушмайди ҳам шартта деворга осиглиқ милтиғини олади-да, тепаликка қаратиб варанглашиб юборадию, итларига жон киради. Кўрдингми дегандай, хожасидан сал нари бориб, тепаликка қараб, жон-жаҳди билан ҳура бошлайди. Шунга Ўлжабой сиртлони бўлишини истайди. Унинг ҳеч қачон бундай ити бўлмаган. Агар бўлганда итларининг бошини эгиб, қашқирлар безбетларча бири қолиб, бири увлармиди. Ҳозирча ўрадаги Бўрончадан умид қиляпти, аломатлар бор. Агар, шундай бўлиб чиқса, бу йиртқичлар биронтаси қўйига кўз олайтиролмасди. Ўн чақирим наридан, думларини орқасига қисганча, унини чиқармай ўтиб кетарди.

Қашқирлар ўта зийрак ва ақлли. Доим битта сардорга бўйсунди. Лекин уларни азал-азалдан итлар орасида сиртлон туғилиб қолиши доим юракларига ғулгула солиб келган. Шундай бўлиб чиқса, бундан катта кулфат йўқ. Нима бўлсаям итни топса ўлдирса. Ахир, катта бўлса бўри зотига бало-ку. Ҳеч нарсадан хабари йўқ, лекин эртага шамолдай эпчил, илбирсдай зийрак бўлғуси мавжудотнинг ингичкагина калта-калта акиллаб, хожасига суйкалиши юракларига ханжар бўлиб ботади. Қоронғида йилтираб турган тўда кўзлар тўқнашади, жунлар орасидан пичоқ тиғидай йилтираб турган панжаларига қарайди. Шунда замин титрагандай бўлиб кетади. Демак, макон тутган ерлари омонат бўлиб қолибди. Эртага улғайгач, бўри тўдасини тилка-пора қилиб, ерларидан ҳайдаб чиқармайдими? Қандай ноҳақлик-а? Қачонлардир қавмидан бўлган, кейин эса одомзотнинг пойига тиз чўкиб, хоинликка юз тутган зотлардан-а? Шамол билан теппа-тенг чополмаса, қуюқ ўрмонларда адашса, гувиллаб турадиган қоялар эхонасини чиқариб юборса. Келиб-келиб, одам боласининг қўлда ясаб берган кичкинагина ғариб кулбасини макон тутиб, менлигини унутганлардан овчи қашқир туғиладими? Яна, ҳеч кимга бўй бермаган, катта қашқир қавмининг адабини бериб қўйса-я?.. Аламидан самони ёритиб, кўкимтир ранг бўри сиймосига ўхшаб кетадиган доғли, оймомога қараб увиллайдилар. Э, катта оға, адашмадингми? Нима қилганинг бу? Бизларга иснод-ку. Сенингча, қароринг балки тўғридир, лекин бизга керакмас. Улғаймасидан нобуд қиламиз. Бу қашқирлар шаънига тўғри келмас, лекин наилож. Токи қавмимизнинг итлар олдида боши эгилмасин. Дўнг устига қатор туриб олган тўда, кетма-кетин баъзида қўшилиб увиллар, катта оғага исён қиларди. Ҳам ўкинч, ҳам ғазаб уфуриб турган увиллаш тун қаърида узоқ-узоқларга таралар, ҳатто тунги чигирткалар ҳам чириламай қоладди. Уйкудаги ўтхўр ёввойи ҳайвонлар сапчиб уйғониб кетарди. Сергак тортиб, ўша томонга тикилар, муҳим воқеа юз берганини ҳис этиб, титроқ босарди.

Билган одам, сиртлон аломатлари билан туғилган кучукчани оламдан ажратиб, коп-қоронғу ўрага ташлайди. Туну кун чийилаб, гинғшиб зорланишига қулок солмайди. Интиқом ўтида ёниб юрган бўрилар чуқур ўрадан кўрқишини билади. Чуқурдаги мурғак кучукча орадан вақт ўтиб, зорланмай ҳам қўяди. Аста-секин кўникади. Ўрдабой ҳам шундай қилган. Ҳозир ўра тепасига келса, Бўронча шодлигидан ингичка овозда ириллаб, акиллаб, хурсандлигидан тепага қараб ирғишлайди. Ўх-хўў, орада тикка беш метр. Агар ростданам сиртлон бўлса, юкорига уч-тўрт хатлаб чиқиб кетади. Унгача ҳали анча кунлар, ойлар ўтиши керак. Лекин ўша кун, Ўрдабой учун унутилмас кун бўлади-да, ўзиям. Ҳар куни ўра тепасида кўриб турган бўлса ҳам қараб туриб, “Эй, Худойим-ей, яқинда кўлтиғимга қистириб тушириб кўювдим-а!” деб ҳайратга тушади.

Ўрдабой яхши эслайди, бундай итни топишнинг ўзи бўлмасди. Илгари бой чорвадорлар бўри терисини топиб, ичига яхшилиб сомон тикиб, худди ўзига ўхшатиб қўймасмиди. Хуржунига солиб олган чорикорлар овулма-овул юарди. Кўча бошига етгач, бўрининг тулубини ерга тушириб, арқонга бойларди-да, итларнинг юрагига ғул-ғула солиб, эшикма-эшик судрарди. Кўчада нима бўлаяпти деб, ховлилардан югуриб чиққан кучук, бўри тулубини кўрарди-ю тек қотарди. Эсанкираб қолган бечора, нималигини тушунгач, худди биров ургандай ангиллаганча, ўтинхонагами, таппихонанинг тагигами кириб кетар, чорикорлар эса эринмасдан айланарди. Орқасида бир гала, маҳаланинг йиртиқ-ямоқ кийиб олган, чанг босган шумтакалари. Бирининг устида бўлса, бирининг остида йўк. Лекин зўр томоша бўларди-да. Энди юришни бошлаган иккитаси тай-тайлаб, бир-бирини етаклаганча, орқада қолиб кетмасликка ҳаракат қиляпти. Болалар ичида шундай гап оралайди: нимамиш, овулда бўрининг юраги билан туғилган кучук бормиш. Шунки кидириб юрган экан. У бўри тулубини кўрса кўркмасдан келиб ташланиб, бурдалаб ташларкан. Зумрашаларга текин томоша, ўзлари кетма-кет кўчага қараган эски ёғоч эшикларини гийқиллатиб, навбати билан очиб борар, бақирар, хуштак чаларди-да, рўпарадаги уй бурчагига бекиниб оларди. Жаҳли чиққан кўппак, бир буларнинг адабини бериб қўй деб, важоҳат билан вовуллаганча югуриб, кўча эшикдан бошини чиқарарди-ю, тулубга кўзи тушгач, қотиб қоларди. Кўчадан кўрқиб ўтадиган, алами бор зумрашалар, жойидан чиқиб, қотиб-қотиб кулар, ирғишлаб, “Баттар бўл, баттар бўл, кўппак!” деб маза қиларди.

Қадимда сиртлон итни шундай излаган. Чиндан сиртлон бўлса, судраб юрган одамига ҳам қарамай бўри тулубини олди оёқлари билан таппа босиб, кекирдаги, бўйни аралаш чанг солган. Ҳали кучук бўлса, ҳай-ҳайлаб кўтариб ердан кўтарса ҳам тулубга қараб, ириллашни бас қилмай, қайтанга қўлидан чиқиб кетишга жон-жаҳди билан ташланган. Сиртлон топилганда чорикорлар хабар бериб, суюнчини тезроқ олгани шошилишган. Бой бува ит боласини эгасига от берса ҳам, туя берса ҳам сотиб олган. Сиртлон қариб кучдан қолгунча, қанча чорвани сақлайди. Унинг олдида туя, от дегани нима деган гап.

Азалдан ит бўридан қочса, сиртлон туғилади деган гап юради. Ўрдабой неча қариялардан сўради. “Эшитганимиз бор”, дейишди, холос. Бир куни овулнинг қарияси, бир умр чўпон ўтган Қўшан бува кўрасининг тагидаги наमत тўшалган тошда ўтирган экан. Сўрагани, ирғайдан ҳассасини ерга суқиб, билганича жавоб берди:

– Ҳа, шундай гап бор. Лекин шунча тоғу тош кездим, аммо ҳаётимда бундай воқеа рӯй бермади. Бировдан эшитмадим ҳам. Илгари бўлиб ўтгандир, бир нарса дейиш қийин. Мен сиртлон итни роса излаганман, суриштирганман. Сиртлоним бўлишини жуда-жуда хоҳлардим. Аммо топмадим. Билсанг, ҳар бир чўпоннинг орзуси-ку бу. Умрим чорванинг ичида ўтди, фалон ёшга келдим, ҳозир отга ўзим чиқолмайман, кучим келмайди. Шундай бўлса-да, ёш боладек ҳали ҳам орзу қиламан. Менимча, сиртлоннинг отаси бўри, онаси кўппак, дегани бир гап-ов. Кўрган, билган одам йўқ. Лекин тескарисини бўлган. Ўша пайтда замон оғир, очарчиликдан халқнинг силласи қуриган пайт. Камига қашқирлар кўпайиб, овулнинг молини қўймайди. Амал-тақал сут-қатик қилиб, зўрға кун ўтказаятган одамларнинг охириги ориқ сигирини ҳам мол-хонанинг туйнугидан кириб, бўғизлаб кетарди. Жунбушга келган одамлар маслаҳат билан ёппасига овул атрофидаги сўқмоқ йўлларга тузоқ, қопқонлар қўйишди. Мен эса навқиронман, чамамда олтамиш саккизинчи йиллар бўлса керак. Куролимизни олиб, йўл пойладик, ажали етганини отиб ўлдирдик. Уяларига ўт қўйдик, тузоққа тушиб жони чиқмай қолганларини чўқмор билан уриб-янчдик. Қисқаси, кириб ташладик, тинчидик-қолдик. Кейинроқ жойинг жаннатда бўлгур, Сулаймон бува афсус билан бир воқеани айтиб берган. Ўшанда бува айниб қолганми, деб энсаларим қотганди. Сизган бўлсаям керак. Бугун эмас, эртага тушунади дегандир. Бир куни ғир-шира тонгда боғининг этагига борса, ити ўзи баробар ит билан ўйнаб юрганмиш. Ғалати кўринибди, ёнидаги кўппак негадур бўриларга ўхшаб, думини орқасига қисиб олган экан. Баҳайбат ёнғоқ дарахти панасига ўтибди. Кўзларига ишонмасмиш, росмана урғочи чўлоқ бўри. “Ё, товба ҳеч замонда бўри билан кўппак ўйнашадими, бундайини кўрмаганман”, деб хайратга тушибди. Бундай бўлиши мумкинмас. Яна кузатибди. Кейин, кейин нималигини тушунгандай бўлибди. Ох, деб инграб юборибди, қанчалар аянчли манзара. Қириб ташланган қавмдан, ёлғиз чўлоқ она бўри, авлодини давом этириш учун ноиложликдан келиб турибди-ку. Авлод қайғусида кимсан, бўри кўппакка бош эгиб келибди-я. Йўқ бўлиб кетгандан, чала бўри, чала кўппак бўлсаям майли деганда. Насл шунчалар муҳим. “Э, Худойим нималар қилиб қўйдик! Улар-ку қашқир эди, биз-чи, биз одаммиз-ку. Ҳали ҳеч ким қўлга ўргатолмаган, табиатнинг ғурурини шунчалар топтаб ташладикми?” Тирқираб кўзидан ёш чиқибди. Кейин ҳеч кимга индамабди, оғиз ҳам очмабди. Айтса одамлар шу охириги урғочи бўрини ҳам йўқ қиларди-да. Ўша урғочи бўри пайти келиб олтига туғибди. Кейин нима бўлди, тақдири номаълум. Болалари оёққа тургач, эргаштириб қаёқларгадир ғойиб бўлган экан.

Анча-мунча замон ўтди, бўрилар яна кўпайди. Шундан ҳам Ўрдабой зийрак, кучли итлари бўлишини истайди-да. Қашқирлардан гап кетса, “Эй, қуриб кетсин!” деб қўяди. Аслида-чи, ич-ичидан ўзи англаб етмаган бир ҳурмат туяди. Тоғларида шундай кўкал бўри яшашидан фахрланади. Ўша кўкал қашқир ити бўлиб қолишини жуда-жуда хоҳлайди. Чўпонларга айтсанг, қотиб-қотиб кулса керак. Лекин шундай бўлиб қолса зўр бўларди-да. Афсус, бу орзу, холос. Баъзи кунлари ғира-шира эрта тонгда бўрилар Такалिसойнинг қиррасидан тушиб келаётанини кўриб қолади. Чунки пастдаги қуюқ четанзорнинг орасида уяси бор. Олдинда эшакдай келадиган кўкал бўри тушиб келар, орқасида эса тўдаси, сафини бузмай қаторлашиб оларди. Юришидан ови бароридан келгани аниқ – шошмасдан, салмоқлиниб келарди. Неғалигини билмади-ю, лекин бўриларнинг бир одати бор, уяси атрофидагиларга зиён

етказмайди. Қўй қўзилаб, боласи бир кеча далада қолиб кетса ҳам озор кўрмайди. Лекин нима фарқи бор, худудидан нари ўтсанг, бошқа бўри тегади.

– Ҳозиргидан анча ёш эдим. Бир гал кечқурун отимни тушовлаб, ярим қарич ўти ўсиб қолган, булоқ бошидаги сайхонликка қўйиб юбордим. Бир майсаларда ўтлаб, ағанаб, чарчоғи чиқсин, дедим-да. Эртага катта довондан ошиб, майдонтолга ўтаман, жўрамни кўриб келаман... Азонлаб борсам, от йўк, тушов ечилиб кетибди. Тушов арқон шу томонга дегандай, жийдалига ишора бўлиб, илондай чўзилиб ётибди. Оббо, у томонда Тўрабекнинг уйори бор. Шундоққина Саломсойда юрибди. Жадалладим, ахир уюрни саман айғири қарайди-да. Неча марта айтдик бўлмаса, кимнидир майиб қилиб қўяди, саманингни қўйма деб. Қулоқ солмайди, “Бошқа дурустроқ айғирим йўк”, дейди. Тўғри, биялардан яхши қулун олиш керак, самани улоқчи зўр от. Лекин шунақа қизганчик, бунақасини кўрмаганман. Ёнверидан ўтиб қолсанг борми, от устида одам бор демайди, ғазабдан титраб-қакшаб тикка ташланади. Рашк деганини шунга берганов, важоҳатидан уловдан тушиб қочасан. Бехосдан уюрга қараб кишнаб қўйган отингни саман ўлгур майиб қилмагунча қўймайди. Омади келса худди отинг ҳам ўзинг каби қочиб қутулади. Уялиб кетасан-ей, отинг кўзига қаролмайсан-а. Аламингни отингдан оласан, “Сенга ким кишна деди-я!” биқин аралаш қамчилайверасан-қамчилайверасан.

Шамол ялайвериб ўтини қочирган қиррага чиқиб, пастдаги сайхонликка қарадим. Тинчгина ўтлаб юрган уюрнинг қораси кўринди, отим ҳали етиб бормабди-ёв деб ўйладим. Уюрнинг телба самани сезиб қолмасин деб, шовқинсиз ҳаракат қилардим. Анча яқинлашиб қолувдим, уюрнинг чекасида, бир тойчоқ ер депсиниб қўяди-да, тумшуғини чўзиб ҳидлагандай бўлаяпти. Жойимга ўтира қолдим. Қулундан сал нарида бир кўппак майсалар устида думалаб, оёқларини юқорига қаратганча питирлатиб, тумшуғини ўтларга ишқаб ўйнаяпти. Тўрабекнинг ити қулун билан ўйнаяптими деб қўяман. Тузукроқ зеҳн солсам, Такалининг қиррасидан салмоқланиб тушиб келадиган Кўкал бўри, ҳайратим ошиб, ҳай-ҳайлаш ҳам эсимга ҳеч келмабди. Шунақаям келишган, оёқлари узун-узун, пешонасида оқи бор, тўриқ тойчоқни яхши кўриб кетдим. Мехри ийиб, ўйнаяптими. Бунақасини ҳеч кўрмаганман. Жонивор ҳам яқинроқ бориб ҳидлар, дарров орқасига тисланарди. Қашқирнинг қилиқларидан кўз узмас, ҳали қотмаган, нозиккина туёқларини ерга уриб, ўйнагиси келарди. Қайта-қайта ҳидлаб кўрарди. Тобора, қизиқиши ортиб бораётган қулун яна тумшуғини чўзиб кела бошлади. Бир-бирини искаб кўрмоқчи бўлди. Ана шунда қиёмат кўпди. Ўйинқароқ, беозор кўкал ажал қуролига айланди. Бир тишлаганда ханжардай осилиб турган жағида, тойчоқнинг тумшуғи турарди. Бечора кўрқувдан типирчилар, тумшуғини оламан деб орқага қайта-қайта тисланар, қани қонсираган улкан жағ қўя қолса. Лекин шу пайт қўйиб юборди. Ўзини ўнглай олмай орқаси билан ўтириб қолиб, нималигин англолмай атрофга жовдираётган тойчоқни бир зарб билан кекирдагини узиб ташлади. Сўнг, жони чиқарида типирчилаётган тойчоқни олди оёқлари билан босиб олганча, уюрга тикилди. Бир зумда рўй берган воқеадан гангиб қолган уюр ичида дастлаб саман айғир тушунди. Тикка туриб, олдинги оёқларини силкитганча, шунақанги кишнади, важоҳатиданда ичимда бир нарса узилиб кетди. Сўнг эса бўрига қараб, қуюн каби ташланди. Ортидан уюр чопди, қани йиртқични туёқлари билан тепкилаб, эзгилаб ташласа. Шу пайт бўриларнинг уви босилиб, атрофимдаги буталар орасидан қашқирлар уюр томонга ташланди. Уюрда саросималик пай-

до бўлди. Кўкал ҳамон типирчилаётган тойчоқни босиб турарди. Сочим тикка бўп кетди. Ахир, пайт пойлаб ётган бўриларнинг орасига ўтириб қолибман-да. Мени кўрган, билган, сезгану лекин шундай ов режасини бузмабди-я. Шунда мен беихтиёр яшаш учун кураш деган табиат қонунининг ҳар куни, ҳар соат бўладиган беаёв сахнасининг иштирокчиси бўлгандим. Найнов бўри ҳақидаги момомдан эшитган эртақлар чилпарчин бўлиб кетганди. Ўзимга ўзим савол берардим. “Нима кўкал бўри биродарларини пистирмага қўйиб, ўзи эса меҳрибон кучук ролида ов сахнасини яратдими?”..

Чўпон ва ит. Уларни беш қулочлик тик масофа ажратиб турарди. Ўша масофанинг узунлиги тўрт ойлар бўлса керак. Чунки эскидан сиртлон, тўрт-беш ойда етилиб, ўрадан тиккасига уч хатлаганда тарк этади деган-ку. Унгача бири пастга қараб, кўланса ва қоронғуликдан изласа, бири кўм-кўк осмонда оппоқ булутлар сузиб юрган баркашдек ўранинг оғзидан излайди. Энди Бўрон илгаригидай, ғинғшиб, йиғлайвермайди. Улғайиб қолганда ахир, орадан икки ой ўтди. Кундан кун кучга тўлиб борарди. Юқорида хожасини кўрганда, деворларга панжаларини қўйиб тикка туриб, севинчидан акиллайди. Овозлари ҳам йўғонлашиб, ўра ичидан гумбурлаб чиқадиган бўп қолди. Ўрдабой эринмайди. Ўранинг оғзига ўтирганча ғира-шира кўриниб турган Бўроннинг ҳар бир ҳаракатидан сиртлон излайди. Ҳар кеча, Ўрдабой ёстиққа бош қўйганда ер тагидан бўғиқ гурсилаган овоз келади ва сахарга яқин тинарди. У пайтда Бўрон ўра оғзига қайта-қайта сапчир, ўра тубига гурсиллаб қайтиб тушарди. Бу бот-бот такрорланарди. Ҳолдан тойиб, чарчаб қолмагунча тинмас, чиқиб кетиш учун тинмай ҳаракат қиларди. Бўроннинг тирноқ изларидан қолган чизиклар кун сайин куёшга интилган қамишдек бўйин чўзиб борарди.

– Қани энди, ростданам шундай бўлиб қолса. Юраги орзикиб кетади. Бўронда нимадир бор. Балки адашаётгандирман. Нима бўлгандаям, кучукчам ёлғиз туғилди, аломатлар йўқ эмас. Лекин шундай бўлса ҳам мингдан бири чиқади, деб эшитган. Майли-да, мендан нима кетди, сиртлон чикса, берди Худо. Чикмаса-чи, барибир яхши ит бўлади. Чунки онаси зўр кўшпак-ку, – Ўрдабой ўзига тасалли беради.

Бора-бора қўли бўшади дегунча, хўрак ташлаш баҳонасида, баъзида ўзи билмай, ўранинг ёнига келиб қоларди. Ўзиям ўтирволиб, хаёл суради... Сиртлон ит ва бўрилар ҳақидаги воқеалар бирма-бир хаёлидан ўтади. Хаёл суравери-суравери, тақдири номаълум кучукчасидан сиртлон ясаб олганди. Унгача орада вақт бор-у, вақт пайсалга солаяпти. Ҳали нима қўйиб, нима бўлади? Ўрани мўлроқ қовлаб қўймадимикин-а? Балки қисқароқ қилиш керакмиди?

Ўрадан бошини бир у ёққа, бир бу ёққа ташлаб, хожасини қузатаётган Бўроннинг сабри тугади. Худди карнайдан чиққандек, “Вов, вов!” деб акиллаш, хаёл суриб ўтирган Ўрдабойнинг хушини учириб юборди. Чўчиб кетиб, қийшайиб қолган телпагини тўғирлаганча, чуқурга бир қараб, “Э, ўл-е!” деди-ю, эски чопонини этагини қокиб ўрнидан туриб кетди. Кўра олдига борди. Кун ҳам асрдан ўтиб, кечга қараб кетаяпти. Қизилнуранининг ёнбошида қўйлари ўтлаб юрибди. Энди секин отига миниб, сурувни ҳайдаб келиш тадоригини кўраверса ҳам бўлади.

Кунлар ўтиб борар, ёз ҳам охирлаб қолди. Ҳадемай куз келади. Бу улкан тоғнинг кузи – салкам киш дегани. Ёғингарчиликнинг кўплигидан қайта-қайта кўклаб турган майсаларнинг устига сахар ойнадай юпка муз тушади. Сурувга бу яхши эмас, ич кетар бўлади. Қолаверса, қашқирлар ҳам кўп безовта қиладиган пайт. Шундан Ну-

рекотасойга, овулининг юқорисидаги кўтанига бир ўтиб келиши керак. Қўраларни тузатиб, ўтов ўрнини тозалаб қўйса бўлгани. Кейин куни келганда, жиянларни ҳашарга чақиради-ю, қайдасан Навашахсой деб, сурувни ҳайдаб кетаверади. Унга-ча қиладиган ишлари кўп. Ўзига-ўзи, “Қанақа иш, кутиш десанг-чи, Ўрдабой!” деб мийиғида кулиб, ўра томонга қаради. Эсига тушди, ўша томонга қарайди. Назарида ўра тепасида йўғонлашиб кетган, баҳайбат ит, атрофга боқиб, хожасини излаётгандай. Э, итининг сифатларини мактайверганидан, қизлари ҳам, “Ўрадан қачон сакраб-сакраб чиқиб келади?” деб қўймайди, ишониб қолган. “Ота, ўрани жуда чуқур қовлагансиз-да, Бўрон зўрга кўринади. Саёзроқ қилганингизда, биз ҳозир ўйнаб юрган бўлардик”, дейди қизи. Бир куни хотини Улбека, “Отаси, агар чиқолмаса, қизларингизга нима дейсиз?” деганди. Шу ҳақида ўйлагиси келмайди.

– Бир чўпон, исми нима эди-я, жин урсин, шунақа пайтда ҳеч эсга келмайди, Парпи ота эди, шекилли. Анча вақт ҳам ўтди-да, чехрасиям хотирамда элас-элас. Аммо оппоқ соқоли эсимда. Қисқаси, шу одамнинг сиртлон кучуги бор эди, Темиртўш деб чақирарди. У пайтда биз ёш эдик, итнинг фарқида борамизми? Тўғрида, болалар учун икки хил ит бор: яхши ва ёмон. Ёмонининг кўчасидан ўтолмайсан, қувавериби, пойчангни тешади. Чинқириғимиздан рухланиб, ўзини йўлбарс деб ўйлаб қоладими-ей! Ақиллаши тезлашгандан, увиллаб бориб чинқирикка айланиб кетадими-ей, юрагингни қўлтиқлатади. Ўша ит ўлгунча, пиёда у ёқда турсин, эшак миниб ҳам кўчасидан ўтолмайсан. Яхши деганимиз, эшик олдига ётиб олиб, қарашга ҳам эринадигани. Тегмагандан кейин биз тегмаймиз. Боткокликнинг четида кўм-кўк ўсиб турган кўгани синдириб олиб, итнинг олдига отамиз. Тўп этиб тушган жигарранг қопчиқ сочилиб, болишдан чиққан пардай қўқиб, ҳавони оппоқ нозик майда зонтикчалар қоплаб олади. Анови эринчокнинг бурнига кириб кетади. Олди панжалари билан тумшугини артиб, пих-пихлаб, тура уйига қараб қочарди. Ўзи, қишлоқларда икки нарса одамни машҳур қилиб юборади. Бири зўр улоқчи от бўлса, иккинчиси сиртлон ит. Қишлоқдагилар қиш пайти юмушлардан тинчиб, тўйларини бошлайди. Шунда овулнинг чеккасидаги улоқхона отга тўлиб кетар, узоқдан кузатсанг, югурик қора қумурсқа далани босиб кетгандай. Қоп-қора тўда бир у томонга сурилиб борса, бир қарасанг бу томонга оқиб кетаётгандай, бетиним ҳайқириклар, отларнинг калта-култа кишновлари аралашиб, гўё гувиллаб турарди. Ёзнинг чилласидан боғлаб боқилган отлар пойганинг завқидан типирчилаб, олдинги туёқлари билан ер депсиб, жойида туrolмай гижингларди. Чавондознинг бақувват қўллари тортиб турган сувлиқни шақирлатиб чайнаб, ҳавога паға-паға буғ кўтарилади. Оёқларини тик кўтариб силкитганча, хожасига қўйиб юбор деяётгандай самога қараб кишнайдди. Ҳамма ҳаяжонда. Лекин шунча отдан барибир биттасигина зўр чиқади-да. Ана шундай от эгасига шуҳрат кетидан шуҳрат олиб келади.

Қария, дарёдек оқиб кетган ўтмишга шўнғиб, бир маромда гапирса-да, итини эслаганда кўзлари чақнаб кетарди. Мазза қилиб эшитардим.

Сўнг:

– “Ўша машҳур Темиртўшимни ўзим ўлдирганман, – деб қолди. – Шунча йил ўтди-я, эсласам кўкрагим оғрийди, унинг мўйлови титради, намланган кўзига базўр бармоқларигача ёпиб турган чопонининг енгини босди. Бир оз тин олди. – Итгаям шунчаликми ҳам дема. Ўзингга маълум-ку, чўпон умрининг кўпи яйловма-ййлов, тоғу тошда ўтади. Улкан тоғда ёлғизсан. Доим ҳамроҳинг ит бўлган. Ҳам дўсти,

хам дардкаши. Шундай кунлар бўлади, изтироб чекканингда аламингдан дардингни ёғочдан ўйиб ясалган охурга ўтирганча, кафтларинг билан юзингни беркитиб, йиғлаб-йиғлаб итга сўйлайсан. Кучугинг бўлса бошини экканча, худди тушунаётгандай юзингга термулиб турмаганми? Тўнғич фарзандинг туғилганда, шодлигингдан ота бўлдим, деб тоққа қараб ҳайкирганингда-чи? Итинг атофингга гир югуриб, осилиб, акиллаб қутламаганми? Ахир ўйлаб кўр, чўпон деса, ҳамманинг кўз ўнгига таёқ тутган одам ва ортида турган кучук келмайдими. Қара, қанчалар якин, худди битта оиладай. Эҳ, сиртлонимни эсласам, эзилиб кетаман, қўрқоқлик қилганман-да ўшанда. Шундан ўзимни айбдор ҳис қиламан, кучугимни увол қилдим-а.

Кеч куз пайти эди. Овулдан унча йироқ бўлмаган яйловда қўйларни боқиб юардим. Пешинга яқин қорни тўйган сурув, қапа ёнидаги кўм-кўк тепаликдаги ярим қарич кий устига – ўрганган жойига бирин-кетин ёта бошлади. Узоқдан қарасанг, кенг кўкаламнинг майсанинг ўртасига қора шолча ташлаб қўйгандай. Энди икки-уч соат бир-бирининг пинжига тумшуғини тикиб олганча дам олади. Фақат тетиклашиб қолган ўйинқароқ қўзилар дўмпайиб-дўмпайиб ётган қўйлар устига чиқиб ўйнайди, совликларнинг ҳаловатини бузади. Ортимдан қолмайдиган бойқашкам, негадир сурувнинг четига бориб ётди. Ҳеч бундай қилмасди-да, хайрон бўлдим. Кейинги кунлари эса сурувнинг ўртасига ётадиган бўлди. Эътибор бермаган эканман, қўйларни қўрага қамаганимда, наридан-бери тахталардан ясалган эшик тагида ётаркан. Ажабландим. Ўша куни кундузи қўшни яйловдаги Ўрол бува эшагини хих-хихлаганча ўтиб қолди. Невараларидан бир хабар олай деганда. Қолаверса, умри тоғда ўтган-ку, энди қишлоқда тўрт девор орасида ўтира олармиди? Менинг кўрам шундоқкина сўқмоқ йўл четида жойлашган, бува билан саломлашиб, “Чойга киринг”, деб таклиф қилдим. Узоқ йўл юриб чарчаганми, қария, “Ке, чой ичсам, ича қолай, сенинг кўтонингда ҳам ўтирмаганимга анча бўлди”, деб мен нуктасидан маҳкам ушлаб турган эшагидан тушди. Анча қариб қолибди, тушганда кичкинагина жуссасини кўтаролмай, униқиб қолган маҳси кийган оёқлари ҳам букилиб кетди. Мен қўлтиғидан олиб, ёрдамлашиб юбордим. Зўр суҳбат бўлди, ўзиям. Оғзим очилиб эшитдим, бу тоғларга кимлар келиб, кимлар кетмаган, айтиб турса лол қоласан, қария тирик тарих эди-да. Кетар чоғи ёдимга тушиб қолиб, “Э, Ўрол бува, сал бўлса хаёлимда кўтарилай дебди. Менинг итимни биласиз сиртлон зот, қандайдир ўзгариб қолгандай. Бир неча кундан бери, бир сурувнинг орасида, бир молхонанинг эшиги тагини қўриқлаб чиқадиған бўп қолди. Илгари бундай қилмасди?” дедим чолнинг оғзига тикилиб. “Ҳа, итингни орқасидан бизлар ҳам тинч эдик. Нимадан безовта? Неча кундан буён?” сўради у. “Бир ҳафталар бўлди, чамаси”.

Ўрол бува ўйланиб туриб қолди. Сўнг, “Сиртлонинг қашқирлардан безовта”, деди. “Э, қўйсангиз-чи, бува, қайси бўри унинг олдиға юрак ютиб келарди?” “Келади, ўтмишда бўп ўтган. Кўппакдан сиртлон зоти туғилгандай, қашқирдан ҳам давкарлар чиққан. Оралаб қолганми дейман-да, итинг безовталиги бекоргамас. У тортиб олинган жойларни қайтаргани келган. Биттаға-битта ўлим жанги қилади, қисталоқ. Эртами-кечми содир бўлади. Мабода устидан чиқиб қолсанг, итингни ортидан келма. Хушёр бўл. Табиатда биз билмаган нарсалар кўп”, деб Ўрол бува ҳайрлашганди.

Парпи ота ўйға ботади. Сиртлон ит ва бўрилар ҳақида шунақа кўп нарса эшитгандики, лекин қашқирларнинг сиртлони ҳақида ҳеч нарса билмасди.

– Ғоят ноёб ҳодиса-да. Яна олишувга бирга-бир чиқади дейдими? Товба жуда қизиқ-ку. Қадимда бир юрт иккинчи юртга қўшин тортиб келиб, талаб қўйган. “Эй, сардор, кел яккама-яка жанг қиламиз. Бегуноҳ одамларнинг қони тўқилмасин. Агар мендан ғолиб келсанг, қандай келган бўлсам, шундай қўшинимни олиб чиқиб кетаман. Агар сен мағлуб бўлсанг, шаҳар дарвозаларини очасан ва менга топширасан. Ўзинга тегишли одамларнинг билан чиқиб кетасан, гард тегдирмайман!” деб шартлашган. Товба, табиатда одам бўладими, ҳайвон бўладими уруш қонуни биттаи дейман. Одам-ку ақлли мавжудот, инсонийлик юзасидан шундай йўл тутади. Лекин ёввойи маҳлук-чи? Темиртўшимга қашқирнинг сиртлони рўпара бўлса, товба! Неча юз йилда содир бўладиган нарсаси, бечора итимга тўғри келса-я.

Ўша маҳлукка лаънат ўқирдим, лекин ичимда борган сари қизиқишим ортиб борарди. Мабодо жангда итимга ютса, ортидан энди тонг отиб келаётган Қизилнуранинг чўққиларида қашқирлар қатор туриб, этаклари давонгача чўзилиб кетган кўм-кўк яйловларга охириги марта тикилади. Сўнг каттаси қавмига қараб, “Биродарлар, шу сиртлон ўз ажали билан ўлмагунча, бу ерларга қадам боссак панжамизни тупроқтошлар куйдирсин. Энди безовта қилмаймиз!” деса керак!

Кўп ўтмади. Туш пайти қарасам итим кўринмайди. Ўзи эрталаб, ичим ғаш бўлувди-я. Сурувнинг четида ҳам, орасида ҳам йўқ. Гулханда яхшилаб куйдириб, силликланган четан таёғимни олдим, дурбунимни елкамга илиб, ахтаргани жўнадим. Чинданам бўриларнинг сиртлони жангга чорладимикин? Тагин яккама-якка жанг қилмасдан галаси билан ўраб олса-чи? Итимнинг уйи куяди-ку. Минг хаёл билан қирга чиқиб кетаяпман, тўхтаб-тўхтаб узоқларга дурбун соламан. Кўнглим нотинч, кун ҳам кечга оғаяпти. Бир адирдан иккинчисига ўтаман. Ўйлаб қолдим: “Илгари қўшинлар жанг қилганда кенг, ҳоли жойни танламаганми? Бу сиртлонлар ҳам балки шундай йўл тутади? Тўғри, шундай бўлса керак. Эҳ, нимага эртароқ шу эсимга келмади, итимнинг ахволи нима кечди экан-а?” Шартта бурилдим-да, кенг кўтанга жўнадим. Ғир-ғир эсанг шамолда терлаган баданим жунжиккандай бўлди. Атрофни тинмай кузатардим. Бир пайт сурувда қўй қолиб кетгандай кўм-кўк сайхонликда бир нечта қора нуқталар кўзимга чалинди. Бу ерларда чўпонлар қўй бокмай қўйганига анча бўлган, дастлаб қўчиб келганда шу жойни едирган. Энди эса ўт яхши кўклашини кутаяпти, кейин яна боқади. Демак, қўй бўлиши мумкинмас. Юрагим гупиллаб кетди, сиртлоним бўлса-чи? Қадамимни тезлатдим. Бир чопиб, бир мункиб кетиб, минг хаёл билан илдамлаяпман. Назаримда, кўзимга кўриниб тургани билан орада чорак аср манзил бордай. Йўлим унмайди. Шошганимдан бериорқдан кузатиш ҳам хаёлимдан чиқибди. Адир устига чиқдим-у, қотиб қолдим. Турган жойимдан, ўттиз метрлар чамаси пастликда бўрилар галаси турарди, шамол уларга тескари, мен томонга эсарди. Шартта ўзимни кўк майсага ташладим. Кўкқисдан қилган ҳаракатимдан лаънати телпагим кўзимни беркитиб қолди. Ёнимда таёғим ҳам мендек чўзилиб ётар, қўйиб юбормасдим, таёғимнинг учи билан телпагимни аста кўтардим. Даҳшатли манзара. Этакда Темиртўш ва бўри, ўлжасини кузатаётган илбирсдай, рўпарама-рўпара туриб олганди. Овулдаги Тўрабек чавондозни, “Улоқчи отга ўтирса, девга айланиб кетади, танимай қоласан-а!” дерди одамлар. Шунга ўхшаб, итоаткор боқувчи, вазмин кучугимни танимай қолдим. Сапчиётгандай, олдинги оёқларига энкайган, ириллагандагидек оқариб осилиб турган тишлари кўриниб, ёллари тикка бўлиб кетганди. Назаримда Темиртўшнинг ўрнида ҳар бир

туки диккайган йиртқич хайвон турарди. Ваҳима эди, ўзиям. Бўрига қарадим-у музлаб қолдим, худди менга тикилиб тургандай. Жунлари хўрпайиб кетган, тишлари ханжардек йилтираб, сўлаги оқарди. Ҳозир бир сапчийдию, олдимга келиб тушади. Узоқда бўлсаям, кўзларидаги ғазаб, нафратни ҳис этдим. Юрагим музлаб қолгандай бўлди, титроғим кучайди. Йигитлик чоғимда зовдан тушиб кетишимга бир баҳа қолган, ушлаб олгани ҳеч нарса йўқ, ҳавода қўлларимни силкитиб, мувозанатимни базўр ушлаб қолгандим. Ана ўшанда қўрқиб кетганимдан бир зумда бутун умрим кўз ўнгимдан шитоб билан ўтганди. Оёғимдан бошланган қалтироқ зув этиб тиззам, кўкрагимдан ўтиб, бошимдан чиқиб кетганди. Анча пайт ўзимга келолмай сочларим тикка бўлиб кетганди. Ҳозир эса акси, қўрқувдан қотиб қолганман. Қўрқув аста-секин жимирлаб, танамга тарқаяпти. Юрагим дукиллаб урар, нафас олишим маромидан чиқиб кетганди. Ерга шунчалик ёпишиб олибманки, тиккайиб турган майсалар орасидан қараяпман. Бўри ортида, чамаси ундан йигирма метрлар нарида, ўтлар орасида олтига қашқир қатта урушни ҳал қилувчи, яккама-якка одил жангини кузатиб турарди. Мен бўри ва итлар орасидаги юз йил, балки минг йилда юз берадиган тарихий воқеанинг шоҳидиман. Ўзим бир аҳволдаману, итимга раҳмим келарди. Ахир улкан қашқирнинг ортида қавми қўллаб, воқеани синчковлик билан кузатиб турибди. Меникида-чи, ортида кўм-кўк адирлар, бепоён бўшлиқ. Тўғрида, кетидан ким ҳам келарди, қайси кўппакнинг қашқирлар галаси олдида тик туришга юраги бетлайди. Э, ўлиб кетсин, итимнинг ортида туриб қўллайман, махлуқлар кўриб кўйсин, у ёлғиз эмас, мендай хожаси бор. Бобойнинг ўгити эсимга тушди. “Мабодо итинг бўрилар билан юзма-юз жангга чиқса, ортидан келма!” деганди. Нега ундай деди билмадиму лекин... “Бекор айтибди, бўрилардай Темиртўшнинг ортида тураман!” дедим. Тўғриси, қўрқоқлик қилганман ўшанда. Ундан кўра, иргиб туриб, бўриларга четан таёғимни силкитганча, “Йўқолларинг!” деб ҳайқирмайманми, осмон зириллаб кетмайдими. Ахир билардим-ку, итимни ёшлигидан, уруштирсам ҳайқиригимдан куч оларди, ўзидан қатта итларга ҳам бас келарди-ку. Лекин ундай қилмадим, судралганча итим ортига ўтиб бордим. Шунақа сукунат ҳукм сулардики, назаримда йўловчидай шошаётган вақт кўзи тушиб тўхтаб қолгандай. Бир оз ўтиб, ўзимни ростладим-да, ёнингдан дегандай астагина, “Темиртўш!” деб чақирдим. Итим менга қарашини кутиб тургандай махлуқ жойидан яшиндай кўчди. Алғовдалғов бўп кетди. Ракибига қайтиб қараганда кеч бўлганди, ўрнидан турди-ю, гуп этиб, жойига тушди. Қашқир итимнинг тагидан ўтиб кетгандай эди, назаримда. Бир зумда рўй берди. Шундай тез ўтдики, ўтар баробарида бўғзидан узиб кетган экан, қисталоқ. Қашқир рўпарамда турарди, ортига Темиртўшга бир қаради-ю, кенг сайхонлик томон чошиб кетди. Худди мен йўқдай, кетидан олтига бўри у ёнимдан, бу ёнимдан ўтиб кетишди, эпкинини ҳис этдим. Ичимда хувиллаган бўшлиқ қолди, қарахт бўлиб турардим. Ётган жойимдан туриб, чўккалаб панжаларимни майса устига кўйдим. Итимга қарадим, менга тескари ётарди. Танаси силкиниб-силкиниб кўйиб, сўниб бораётган юраги ҳар урганда кекирдагидан чиз-чиз этиб қон отаяпти. Пойлаб бир соат кутдими, икки соат кутдими, журъатсизлигимдан итимнинг ортидан келиб, камига чақириб, бошини кундага кўйдим-а! Ўша махлуқ билан олишиб, қонга беланиб, жон таслим қилсаям майли эди, бир қўрқоқнинг қурбони бўлди-ку. Ўзимга кела бошладим, ана шунда йиғи тикилиб келди. Балки ўша пайт адирда кузатиб турган кўк қашқир менга нафрат билан бир қараб, силкиниб ётган итимга, “Ахмоқона

ўлим топдинг, лекин сен бунга лойиқ эмасдинг!” деяётгандир. Жин урсин, қани ер ёрилса-ю кириб кетсам, бола бўлиб бундай хўнграмаганман, кадрдонимни бошига қўлимни қўйишдан, кўзига-кўзим тушишидан уялардим. Чўккалаганча, икки каф-тим тўла тупроқни бор кучим билан сиқиб йиғладим. “Эй, кашкир, уйинг куйсин, лаънат бўлсин сенга!” деб йиғлаганман.

Парпи отанинг ҳикоясини эслаб, Ўрдабойнинг кўнгли ғаш тортди. Ўра ёнидаги қўлбола тўнкага ўтирди. Тўнка доим ўчоқ олдида туради. Хотини Улбека ўтирволиб, ош-овқат пишириб, қозон тагига ўтин ташлаб ўтиради. Энди эса, жойи ўзгариб қолаверади, Ўрдабой пайт топди дегунча ўра ёнига қўйиб, дам овоз чиқариб, дам хаёлан суҳбат куради. Ити бўлса пастдан акиллаб овоз бериб қўйса, бас. Шундан, Улбека тўнкадан воз кечди, икки ўртада ташийвериш жонига тегди-да ахир. Қаердандир куп-қуруқ кундани судраб келиб, ўзига ўриндиқ қилиб олди.

Ўрдабой зах ўра оғзига энгашди. Пастда Бўрон орқа оёқларига ўтирганча хожасига қараб, думини ликиллатарди. Қошларини чимирганча, ўра деворларидаги кун-сайин юқорилаб бораётган, ҳозир эса ер бетига атиги ярим қулоч қолган тирноқ изларини кузатди. Соқоллари ўсиб кетган юзлари ёриша бошлади.

– Эй, Худойим, бир метргина қолибдими, шундан чикса сиртлонми? Менинг итим сиртлон бўладими? Эскилар, “Сиртлон бўлса тўрт ойларда етилади”, деган-ку. Ўх-хў, ҳали бир ой, лекин Бўронимга атиги бир метр қолибди! – қўлларини ўранинг четига қўйиб, энгашганча ҳеч нарсани тушунмаётган итига қараб шивирлай кетди: – Чинданам сиртлонмисан, дейман. Шубҳасиз, сиртлонсан, Бўрон. Э, Худо, ичим қизиб кетяпти, олдинга тушиб кучсамикан-а, тўлқинланиб боряпман, – Ўрдабой ўра четига яхшилаб ўтириб олди, борлигини ширин туйғу эгаланди. Сўнг узоқ-узоқларга қараб, оғзи қулоғида думини ликиллатаётган ити тушунса, тушунмаса сўзлай бошлади. – Биласанми, – деди, – эрта-индан чиқасан. Ҳозир мен нималарни ҳис қилаётган бўлсам, сен ҳам ўрадан отилиб чиққанингда биласан. Оламнинг кенглигини кўрасан. Сени қоп-қора зах ўрага ташлаганимда, кўниколмай ангиллаб, чийиллаб қилган ноланг эсингдами? Ўшанда бўриларга мусибат тушган. Кун сайин катталашиб бораётган мусибатнинг сабабчисини неча марта ўлдирмоқчи бўлишди. Лекин менинг ўтовим олдида келишга, қолаверса чуқур ўрага тушишга журъат этишармиди. Туман босиб, ёмғир ёққан кунлари юрагимизни ҳовучлаб турамиз, сурувни сал кўздан қочирсак, бўри оралаб қолади. Энди сен, албатта, уларнинг адабини берасан. Мен эса ёнингда, кўриб қўйларинг хожаси мен, Ўрдабойман деб қўяман. Ҳозиргина хаёлимдан ўтди, Парпи отанинг ҳикояси. Биласанми, агар кашкирларнинг сиртлони пайдо бўлиб қолса ҳам сен чўчима. Мен борман, қолаверса ўтовимнинг тўрига колхоз берган милтиқни илиб қўйганман. Асли чорвани кашкирлардан ҳимоя қилишга берганди. Қопқоронғу тунда ёмғир шариллаб қуйган кунлари бир-икки марта отганман. Отишга-ку, отавераман, лекин ҳали гилзага қанча порох, қанча ўқ солишни билмайман-да, овчи жўрам ўқлаб берарди. Энди эса ўрганаман. Мабодо ўша кунлар келса, улкан тоғларга қаратиб отаман. Гумбурлаган овоз, момоқалдирокдай қалдиратиб, титраб-қақшаб сойларда янграйди. “Эй, махлук, Бўронимнинг ортида мен борман!” дейман ҳайқириб.



Фидойи олим, беназир адабиётшунос

Хулкар ТУРДИЕВА

Фидойи олим, беназир адабиётшунос Шерали Турдиев фаолияти ҳақида сўз юри-тилар экан, унинг бевосита ўзбек адабиётшунослиги соҳасидаги заҳматли меҳнатини алоҳида қайд этиш лозим. Унинг мамлакатимиз ва дунёдаги адабий жараёнлар, маърифатпарварлар фаолияти, тақдирлари, қатағон қурбонлари қисматининг очилма-ган саҳифаларини кенг оммага тақдим этиш, архив материалларини чуқур ўрганиб, ўзбек халқининг қардош халқлар билан бўлган адабий алоқаларини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшган қатор илмий изланишларини ўрганиш ҳозирги кунда ҳам муҳим. Олимнинг 20 дан ортиқ махсус шўъбаларга бўлиб ўрганиш мумкин бўлган шахсий кутубхонасида турли қимматли манбалардан ташқари Татаристон, Рос-сия, Германия, Австрия, Туркия, АҚШ, Япония, Ўрта Осиёнинг барча мамлакат-лари ва бошқа давлатларидан келган кўплаб мактубларда ҳам хорижлик профес-сор ва тадқиқотчилар, изланувчиларнинг илм соҳаси атрофида ёзишмалар олиб борилганига гувоҳ бўлиш мумкин. Кутубхонада ўзбек, татар, озарбайжон, турк, қирғиз, қозок, украин, беларус, ҳинд, форс, олмон ва ҳ.к. халқлар адабиёти, тарихи, тилшунослиги, театр санъати, фалсафаси, маданияти, таржима назарияси, адабий алоқалар, жадиदшунослик, қатағон қурбонларининг архив материаллари, шеърят назарияси, шеърӣ асарлар, бадий асарлар, жади́д адабиёти ва жади́дшунослик, психология, педагогика, ислом илми, жамиятшунослик каби кўплаб соҳага доир адабиётлар мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси нақадар синчиклаб ўрганилганини ҳар бир китобнинг кўплаб саҳифалари ҳошияларида Шерали Турдиев томонидан қалам билан ёзиб кетилган фикрларидан ҳам билиш мумкин. 300 дан ортиқ пу-блицистик, илмий, танқидий мақолалари, шеърят, назарий маълумотларга доир ишланмалари, таржималар, асарларга тақризлар, тарихий фактлар баёни, илмий монографиялар муаллифи бўлган Шерали Турдиевнинг ўтган асрнинг 20-йиллари-да буюк маърифатпарварларимиз саъй-ҳаракатлари, қўллаб-қувватлашлари билан зиё истаб Германияга кетган ватандошларимиз қисмати ҳақидаги “Улар Германияда

Хулкар ТУРДИЕВА – 1985 йилда туғилган. Тошкент давлат шарқишунослик институтини тамомлаган. Илмий мақолалари, таржималари республика ҳамда хориж матбуотида эълон қилинган.

ўқиган эдилар” китоби алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур китоб ўша йиллар ижтимоий-маданий ҳаётидаги улкан воқеа ҳақида бўлиб, унда Германия давлатига бориб, фан ва ҳўжаликнинг турли соҳаларида замонавий билимларга эга бўлиш ниятида илм олган ўзбек ёшларининг аянчли қисмати тарихий фактлар асосида талқин этилади. Чунки Ўзбекистоннинг мустамлака тарзида қолишидан манфаатдор бўлган совет давлати дастлаб бу талабаларнинг ўқишни битирмай туриб қайтишларини талаб этди, 1937 йиллардаги қатағон даври қонли воқеалари бошланиши билан бу йигит-қизлар Германиянинг жосуслари ва аксилинқилобчи-миллатчи унсурлар сифатида мавҳ этилади.

Шерали Турдиев узок йиллар давомида олиб борган изланишлари натижасида ўша машғум 1937 йил воқеаларининг қурбони бўлган, кичик бир қисми эса Туркияда паноҳ топган собиқ талабаларнинг фожиали тақдирини чуқур ўрганиб, архив ҳужжатлари ва жонли хотиралар асосида мазкур китобни ёзиб, ўзбек китобхонларига тақдим этади. Шерали Турдиев ўша давр ҳукумати ғазабига учраган ватандошларимиз хотирасига бағишланган “Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи”ни ташкил этиш ва бойитилишига ҳам катта ҳисса қўшган.

Шунингдек у Алишер Навоий, Сўфизода, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Мунавварқори Абдурашидхонов, Садриддин Айний, Тавалло, Ҳожи Мўйин, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Ҳамза, Абдулҳамид Чўлпон, Элбек, Вадуд Маҳмуд, Шокир Сулаймон, Иброҳим Ёркин, Тоҳир Чигатой, Ғафур Ғулом, Боту, Саттор Жаббор, Отажон Ҳошимов, Шоҳангарой Беккулов, Сотти Хусайин, Раҳматулла Маллин, Ҳомил Ёкубов, Субутлой Долимов, Иззат Султон, Булоқбоши, Усмон Носир, Шухрат, Ҳамид Ғулом, Асқад Мухтор, Шукрулло, Азим Раҳимов, Ҳафиз Абдусаматов, Ҳайдар Яхёев, Ғаффор Мўминов, Лазиз Қаюмов, Асил Рашидов, Салоҳиддин Мамажонов, Олим Қўчқорбоев, Наим Каримов, Жамол Камол, Ғайрат Жалолов, Убайдулло Уватов, Олимжон Иброҳимов, Пирмат Шермуҳаммедов, Умнат Тўйчиев ва бошқа кўплаб ватандошларимиз ҳамда қардош ва хорижий халқлар олимлари, адибларидан Пушкин, И.С.Тургенев, Н.А.Добролюбов, М.Горький, Окмулла, Исмоил Гаспринский, Мажид Ғофурий, Ҳожи Муин, Абдулла Тўқай, А.Заки Валидий, Ҳоди Тоқташ, Эсонбека Тўғон (Заки Валидий қизи), Тавфик Айди, Юлдуз Нигматулина, Марат Нурмуҳамедов, Микола Бажан, Назир Тўрақулов, Ғаппар Мўминов, Мағжан Жумабаев, Ҳазип Турақулов, Бердак, Қалдибек оға Сейданов, Миён Бузрук Солиҳов, Садризо Ализода, Рабингранад Тагор, Балвант Гарги, Прем Чанд, Деловар, Ингебург Балдауф, Хисао Комацу каби ижодкорлар ҳаёти ва ижоди борасида янги маълумотлар топиб, ўрганиб, таҳлил қилиб адабиётшуносликка тақдим қила олган санокли олимларимиздан бири ҳамдир.

Носир ва адабиётшунос Маҳкам Маҳмуд қайд этганидек: “...бизга табаррук ватандошларимизни танитган, ўзи Германия ва Японияда ҳам таниқли, камтарин юртдошимизни ватанимизда кўпчилик танимайди. Олдиндан оққан сувнинг қадри шу эканда... Халқаро Чўлпон мукофоти совриндори, камтарин инсон Шерали ака Турдиев кўз олдимизда ана шундай тўлиб-тошиб оқаётган дарёдир... Шерали Турдиев “Қизил империя” томонидан зўр бериб яшириб келинган ҳақиқатлар жамолини очишга катта ҳисса қўшаётган миллий олимларимиздан биридир... Шерали ака ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳали тадқиқотлар ёзилиши табиий”¹.

¹ Маҳкам Маҳмуд. Бир дарё оқаётир. “Ўзбекистон Овози” газетаси, 1994 йил 5 май.

Ўзбек халқининг яна бир атоқли олими Наим Каримов эса Шерали Турдиев ҳақида фикр билдираркан, унинг "...Боис Қориев билан ҳамкорликда чиқарган "Ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилиги библиографияси" китоби ҳозирги ўзбек адабиётшуносларининг дастуриламал бўлиб қолган"², дейди.

Шерали Турдиев илмий тадқиқотларига доир Гумброльт университети доктори Зигмунд Клайнмихелб ҳам қизиқиб қолади ва у олимнинг халқаро адабий алоқаларга бағишланган китобига сўзбоши ёзган³.

Қўйида эътиборингизга Шерали Турдиевнинг ўз фаолияти давомидаги хотираларидан бир қисмини ҳавола этамиз.

Эсдаликларимдан саҳифалар

Ўтган асрнинг 50-йилларида ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети (собиқ Ўрта Осиё Давлат университети) асосий кутубхонаси ва Алишер Навоий номидаги республика кутубхоналарида баъзи эски журнал ва газеталарни варақлаётиб, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Элбек каби айрим шоир ва ёзувчиларнинг миллатчиликда айблаб ёзилган мақолалари ва уларнинг расмлари чизиб ташланган ўринларга ҳам кўзим тушарди. Лекин бу ҳақда домлаларимиздан сўрашга қўрқардик. Чунки худди шу йиллар Максуд Шайхзода, Ҳамид Сулаймонов, Шухрат каби олимлар ва шоирлар миллатчиликда айбланиб, узоқ қамок ва сургунга юборилган эдилар.

1955–1956 йилларда курсдошларим Олим Қўчқорбеков, Умарали Норматов, Тожибой Алимов ва бошқалар билан бирга шаҳарнинг Қоратут деган маҳалласидаги университетнинг ётоқхонасида ётардим. Бу ётоқхона бир бойнинг ҳовлиси бўлган экан. Шунда университет проректори Столяровнинг буйруғи билан дорилфунун асосий кутубхонасидаги мен аввал кўрган эски газета ва журналлар бу ерга келтирилиб, бойнинг ертўладаги омборларига уюб ташланган экан. Мен ётоқхона коменданти бўлиб ишлаётган рус кампиридан шу архивларни кўришга рухсат олдим. Дам олиш кунлари подвалга тушиб, уларни ўқий бошладим. Комендант бўлса "Тезроқ чиқақол, проректор билса, иккимизни ҳам университетдан ҳайдайди" дерди. Шунга қарамасдан комендант кампирга ялиниб-ёлвориб архивларни бир муддат ўргандим ва баъзи керакли материалларни ҳам қўлга киритдим (улар ҳамон менинг шахсий архивимда сақланади).

Шундан кейин 1956 йил октябрь ойига келиб Ўзбекистон зиёлиларининг биринчи қурултойи бўлиб, унда Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов каби партия ва давлат арбоблари катори машҳур ўзбек ёзувчиси Абдулла Қодирий (Жўлқунбой)ни ҳам оқланганлиги эшитила бошланди. Шундан кейин кўп ўтмай "Қизил Ўзбекистон" газетасида (1956 йил 28 октябрда) марҳум академик Иззат Султоновнинг "Ёзувчи Абдулла Қодирий" номли мақоласини ўқиб қолдим. Мақола чиққач Иззат Султон эски фикрдаги Абдулла Қодирийни инқилобчи шоирлар Ҳамза, Садриддин Айнийлар билан тенглаштириш керак деган шов-шувлар қулоғимга чалина бошлади (мен бунгача ўрта мактаб адабиёт ўқитувчимиз Усмон ака Темирбековдан Абдулла Қодирий (Жўлқунбой), Чўлпон, Фитрат номларини эшитган, ҳатто бизга Чўлпоннинг "Кишан", "Бузилган

² Н. Каримов. Камтар олимнинг хирмони. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 18.03.1994

³ С. Хасанова. Горизонты культурного сотрудничества. Газета "Народное слово". 18.08.1993 г.

Ўлкага" шеърларидан ёд айтиб, уларнинг миллатчи бўлганликларини гапирган эди).

Шунда домла ёд олган Чўлпоннинг мазкур шеърларидаги айрим парчалар менинг қалбим ва хотирамда ўчмас бўлиб, сақланиб қолган ва уларга нисбатан нафрат эмас, аксинча, бизда чексиз меҳр-муҳаббат ҳисларини уйғотган эди (лекин биз буни ошкор айтолмас эдик).

Лекин шунга қарамасдан 1957 йил бошларида домла Иззат Султонов мақоласи таъсирида, ундан руҳланиб профессор Субутой Долимов раҳбарлигида "Абдулла Қодирийнинг "Ўтган кунлар"и тарихий роман сифатида" мавзусида диплом иши олиб, тайёрлана бошладим. Энди собиқ бойнинг омборида сақланаётган архивдан фойдаланиш имконияти туғилди деб комендант кампирга бориб мақсадимни айтдим. Комендант "Ўғлим, кечикдинг. Яқинда ўша архив проректорнинг буйруғи билан машиналарга ортилиб, йўқ қилиб юборилди", деди. Ҳафсалам пир бўлди, у ёқ-бу ёқдан "Ўтган кунлар" нинг 1933 йилги лотинча нусхасини топиб ўқиб чиқдим.

Абдулла Қодирийнинг романда феодал хонлик тузумининг антигуманистик моҳиятини чуқур очиб берганлиги ва бир вақтлар Амир Темур даврида Туркистонда буюк марказлашган давлат бўлган бу юртнинг кейинчалик ноаҳил беклар ва хонларнинг айби билан инқирозга учраб, чоризм қуллигига сабаб бўлганлигини ниҳоятда ишонарли тасвирлаганлигига ҳайратда қолдим. Бу, айниқса, романнинг сўнгги саҳифаларида Юсуфбек Ҳожининг ўғли Отабекка улар ҳақида изтироб билан айтган қуйидаги сўзларида айниқса ёрқин акс эттирилган эди: "Иттифокнинг не эканини билмаган, ёлғиз ўз манфаати, шахсияти йўлида бир-бирини еб-ичган мансабпараст, дунёпараст ва шуҳратпараст муттаҳамлар Туркистон тупроғидан йўқолмай туриб, бизнинг одам бўлишимизга ақлим етмай қолди. Биз шу ҳолда кетадурғон, бир-биримизнинг тегимизга сув қуюдурғон бўлсак яқиндирки, ўрис истибдоди ўзининг ифлос оёғи билан Туркистонимизни булғатар ва биз бўлсак ўз қўлимиз билан келгуси наслимизнинг бўйнига анинг бўйиндириғини кийдурғон бўлурмиз. Ўз наслини ўз қўли билан кофир қўлига тутқин қилиб топширувчи – биз кўр ва ақлсиз оталарга Худонинг лаънати албатта тушар, ўғлим. Боболарнинг муқаддас гавдаси мадфун (дафн қилинган) Туркистонимизни тўнғизхона қилишга ҳозирлаган биз (?)лар Яратувчининг қаҳрига албатта йўлиқармиз! Темур Кўрагоний каби доҳийларнинг, Мирзо Бобур каби фотиҳларнинг, Форобий, Улуғбек, Ибн Сино каби олимларнинг ўсиб-унган ва нашу намо қилғонлари бир ўлкани ҳалокат чуқурига қараб судрагувчи, албатта, Тангрининг қаҳрига сазовордир, ўғлим". (Абдулла Қодирий. "Ўтган кунлар", "Меҳробдан чаён". Т. 1992, 337–378-бетлар).

Диплом ишини ёқлагач, Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти "Луғат бўлими"да "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" учун Абдулла Қодирий асарларидан кўчирмалар йиғишда қатнашдим, сўнг 1959 йил бошларидан "Ўзбек совет адабиёти" бўлимига ўтиб, "Ўзбек совет адабиёти тарихи очерки" учун йилномалар тузишда қатнаша бошладим, "Абдулла Қодирий асарларининг илмий библиографияси" (1960), "Абдулла Қодирий меросининг ўрганилиш тарихидан" (1961) деган мақолалар эълон қилдим. Шу аснода турли архивларда ишлаш жараёнида сўнгги йилларда узоқ сургун ва қамоқ лагерларидан қайтиб келган Лазиз Азиззода, Боис Қориев (Олтой), Шорасул Зуннун, Валихон Бурҳонов, Сафар Зуфарий ва бошқалар билан яқиндан танишдим (лекин улар оғзи куйган қатикни ҳам пуфлаб ичар деганларидай менга қамоқ ва лагерь азобларидан оғиз очмас эдилар). Шу билан бирга фақат Абдулла Қодирий асарлари билангина эмас, у мансуб бўлган даврдаги Фи-

трат, Чўлпон, Элбек каби бошқа катагон қурбонларининг асарлари, шунингдек, ўзбек адабий алоқалари ва танқидчилигига оид материалларини ҳам ўргана бошладим. 1961–1963 йилларда институтнинг кундузги аспирантурасида академик Иззат Султонов раҳбарлигида "20-йиллар ўзбек ҳикоячилиги" мавзусида номзодлик иши олиб, ишлай бошладим. Ўқиш давомида бўлим ходими Боис Қориев (Олтой) билан ҳамкорликда "Ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилиги библиографияси" (1918–1941 йиллар)ни тузиб нашр эттирдик (Тошкент, "Фан", 1967 йил). Шу орада матбуотда "Тирик сатрлар" рубрикаси остида 20-йиллардаги шоирларнинг шеърларидан намуналар берилди бошланди ва мазкур йилнинг ўзида улар "Тирик сатрлар" номи билан Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида (тўпловчи ва сўзбоши муаллифи Мухсин Зокиров, муҳаррир, профессор Озод Шарафуддинов) босилиб чиқди. "Ўзбек тили ва адабиёти" журналининг масъул котиби Эрик Каримов топшириғи билан Наим Каримов ва мен "Тирик сатрлар" рубрикаси остида Чўлпоннинг замонавий мавзудаги бир-икки мақоласи ва тўрт-бешта шеърини тайёрлаб эълон қилдик. Шундан кейин Эрик Каримов менга келгуси сон учун Чўлпон асарлари ва улар ҳақидаги мақолалар библиографиясини тайёрлаб беришни топширди. Мен 12-13 саҳифадан иборат Чўлпон библиографиясини журналга топширдим. Библиографиянинг биринчи корректурасини ўқиб бердим. Шу пайт "Тирик сатрлар" китобида ғоявий зарарли асарлар босилган деб у тор-мор қилинди. Бундан чўчиган "Фан" нашриёти раҳбарлари ҳам библиография корректурасини матбуот комитети раҳбарларига кўрсатган ва уларнинг топшириғи билан журналдан корректураси ҳам олиб ташланган. Бунинг таъсирида кейинчалик диссертациядан ҳам Чўлпон, Фитрат ҳикояларининг таҳлиллари мутлақо чиқариб ташланди ва илмий ишимни кечикиб (1969 йилда) ҳимоя қилдим.

Мазкур йилда Абдулла Қодирийнинг ўғли Ҳабибулла Қодирий билан ҳамкорликда ёзувчининг кичик асарларини тўплаб (академик Иззат Султон таҳрири ва сўзбошиси остида), нашр эттирдик. (Лекин қўлёзмадаги "Йиғиндаги гаплар", "Масков хатлари" ёзувчи совет воқелигидан қулади, деб чиқариб ташланди. "Калвак Маҳзум" ва "Тошпўлат тажанг" ҳикоялри қисқартириб босилди). Шунга қарамасдан қўлда тўпланиб қолган 20-йиллар ўзбек ҳикоячилиги антологиясини тузиб, нашриётга топширдим. Нашриёт қўлёзмани Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримкул Қодиоровнинг ички тақриздан ўтказиб берди. Тақризда ҳикояларни саралаб, кичикроқ шаклда нашр этса бўлади, деб ёзилган экан. Мен тақриздаги таклиф ва мулоҳазаларни ҳисобга олиб, қўлёзмани қайтадан кўриб, ихчамлаштириб Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётига топширдим. Лекин у ҳам турли сабабларга кўра архивда қолиб кетди. 20-30-йиллар адабиёти манбаларини ўрганиш жараёнида бу даврдаги ўзбек адабиётининг қардош халқлар адабиётлари билан бўлган ўзаро алоқалари ҳам кам ўрганилганлиги масаласи билан дуч кела бошладим. Ва бу борада тўпланган дастлабки манбалар асосида "Адабиётимиз дўстлиги тонгида" (1974, "Ўзбекистон" нашриёти) номли рисола эълон қилдим.

1975 йил куз ойларида институтимизда "Совет Шарқи адабиётларининг ижодий методи"ни ўрганишга бағишланган илмий конференция бўлди. Унда Озарбайжон, Тожикистон каби Татаристондан ҳам адабиётшунос олимлар иштирок этишди. Мен Қозондан келган Нил Юзеев, Озод Аҳмадуллин каби олимлар билан бирга бўлдим. Улар билан суҳбат жараёнларида 20-30-йиллардаги ўзбек адабиётининг қардош туркий халқлар, жумладан, татар адабиётлари билан бўлган алоқалар устида ҳам

шуғулланаётганимни айтдим. Шунда улар ундай бўлса, келгуси 1976 йилги Абдулла Тўқай таваллудининг 90 йиллигига маъруза тайёрласангиз, сизни таклиф қилардик, дейишди. Шундай қилиб, 1976 йили "Абдулла Тўқай ва ўзбек адабиёти" мавзуида маъруза тайёрладим ва биринчи бор Қозонни кўришга ҳам муяссар бўлдим. У ерда мазкур мавзуда маъруза қилгач, бўш вақт топиб, машҳур Қозон университети Лобачевский номидаги кутубхонасида бўлдим. У ерда ишлаётган профессор Аброр Каримуллин ёрдамида "Шўро" журнали ва "Вақт" газеталари (1908-1917) саҳифаларида босилган Туркистонга оид кўплаб мақола, шеър ва ҳикояларни кўрдим. 1929 йил Қозонда латин алифбосида Зариф Баширий сўзбошиси билан нашр этилган "Ўзбек адабиёти антологияси"ни кўриб чикдим. Унда татар шоири ва матбуотчиси Зариф Баширий (у бунгача ўзбек матбуотида анча йиллар ишлаб кетган экан) ўзбек адабиётининг энг қадимги даврларидан бошлаб XX аср бошлари ва 20-йиллардаги тарихи ҳақида мухтасар сўзбоши ҳам ёзган экан. Сўзбошида у булар ҳақида илиқ ва самимий фикрлар билдириб, айниқса, Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон асарларининг бадиий маҳоратига юқори баҳо берган ва уларнинг асарларидан ўз таржимасида намуналар ҳам берган экан.

Шундан сўнг таниқли татар адабиётшунос олимларидан Хотиб Усмон, Шокир Обиловлар билан кўришдим. Уларнинг китоб ва мақолаларидан олдим. Менда, айниқса, кекса татар адабиётшунос олими Шокир оға Обиловнинг "Навоий ва татар адабиёти" мавзусидаги ишлари ва мақолалари қизиқиш туғдирди. Уларда олим Навоийнинг XV асрдан кейинги бутун туркий халқлар адабиётлари каби татар адабиётига ҳам баракали ва самарали таъсири бўлганини, айниқса унинг асарларини татарларнинг эски мактаб ва мадрасаларида севилиб ўқилганлиги, XVI асрда ўтган татар шоири Муҳаммадёрга, шунингдек, XIX аср охири ва XX аср бошлари татар маърифатпарварлари Зоҳир Бигиев, Қаюм Носирий, Абдулла Тўқай, Олимжон Иброҳимовнинг дардманд асарларида унинг кучли таъсири бўлганлигини ишонарли далиллар билан исботлаган. Қардош татар олими Шокир Обиловнинг бу самимий фикрларини ўқир эканман, буюк бобомиз Алишер Навоийга нисбатан соф-мухаббатим ва ифтихор туйғуларим яна оша борди.

1936 йил сентябрь-октябрь ойларида шоир Шокир Сулаймон раҳбарлигидаги бир гуруҳ ўзбек шоир ва ёзувчилари (жумладан, Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Амин Умарий, Зиннат Фатхуллин ва бошқалар) Қозонда бўлганларида улар билан кўришиб, яқин мулоқотда бўлган кекса татар шоири Ҳасан Туфон, фольклорчи Х.Ёрмуҳаммедов ва бошқаларни кўрдим. Айниқса, Ғафур Ғуломнинг яқин дўсти, узоқ йиллар ноҳақ қамок ва сургун азобидан руҳи чўккан Ҳасан Туфонни кўриб, қатагон даврининг ғайриинсоний сиёсатига нисбатан нафратим янада кучайди. Орада бўлган бўш соатларимда "Чаён" сатирик журнали редакциясига бордим, у ерда таниқли татар шоири Эльдор Юзеев билан танишдим. Эльдор Юзеев шунда менга бир воқеани тўлқинланиб гапириб берди: "1966 йилда Абдулла Тўқай таваллудининг 80 йиллиги бўлган эди. Шунда Ўзбекистондан ҳам меҳмонлар келишганди. Бир кун редакцияда ишлаб ўтирсам тўсатдан эшик очилиб, бошида ўзбекча дўппи кийган шоир Ғафур Ғулом кириб, муҳаррирни сўрадилар. Мен шошиб, муҳаррир бугун йўқлигини айтгач, майли кейин келарман, "Чаён"ни зиёрат қилгани келган эдим, дедилар ва бирдан Ҳоди Тоқтошнинг "Мукамай" поэмасини бошдан оёқ ёд айтиб, мени ҳайратда қолдирдилар. Эртаси куни Тўқай юбилеи тантаналарида иштирок этган Ғафур Ғулом "Тўқай - бизнинг ҳам шоиримиз" деган мав-

зуда чиқиш қилди. Абдулла Тўқайнинг Ўзбекистонда кўпдан машҳур бўлганлиги, унинг асарлари тили ўзбекларга яқинлиги, ўзининг ёшлиқданоқ унинг асарларини севиб ўқиганлиги ва ёд олганликларини шундай бир ҳис-ҳаяжон ва ифтихор билан гапирдики, буларни эшитган Қозон университетининг бир гуруҳ талабалари жунбушга келиб Ғафур Ғуломни кўлларида кўтариб, катта эҳтиром ва ҳурмат бажо келтирдилар", деди. Кейинги йилларда Қозон ва Уфада бўлиб ўтган бошқа конференцияларда ҳам (жумладан, 1977 йили Олимжон Иброҳимовнинг 90 йиллиги, 1980 йили Ҳоди Тоқтошнинг 80 йиллиги, 1981 йили Уфада Ақмулланинг 150 йиллигида) қатнашдим. 1981 йили Уфада бўлганимда Ақмулла таваллудининг 150 йиллик юбилеида "Ақмулла ва ўзбек демократик адабиёти" мавзuida маъруза қилдим (Маъруза матни Абдуқодир Ҳайитметов билан ҳамкорликда ёзилган эди. Кейинчалик у ерда ҳаммуаллифликда босилди). Конференциядан сўнг СССР Фанлар академияси Бошқирдистон филиалининг Тил ва адабиёт институтида бўлдим. У ерда профессор Ғайи Ҳусаинов ёрдамида Ризо Фахриддинов архивида ишладим. У ерда Исмоил Гаспринскийнинг "Туркистон уламоси" (1900) рисоласи ва 1914–1915 йилларда Самарқанддан татар сайёҳи Нуширавон Явушевнинг Ризо Фахриддиновга ёзган хатлари ва Туркистонга оид баъзи бир ҳужжатлар билан танишдим. 1915–1917 йилларда Мирмуҳсин Шермуҳаммедов, Мўминжон Муҳаммаджонов, Лутфулла Олимий, Вадуд Маҳмуд каби ватандошларимиз таҳсил олган "Мадрасаи Олия" биносини зиёрат қилдим.

Шу йиллар ичида "Ҳаётбахш таъсирлар" (1977), "Адабий ҳамкорликлар самараси" (1984) каби рисоалар эълон қилдим. Мен уларда XX аср бошлари ва 20–30-йиллардаги ўзбек адабиётининг Ўрта Осиёдаги қардош адабиётлардан ташқари ички Россиядаги рус, татар, Кавказ ортидаги Озарбайжон адабиётлари билан бўлган алоқаларини 70-йиллардаги тарихий шароит тақозосига кўра баҳоли қудрат ёритишга уриндим. Диссертациям юзасидан "Ўзбек адабиётида кичик эпик жанрнинг шаклланиши" (1978) китобим нашр этилди.

Менинг бу меҳнатларимнинг юзага чиқишида институтимизнинг етакчи олимлари Ҳомил Ёкубов, Маҳмудали Юнусов, Салоҳиддин Мамажонов, Наим Каримов, Эрик Каримовларнинг хайрихоҳлик ва қўллаб-қувватлашлари катта роль ўйнади. Шу билан бирга мазкур йилларда институт раҳбариятида ишлаётган собиқ курсдошларим менинг бу хайрли ишларимга зимдан адоват саклаб, китобларимни чиқишига, кутубхоналарда нормал ишлашимга турли йўллар билан тўсқинлик қилиб турдилар. Ҳатто менинг 20-йиллар адабий меросимизга қизиқишим ва бу борада архивларда ишлашимни унинг қилаётган ишларининг истиқболи йўқ, самарасиз ва бефойда деб ерга уриб, камситиб ҳам юрган (лекин шу дўстимиз илмий котибликдан кетгач, илмий иш қилишга кўниколмай бесамар ўтиб ҳам кетди).

1986 йил апрелда Қозонда Абдулла Тўқай таваллудининг 100 йиллиги кенг нишонланди. Унда Ўзбекистондан Ўзбекистан халқ шоирлари Абдулла Орипов, Иброҳим Юсупов, Нормурод Нарзуллаев, қорақалпоқ адабиётшунос олими Камол Худойберганов ва камина ҳам иштирок этдик.

Ғалиасқар Камол номидаги академик театрда бўлиб ўтган мазкур юбилей тантанасида Ўзбекистан халқ шоири Иброҳим Юсупов Абдулла Тўқайнинг "Шўроли" поэмасини, Абдулла Орипов ўзининг Тўқайга бағишланган "Нурли Тўқай" шеърларини баланд эҳтирос ва кўтаринки руҳда ёддан ўқидилар. Айниқса, Абдулла Ориповнинг Тўқайга нисбатан ўзбек халқининг меҳр-муҳаббатини ёрқин ифодаловчи қуйидаги сатрлар меҳмонларга қаттиқ таъсир қилди:

*Мен демам асло сени: шўрлик Тўқай,
Дардлисан, лекин мудом нурли Тўқай.
Чунки сен озод замонни истадинг,
Мақсадинг ҳурлик эди, ҳурлик Тўқай.
Ўзбегу татар, қозоқ, бошқирд бўлиб,
Кўринарсан менга гоҳ турлик Тўқай.
Сен қоронғу кечалар битдинг ёниб,
Тиқар гўрга аслида зўрлик Тўқай.
Ҳақ сўзингга миллатинг кўз тикса ҳам.
Неча зотлар қилдилар кўрлик Тўқай.
Ҳеч ажаб эрмас сени ёд айласам,
Иккимиз ҳам бир қоя, ўрлик, Тўқай.*

(1986, Қозон. Абдулла Орипов. Тўрт жилдлик, иккинчи жилд. Тошкент, 2001, 86-бет)

Ва бу таъсир остида Татаристон жамоатчилиги билан бирга биз ҳам шоирни узоқ қарсақлар билан олқишладик. Шундан кейин эртаси куни шаҳар марказига ўрнатилган Тўқай ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйдик. Шоир туғилган Кушлович овулида бўлиб, Тўқай уй-музейини кўрдик. Қозонга қайтгач, Санкт-Петербургдан келган шарқшунос олим Абдурахмон Тоҳиржонов билан бирга Татаристонда хизмат кўрсатган фан арбоби Нақи Исанбой уйида меҳмон бўлдик. Шунда Нақи Исанбой Тоҳиржоновдан унинг қайнотаси Мусокарим Бигалиевнинг қисматини сўради. У "Қайнотамиз советларнинг мусулмон уламоларига нисбатан таъқиб ва таъйиқларидан бешиб, 30-йиллардаёқ Саудия Арабистонига ҳажга кетган ва у ердан қайтиб келмай ўша ерда вафот этган" деди.

80-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб собиқ СССРда бошланган қайта куриш ва ошкоралик таъсирида 20-30-йиллар Ўзбек адабиётининг йирик вакилларида Чўлпон, Фитрат каби ижодкорлар меросини ўрганиш бўйича 1988 йили комиссия тузилди. Шу комиссия ишчи гуруҳи аъзоларидан Наим Каримов, Эрик Каримов қатори мен ҳам улар асарларини тугатиб, "Адолат" комиссиясига топширдик. (Комиссия аъзолари: Одил Ёқубов, Хафиз Абдусаматов, Озод Шарафуддинов, Темур Пўлатов ва бошқалар эди). Улар қўлёзмаларни ўрганиб чиқиб мазкур ижодкорлар асарларини босқичма-босқич нашр этишни тавсия қилганлар (Бу ҳақда қаранг: Чўлпон ва Фитрат адабий меросини ўрганиш бўйича тузилган комиссия хулосалари, "Ўзбек тили ва адабиёти", 1988, № 2, 26-33-бетлар). Ва бунинг оқибатида Чўлпоннинг "Яна олдим созимни" (1991), Фитратнинг "Чин севиш" (1996) номи остида бир жилдлик танланган асарлари нашр этилди.

1991 йил 17-21 март кунлари Қримда Исмоилбек Гаспринский таваллудининг 150 йиллигига бағишланган халқаро илмий конференция ва юбилей тантаналари бўлди. Унда Ўзбекистондан фалсафа фанлари доктори Қўчқор Хоназаров, филология фанлари доктори Бегали Қосимов ва камина иштирок этдик. Юбилейда РСФСР, Украина, Татаристон ва хорижий Туркия, АҚШдан ҳам меҳмонлар келишди, ўзбекистонлик ўртоқлар қатори мен ҳам улар билан бирга Исмоилбек Гаспринскийнинг Бокчасаройдаги янги усул мактаби ва занжирли мадрасаси, "Таржимон" газетаси нашр этилган босмахона ўринлари билан танишдик. Совет даврида чиқиндилар ташланадиган жойга айлантирилган бу муқаддас ерлар сўнгги вақтларда унинг ватандошлари томонидан тозаланиб, бирмунча тартибга келтирилибди. Буларни

эшитгач, тоталитар тузумнинг қанчалик ғайриинсоний бўлганлигига яна бир имон келтирдик. АҚШдан келган қрим-татар зиёлиларидан Темир Оёқ исмли рассом ўз миллатининг 1944 йил 18 майда она ватанлари бўлган Қримдан зўрлик ва зулм билан ҳайдаб чиқариб, СССРнинг турли томонларига кўчириб юборилгани даҳшатли манзараларини акс эттирган кўргазмаларини кўриб изтироб чекдик.

Шу орада кўп ўтмай жаҳонда "ёвузлик империяси" деб ном олган собиқ СССР тарқалиб, барча республикалар қатори Ўзбекистон ҳам 1991 йил 1 сентябрдан эътиборан ўз мустақиллигини эълон қилди. Республикамиз энди дунёнинг барча мамлакатлари билан эркин иқтисодий-сиёсий ва илмий-маданий алоқалар олиб бора бошлади, Ўзбекистондан хорижий Туркия, Германия, Америка ва бошқа ерларга бир қанча ёшларимиз ўқиш ва иш билан бориб кела бошладилар. Бунинг таъсирида мен 20-йилларда Германияда ўқиб, сўнг Ўзбекистонга қайтган ва қайтмаган ватандошларимизнинг фожиали қисматларини ўрганиб, "Улар Германияда ўқиган эдилар" (Тошкент, Фан, 1992) номли рисоламни чоп эттирдим. Бу билан юртдошларимизни ва уларнинг юртимизда ҳамда хорижда таълим олаётган фарзандларини мустақиллигимиз қадрига етишга, уни ардоқлашга даъват этишга уриндим.

Мустақиллигимиз шарофати туфайли 1997 йил 11-17 июль кунлари адиб Хайридин Султоновнинг "Улар Германияда ўқиган эдилар" номли киносценарияси асосида яратиладиган ҳужжатли фильмни суратга олувчи киночилар гуруҳи (режиссёр Шухрат Маҳмудов, оператор Ғайрат Шукуров) билан илмий маслаҳатчи сифатида хорижий Туркияда ҳам бўлдим. У ерда Истанбул, Анкара шаҳарларида бўлиб, 20-йилларда Германияда ўқиб, сўнг Ўзбекистонга қайтолмаган ватандошларимиздан профессор Тоҳир Чигатой, Иброҳим Ёрқин, Абдумажид Иброҳимов, доктор Абдуваҳоб Ўктой, улар фарзандлари, шогирдларини кўриб келдик. Улар ишлаган Истанбул, Анкара университетларида бўлдик, марҳумларнинг қабрларини зиёрат қилдик, авлодларидан, шогирдларидан хотиралар олдик ва уларни фильм ленталарига туширдик. Уларнинг ёрдамида 1929–1939 йилларда Берлинда нашр этилган ўзбекча "Ёш Туркистон" журналининг 1929–1930 йилги сонлари жамланиб нашр этилган биринчи жилдни қўлга киритдик.

Истанбул университетида бўлиб, у бошқарган кафедра ва дорилфунун кутубхоналарини кўрдик. Тарих факультетида бўлиб, бўлим бошлиғи, профессор Муҳаммад Сарой билан танишдик. У киши ўзининг "XVII аср охири ва XVIII аср бошларида Ўрта Осиё хонликлари билан Усмонли давлатининг ижтимоий-сиёсий ва маданий алоқалари" деган китобини совға қилиб берди ва шулар асосида икки серияли ҳужжатли фильм яратилди.

Шулар орасида 1917–1920 йилларда Туркистондаги миллий истиқлолчилик ҳаракатининг фаол қатнашчиси ва кейинчалик Истанбул университетининг профессори бўлган Аҳмад Заки Валидий Тўғоннинг 1969 йил Истанбулда турк тилида, 1990 йилда бошқирд тилида босилган "Хотиралар" китобининг юртимиз тарихига оид қисмларини таржима қила бошладим. Бу китоб 1997 йил "Адолат" нашриётида Ўзбекистон ҳалқ ёзувчиси марҳум Аскад Мухторнинг "Изчил рух" номли сўзбошиси билан нашр бўлди.

2000 йил 27 сентябрдан 3 октябргача Австриянинг Вена шаҳрида Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётини ўрганиш бўйича ўтказилган халқаро конференцияда иштирок этдим. Мазкур анжуманда Петербург, Москва, Қозон, Киев, АҚШ, Эрон, Ҳиндистондан ташқари Ўрта Осиёдан ҳам олимлар

катнашди. Ўзбекистондан тарих фанлари докторлари Дилором Алимова, Саидакбар Аъзамхўжаев, Қаҳрамон Ражабов, филология фанлари номзодлари Бойбўта Дўскораев ва Дилбар Рашидовалар ўз маърузалари билан иштирок этдилар.

Мен ушбу конференцияда "1905–1917 йилларда Туркистонда жадидчилик ҳаракатлари ва чоризмнинг махфий оҳранкаси кузатуви" мавзусида маъруза қилдим. Маъруза мазмунини инглизчага секция раҳбари, Берлин университетининг профессори Ингабург хоним Балдауф таржима қилиб турди. Маърузадан сўнг Ҳамзанинг "Яша, Шўро" шеъри хусусида саволлар бўлди.

Шунда мен бу шеърнинг асли матни "Яша, Турон!" бўлган бўлса керак, чунки "Яша, Турон, яша Турон, сен яшайдурғон замон" сатрларида Турон билан замон тўла қофиядош келади. "Яша, Шўро! Яша, Шўро, сен яшайтурғон замон"да қофиялар мос эмас, менимча аслида "Яша, Турон!" бўлган мазкур шеър кейинчалик советларнинг Ҳамзани сунъий равишда замонавийлаштириш мақсадида қилган ишлари бўлса керак, дедим. Шу орада рус олимларидан бири "Жадидларнинг Туркистондаги миллатчилик фаолиятлари ҳам бўлган эди-ку. Бунга муносабатингиз қандай?" деб қолди. Мен бу ердаги жадидларнинг ҳаракатларини миллатчилик эмас, миллатпарварлик антиколониал характерда бўлган эди, чоризм ва совет империяси Туркистондаги бу ғояларни ўзларининг колониал сиёсатларига қарши қаратганликлари учун ҳам қарийб 70 йил давомида зарарли миллатчилик пантуркистик ва ҳоказо айблар билан нотўғри тарғиб қилдилар, дедим. Мазкур жавобимни Америка Қўшма Штатларидан келган профессор Айша Рерлих қувватлаб чиқди. Шу орада кимдир Ўзбекистон мустақиллигига муносабатингиз қандай, деганга ўхшаш илмоқли бир савол берди. Бу саволга "Агар Ўзбекистон мустақил бўлмаганда, мен бугун бу ерда эмас, бошқа ерда ўтирган бўлардим", дедим.

2002 йил бошларида Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтидан республика Қатағон қурбонлари хотираси музейига ишга ўтдим. Турли архивларда ўтириб, Ўзбекистон миллий мустақиллигини орзу қилган ва бу йўлда қаҳрамонона кураш олиб борган истиклолимиз фидойиларининг совет давридаги фожиали қисматларини ўрганиб, бу борада матбуотда мақолалар эълон қила бошладим.

2006 йил Тошкентдаги Конрад Аденаур жамғармаси моддий ҳомийлигида аввалги "Улар Германияда ўқиган эдилар" (1992) рисоламни янги архив материаллари билан тўлдириб, қайта ишлаб, нашр эттирдим. 1993 йилдан буён Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзосиман.

Мазкур йиллардаги камтарона меҳнат фаолиятим ва ишларим учун 1999 йил "Меҳнат шухрати" ордени билан тақдирландим. Бундан руҳланган ҳолда ҳамон тарихимизнинг ўқилмаган саҳифаларини ўрганиш ва уларни бугунги ўсиб келаётган авлодлар онгига етказишга ҳаракат қилмоқдаман.



Сирожиддин Саййид шеъриятида исломий ғоялар талқини

Отажон НОРОВ

“Диний эътиқодни тарғиб этишда, муқаддас китобларнинг моҳиятини одамларга тушунтиришда асосан икки хил адабиётдан фойдаланилади. Уларнинг бири диний-илмий, иккинчиси эса диний-бадий асарлар. Диний-илмий асарларда диний қонун-қоидалар, эътиқодий ғоялар тўғридан-тўғри, бевосита тақдим ва талқин этилади. Диний-бадий асарлар эса ана шу вазифани билвоста амалга оширади. Бунда санъат энг қучли амалий восита сифатида майдонга чиқади¹”.

Шу маънода кейинги йиллар шеъриятини кузатганимизда, шоирлар ўз исломий қарашларини ифодалашда кўпроқ шахс руҳияти ва унинг ички кечинмалари таҳлилига диққат қаратаётганларининг гувоҳи бўлиш мумкин. Шунга кўра айни яқка шахс психологияси орқали жамият, инсонлараро муносабатларни таҳлилу тафтиш қилиш – анъанага айланди. Негаки, инсон ўзгараркан у билан бирга замон ҳам ўзгаради. Бошқача айтганда, шахслик мақомида фикрлаётган универсал инсоннинг тафаккур тарзи, дунёни англаш ва англатиш ҳолатлари ҳам мавжуд муҳит билан муроса қилишга мажбурдир. Шу сабабли юртимиз мустақилликка эришгач, узоқ йиллар давомида ўз эркидан маҳрум бўлиб келган инсон асл ҳақиқатни англаб етди. Бу эса диний-маърифий қарашлардаги жиддий эврилишларда ҳам намоён бўлди.

Айниқса, минг йиллик тажриба ва анъанага эга ўзбек шеъриятида ўн тўрт асрлик исломий ғояларни тарғиб қилиб келган адабиётнинг азим анъаналарига бўлган садоқат қайта юз очди. Бу борада Сирожиддин Саййид шеърияти алоҳида аҳамиятга эга.

Шоирнинг мазкур шеърига эътибор қилинг:

*Оллоҳ сизга берган ой ва йил учун
Арзир ҳар лаҳзанинг нақши бўлсангиз.
Азалдан ёмонга ёмондир замон,*

¹ А.Шер. Гўзаллик ёғдуси. Тошкент: “Файласуфлар”нашриёти. 2017. – Б. 54.

Отажон НОРОВ – 1980 йилда туғилган. Самарқанд давлат университетини тамомлаган. “Муҳаббат водийси”, “Узоқ мозий оҳанглари” номли китоблари нашр этилган.

*Замон яхши эрур – яхши бўлсангиз.
 Ҳар кимга дилдаги нияти йўлдош,
 Эзгу мақсадлари бир умр ёрдир.
 Замоннинг ҳеч қачон койинмангизким,
 Замоннинг эгаси Парвардигордир².*

Ушбу шеър “Замонни койиманглар, зеро замоннинг эгаси Оллоҳдир” ҳадисига ҳамоҳанг тарзда ёзилган. Демак инсон ўзи яшаб турган замон ҳақида ҳеч қачон ёмон сўзламаслиги, Яратган сизга инъом қилган ой ва йил яшаб турган умр учун ҳар не қилса арзийдиган бу ғанимат лаҳзалардан фойдаланиб қолмоқ керак. Бунинг учун фақат яхшиликни ўрган, у сенга ҳамиша ёрдир. Замондан нолима унинг эгаси Парвардигордир, дейди шоир. Мазкур кечинма бағридаги умид, чақирик, даъват – инсон ўз-ўзини англаши, тушуниб яшабини, ҳар бир нарсанинг кадрига етишидан муайян сабоқлар бера олиши аини ҳақиқатдир.

*Игвою бўҳтондан сақланинг мудом,
 Меҳру саховатдан йироқ бўлманглар.
 Умрни ғанимат билинглар ҳар дам,
 Ўлимни ҳеч қачон орзу қилманглар³.*

Шоирнинг Имом Бухорийнинг “Ал-жомий ас-саҳиҳ” китобида келтирилган 7233-ҳадисига мувофиқ ёзилган мазкур шеъри динимиздаги энг ёмон гуноҳлардан бири игво ва бўҳтонлиги, жаннат эшигини очадиган йўлларнинг бири меҳру саховатлигини таъкидларкан, умр эса бизга берилган омонат эканлигини эслатади. Бу омонатга хиёнат этмаслик учун “Ўлимни ҳеч қачон орзу қилманглар”, дейди.

Сирожиддин Саййиднинг “Яхшилик эскирмагай” (қирқ ҳадис) туркумида ҳам Муҳаммад (с.а.в)нинг муборақ кўрсатмалари, ҳадислари шеърий йўсинда ўз ифодасини топган. Онани қандай эъзозлаш, уни авайлаб-асраш, марҳамат кўрсатиш, айтганини вақтида қилиб бориш фарзанднинг елкасидаги катта масъулият, вазифа эканлигини тўлақонли кўрсатаркан, онадек мукаррам ва азиз зотнинг ҳурматини жойига қўйсанг, жаннат сенга ўз эшикларини очиб қўяди, агар бунинг тескарисини қилсанг, эшикни ўз қўлинг билан ёпган бўласан, деган маънони илгари суради:

*“Сен – меҳмон, у – меҳмон,
 Ҳаммамиз – меҳмон,
 Дунё ҳам бир меҳмонхонадир, билгил.
 Жаннат ўртасида кўп эшиклар бор,
 Уларнинг биттаси – онадир, билгил.
 Ҳаёт – инсонларнинг келиб кетгувчи,*

² С. Саййид. Устимиздан ўтган ойлار. Тошкент: Адабий бадий наир “Ҳултон”насириёти. 2003. – Б. 153

³ С. Саййид. Устимиздан ўтган ойлар. Тошкент: Адабий бадий наир “Ҳултон”насириёти. 2003. – Б. 162.

*Беш кун тебрангувчи гул бешигидир.
Энг аввал онанинг қадрига етгил,
Оналар – беҳиштнинг нур эшигидир.
Хоки пойларига сочгил умрингни,
Ўтмагил дунёдан юрагинг доғлик.
Бу эшик сен учун очиқ бўлгайдир
Ва ё ёпиқ бўлгай – ўзинга боғлиқ”⁴.*

Шоир гўзал ҳадисни бошқача шаклда жаранглатиб, “Энг аввал онанинг қадрини билгил...” деб ҳайқиради. Бундай ўтлиғ сатрлар ҳар бир инсон учун ибрат мактаби бўлиши лозим.

Инсоннинг ҳар қандай фаолияти, жумладан, лирик табиатга эга ҳис-туйғу, ўй-хаёллари маълум мотивга асосланади. Улар ижодкор кечинмаларини ҳаракатлантиради, маълум мақсадга йўналтиради. Лекин бу жараён мураккаб бўлиб, у ижодкорнинг ўй-хаёлига, қалб-шуурига жойлашиб олади ва уни ўйлашга, ҳис этишга ундайди. Фойдали илмлар ўргатувчи одамнинг гуноҳи кечирилишини сўраб, ҳар бир нарса, ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам истиғфор айтадилар.

*Илму маърифатли элнинг иқболи
Ҳаргиз залолатга гирифтор ўлмас.
Эзгу илмларни ўрганган зотлар
Икки дунёда ҳам асло хор ўлмас.
Яратган оламнинг гардишларини
Гоҳ қуёш, гоҳ юлдуз, ойда келтиргай.
Шундай инсонларнинг камтарин илми
Ватанга қанчалар фойда келтиргай.
Фарзандлар шул сабаб топгайлар камол,
Юрт шундай зотларга ифтихор айтар.
Гуноҳларин сўраб денгизлардаги
Балиқлар ҳам ҳатто истиғфор айтар.⁵*

Сирожиддин Саййиднинг ушбу шеъри Муҳаммад (с.а.в.)нинг: “Бешикдан қабргача илм изла” ҳадисини улуғ авлиёлар, мутафаккирлар, ориф зотларнинг илму-маърифатга берилган эътиборни асраб, сайқаллаб, гўзал бир шаклда ифодалаб берганлигида янада равшанлашади. Шоир илмсиз ҳеч бир ғалабага, муваффақиятга эришиб бўлмаслигини аниқ мисоллар билан изоҳлайди. Бу ерда ҳадисдаги илм мотиви бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Қайси бир жамият, қайси бир замонда яшамасин одамзод илмга юксак ҳурмат руҳида қараб келади. Ҳақиқий илм эгалари миллатнинг йўлини ёритиб турувчи, зулматни даф қилувчи улуғ мақсадлари йўлида савобталаб инсонлардир. Биз ана шу баландликни асраб-авайлаб келаётган авлодмиз. Ватанимизнинг шонли тарихи, мустақиллик йилла-

⁴ С. Саййид. Устимиздан ўтган ойлار. – Т, “Чулпон”, 2014. – Б. 15

⁵ С. Саййид. Устимиздан ўтган ойлар. – Т, “Чулпон”, 2014. – Б. 154

рида қанчадан-қанча масжидлар, илм масканлари ишга тушди. Ҳар бир ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашга беминнат хизмат қилиб келмоқда.

Ҳадислардаги теран маъноларни шеърый йўсинда ифодалаш ана шу ўзгаришлар асосида ижтимоий мотивлар ётади. Одамлар атрофларидаги тезкор ўзгаришлар, янги тартиб-қоидалар таъсирида ўз ҳаётларида юз берган эврилишларга жавоб олишлари учун мумтоз шеърлятдаги ўта субъектив қолиплардан воз кеча бошлашди. Натижада янги шеърый шакллар ва жанрлар юзага кела бошлади. Кейинчалик эса мумтоз шарқ анъаналари ва жаҳон адабиётининг илғор ютуқларини жиддий ўзлаштирган Абдулла Орипов, жадидона маърифий талқинлари билан Рауф Парфи, кўнгил туғёнларини ҳароратли тасвирлаган Шавкат Раҳмон, ҳажвий-сатирик ҳамда фалсафий-эстетик мушоҳада эгаси Сирожиддин Саййид каби ижодкорлар асарларида ватанпарварлик, инсонга бўлган муҳаббат мотивлари етакчилик қилди.

Одамзод ҳиссий тафаккури ривожи жараёнида олам ва борлиқ сирларини билишга эҳтиёж сезган. Айниқса, тошларга битилган ёзувлар ибтидоий одамни ўйлашга, фикрлашга ундаган. Адабиётшунос олим Нўъмонжон Раҳимжонов қайд этганидек: “Табиат ва жамият ҳаётининг ривожланиш қонуниятлари ҳам эврилишлар асосида майдонга келар экан. Инсон қандай ижтимоий тузумлар чиғириғи остида яшамасин, тегирмон тошидек айланиб турган мафкуралар исканжасида ҳамиша бир нарса уни ёруғликка олиб чиқаверади. Бу – иймон, эътиқод нури⁶”. Бу ички эҳтиёж, зарурат ва тақдирга ишониш, талпиниш жараёнларида одамзоднинг табиатан уни кўрқув ва даҳшатдан халос қилувчи қандайдир куч борлигига амин бўлиши билан ҳам аҳамият касб этади. Демак, мотивнинг моҳиятида – инсон қисмати, олижаноблик ва тубанлик, улуғворлик ва ватанпарварлик сингари воситалар бўлса, кечинмада индивиднинг ботини намоён бўлади.

“Санъат шундай олижаноб, ҳиссий қуролдирки, инсон бошқа ҳеч қайси йўл билан ифодалай билмаган нарсасини шу қурол воситасида ифодалайди. Бундан нари бориб кўрамизки, санъат муаммоси моҳиятан ҳал қилиб бўлмайдиган хусусиятга эга⁷”. Ян Парандовскийнинг мазкур мулоҳазасида иккита муҳим жиҳат бор. Биринчиси, санъатда ифодалаб бўлмайдиган нарсанинг йўқлиги, иккинчиси эса санъат ёритган муаммонинг ечими йўқлигининг эътироф этилиши ҳисобланади. Демак, шоир (умуман олганда барча санъаткорлар ҳам – О.Н.) ўз асарларида воқеликни шундай тасвирлайдики, бошқа бирорта восита унга тенг келолмайди. Бироқ санъаткор ифодалаган муаммолар тизими инсониятнинг азалий курашга чорлаган, интилишга ундаган муаммолардир. Шоир ўз шеърларида лирик сюжетни акс эттирар экан, олам ва одам муносабатларининг азалий муаммоларини ёритади. Улар гоҳ табиат тасвири, гоҳ руҳий изтироб шаклида ифодаланди. Сирожиддин Саййид қаламига мансуб ушбу шеърда ҳам ўзига хос мантиқни кўришимиз мумкин:

⁶ Н. Раҳимжонов. *Мустақиллик даври ўзбек шеърляти*. – Тошкент: Фан, 2007. – Б.9.

⁷ Ян Парандовский. *Сўз кимёси*. // *Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида*. – Тошкент: Маънавият, 2010. – Б. 244.

⁸ С. Саййид. *Устимиздан ўтган ойлари*. – Т, “Чулпон”, 2014. – Б. 163.

*“Яхши муомала хизматчиларига –
Файзу барака ҳам саховат эрур.
Ёмон хулқ шумликдир, аёл кишига
Итоат қилмоқлик надомат эрур.
Ҳеч нарса панада қолмагай Оллоҳ
Ҳар нени назардан ўтказувчидир.
Қалбинг тоза бўлса, имонинг бутун,
Садақа – балони қайтарувчидир.”⁸”*

Шоир глобал микёсда фикрлай бошладими, демак, у жамиятдан бир эмас, бир неча қадам олдинда деган ҳаққоний қараш мавжуд. Буни асло инкор қилиб бўлмайди. Мунаққид Нурбой Жабборов қайд этганидек: “Шеърят – миллатнинг маънавий киёфасини кўрсатувчи ўзига хос мезон. Бинобарин, у майда хиссиётларни, ўткинчи ҳавасларни эмас, юксак туйғуларни, теран моҳиятни, бетакрор бадиий шаклда ифодамоғи зарур⁹”. Демак, умуминсоний даражада туриб фикрлар экан, ўз фикр-кечинмаларига салмоқдорлик бағишлаган, бу эса шоир ўз дунёсининг мукамал бўлишини, у табиат муҳофазаси бўладими, оила муаммолари, жами қарашларида миллат тарбиясига дахлдор тушунчаларни ошкор инкишоф қилишга кодир сўз зарғари сифатида иш тутиши муҳимлигини тақозо этади.

Умуман, ҳар бир шеър шоир англаган ҳақиқатлар уй, хаёллар замирида дунёга келади. Руҳият соф ва самимийлик томон ўзгаргани сари, шоирнинг бадиий маҳорати ҳам шунчалик тиниклаша, юксаклаша боради. Сирожиддин Саййиднинг “Яхшилик эскирмайгай (Қирқ ҳадис)” туркуми исломий ғояларнинг хоҳ муҳаббат, хоҳ дўст, хоҳ ҳаёт тўғрисида ёки шунга яқин мавзулар куйланган шеърларини яхлит олиб қарайдиган бўлсак, халқона оҳанг шоир ижодида ўзига хос, бетакрор, самимий, гоҳ ўйчан, гоҳ шод йўсинда ифода этилганлигининг гувоҳи бўламиз. Шундай экан, ҳар бир кўнгил ўзига хос оҳангни, туйғуни топиб ўқиши, қалбидаги саволларга жавоб ахтаришида – шоир ижодий дунёсидан баҳра олиб яшаши муҳимлиги аёнлашади.

⁹ Н. Жабборов. Замон, мезон, шеърят. – Тошкент: F.Ғулом НМИУ 2015. – Б.218.

Райҳонбўй сайрингга ҳамон муштоқман



Собир МУҲАММАД

* * *

Лаҳзаман,
томчининг умри мисоли
битади менинг ҳам оний парвозим.
Қўшилгум
якунда
сокин денгизга
ва йўқлик қаърига сингар овозим.

Не қолар
Қисматнинг ғадир йўлида,
насибми
кимнингдир олмоқ ёдини,
ёхуд
тийрамохнинг зим-зиё кўксин,
шамчиноқ мисоли ўтмоқ ёритиб.

Лабимда соҳира муждалар тагин
майсадай пичирлаб қилурман сажда,
борлик ва йўқликнинг аросатида
мен сенинг бор йўғи
лаҳзангман,
лаҳза.

***Собир МУҲАММАД** – 1998 йилда туғилган. Андижон Маиший хизмат касб-хунар коллежини битирган. Ёш ижодкорларнинг Зомин семинари қатнашчиси. Октави Паз, Антонио Мачадо, Мигел Эрнандесларнинг шеърларини исланд тилидан таржима қилган.*

* * *

Бу лойсувоқ уйнинг
томирдай ёйилган ёриқларидан
кўринар
йилларнинг ҳар босган одими.

Бобомнинг тафти бор бармоқ изида
Тарқалган (таланган) миллатнинг кечмиши аён.

Мен эса,
Уларга суяниб кутарман тонгни.
Асрки
Елкамни зах чимчилаган,
Ташқари чиқолмам очиб эшикни,
Синчига айланган бу ҳужраларнинг
Сузилган дорларнинг баланд оғочи.
Нураган қадимги асотирлардай,
Кафтимда қолгайдир бир сиқим тупроқ,
Ойсиз кечаларнинг қуйуқ бағрида,
Кўзимга оҳларин чизар халойиқ.
На исён этарман, тилим кесилган,
На кўниб яшашга бордир эҳтиёж,
Фақат тонгни қутмоқ мумкиндир бунда,
Қароғни очмасдан қутмоқлик фақат...

* * *

Энам Мўйдин Сўфи қизи Ширмонга

Эна,
бобом тупроқ бўди,
тун қора рўмолинг мисол
елканг узра сузди муаллақ
титилган кечанинг ямоқларидан
ойнинг ҳалол нурлари сизиб
тўпланди кўзларинг ўрнида ҳалқоб.

Эна,
сен ҳам кетдинг
кузак кечалар
чўпчак тингламадим, тушга шўнғидим
ҳар ҳолда хотиржам тонглар отарди
тинглаб сенинг соянг қироатини.

Эна,
ҳали ҳам тунлар зулматранг
сенинг сочларингдек чигал ўй ҳоким
мен-ку ёлғизликка бордим кўникиб
сенчи ёлғиз қўрқмаяпсвнми.
Эна,

ёдинг қолди,
ёмғирли ҳаволар оғушларида
райҳонбўй сайрингга ҳамон муштоқман.
маюс сувратингга термулган сари
эврилиб бормокда руҳим ушшокқа

Эна,
Ҳали ҳам тунлар зулматранг

* * *

Сўзлармиш миҳхату ўрхун битиги
Даҳма деворига чекилган ёзук
Қадим шеваларинг тингламоқ истам
Сопол сукутгоҳинг кўрсатгин оссур
Қониб ичай асрий ирмоқларидан,
Тўлдирайин тагин бу нафси-кўзам
Қулоқ тутгум зўр сабот билан
Сукун ичра қадим тошлар сўзласа.
Эланиб вақтнинг ёриқларидан,
Кафтимга тўкилган умидим-мужда
Чор тараф тарикдай сочилиб
Учар сайроғин унутган кушлар.

У суврат чизарди,

қаро кеча узра мўйқалам,
ўрмалар чувалчанг мисоли,
тасаввурдай чалкаш лаҳзада...
февралнинг сўнгги кунларин ўйлаб,
шам эриб борарди тобора,

У суврат чизарди...
Соҳир нигоҳлари унинг шифтида.
эрк ҳақда қуйлаган аёлдай маъсум,
Нозик кафтларида мўйқалам,

Титраниб, титраниб рақс тушар вазмин,
у суврат чизарди тушлари...
тушлари ҳаққи,
тонгда узилиши тайин тор каби,
сўниши муқаррар зардушт ўтидай,
Жонин бахш этарди сўнгги сувратга...
У суврат чизарди
дераза ортида,
сиртмоққа олинган махбус каби ой,
Кумуш толаларин сочар атрофга,
У эса бепарво суврат чизарди,
Қакнуслар рақсин...

Куз

1

Тўлкинланар само денгизи,
Юлдузларни ютар тийрамоҳ,
Оғир, қизнинг кўзига боқиб,
Хазоний қичқириқ тингламоқ.
Ғичирлар чинорнинг хаёли,
Сандулоч шохларни этар тарк,
Нигоҳим уларни овлайди,
Узилиб тушади сўнгги барг!..

2

Қайиқчидай кипригинг эшиб,
Сузаман нигоҳинг дарёларида,
Симирганча анор шаробин,
Чўкадирман хаёлларингга.

Менга тухфа этсанг-у етар,
Ой сутига чайилган кулгунг,
Гар жазоим қўлингда бўлса,
Шавқат қилма,
Кўзларингни юм...

* * *

Жим қайтаман ижара уйга
(Куй чалинар балки у Моцарт),
Товонимни ялайди унсиз,
Чувринди ҳасрат.

Базўр нафас олар теварак,
Майдакашлик қилади ёмғир,
Қишлоқнинг бир бурчакларида,
Бобом ўйи “набирам соғдир”.

Кетиш керак, ундайди биров,
Манзил сари қанча юрилар,
Саҳаргача дайди ит билан,
Шеър ўқиймиз бодом гулига...

Скрипка чалади қўшним,
Суянаман, девор ўртада,
Ҳиссиз ромнинг тирқишларидан,
Сизиб кирар таниш ноталар...
Эгаллайди зумда хонани,
Рақс тушади китоб устида,
Ўсиқ сочим, бармоқларимга,
Илашиб олади мусиқа.
Отилиб чиқаман кўчага,
Нафис куй эргашар орқамдан,
Табиатнинг яратиклари,
Дўниб борар бир-бир оҳангга...
Ухлаб қолма, нотаниш машшоқ,
Воз кечилди гўзал тушлардан,
Қара, Моцарт,
Симёғоч билан,
Саҳаргача вальсга тушаман.
Скрипка чалар табиат.



Abdujabbor OBIDOV

Savodxon jo'ja

Ertak qissa



Bir bor ekan, bir yo'q ekan, Sotvoldi degan yalqov yigit va uning kasalmand onasi bo'lgan ekan. Unga otasidan kattagina hovli qolgan ekan. Hovlining yuqori qismida uy-joy, quyisida esa mol-hol, parrandalarning katak va bostirmalari bor ekan.

Hovlining etagida kurkalarining qo'ng'iroq chalingandek cho'ziq ovozlari, xo'rozning qichqirig'i, tovuqlar qaqillagani, qo'ylarning baragani, govmishning mo'raganidan hayot qaynab turar ekan.

– Bularning bari baraka, rizq, bolam – deb, otasi uqtirganiga qaramay o'g'li bu gaplarni qulog'iga olmagan ekan.

Qushlar ham chug'urlashib, hovliga kelishar, parrandalar rizqiga sheriklik qilishar ekan. Ularning tovuqlar orasiga qo'nishib don yeyishi hayotni yana ham jonlantirar ekan.

Vaqt-soati yetib, otasi kasal bo'lib ushlab yiqilibdi-yu, qaytib o'rnidan turmabdi.

Natijada, parrandalar egasiz qolgandek, qarovsiz qolibdilar. Ustiga-ustak, katakning tomidan chakka o'tib, tovuqxonaning bir cheti zaxlabdi. Yaxshiyamki, qo'noq uchun yog'och tortilgan ekan, tovuqlar o'shanga chiqib tunlarini zo'rg'a o'tkazadigan bo'lishibdi. Devorlar nurab, teshik paydo bo'lsa ham Sotvoldining parvoyiga kelmasmish.

Tovuqlar ichida jappon tovug'i ham bor ekan. Kichkinagina, ammo uning tuxumini Sotvoldining onasi juda dori deb bilarkan. Shuning uchun indamay chidab kelar, yo'qsa, qo'y-sigirlarni yo'qotgandek, parrandalarni ham sotib yuborishga tayyor ekan.

Chipor tovuq tuxumdan chiqib xurpayib, “kurk-kurk” deb tovush chiqarib yurishi, oxir bir-ikkita tuxumning ustiga yotib olganiga ham Sotvoldining farosati yetmay tagidan tuxumni olib yuraveribdi.

***Abdujabbor OBIDOV** – 1953 yilda tug'ilgan. O'zbekiston Milliy Universitetini tamomlagan. "Shabnamdek pok muhabbat", "Daraxt gullab topar e'tibor", "Mahliyo ko'ngil", "Javzo ifori", "Shosh ohanglari", "Mumtoz navo", "Seni qizg'onaman" va "Siyrat" kabi she'riy kitoblari muallifi. "Baxtini yo'qotgan...", "Buyuk ShOSh yohud ko'hna Toshkent darvozasi", "Ikki jahon ovoralari" kabi romanlari, "Cho'rtkesar" nomida hikoya va qissalari chop etilgan.*

Qo'shnilarining Norbibi degan qizi bor ekan. U Sotvoldining onasi ahvolidan tez-tez xabar olib turar ekan. Bir kosa ovqat yoki tandirda o'zi yopgan somsa bilanmi yo'qlab turar, onaxon cho'zilib yotib qolganida-ku, har kuni xabar olishni kanda qilma.

Onaxon bir kuni Norbibiga niyatini aytibdi:

– Norbibi, sen sinashtasan. Yo'q demasang, seni kelin qilaman.

Norbibi ichidan suyunibdi-yu, lekin sir boy bermay boshqacha javob beribdi.

– Chipor tovuq kurk bo'libdi. Ostiga o'ntacha tuxum qo'ydim.

– Ana shuni ham fahmlabsan, o'rgilay.

* * *

Chipor tovuq tuxumdan jo'ja chiqaraman deb, astoydil yotib olibdi. Lekin do'stlari uni tinmay turtisharkan.

Qora tovuq masxara qilibdi:

– Bekorga ovora bo'lyapsan! Tuxumlarni boshqalarning uylaridan olib kelishgan. Shunga ham jon kuydirib bosib yotaverasanmi?

Chipor xafa bo'lib boshini chetga buribdi.

Jappon tovuq uning ko'nglini ko'taribdi:

– Ahamiyat bermang, chipor xonim. Mehringiz natijasiz bo'lmaydi.

Tovuqlarning gap-so'zlariga aralashmay xo'roz nariroqda gerdayib yurganmish.

Qari kurka esa boshini bir ko'tarib bo'ynidagi osilgan baqbaqasini namoyon qilarkan ularning suhbatlarini eshitib, yana mudrashda davom etibdi.

* * *

Tez orada uch-to'rt qarindosh-urug'lar bilan kichkinagina to'y ham o'tibdi. Norbibi ro'zg'ordagi barcha ishni eplagani qatori, parrandalar holidan xabar oladigan kuyinchak bekaga aylanibdi.

Sotvoldi ham o'zgarib, kataklarning ichlarini tozalab tomini mahkamlab yopibdi. Undagi harakatlarga hamma parrandalar hayron qolgancha, qu-qulab fikr almashisharkan: Xo'jayinimiz yaxshi bo'lib qolibdimi? Lekin unga ishonib bo'lmaydi. Kelgan beka juda mehribon, faqat u bizga saxovat ko'rsatadi, mana ko'rasizlar, – degan gaplar o'rtada aylanibdi.

Yigirma bir kun deganda jo'jalar tuxumlarini yorib chiqa boshlabdilar.

Ajab, sakkizta jo'ja paydo bo'libdi-yu, lekin ikki tuxum yorilmasmish. Qari kurka g'ul-g'ul qilib, ular palag'da bo'lgan boshqa kutishdan ma'ni yo'q, degan qarorga kelibdi. Chipor tovuq uning gapiga ko'nib, indamay, jo'jalarni hovliga boshlabdi.

Oxirgi paytlar, Sotvoldi, u yoq-bu yoqqa alanglab, xotini atrofda yo'qligiga ishonch hosil qilgach, qo'lini katakning teshigidan tiqib jappon tovuqni turtib, bosgan tuxumiga yopisharkan.

Bir kuni, Sotvoldining cho'zilgan qo'liga hech narsa ilinmabdi. Qarasa tuxum yo'q emish. Uning jahli qo'zg'ab baqir-chaqir qilibdi.

– Qani tuxum, japponcha?

Yer titib yurgan jappon tovuqqa alam bilan kesak otibdi.

Hech kim uning jahli nimaga chiqqanligini bilolmasmish. Egalari nega darg'azab? Axiyri, qari kurka gap nimadaligini ko'pchilikka yetkazibdi. U odam tilini tushunar ekan.

Hamma boshini sarak-sarak qilibdi.

Jappon tovuq: – Ayb mendami? Tuxumlarni tortib ketish kalamush va zag‘izg‘onlarning ishi. Ularni yo‘q qilmas ekan, bu hol davom etaveradi-da! – deb ariqqa yaqin yerda o‘sgan maysalar tarafga yo‘l olibdi. Boshqalar qatori chipor tovuq ham jo‘jalarini o‘sha tomonga boshlabdi.

Ammo, o‘sha kuni ularning uyiga yana kulfat yog‘ilib, baland yong‘oq barglari orasida yashiringan qirg‘iyni hech kim sezmabdi. Qirg‘iy quyuq shoxlar orasidan o‘qday chiqib, birdan pastga sho‘ng‘ibdi. Chipor tovuq boshini tepaga ko‘tarib, xatarni ko‘rib, qoqolab ogohlantirishga ulgurgan bo‘lsa-da, barcha jo‘jalar ona tovuq qanoti ostiga yetib borolmabdilar. Eng orqada qolgan, semizligidan lapanglab yuradigan jo‘jachani g‘archcha changaliga qisgan qirg‘iy yashin tezligida osmonga ko‘tarilibdi. Uning ortidan quvlagan chaqqon xo‘roz ham dog‘da qolaveribdi.

Chipor tovuq: jo‘jamdan ayrildim, deb chirqillabdi.

Attang, bu yo‘qotish ular uchun oxirgisi emas ekan.

Chipor tovuq jo‘jalarining quloqsizligidan egachilariga nolib yurardi. Chunki, ozgina vaqt o‘tmay, uzoqroqda sandiroqlagan boshqa yana bir jo‘jasini qo‘shnining ola mushugi ilib ketibdi. Jo‘jani bo‘g‘zidan tishlagan mushuk, bir sakrab daraxtga, undan tomga o‘tib ko‘zdan yo‘qolibdi. Oqpat deb, hamma chaqiradigan jo‘ja navbatdagi palakatdan ko‘p qayg‘uga botibdi. U bir kun onasiga debdi:

– Dadam qani? Ukalarimni qo‘riqlamaydilar mi?

* * *

Ertasi ertalab Oqpat muhim masalani o‘rtaga tashlabdi:

– Sizlarni bilmadim-u, lekin odamlarga o‘z dardimizni aytib turmasak, boshimizga kulfatlar yog‘ilib, birin-ketin qirilib ketadiganga o‘xshayapmiz, – debdi.

Xo‘roz norozi qaqolab:

– Ertalabki salqinda, yer titishdan foydali mashg‘ulot bo‘lmasa kerak. Qani, tovuqlar gapni yig‘ishtiringlar. Jo‘jalar rizqidan qolib ketmasin, – deb bahsni to‘xtatibdi.

Chipor tovuq:

– Odamlarga qandoq yetkazamiz? Ular bizni tushunmaydi-ku? Chip-chip jo‘jalarim, chopqillab-chopqillab menga ergashinglar, – deb maysa o‘sgan yerga jo‘jalarini boshlabdi.

Jappon tovuq ularga qo‘shilib o‘zicha nolibdi:

– Ko‘pgina joylarda tovuqlar alohida ajratilgan katakchalarda boqiladi. Don-dun, yemak izlab, har yerlarni titib yurmaysan. Maza!

– Kurka momo, bir nima deng, yo‘qsa bular inkubatorni havas qilishyapti. Keng hovli qayda-yu, hatto, bo‘yningni burishga imkoni yo‘q torgina katak qayda, – debdi qora tovuq.

Xo‘roz unga dalda beribdi:

– Bizga hecham inkubator kerakmas. U holda sizlarga xo‘jayinligim qoladimi? To‘g‘rimi? – deb kurkaga o‘girilibdi.

* * *

– Bo‘lmasa qaysi harfdan boshlashimizni bilasanmi? – deb so‘rabdi qari kurka.

– Bilaman. “Qo” harfidan.

- Unaqa harf yo‘q-ku.
- Hamma tovuqlar, shu jumladan oyim ham qoqolab yurishadi. Nega endi bunday harf yo‘q bo‘larkan? – debdi Oqpat.
- “Qo” degani, bitta so‘z. Harf emas. Tushundingmi?
- Himm...
- To‘g‘ri, lekin so‘z ham bitta harfdan tashkil topishi mumkin. Lekin, asosan bo‘g‘in harflar qo‘shilishidan hosil bo‘ladigan tovushdir. Misol uchun o-o yoki a-a. Endi tushundingmi?
- Shuncha narsani bilar ekansiz, o‘zingiz odamlarga arz-dodimizni yetkazsangiz bo‘lmaydimi?
- Meni esim kirdi-chiqdi bo‘lib qolgan. Bir vaqtlar muallim bilan yozishmalar qilardik. Esiz, u damlar.
- Gaplashib ko‘rmaganmisiz?
- Odamlar bilan hamsuhbat bo‘lish bizlarga nasib qilmaydi. Tillashaman deb urinish befoyda.
- Nega? Nima uchun?
- Chunki ularning og‘iz bo‘shlig‘i, so‘z aytadigan tili tanglayi boshqacha yaratilgan. Men ham ularga o‘xshab gapirib ko‘raman deb, ko‘p uringanman. Umrinning yarmidan ko‘pini shu mashqqa sarfladim. Behuda! Bir-biriga uriladigan qo‘ng‘iroqchalardek tovush chiqarishdan nariga o‘ta olmadim.
- Befoyda deng.
- Faqat to‘tilargina so‘zlarni takrorlay olishadi. Ongsiz ravishda yodlab, yaxshi-yomon so‘zning farqiga bormay, qaytaraverishadi. Xo‘jayinining kayfiyati yomon paytida nojo‘ya so‘zni takrorlab, qozonga tashlangan to‘tilarning nechtasini eshitganman.
- U holda, menga savod nima uchun kerak? Yozishmalar orqali, xo‘jayin bilan bog‘lanish uchunmi? U ham jahldor jonzotlardan. Men ham g‘azabiga duchor bo‘lib, bevaqt boshim ketmaydimi?
- Avvalo xatni bekaga bitganimiz ma‘qul bo‘ladi. Keyin yaxshi so‘zga ilon chiqar inidan, degan gap bor, – deb qari kurka serma‘no bosh irg‘adi. – Yoki chindan aynidingmi? Savodxon bo‘lging kelmayaptimi?
- Oqpatning ahdi ahd emish:
- O‘rganaman dedimmi – o‘rganaman! Qani “Alifbo”ning birinchi harfini oching, momo? – debdi.
- Momo saboqni “o” harfini o‘rgatishdan boshladi. Bu harfning aytilishini o‘zicha bir necha bor o‘xshatgach: – Odam bolasi og‘zini ochadi-da, tilini pastki jag‘iga yopishtirgancha, cho‘zib aytadi, debdi.
- Qani, men ham aytib ko‘ray-chi, – debdi Oqpat.
- Yaxshi. Lekin bu harfni tovuq-xo‘rozlar o‘xshatib aytish uchun oldiga “q” harfini qo‘shganlari ma‘qul. Qani, “qo” deb ko‘r-chi, – debdi qari kurka.
- Oqpat “qo”ni aytish o‘rniga, bexosdan “jip-jip” deb tovush chiqaribdi.
- Qari kurka uni uyaltirmabdi, aksincha:
- Ha-ya. Sen hali jo‘jasan-ku! Katta bo‘lsanggina qoqolashga o‘tasan-u?! Esim qursin, – deb kulib qo‘yibdi. – Yaxshisi, bu harfni yozib ko‘rishni mashq qilamiz. Qani tumshug‘ingga bitta tosh ol-chi.
- Oqpat kurka aytgandek chelakdan mayda toshchani tumshug‘iga ketma-ket ilib, yerga terib, “o” harfiga o‘xshash dumaloq shakl yasay boshladi. U, hatto, “Alifbo”dagi bu harfning shakliga ortiq qaramayotganini ko‘rib, qari kurka shogirdining zehniga qoyil qolibdi.

Kurka momoning hurmati zo'r ekan. U boshqa parrandalarga yong'oq ostidagi supadagi kitoblarga tegmaslik, toshlarni sochib o'ynamaslik, umuman, supaga chiqmaslikni tayinlabdi. Kim so'zimni ikki qilsa, g'azabimga duchor bo'lishini biladi-a deb, qo'ng'iroq chalinganda taraladigan kabi g'ul-g'ul deb tovush chiqaribdi.

Parrandalar hech qachon uning izmidan chiqishmas ekan, bu gal ham gapini ikki qilishmabdi.

* * *

Har topganda: juda mazalida, qurmag'ur deb boshqalarni asabiga tegarmish.

Chipor tovuq: men nima tashvishdaman-u, sizning tomog'ingizdan tomoq o'tishini qara, deb achchiqlangancha boshini buribdi.

– Menga nima? jo'jalarim bo'lmasa, shundoq ham tashvishim o'zimga yetarli, – deb bezbetlik qilibdi qora tovuq.

Xo'roz uni bir tepmoqchi bo'libdi-ku, yana tovuqlar ishiga aralashishni o'ziga nojoiz bilibdi.

Boshqalar bosh eggancha jim emishlar.

O'ntacha yuborilgan xabarlarga na javob, na yordam bo'libdi.

Ba'zi birlari: hazillashmagin, bola. Jo'jamas balki aynagan xo'jadirsan, degan javob beribdi.

Bir xili: bizga emas, burgutga xabar bersang durust, balki qanotida pastga tushirib qo'yar, deb kalaka qilibdi.

Faqat, bir marhamatli boladan xabar kelibdi. U o'sha qishloqlik Matlab degan o'smir ekan. “Yo'lga chiqdim, ko'makka boraman”, – debdi u.

Oqpat bu yerdan tezroq yo'qolmasam, qirg'iyga endi tayyor “o'lja” bo'laman deb qayg'uga tushib, pastga qarabdi. Afsuski, qanotlarim o'smagan. Dumalab-sumalashga ham imkon yo'q. Hamma yoq tosh. Naq tumshug'im bilan urilsam o'laman, deb o'ylabdi.

Bu vaqtda Matlab qo'liga uch metrga yaqin tayoq, yelkasiga xalta osib, yo'lga tushgan ekan. U tog' yo'llari so'qmoqlarini yaxshi bilgani uchun Arxar cho'qqisini birpasda topib, so'ng tayog'iga xaltani boylab cho'zibdi. Oqpat unga yordam kelganidan juda xursand bo'lib ketibdi, lekin shoshib qolmabdi, avval xaltaga panjalari bilan smartfonni surib, so'ng o'zi joylashib, keyin chip-chiplab, men tayyorman degandek xabar beribdi. O'smir tayoqni o'ziga tortibdi. Oqpatga: senmi hali savobxon jo'ja, butun qishloq seni qadrlarkan, barcha sen to'g'ringda qayg'uda edi, degancha boshini silab xalta og'zini yopib, yelkasiga boylab pastga tushibdi, Sotvoldi yalqov uyiga yetibdi-da, beka va parrandalarni olqishiga, hamda rahmatiga sazovor bo'libdi.

Oqpat esa bekaga endi siz bilan tosh teribmas, smartfonda xat bitib gaplashamiz, chunki unda xabar yuborishni o'rgandim, deb so'nggi bor toshlardan gap tuzibdi.

Beka unga kulgancha qarab boshini silkiganmish. Qari kurka shogirdini sog'-omon ko'rganidan sevinibdi. O'zini qutqarish uchun o'ylab topgan hiylasini: qirg'iyi qanday qilib laqillatganini eshitib rosa miriqib kulish uchun g'uldiraganga o'xshash tovush berganmish. Hamma shod, xurram, faqat qora tovuq yomonligi oxirigacha yetmagani uchun siqilib yanada qora tusga kirganmish.

Адабий ҳаёт

1 август. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан Ватанимиз мустақиллигининг 31 йиллигига бағишлаб она диёримизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, жонажон Ўзбекистонимизнинг буюк келажаги йўлидаги улуғвор янгиланишлар, фидойи замондошларимизнинг ёрқин сиймолари акс эттирилган, юксак маҳорат билан ёзилган бадиий-публицистик мақолалар, очерклар, насрий ва шеърӣй йўналишдаги энг сара асарларнинг анъанавӣй “Ватан учун яшайлик!” Республика танловини эълон қилди.

* * *

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира Замира Рўзиеванинг “Васфимда Андижоним” номли китоби ҳолда “Янги аср авлоди” нашриёти томонидан чоп этилди.

Шоира Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижодий фаолиятини, унинг бетакрор шахсиятини тараннум этувчи “Ташнадил” тўплами ҳамда туркум шеърлари учун Бобур халқаро мукофоти билан тақдирланди.

* * *

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира Дилрабо Мингбоеванинг “Тимсоллар тилсими” номли 2-китоби нашрдан чиқди.

* * *

3 август. Адиблар хиёбонида Алишер Навоӣй ҳайкали қошида “Адабий дўстлик – абадий дўстлик” мавзусида қардош халқлар ёзувчи ва шоирларининг асарлари кўргазмаси бўлиб ўтди.

* * *

4 август. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, адиб Юсуфжон Алихонунинг “Илму одоб жавоҳирлари” номли янги китоби нашрдан чиқди. Ушбу китоб ҳикоят ва ҳикматларни ўз ичига олган бўлиб, ёш авлод, ота-оналар, устоз мураббийлар, инсониятнинг маънавий юксалиши йўлида жон куйдираётган фидойи, заҳматкаш инсонларга мўлжалланган.

* * *

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар ва Кинематография агентлиги, Бадиий академия, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Республика “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси ҳамда Ёзувчилар уюшмаси мамлакатимиз мустақиллигининг ўттиз бир йиллигига бағишланган “Энг улуғ, энг азиз” анъанавӣй республика кўрик танловини эълон қилди.

* * *

5 август. Ижодкорлар ва ҳарбийлар ўртасидаги ҳамкорлик асосида “Мард аскарга совға” – янги китоби нашр этилди. Туркумда адабларимизнинг она Ватанга садоқат, фидойилик, мардлик ва жасорат каби фазилатлар тараннум этилган энг сара ҳикоялар, шеър ва дostonларидан парчалар, шу мавзудаги машҳур кўшиқларнинг матнлари жамланган.

* * *

10 август. Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази Шайхонтоҳур туман бўлинмаси томонидан Абдулла Қодирий уй-музейида “Китобга ошно қалблар” шиори остида “Жадидлар” тўплами ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзosi, шоир Мансур Жумаевнинг “Ҳайрат кўшиқлари” номли китобининг тақдими ўтказилди.

* * *

11 август. Ижодкор Салима Умарованинг “Бир қатим нур” номли насрий китоби нашрдан чиқди.

* * *

Шоира Дилрабо Мингбоеванинг “Ёлғиз ой кўшиғи” номли китоби Туркияда “Убунту” нашриёти томонидан чоп этилди.

* * *

12 август. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳомийлигида “Қашқадарё оҳанглари” номли янги китоб нашрдан чиқди. Ушбу китобга қашқадарёлик ёш ижодкорларнинг сара асарлари жамланган.

* * *

15 август. Ижодкор Сайёра Тўйчиеванинг “Шарофнома” номли янги китоби нашрдан чиқди. Ушбу китобда атоқли давлат ва жамоат арбоби, етук адиб, халқпарвар инсон Шароф Рашидовнинг ижодига назар, унинг юрт тараққиёти ва келажаги учун қилган салмоқли меҳнати, зиёли аҳлига бўлган чуқур ҳурмати, таълим ва тарбияга муносабати ҳамда у кишининг шахсий ҳаётдаги намуна бўлгулик ибратли ишлари хусусида сўз юритилади.

* * *

17 август. 2022-йилда Республика ёш ижодкорлари анъанавий семинари иштирокчиси бўлган саксон беш нафар ижодкорларнинг ижодий машқлари

Ўрин олган “Энг гуллаган ёшлик чоғимда...” номли баёз нашрдан чиқди. Тўпламга қорақалпоқ диёрида ҳамда мамлакатимизда рус тилида бадиий ижод билан шуғулланаётган ёшларнинг ҳам ижод намуналари киритилган.

* * *

23 август. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида уюшма аъзоси, филология фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Акбаровнинг “Дийдор кўришганга нима етсин”, “Мароқли фасллар, эъзозли мусоҳиблар” номли китоблари тақдими бўлиб ўтди.

* * *

24 август. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, атоқли адиб Неъмат Арслоннинг қатор сара ҳикоялари ўрин олган “Ёзувчи учун атир” номли янги китоби нашрдан чиқди.

* * *

25 август. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, ёзувчи Луқмон Бўрихон қаламига мансуб “Сокин дарё” номли романи китоб ҳолида чоп этилди.

МУНДАРИЖА
БАРҶАЁТ СИЙМОЛАР

Исмоил ТЎЛАК. Интиланган ошёним танҳо бағрингдир.....4

НАЗМ

Йўлдош ЭШБЕК. Сенга сифинмаслик буюк ситамдир.....16

Муҳайё РУСТАМ қизи. Сезяпман, севгидай
келмоқда баҳор.....22

Гулноз МЎМИНОВА. Ҳар неки бор – янчиб ўтар вақт.....26

Дилором ИСМОИЛОВА. Кўзларимдан узатдим меҳр.....122

Ашурали БОЙМУРОД. Шивирлайди найсон томчиси.....128

НАСР

Жўра ФОЗИЛ. Паришон баҳор. *Ҳикоя*.....9

Маъмура ЗОҲИДОВА. Манглайдаги ёзиқ. *Қисса*.....35

Хурсанд А.ЛИ. Бўрон. *Ҳикоя*.....132

АДАБИЁТ ВА ШАХС

Хулкар ТУРДИЕВА. Фидойи олим, беназир адабиётшунос...148

Отажон НОРОВ. Сирождидин Саййид шеърятнда
исломий ғоялар талқини.....158

ДРАМАТУРГИЯ

Тўра МИРЗО. Усмон шоир – осмон шоир.....99

БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

Собир МУҲАММАД. Райҳонбўй сайрингга
ҳамон муштокман.....163

BOLALAR DUNYOSI

Abdujabbor OBIDOV. Savodxon jo'ja.....168

Адабий ҳаёт.173

Шарқ юлдузи

2022

8-сон

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

* Муаллифлар фикри
тахририят ижодий жамоаси нуктаи
назаридан фарқланиши мумкин.
Тахририятга юборилган
материаллар муаллифларга
қайтарилмайди.

Журнал ОАК эътироф этган
нашрларнинг 10.00.02 “Ўзбек
адабиёти” ихтисослиги бўйича
рўйхатига киритилган.

* Журналга обуна даврий
нашрларни етказиб бериш
билан шугулланувчи барча
ташкilotлар орқали амалга
оширилади.

Обуна индекси – 911

Манзилимиз:

100066, Тошкент шаҳри,
Бунёдкор шоҳкўча, Адиллар хиббони,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
биноси.

Телефонлар:
71231-23-65, 71231-23-68 903721438
www.sharqyulduzi.uz
e-mail: sharqyulduzi@umail.uz
sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишга рухсат этилди:
07.10.2022

Қоғоз бичими 70x108 ¹/₁₆
Офсет босма усулида офсет қоғозида
босилди. Босма табоғи 11,0.
Шартли босма табоғи 15,4.
Нашриёт ҳисоб табоғи 17,2.
Адади 6650 нусха.
Буюртма №22

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида 05.02.2016 й.
0562-рақам билан рўйхатга олинган.

“PRINT REBEL” МЧЖ
матбаа корхонасида chop этилди.

Корхона манзили:

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани,
Ўрозбоев кўчаси, 35-уй
Журнал ойда бир марта
chop этилади.

Мусаххихлар:

Дилфуза Маҳмудова
Моҳира Ҳусанова

Саҳифаловчи-дизайнер:
Ҳудаёров Бунёдбек

Copyright © “Шарқ юлдузи”